



АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Д.Н.Сайдова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 257 б.

Тақризчилар:

М.М.Тошқўзиев	Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, профессор, биология фанлари доктори
Н.М.Ибрагимов	Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, профессор, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Б.Т.Салимов	ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси профессори, и.ф.д

Ушбу ўқув қўлланма Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё давлатлари ташаббуси (ЕРБМОДТ) II-босқичи доирасида «Билимларни бошқариш» ИКАРДА лойихаси ёрдамида чоп этилди.

Мазкур ўқув қўлланма “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги“ фанининг дастурига мувофиқ ёзилган. Унда фаннинг илмий-услубий асослари, аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлигининг иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, аграр сиёсат ва ислоҳотларнинг моҳияти, мақсади ва тамойиллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг назарий-услубий асослари, хорижий мамлакатларда уни таъминлаш бўйича эришилган ютуқлар, тажрибалар, аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодиётини тартибга солиш даражаси ва усувлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг ўрни ҳамда мамлакатимизда озиқ-овқат таъминоти ва бошқа муҳим масалалар ёритилган.

“Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги“ ўқув қўлланмасида келтирилган кейслар, вазиятли масалалар ва топшириклар талабаларда мазкур фан бўйича билимларни мустаҳкамлашга, мустақил фикрлаш кўнукмасини шакллантиришга, аграр ва озиқ-овқат бозорларидағи замонавий тенденцияларни кузатиш ва улар тўғрисида назарий хуносалар чиқариш юзасидан малакаларга эга бўлишга ёрдам беради.

Ушбу ўқув қўлланма қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар ва илмий ходим ҳамда мутахассислар учун мўлжалланган.

Муаллифлар жамоаси мазкур ўқув қўлланмани тайёрлаш ва чоп эттириш жараённида яқиндан ёрдам берган А.А.Акрамхонов, Т.Н.Ибрагимов ва Н.Л.Жалиловга чуқур миннатдорчилигини билдиради.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент давлат аграр университети Ўқув-услубий кенгашининг 2016 йил 28 мартағи 1-сонли қарори билан чоп этилди.

Д.Н.САИДОВА, И.Б.РУСТАМОВА, Ш.А.ТУРСУНОВ

АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Ўқув қўлланма

Тошкент-2016

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-БОБ “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг предмети ва тадқиқот усуллари.....	4
1.1. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	4
1.2. Фаннинг ўрганишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари.....	5
2-БОБ Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг мазмуни, мақсади ва асосий йўналишлари.....	8
2.1. Аграр сиёсатининг мақсади ва вазифалари.....	8
2.2. Аграр сиёсатнинг тарихий, ҳуқуқий ва институционал асослари.....	12
2.3. Аграр сиёсатни амалга оширишнинг восита ва механизmlари.....	16
2.4. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий йўналишлари, босқичлари ва ривожланиш тамойиллари.....	21
3-БОБ Ўзбекистонда аграр ислоҳотларининг асосий йўналишлари.....	22
3.1. Аграр ислоҳотларнинг моҳияти ва ҳуқуқий асослари.....	22
3.2. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг босқичлари ва асосий йўналишлари.....	24
3.3. Бозор муносабатларини шакллантиришда аграр ислоҳотларнинг тутган ўрни.....	31
4-БОБ Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.....	37
4.1. Ривожланган мамлакатларда аграр сиёсат.....	37
4.2. Ривожланаётган мамлакатларда аграр сиёсат ва ислоҳотларнинг хусусиятлари....	46
5-БОБ Озиқ-овқат хавфсизлиги-миллий озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг стратегияси.....	48
5.1. Озиқ-овқат хавфсизлиги: тушунча ва тажриба.....	48
5.2. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат таъминоти ва истеъмоли.....	50
6-БОБ Озиқ-овқат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асоси.....	60
6.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли.....	60
6.2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мезонлари ва параметрлари.....	62
7-БОБ Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш мезонлари.....	70
7.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш тамойиллари ва даражалари.....	70
7.2. Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткичлари.....	70
8-БОБ Озиқ-овқат хавфсизлиги омиллари ва аграр соҳани ривожлантириш.....	75
8.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар.....	75
8.2. Аграр соҳани ривожлантириш масалалари.....	78
9-БОБ Озиқ-овқат хавфсизлиги ва меъёрий овқатланишнинг ижтимоий-ташкилий асослари.....	82
9.1. Тиббий меъёrlар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси.....	82
9.2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва озуқавий қиймати.....	88

10-БОБ	Жаҳон мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги.....	93
10.1.	Глобал иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва жаҳон мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи.....	93
10.2.	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро тажрибалар.....	96
10.3.	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро ташкилотлар.....	99
11-БОБ	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигида инновациялар.....	101
11.1.	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигида техник-технологик салоҳиятни оширишда инновацияларнинг ўрни ва аҳамияти.....	101
11.2.	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши техник-технологик элементларига инновациялар трансфертини амалга ошириш хусусиятлари.....	105
11.3.	Ахборот-маслаҳат тизимининг, инновацияларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига трансферт қилиш механизми сифатидаги ўрни.....	109
12-БОБ	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигида инновацияларнинг самарадорлиги.....	120
12.1.	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ер ресурсларини бошқариш ва инновациялар.....	120
12.2.	Суғориладиган ерларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	134
12.3.	Лалми ерларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	157
12.4.	Тоғли ҳудудларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	164
12.5.	Чўл ва яйлов ҳудудларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	167
12.6.	Боғдорчилик ва сабзавотчилиқда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	172
	Кейслар, топшириклар, вазиятли масалалар ва тестлар.....	184
	Глоссарий.....	213
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	252

КИРИШ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда деярли ҳар тўқиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фойизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминалар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда.

“Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани, натижада атроф-мухитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар”дир [14].

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, “Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, ҳеч шубҳасиз, шу борадаги саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва кенг миқёсдаги ҳалқаро ҳамкорликни, келажакка қаратилган ёндашув ва хulosаларни биргаликда ишлаб чиқиши тақозо этади. Ва ўз-ўзидан тушунарлики, жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равиша алмасиб туришни талаб қиласи” [25]. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар юзасидан Президент И.А.Каримов томонидан жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равиша алмасиб туриш ғояларининг илгари сурилаётганлиги республика иқтисодиёти барқарорлигини таъминловчи асосий омилга айланади.

Глобал даражада молиявий-иктисодий инқироз давом этаётган бугунги шароитда жаҳон ҳамжамияти ташкилотларига аъзо бўлиш ва тенг ҳуқуқда фаолият кўрсатиш, иккинчи томондан, агросаноат мажмуаси соҳаларида том маънода модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан фақатгина мажмуя корхоналарини эмас, балки миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларини самарали фаолият кўрсатиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Агросаноат мажмуаси соҳаларида модернизациялаш жараёнлари давлат ва худудий жиҳатдан йирик тадбирлар ҳисобланиб, бу тадбирларни ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар талабини қондириш, ички ва ташки бозорга харидорбоп ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг реал секторини самарали фаолият кўрсатиши ва шу каби бошқа ижобий натижаларга эришиш имкониятини яратади. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, ижтимоий қўмак, барқарор иқтисодий ўсишга қаратилган кўп томонлама стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириши талаб қиласи.

Мазкур ўқув қўлланмада аграр сиёsat ва ислоҳотларнинг моҳияти, мақсади ва тамойиллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли, озиқ-овқат хавфсизлигининг назарий асослари, хорижий мамлакатларда уни таъминлаш бўйича эришилган ютуклар, тажрибалар, аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодиётини тартибга солиш даражаси ва усувлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг ўрни ҳамда мамлакатимизда озиқ-овқат таъминоти масалалари баён этилган. Ўқув қўлланмада келтирилган кейслар, вазиятли масалалар ва топшириклар талabalарда мазкур фан бўйича билимларни мустаҳкамлашга, мустақил фикрлаш қўнимасини шакллантиришга, аграр ва озиқ-овқат бозорларидаги замонавий тенденцияларни кузатиш ва улар тўғрисида назарий хulosалар чиқариш юзасидан малакаларга эга бўлишга ёрдам беради.

1-БОБ. “АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

1.1 “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келгани бугунги кунда мазкур муаммони жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганинг асосий сабаби бўлиб ва бу тафовут, аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда. Энг аввало, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун еrostи сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги мазкур муаммони янада кескинлаштироқда.

Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам қўшилмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш учун экин майдонлари сезиларли даражада қисқариб кетмоқда. Булардан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларини “даладан дастурхонга” схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб 1,3 миллиард тонна микдоридаги салкам 1 триллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари нес-нобуд бўлади.

Демократик тамойилларга асосланган жамият ва ҳуқуқий давлат вазифаларининг марказида инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўришини таъминлаш масалалари туроди ва унинг бу вазифаларнинг нечоғлик бажарилиши давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиши ва сиёсатида ўз ифодасини топади.

Аграр сиёсатнинг иқтисодиётнинг алоҳида мустакил иқтисодий сиёсати сифатида ажратилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятлари, аграр муносабатларни тартибга солишининг ўзига хослиги билан белгиланади. Аграр сиёсатда катта эътибор фақат қишлоқ хўжалигига эмас, балки бутун агробизнесда ишлаб чиқариш фаолиятининг энг юкори пировард натижаларига, барқарор ишлаб

“Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишини талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, ҳеч шубҳасиз, шу борадаги саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириши ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни, келаҗакка қаратилган ёндашув ва хуласаларни биргаликда ишлаб чиқишини тақозо этади. Ва ўз-ўзидан тушунарлики, жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равишида алмашиб туришини талаб қиласи” [25].

И.А.Каримов

чиқариш ўсиш суръатларига, унинг самарадорлигни оширишга ва қишлоқни ижтимоий ривожланишига эришишга қаратилади.

“Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фани иқтисодиётнинг бозор тамойиллари асосида ривожланишида аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларининг моҳиятини тушунишда зарур бўлган билимлар билан куроллантиради, жамиятнинг ҳар бир аъзосини гоявий жиҳатдан йўналтириш, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий маданиятини оширишга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини тўғри ташкил қилиш ва аграр сиёсатни тўғри олиб бормасдан иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фани таълим дастурига киритилган.

“Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фани аграр секторда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий қонунларининг ҳаракат қилиш механизмини, уларнинг намоён бўлиш шаклларини ва аграр соҳада аниқ шароитда улардан фойдаланиш хусусиятларини ҳамда аграр сиёсатнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири самарасини ва озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий маммоларини ҳал этишда, аграр секторда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича муқобил қарорлар қабул қилишда қўлланиладиган усул ва воситаларни ўрганади.

Фанни ўрганишдан мақсад - талабаларда аграр сиёсат ҳақида тасаввур уйғотиш, олиб борилаётган аграр сиёсатларни ўзаро солиштира олиш кўникмасини яратиш ва мутахассис хулосасига эга бўлишини таъминлаш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти ва аҳамияти, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган аграр сиёсат ва ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳамда босқичлари, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг роли ва иқтисодий стратегияси ҳамда замонавий назариялар асосида аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодиётини тартибга солиш даражаси ва усулларига баҳо бериш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Мазкур фан билиш, амалий ва гоявий-тарбиявий вазифаларни бажариб, аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариш ва амалиётда қўллаш, аграр ва озиқ-овқат соҳаларида ялпи талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш, замонавий назариялар асосида аграр ва озиқ-овқат соҳалари иқтисодиётини тартибга солиш даражаси ва усулларига баҳо беришга ўргатади.

“Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” «Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодий география”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси”, «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш”, “Қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнларни бошқариш ва бизнес-режалаштириш”, “Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар сифати ва маркетинги”, “Қишлоқ хўжалигида менежмент”, “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш” каби ва бошқа иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғланган. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг назарий ва услубий жиҳатдан базаси худди бошқа тармоқ фанлари каби иқтисодиёт назарияси ҳисобланади.

1.2. Фанни ўрганишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари

“Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фани ҳам бошқа фанлар қатори кишиларга атроф-муҳитни билиш ва ўрганишни тақозо қиласди.

Услубиёт-жараён ва қарашларни ўрганиш методлари ҳақидаги фандир. Услублар-фанда қўлланиладиган категория ва қонунлар тизимида қайта ишланадиган тадқиқот усуллари бўлиб, мазкур фанни ўрганишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади (1.1-расм):

- Илмий абстракциялаш усули. “Абстракция” сўзи четлашиш маъносини билдиради. Тадқиқотчи иккинчи даражали қарашлардан четлашади ва мавжуд ҳамда доимий тақрорланадиган қарашлардан фойдаланади.
- Таҳлил ва жамлаш усули. Таҳлил – бу ўрганилаётган қарашларни таркибий қисмларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганишдир. Жамлаш эса жараён ёки қарашни ягона бир бутун ҳолатга келтиришдир.
- Индукция ва дедукция. Индукия алоҳида маълумот, фактларни ўрганишдан умумий қоидалар ва хулосаларга келишдир. Дедукция умумий хулосалардан фактларга томон боришдир.
- Тарихий ва мантиқий усуллар. Тарихчи ҳеч қандай ҳолат ёки қарашга таъсир ўтказа олмайди. Мантиқий тадқиқотларда иккинчи даражали, тўсатдан пайдо бўлган қараш ва жараёнларга ҳам таъсир ўтказиши мумкин.
- Математик ва статистик усуллар. Улар ёрдамида хўжалик ҳаётидаги жараёнлар ва қарашларнинг миқдорий томони аниқланади ва уларни янги сифатга ўтказишига ёрдам беради.
- Позитив ва норматив усул. Позитив усул воқеа-ҳодисаларни реал ҳаётда қандай бўлса, шу ҳолича акс эттириш, норматив усул эса уларнинг ҳақиқатда қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги кишиларнинг фикр-мулоҳазалари.



1.1-расм. Фаннинг илмий билиш усуллари

Асосий таянч тушунчалар:

Аграп сиёсатнинг мазмуни, «Аграп сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги» фанининг предмети, мақсади, вазифалари, фаннинг тадқиқот усуллари.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириклар:



1. Аграп сиёсат мазмуни нималардан иборат?
2. Нима учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш инсоннинг турли хил фаолиятлари ичида энг асосийи ҳисобланади?
3. “Аграп сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг предмети нимадан иборат? У бошқа иқтисодий фанлар ичида қандай ўрин тутади?
4. “Аграп сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг қандай мақсад ва вазифалари мавжуд? Бу вазифаларнинг бугунги кундаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?
5. “Аграп сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
6. Аграп сиёсат, “Аграп сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фани предмети атамаларига кластер тузинг.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АГРАР СИЁСАТИНИНГ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Аграр сиёсатнинг мақсади ва вазифалари


“Сиёсат” термини (грек тилидан *politika*-давлат ва жамият ишлари) аҳоли турли гурухлари ўртасидаги муносабатлар соҳасидаги фаолият, шунингдек давлат ишларидағи иштирок, унинг фаолияти мазмуни, шакл ва вазифаларининг аниқланиши тушунилади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати унинг стратегик вазифаларидан келиб чиқиб жамиятда ишлаб чиқариш, даромад ва неъматларни тақсимлаш жараёнларини тартиблаш учун давлат томонидан жорий давр ичida қўлланиладиган чора-тадбирлар тизимини ифодалайди.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати ўз ичига ташки иқтисодий, таркибий-инвестициявий, институционал, аграр, саноат, ижтимоий, нарх, молиявий, солиқ-бюджет, пул-кредит, худудий (минтақавий) сиёсатларни олади (2.1-расм).

“...бу сиёсатни, айниқса, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида мустабид тузум асорати туфайли халқимиз ўта оғир ва ноҷор аҳволда қолиб кетган, айтиш мумкинки, боши берк қўчага кириб қолган бир шароитда, республикамизни ана шундай гоят мураккаб ва фожиали вазиятдан чиқариш мақсадида фақат ўз кучимиз, иродада ва имкониятларимизга ишониб-таяниб ишлаб чиқдик. Шу маънода, бу сиёсатнинг асосий йўналиши ва тамойиллари айнан мана шундай таҳликали замонда яратилди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз” [30, 11].

И.А Каримов



2.1-расм. Давлатнинг иқтисодий сиёсати

Аграр сиёсат - иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ хўжалик соҳаларини қамраб олади, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, аграр сектор ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, қишлоқларни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифаларининг амалга оширилишини кўзда тутади. Уни давлатнинг аграр иқтисодиёт доирасида ҳаракатга келтириладиган жараёнлар шакли ва методлари кўринишидаги фаолияти деб ҳам тушуниш мумкин. Аграр сиёсатни аграр иқтисодиёт соҳасида энг таъсирчан шакл ва

усуллар орқали юз берадиган иқтисодий жараёнларнинг ўзаро таъсири орқали амалга ошувчи аграр секторда хўжалик-молиявий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлатнинг фаолияти сифатида белгилаш мумкин.

Давлатнинг аграр сиёсати қишлоқ хўжалиги ва худудларини барқарор ривожлантиришга қаратилган давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ худудларининг барқарор ривожланиши деганда уларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши, қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг ошиши, қишлоқ аҳолиси тўлиқ бандлигига эришиш ва турмуш даражасининг ошиши, ерлардан оқилона фойдаланиш тушунилади.

Аграр сиёсат ўзида қишлоқ аҳолисининг моддий, ижтимоий, хуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини шакллантирадиган давлат фаолиятини қамраб олади. Аграр бозор, инвестиция, кредит, молия, илмий техникавий ва технологик фаолият, солиқлар ва солиққа тортиш, ижтимоий муҳит, мақсадли ва таркибий қайта шаклланиш аграр сиёсатининг асосий соҳаларидир.

Аграр сиёсатининг умумий мақсади муайян сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳудудий, тармоқ, экологик мақсадлар билан тавсифланади. Давлат ривожланиши босқичлари ва табиий-тарихий шароитларга боғлиқ равища аниқ мақсадлар ўзаро нисбати ўзгаради (2.2-расм).



2.2-расм. Аграр сиёсатнинг мақсади

Давлат аграр сиёсатининг асосий мақсадлари қўйидагилар:

- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва товар ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлаш;
- ✓ қишлоқ худудлари барқарор ривожланишини, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини, шунингдек қишлоқ хўжалигига банд бўлганларнинг иш ҳақини ошириш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қўлланилувчи табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва асраб-авайлаш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари даромадлилиги ошишини ва шу бозорлар инфратузилмаси ривожланишини таъминловчи хомашё, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари самарали фаолият юритувчи бозорларини шакллантириш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги соҳасида инвестициялар ҳажмини ошириш ва қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хомашё ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қўлловчи саноат маҳсулотларига нарх индексини кузатиш ва бу нархлар индекси ўзаро нисбати-паритетини ушлаб туриш.

Давлатнинг аграр сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ✓ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-куватланинг манзиллилиги ва ҳаммаболлиги;
- ✓ давлат аграр сиёсати холати тўғрисида ахборотнинг мавжудлиги;
- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг ягоналиги ва бу бозорда рақобат тенг шартларининг таъминланиши;
- ✓ давлат аграр сиёсати чора-тадбирларини амалга оширишнинг кетма-кетлиги ва унинг барқарор ривожланиши;
- ✓ давлат аграр сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иштироки.

Давлат аграр сиёсатининг асосий йўналишлари:

- ✓ озиқ-овқат товарлари билан аҳолини барқарор таъминлаш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, хомашё бозорларини шакллантириш ва тартибга солиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат қўллаб-куватлаши;
- ✓ ички ва ташқи бозорда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ✓ агросаноат мажмуаси соҳасида фанни ва инновацион фаолиятни ривожлантириш;
- ✓ қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги учун мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.


Аграр сиёсат негизида аграр қонунчилик ва аграр таркиб шаклланади. Аграр қонунчилик - қишлоқ хўжалигида ва қишлоқ аҳолиси ҳаёти билан боғлиқ ҳолда амалга ошаётган жараёнларга таъсир ўтказувчи ҳуқуқий меъёрлардир. Ерга эгалик муносабатлари, кредит ва солиқка тортиш, меҳнат муносабатлари, мулкий муносабатлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмоли юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар, ижтимоий таъминот ва бошқалар аграр қонунчиликнинг муҳим соҳаларига киради:

Аграр таркиб - аграр қонунчиликка асосланган, қишлоқ хўжалиги ривожланниши, аҳолининг яшаш ва ишлаш шароити хусусиятлари ҳисобга олинган, ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ аграр соҳанинг иқтисодий, техник ва ижтимоий унсурлари йигиндисидир. У мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Аграр сиёсатнинг негизида аграр бозор ётади. Аграр бозор аграр сиёсатни ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи манфаатларига мос амалга оширилишига ёрдам қилади.

Аграр сиёсатнинг асосий вазифаси – аграр соҳадаги жараён ва қарашларни акс эттирибина колмасдан, балки кишиларнинг шу соҳадаги қарашлари, жараёнлари ва қонунлари тизимидағи фаолиятини очиб беришдир. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- ✓ мамлакат аҳолисини иқтисодий асосланган баҳолардаги сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;
- ✓ қишлоқ хўжалигининг умумий даромад яратиш соҳасидаги иштирокини таъминлаш, аграр секторни ривожлантириш;
- ✓ аграр ташқи савдо сиёсатини олиб бориш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яратиш
- ✓ атроф-мухитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш (2.3-расм).



2.3-расм. Аграр сиёсатнинг вазифалари.

Аграр сиёсатнинг тамойилларини кўриб чиқиб унинг муҳим озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, агросаноат ва ташқи савдо жиҳатларига, шунингдек уни тавсифловчи кўрсаткичларига эътиборни қаратиш лозим:

Озиқ-овқат жиҳати тамойиллар таҳлилиниң муқаддимаси бўлиб, аграр сиёсат мақсади-озиқ-овқат хавфсизлигининг миқдорий ифодаси сифатида хизмат қиласди. Шу билан бир каторда ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг физиологик ва тўловга қодир чегараларини аниқлади, шунинг учун истеъмолнинг физиологик меъёрлари, истеъмолнинг мавжуд таркиби, мамлакатни шу жумладан ички ишлаб чиқариш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Қишлоқ хўжалиги жиҳати озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳолатини тавсифлайди, озиқ-овқат маҳсулотларини олишда аграр салоҳиятни аниқлади. У қишлоқ хўжалиги самарадорлиги кўрсаткичларини ўз ичига олади: (ер ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлиги, озуқа қопланганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнатга ҳақ, қишлоқ хўжалиги дотациялар, фонд қайтими ва бошқа омиллар).

Агросаноат жиҳати, бир томондан, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси таҳлилини амалга ошириш, иккинчи томондан маркетинг соҳаси самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Баҳолаш учун муҳим кўрсаткичлар- сарф-харажталарнинг йириклиштирилган таркиби, турли мақсадларда маҳсулотни ишлатиш.

Ташқи савдо жиҳати жаҳон ва ички қишлоқ хўжалиги бозорлари ўзаро боғлиқлигини акс эттиради. У турли маҳсулотлар бўйича импортга қарамлик, қишлоқ хўжалиги ва тайёр маҳсулотни четга чиқариш ва олиб кириш баланси, қишлоқ хўжалигини эркинлаштиришдан қутилаётган зарарни баҳолаш ва бошқалар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки масала иқтисодиётни тезроқ барқарорлаштириш ва шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, мамлакатни озиқ-овқат билан тўла таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналарини етарли хомашёга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, аграр ресурслар салоҳиятидан мақсадли фойдаланишга эришиш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудратини янада ўстириш, мамлакат аҳолисини яшаш фарновонлигини яхшилаш энг муҳим масалалардан ҳисобланган эди.

2.2. Аграр сиёсатининг тарихий, хуқуқий ва институционал асослари

Замонавий аграр иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Унинг ривожланиш ҳолати доимий эътиборга моликдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг иқтисодий инқизорзга юз тутганлигининг бир қатор сабаблари мавжуд эди:

- ✓ биринчидан, кўп йиллар давомида ерга нисбатан давлат мулки муносабатлари хукмронлик қилгани ва кишиларда социализмга хос фикрлашнинг хукмронлик қилиши иқтисодий ислоҳотларни амалга ошишига салбий таъсир кўрсатди;
- ✓ иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини қўллаш ва уни амалга оширишнинг қийинлашиб қолганлиги;
- ✓ учинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида керагидан ортиқча меҳнат ресурсларининг йигилиб қолганлиги, уларни бўшатиш ва бошқа иш билан таъминлаш хукумат олдига яна бир улкан муаммони қўйганлиги;
- ✓ тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги техникаларининг эскилиги ва тармоқда механизациялаштириш даражасининг пасайиб кетганлиги, янги техника сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга жалб қилиш қимматлиги ва ишлаб чиқарувчиларда бунинг учун керакли маблағнинг йўқлиги;
- ✓ бешинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш учун керакли миқдордаги ссуда ва кредитларнинг етишмаслиги ёки уларни олишнинг ҳаддан ташқари қийинлиги.

Аграр сиёсатининг асосий вазифаси бу каби муаммоларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига эришишdir. Шу мақсадда кейинги йилларда мамлакат аграр тармоғини ривожлантириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Улар ичida энг муҳимларидан бири мамлакат аграр сиёсатининг хуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон аграр сиёсатининг хуқуқий асосларини қўйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ер Кодекси;
- Меҳнат Кодекси;
- Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун;
- Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун;
- Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонун;
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ундаги ишлаб чиқариш, молия, солик, кредит ва бошқа муносабатларни такомиллаштириш борасидаги қонунлар, фармонлар, қарорлар, меъёрий хужжатлар ва бошқа конуности ҳужжатлари.

Республикамиз аграр соҳасида олиб борилаётган институционал ўзгаришлар натижасида бозор институтларини шакллантиришга эришилди. Бироқ, ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича аграр соҳада муҳим институционал ўзгаришларни амалга ошириш мураккаб ва давомли жараёндир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларни амалга оширишни, бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни талаб қилмоқда” [35, 75].

Бозор иқтисодиёти шароитида институционал ўзгаришларни амалга оширишда, авваламбор, амалий тажрибанинг етишмаслиги натижасида қатор муаммолар, камчиликлар ҳамда номутаносибликлар мавжуд бўлиб, улар бевосита чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни ва назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишини тақозо қиласди. Шу боис институционал муҳитни фаоллаштириш, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш механизмларини танлаш ва хавф-хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаси зарур. Расмий қоидалар бир кечадаёқ сиёсий қарорлар ёрдамида ўзгартирилиши мумкин бўлгани холда, норасмий меъёрлар жуда секин ўзгаради. Норасмий қоидалар асрлар давомида қарор топган урф-одатлар, ҳатти-ҳаракатлар меъёрлари, миллий менталитетдан ташкил топган. Улар вақти келиб

ушбу жамият учун мажбурий бўлган расмий қоидалар даражасига кўтарилиши ёки уларни қарор топишига таъсир кўрсатган шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида йўқ бўлиб кетиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида тарихан майда оилавий ишлаб чиқариш кенг тарқалган ва бу қўникум ҳосил этган шахсий томорқа хўжаликларининг деҳқон хўжаликларига айлантирилиши. Конун расмий қоидалар сифатида аста-секин урф-одат ва анъаналардан вужудга келади. Бунга тескари жараён қонунлар урф-одат ва анъаналарга таъсир кўрсатган чоғда юз бериши мумкинки, буни қўпроқ иқтисодиёт соҳасида кузатиш мумкин. Аммо янги қонунларнинг бундай таъсири жамиятда уларга эҳтиёж етилган бўлишини ёки уларни ижтимоий онгта сингдириш бўйича мақсадга йўналтирилган мафкуравий ишларнинг олиб борилишини тақозо этади.

Кишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг хукуқий асослари			
Бевосита таалуқли қонунлар	Асосий қонунлар	Билвосита таалуқли қонунлар	
Ер кодекси	Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Мулкчилик тўғрисида	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида Ижара тўғрисида Тадбиркорлик эркинликлари ва кафолатлари тўғрисида Ер солиги тўғрисида Солиқ кодекси Фуқаролик кодекси Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида Банкротлик тўғрисида Оилавий тадбиркорлик тўғрисида	
Ер тўғрисида			
Кишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида			
Фермер хўжалиги тўғрисида			
Деҳқон хўжалиги тўғрисида			
Наслчиллик тўғрисида			
Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида			
Санация тўғрисида			
Қонун ости хужжатлар тўплами			
Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари	Кишлоқ хўжалик субъектлари фаолиятига оид намунавий Низомлар	Норматив хукуқий хужжатлар, таклифлар, тадбирлар, услубий тавсияномалар ва дастурлар

2.4-расм. Ўзбекистон аграр сиёсатининг хукуқий асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида институционал ўзгаришларни амалга оширишда, авваламбор, амалий тажрибанинг етишмаслиги натижасида қатор муаммолар, камчиликлар ҳамда номутаносибликлар мавжуд бўлиб, улар бевосита чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни ва назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқиши тақозо қиласди. Шу боис институционал муҳитни фаоллаштириш, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш механизмларини танлаш ва хавф-хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаси зарур. Расмий қоидалар бир кечадаёқ сиёсий қарорлар ёрдамида ўзгартирилиши мумкин бўлгани ҳолда, норасмий меъёрлар жуда секин ўзгаради. Норасмий қоидалар асрлар давомида қарор топган урф-одатлар, ҳатти-ҳаракатлар меъёрлари, миллий менталитетдан ташкил топган. Улар вақти келиб ушбу жамият учун мажбурий бўлган расмий қоидалар даражасига кўтарилиши ёки уларни қарор топишига таъсир кўрсатган шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида йўқ бўлиб кетиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига тарихан майда оилавий ишлаб чиқариш кенг тарқалган ва бу қўникум ҳосил этган шахсий томорқа хўжаликларининг деҳқон хўжаликларига айлантирилиши. Қонун расмий қоидалар сифатида аста-секин урф-одат ва анъаналардан вужудга келади. Бунга тескари жараён қонунлар урф-одат ва анъаналарга таъсир кўрсатган чоғда юз бериши мумкинки, буни кўпроқ иқтисодиёт соҳасида кузатиш мумкин. Аммо янги қонунларнинг бундай таъсири жамиятда уларга эҳтиёж етилган бўлишини ёки уларни ижтимоий онгга сингдириш бўйича мақсадга йўналтирилган мафкуравий ишларнинг олиб борилишини тақозо этади.

Расмий (қонунлар) ва норасмий (урф-одатлар) институтларнинг иқтисодий тизим ривожига ҳал килувчи таъсир кўрсатишини тан олиш институционал иқтисодиётнинг асосий қоидаси ҳисобланади.

Бозор ислоҳотларини ўтказиш ва самарали бозорнинг юзага келишига тўсиқ бўлувчи омиллар жуда кўп, лекин энг асосийси – институционал ўзгаришларнинг етарли даражада эмаслигидир. Институционал соҳадаги ўзгаришлар жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради, иқтисодиётнинг самарадорлигига таъсир этади.

Бозор иқтисодиётида давлатнинг асосий вазифаси кучли рақобатни ташкил этиш, даромад ва ресурсларни тақсимлашда давлатнинг аралашуви даражасини пасайтириш, бозорга кириш ва ресурсларга эгаликдаги тенгсизликни бартараф этиш, ҳамда трансакцион харажатларни пасайтиришга эришиш лозим. Фақат шу йўл билан хусусий тадбиркорлик ва бозор иқтисодиётининг ривожланишига эришиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга республика ҳукумати томонидан катта эътибор қаратилди. Яъни, аграр сиёсатда қишлоқ хўжалигини тубдан янгилаш, пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш, ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги ишларни яхшилаш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш масаласи қўйилди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизни самарадорлигини ошириш, ҳалқимизни боқиши, истиқболимизни режалаш – хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади" [32, 3].

Институционал ўзгаришлар – техника тараққиёти, мулкчилик муносабатларининг ўзгариши, миллий иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тузилишини яъни, бозорга хос янги муассасаларни яратиш ва расмий нормаларнинг қабул қилинишидир. Шу нуқтаи назардан, аграр ислоҳотларнинг институционал асоси янги иқтисодий институтларнинг–мулк, ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг иқтисодий - ҳуқуқий шаклларининг, молиявий институтлар ва бозор инфратузилмасининг қарор топиши ҳисобланади.

Танланган йўл асосида Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб олинди ва қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Давлат дастурларида белгиланган тадбирларнинг ижросини ташкил этиш, уларнинг ўз муддатларида ва тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ

ва сув хўжалиги вазирлигининг Ҳайъат қарори билан қуидаги маҳсус ишчи гурухлари ташкил этилди:

1. Тизимдаги корхоналарни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш, сифат ва нархлар борасида рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан уларнинг барқарор ишланини таъминлаш масалалари бўйича;
2. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни хорижга сотиш кўламини ошириш, импорт ҳажмини оптималлаштириш масалалари бўйича;
3. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, улардан мақсадли фойдаланиш ва лойихалар мониторингини ташкил этиш масалалари бўйича;
4. Қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда туманлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича;
5. Қишлоқ инфратузилма обьектлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликлари Билан таъминотчи, хизмат кўрсатувчи, тайёрлов идоралари ўртасида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши устидан мониторинг юритиш масалалари бўйича;
6. Сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва сувдан самарали фойдаланиш ҳамда томчилатиб сугориш тизимини ташкил қилиш масалалари бўйича;
7. Пахтачилик, ғаллачилик ва мойли экинлар масалалари бўйича;
8. Сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ҳамда экспорт қилиш ҳажмларини кучайтириш масалалари бўйича;
9. Ўсимликларни ҳимоя қилиш, биолабораториялар ва агрокимё- станциялар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича;
10. Чорвачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш масалалари бўйича;
11. Паррандачиликни ривожлантириш масалалари бўйича;
12. Балиқчиликни ривожлантириш масалалари бўйича;
13. Асаларичиликни ривожлантириш масалалари бўйича;
14. Пиллачилик масалалари бўйича.

Мазкур ишчи гурухларига худудларда юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш, жойларда аниқланган хато-камчиликларни маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарлари билан биргаликда бартараф этиш ва муаммоларни ҳал қилиш вазифалари юклатилди.

Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўзларидаги мавжуд муаммолар ҳамда ушбу йўналишлар бўйича вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларини Ишчи гурухларига тақдим қилишди.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама хисобга олишимиз, иктисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида қуидаги энг муҳим устувор йўналишлар белгиланган:

- 1) мамлакатимизда қабул қилинган жаҳон иктисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иктисодий

- ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;
- 2) таркибий ўзгартеришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;
 - 3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишига, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;
 - 4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнеснижадал ривожлантириш;
 - 5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;
 - 6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Ўзбекистон аграр сиёсатининг хуқукий асослари яратилган, фақат уни тўғри амалга ошириш мухим, шундагина олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар керакли даражадаги самарани бериши мумкин.

2.3. Аграр сиёсатни амалга оширишнинг восита ва механизмлари

Мамлакат аграр сиёсатини самарали амалга ошириш учун бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжудки, уларни эътиборга олмасдан ривожланиш стратегиясини танлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам аграр сиёсатни тўғри танлаш иқтисодий ислоҳотларнинг самарали бориш гаровидир. Давлат томонидан аграр сиёсат орқали тартибга солишнинг асосий вазифалари қўйидагилар хисобланади:

- ✓ агросаноат мажмуи маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва ривожлантириш;
- ✓ Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- ✓ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш;
- ✓ аграр соҳа ва саноат соҳалари ишлаб чиқарувчилари даромадлари даражасини бир-бирига яқинлаштириш;
- ✓ маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни химоя қилиш.

Давлат томонидан аграр сиёсати орқали тартибга солиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ✓ озиқ-овқат, хом-ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ✓ молия, кредит, суғурта, имтиёзли солиқка тортиш;
- ✓ ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий ишлаб ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоялаш;
- ✓ агросаноат ишлаб чиқариш соҳаларида илмий фаолиятни қўллаш ва фанни ривожлантириш;
- ✓ қишлоқ жойларда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш.

Давлат аграр сиёсати орқали тартибга солища бир қатор усуслардан фойдаланади. Бу усусларни умумлаштириб қўйидагича гурухлаш мумкин:

- ✓ бевосита таъсир қилиш усуслари;
- ✓ билвосита таъсир қилиш усуслари;

- ✓ ташқи иқтисодий усуллар.

Марказдан бошқариш тартиби устун бўлган мамлакатларда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувида бевосита таъсир қилиш усуллари устун бўлса, бозор иқтисодиёти эса асосан иқтисодий жараёнларни билвосита тартибга солиш билан боғланган.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солища маъмурий воситалардан фойдаланади. Маъмурий воситалар давлат ҳокимияти кучига таянади ва таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги тадбирларни ўз ичига олади.

Тартибга солишининг маъмурий воситаларидан фойдаланилганда яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри тартибга солиш қўзда тутилади. Айниқса ишлаб чиқариш таназзулга учраган даврда иқтисодиётга билвосита таъсир қилиш тадбирлари кам самарали бўлиб, маъмурий воситалардан фойдаланишга устунлик берилади.

Иқтисодиётни билвосита тартибга солища иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-кредит ва бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади.

Шунингдек, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг бир қатор шаклларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат иқтисодий дастурларининг ишлаб чиқилиши;
- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, ихтиrolарни давлат томонидан рағбатлантириш ҳамда иқтисодиётдаги ижобий таркибий силжишларни таъминлаш;
- инвестиция жараёни ва иқтисодий ўсишни давлат томонидан тартибга солиш;
- ишчи кучи бозорига давлат томонидан таъсир кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлари таъсирида аграр тармоқдаги хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини тартибга солища давлатнинг роли муҳимлигича қолмоқда. Бу, энг аввало, қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер ҳамда бошқа бир қатор ресурслар умуммиллий, давлат мулки эканлиги, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни давлат мулки эканлиги, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш жамиятимиз учун ниҳоятда зарурлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга аграр тармоқда хўжалик юритишнинг шартномавий-хуқуқий базасини яратиш, солиқ, молия-кредит ва нарх механизмлари орқали тартибга солиш ҳар қандай хўжалик юритиш шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Аграр соҳа ривожланишининг ҳозирги ҳолати, тармоқ инвестицион жозибадорлигининг нисбатан пастлиги, капиталнинг секин айланиши, қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ўта таваккалчиликка мойиллиги ҳукумат томонидан аграр сиёсатни олиб борища ҳар томонлама пухта ўйланган ва тизимли ёндошувни талаб этади. Бундай сиёсат юритиш аграр соҳасида бозорнинг салбий таъсиrlарини юмшатиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, узок муддатли иқтисодий суръатларини ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Америкалик иқтисодчи олимлар К.Р.Макконнел ва С.Л.Брюлар давлатнинг аграр соҳага фаол аралашуви заруриятини қуйидаги муаммоларга боғлайдилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ноэластиклиги;
- техник ривожланиш натижасида фермерлар маҳсулотларининг талабдан ошиқча ишлаб чиқарилиши;
- қишлоқ хўжалик ресурсларининг нисбатан иммобиллик хусусияти;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида соф рақобат кураши ҳукм сурган ҳолда, унга ресурслар етказиб берувчи бозорларда монополия элементларининг мавжудлиги.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий-иклимий шароитларга боғлиқлиги бу тармоқда нархлар ва фермер хўжалиги даромадининг барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан,

кулай об-ҳаво шароитида бозорга талабдан ортиқча маҳсулотнинг кириши нархларнинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатни кўпроқ ғалла, сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотлари бозорида кузатиш мумкин. Баъзан нархларнинг бундай пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга ҳам имкон бермаслиги оқибатида фермерлар катта зарар кўради. Табиийки, бундай шароитларда аграр соҳада эркин бозор муносабатлари амал қилаётган бўлса, фермерлар хонавайрон бўлиши турган гап. Иккинчи бир йили об-ҳавонинг ноқулай келиши (кургоқчилик, сел, жала ва хоказо) хосилнинг кескин камайиб кетишига ва натижада нархларнинг ҳаддан ташқари қимматлашиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда фермерлар хосилнинг камайиб кетишидан зарар кўрсалар, истеъмолчилар нархларининг баландлигидан азият чекадилар. Кўриниб турибдики, ҳар иккала ҳолда ҳам фермер кўпроқ зарар кўради ва бу ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-куватлаш заруриятини юзага келтирувчи омиллардан бири сифатида юзага чиқади.

Давлатнинг аграр иқтисодиётни тартибга солишдаги асосий вазифалари сифатида қўйидагиларни белгилаш мумкин:

- Маъмурий-хукуқий тартибга солиш вазифаси** – фермер хўжаликлари фаолиятининг ташкилий, хукуқий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа асосларини тартибга солиб турувчи қонуний меъёрлар хужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларга риоя этилишини назорат этишни назарда тутади.
- Хукуқий ҳимоялаш ва кафолатлаш вазифаси** – фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашга ва улар фаолиятига турли назорат этувчи ҳамда текширувчи органларнинг ноқонуний аралашувларини чеклашга имкон берувчи қонуний-меъёрий асосларини яратиш ва уларга риоя этилишини назорат этишни назарда тутади.
- Барқарорлаштириш вазифаси** – аграр иқтисодиётда инқирозли ҳолатларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўймаслик, инфляция ва ишсизлик даражасини камайтириш, қишлоқ хўжалиги тармоқлари таркибининг мутаносиблигини таъминлаш билан боғлиқ.
- Рағбатлантириш вазифаси** – фермер хўжаликларини, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятини турли иқтисодий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш чораларини ифодалайди.
- Тақсимлаш вазифаси** – ижтимоий адолат ва ҳимоялаш сифатида даромадларни қайта тақсимлаш, шунингдек, фермер хўжаликларининг моддий-техникавий ресурслардан имтиёзли асосларда фойдаланишига шароит яратиш мақсадида ресурслар тақсимотига тузатишлар киритиш билан боғлиқ.
- Ижтимоий кафолатлаш вазифаси** – ижтимоий таъминот ва ҳимоялашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек фермер хўжаликларининг таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.
- Муҳофаза қилиш вазифаси** – қишлоқ хўжалигини салбий характердаги ташқи таъсирлардан (масалан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг шўрланиши, кургоқчилик ёки табиий-офатлар ва б.) сақлаш, товар ишлаб чиқарувчilarини ташқи экспортёрлардан ёки жаҳон бозоридаги кучли рақобатдан ҳимоялаш каби вазифалардан иборат.
- Назорат этиш вазифаси** – қонуний-меъёрий хужжатлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа хужжатларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билан боғлиқ.
- Ахборот-маслаҳат таъминот вазифаси** – фермер хўжаликларининг ахборот таъминоти тизимидан тенг шароитларда, тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини яратиш, улар учун иқтисодий муаммоларнинг самарали ечимини топиш, хом-ашё ва ресурслар таъминоти, илгор техника ва технологияларни қўллаш юзасидан маслаҳат беришни назарда тутади.

- 10. Аналитик-тахлил вазифаси** – давлатнинг фермер хўжаликлари ривожланишини кузатиб бориш, чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини назарда тутади.
- 11. Экспертлик вазифаси** – фермер хўжаликлари ва аграр тармоқни барқарор ривожлантиришга оид лойихаларни, дастурларни, шунингдек маҳсулот ва товарларни давлат стандартларига мос келишини давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда тегишли хulosалар чиқаришдан иборат.
- 12. Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси** – халқаро бозорларда фермер хўжаликлари манбаатларини ҳимоялаш, имтиёзли божхона таърифлари ва солиқлар орқали экспорт учун қулай иқтисодий мухит ҳосил қилиш тадбирларидан иборат.
- 13. Истиқболни белгилаш вазифаси** – аграр тармоқ ва фермер хўжаликларини истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш чораларини изчил амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари, усуллари, механизмлари ва дастакларини ўз ичига муайян тизим шаклланган бўлиб, бу тажрибаларни ўрганиш аграр соҳани қўллаб-қувватлашнинг миллий тизимини шакллантиришга ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, давлат томонидан аграр сиёsatни тартибга солишнинг қараб чиқилган барча ички ва ташқи иқтисодий усуллари (восита ва дастаклари) биргаликда миллий иқтисодиёт аграр секторида такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ўз таъсирини кўрсатади.

Аграр секторни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-кувватлашнинг шакллари, усуллари, механизмлари ва дастаклари (регуляторлари)

Асосий тушунчалар	Асосий тушунчалар мазмуни	Турлари
Шакллари	Бошқарув обьекти томонидан бошқарилувчи обьектга таъсир кўрсатишинг асосий хусусиятлари	<p>1. Бевосита – давлат бошқаруви органлари томонидан бошқарилувчи обьектга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш усуллари.</p> <p>2. Билвосита – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-кувватлаш усуллари йиғиндиси.</p>
Усуллари	Маълум қоидалар ва тамойиллар асосида бошқарув субъектининг обьектга таъсир ўtkазиш йўллари тизими	<p>1. Маъмурий-хукуқий – хўжалик юритиши субъектлари фаолиятини меъёрий-хукуқий актлар орқали тартибга солиш ва назорат қилиш.</p> <p>2. Иқтисодий – бошқарилувчи обьектнинг иқтисодий манфаатлари тизимига таъсир ўtkазиш орқали тартибга солиш ва қўллаб-кувватлаш чоралари.</p> <p>3. Таркибий-институционал – тармоқ ва ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш, институционал тузилмалар орқали тартибга солиш.</p>
Механизмлари	Давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-кувватлаш сиёсатини амалга оширишинг турли дастаклари (регуляторлари) йиғиндиси	<p>1. Маъмурий-хукуқий усул механизмлари: қонуний-хукуқий тартибга солиш, ташкилий таъсир ўtkазиш, регламентлаш, стандартлаш, назорат, квоталаш, меъёrlаш, лицензиялаш.</p> <p>2. Иқтисодий усул механизмлари: бюджет-солиқ, молия-кредит, валюта, нарҳ, суғурта, божхона, ташқи иқтисодий, мақсадли дастурлаш ва инвестиция.</p> <p>3. Ижтимоий усул механизмлари: меҳнатни тартибга солиш, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта, ижтимоий инфратузилмалар.</p> <p>4. Таркибий-институционал усул механизмлари: оптималлаштириш, илмий-техник, кадрлар ва ахборот маслаҳат, институционал қўллаб-кувватлаш.</p>
Дастаклари (регуляторлари)	Бошқарув обьектига ёки ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир қилиш, у ёки бу давлат сиёсати механизmlарини харакатга келтириш ва амалга ошириш воситалари	Қонунлар, фармонлар, қарорлар, низомлар, ўрикномалар, стандартлар, квоталар, тарифлар, лицензиялар, ҳисобот шакллари, меъёrlар, санкциялар, шартномалар, қайта молиялаш ставкаси, лизинг, кредит, фоиз ставкалари, давлат буюртмаси, ижара, харид нархлари, божхона тарифлари, солиқ ставкалари, амортизация меъёrlари, мақсадли дастурлар, субсидия, дотация, инвестициялар, индикатив режалар, инфратузилмалар, илмий марказлар, институционал тузилмалар.

Манба: [56].

2.4. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг асосий йўналишлари, босқичлари ва ривожланиш тамойиллари

Аграр сиёсатнинг турли мамлакатларда ривожланиши мамлакат иқтисодий тараққиётининг даражасига қараб ҳар хил бўлишини ҳисобга олиш лозим. Қишлоқ ҳўжалигининг роли умумий давлат иқтисодиёти барқарорлигига кам таъсир қўрсатади, лекин қишлоқ ҳўжалиги мамлакат ҳаёти учун, иқтисодиёти учун ва ахолиси учун муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти учун қишлоқ ҳўжалиги жуда кам улушдаги қисмни ташкил этсада, давлат бу тармоққа катта аҳамият беради, уни ривожлантиришга катта эътибор қаратади, самарали аграр сиёсат олиб боришга ҳаракат қиласди. Шу жиҳатларни эътиборга олиб, аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихини ўрганиш ва унинг асосий тамойилларини мукаммаллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихини шартли равища бир неча даврларга бўлиш мумкин.

1. 1920 йилларгача бўлган давр. Бу даврда қишлоқ ҳўжалиги тарқоқ ҳолда ривожланган. Қишлоқ ҳўжалиги асосан озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ва қисман хорижий бозорларга муҳим товарларни айирбошлиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Ерга асосан маълум гурӯҳ эгалик қилган ва уларнинг шахсий манфаатлари аграр сиёсатнинг моҳиятини ташкил қилган. Аграр сиёсат солиқлар ва тўлов воситалари орқали амалга оширилган.

2. 1920-1991 йиллар. Мамлакат аграр сиёсати асосан пахта яккаҳокимлиги сиёсатига қаратилган, ерга эгалик давлатнинг қўлида, ишлаб чиқариш ва мулк муносабатлари умумийликка асосланган. Аграр сиёсат давлат томонидан, асосан саноатнинг манфаатларига асосланган ҳолда амалга оширилган.

3. 1991-1997 йиллар. Барча соҳаларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга қишлоқ ҳўжалигига ҳам амалга оширилишга ҳаракат қилинди.

4. 1998 йилдан кейинги давр. Бу давр мамлакат ҳукуматининг қишлоқ ҳўжалигига кескин эътибор қаратиши билан бошланди. Мамлакат қишлоқ ҳўжалигига иқтисодий ислоҳотларни кескин чуқурлаштириш борасида қатор қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу тармоққа эътиборнинг кучайишидан далолат берди. Мамлакат қишлоқ ҳўжалигидаги мавжуд иқтисодий тушкунликни йўқотиш ва уни самарали ривожлантиришнинг қатор дастурлари ишлаб чиқилди ва улар даврий равища таомиллаштирилиб амалга оширилмоқда. Бу даврдаги аграр сиёсатнинг асосий хусусиятларига ерга муносабатнинг кескин ўзгартирилиши, ривожланган мамлакатлар тажрибалари ва мамлакат ички хусусиятлари эътиборга олиниб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ишлаб чиқаришни фан ютуқлари асосига қуриш, янги технологиялардан фойдаланиш каби бир қатор хусусиятлар хосдир.

Асосий таянч тушунчалар:

Аграр сиёсатнинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари, аграр иқтисодиёт, аграр таркиб, аграр қонунчилик.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Аграр сиёсатнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Аграр сиёсатни амалга оширишнинг восита ва механизmlари нималардан иборат?
3. Давлатнинг аграр иқтисодиётни тартибга солишдаги асосий вазифаларига изоҳ беринг.
4. Ўзбекистон иқтисодиётида аграр сиёсатнинг ривожланиш тарихи босқичларини тавсифланг.



З-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР ИСЛОХОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Аграп ислоҳотларнинг моҳияти ва ҳуқуқий асослари

Иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, улардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият қилишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислоҳотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди. Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- ✓ мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш;
- ✓ аграп ислоҳотлар;
- ✓ молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;
- ✓ бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- ✓ ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ✓ ижтимоий ислоҳотлар.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қўйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилгди:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, танглика барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- Республиkanинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш [35, 19].

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлиш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари иккинчи босқичнинг стратегик мақсадлари ва устун йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди. Мазкур босқичда инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб республикамиз Президенти И.А.Каримов иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган қўйидаги бир қатор вазифаларни кўрсатиб берди:

- ✓ давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;
- ✓ ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- ✓ миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;
- ✓ иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш [33, 332-333].

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қўйидагилар сабаб бўлди:

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириши, фермерлик ҳаракатини қўллаб-кувватлаши, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг ўйл очиб берииш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни тугдирини, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари-мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.

И.А.Каримов

- мамлакатимиз иқтисодиётида аграр соҳа устунликка эгалиги, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида бандлиги, иқтисодий ўсишнинг кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқлиги;
- республика бутун саноат потенциалининг яқинини ташкил қиласидан саноатнинг кўпгина тармоқларини (пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқлиги;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан пахта) ҳозирги вақтда валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манба эканлиги;
- мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги ролининг ортиб бориши.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин сабиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўпгина республикалар бошқа давлатлар узоқ йиллар давомида эришган ютуқ ва мэрраларга бир зумда, яъни “шок терапияси” усулинни қўллаган ҳолда эришмоқчи бўлишди. Биз бунинг уддасидан чиқиш учун барча имкониятларимизни ишга соламиз, ҳаммадан ўзиб кетамиз, деган баландпарвоз гаплар айтилди, турли режалар, ҳисботлар тузилди, улар ҳакида дунёга жар солинди. Кейин маълум бўлди, шошмаршошарлик билан узоққа бориб бўлмас экан.

Одатда бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтилар экан, йиллар давомида ҳал этишга тўғри келадиган муаммолар пайдо бўлади. Бир сиёсий тузумдан бошқасига ўтиш учун энг муҳими одамларнинг онгини, тафаккурини ўзгартириш лозим. Бу ишни амалга оширмасдан туриб маъмурий-буйруқбозлик, субъектив, волюнтаристик сиёсатга асосланган режали-тақсимот тизимидан бозор иқтисодиётига асло ўтиб бўлмайди.

Масаланинг маъно-моҳияти шундаки, мустақил тараққиёт йўлидаги модель 5 та тамойилга асосланади. “Биз ишлаб чиқсан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъномазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир” [23, 4] “Бу ҳақда гапирганда, ҳалқимиз ўртасида кенг тарқалиб, машҳур бўлиб кетган иккита шиорни эслаш ўринлидир.

Биринчи шиор – “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган муҳим ҳаётй принципни ифода этади. Яъни, янги ҳаёт, янги жамият қуришда аввалги ҳаёт тажрибасидан ҳам фойдали жиҳатларни албатта олиш керак бўлади.

Иккинчи шиор эса “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган сўзларда мужассам топган.

Чиндан ҳам, ислоҳот инсон манфаатларига хизмат қиласагина, одамлар бу ислоҳотларнинг барчаси нима учун зарурлиги, ўзини оқламаган эски мафкуравий тизимдан эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик тизимга ўтишнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини тушуниб этади” [14].

Иқтисодий ислоҳотларнинг бош бўгини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришdir, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш мухити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли Республикада мулкий муносабатларни ислоҳ қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тутатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат.

2007 йилнинг 30 августида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16

йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъruzасида республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлишини таъкидлаб ўтди. Бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллашини билдири.

Жумладан, дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва ҳалқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эгалиги эътироф этилди. Бу босқичда ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ долзарб ва муҳим вазифалар белгиланиб, амалга оширилди. Иккинчи босқич 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олиб, у Президентимиз томонидан фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври деб номланди.

Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги палласида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнлари янада кучайтирилиб, пировард стратегик мақсадимиз – ижтимоий ўйналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар изчил равишда амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг босқичлари ва асосий йўналишлари

Узоқ давр мобайнида қишлоқ хўжалигига нисбатан ноэквиелент айрбошлиш мавжуд бўлиб келган эди. Иқтисодиётда режали тизим амал қилган йилларда қишлоқ хўжалигидан бошқа умумдавлат эҳтиёжлари учун жуда катта маблағлар “соғиб” олинган эди, ходимларга эса энг кам иш ҳақи тўланди, унинг даражаси тирикчилик минимумидан анча паст эди. Бу ҳол нархлар сиёсати, инвестициялар, моддий-техника таъминоти, меҳнатга ҳақ тўлашда янада ёрқинроқ намоён бўлди. Қишлоқ хўжалиги бўйича хукуматнинг бир қанча қарорлари қабул қилинганлигига қарамай, ушбу муҳим соҳада аҳвол тубдан яхшиланмади ва у мамлакат олдида турган ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал қилишга тўсқинлик қилди. Турғунлик йилларида қишлоқда ўта оғир ижтимоий вазият юзага келди. Кўпчилик қишлоқларда тиббий муассасалар, шунингдек дўкон ва мактаблар етишмас эди. Кўп ерлар аграр сектор оборотидан чиқариб ташланган ва тубдан яхшилашга мухтоҷ эди. Аграр сектор ишчиларининг маошлари шаҳардаги ишчиларнинг маошларидан 3-5 марта кам эди.

Мана шундай шароитда Ўзбекистон 1991 йилда ўз мустақиллигини эълон қилди ва туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришди.

Республикада 1990-1991 йилларда ўтказилган аграр ислоҳот давомида аҳолига 1,5 миллиондан гектардан ортиқ ҳайдаладиган ер бўлиб берилганди ва бу тадбир республика аҳолисининг ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тамиллашдаги аҳволини маълум даражада яхшилаши лозим эди ва бу тез орада ўз самарасини берди (3.1.-жадвал).

Бу даврда республиканинг қишлоқ хўжалиги тармоғи қўйидаги ўзига хос хусусиятлари:

- ҳом ашё етиштиришга йўналтирилганлик;
- ер-сув ресурсларининг чекланганлиги;
- ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси тараққиётининг пастлиги;
- қишлоқда аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларига нисбатан юқорилиги;
- ерни қашқатқич ҳолда эксплуатация қилиш натижасида унинг табиий унумдорлигининг пасайиб кетганлиги;
- агротехник қоидаларга риоя қилинмаслик ва алмашлаб экиш жараёнининг бузилганлиги (охирги пайтларда алмашлаб экишни барбод қилинганлиги);
- ерларнинг мелиоратив ҳолатининг қониқарсизлиги, сув таъминоти ва дренаж қудуқларнинг ачинарли ҳолатга келтирилганлиги;
- сувдан оқилона фойдаланмаслик мақсадида илғор сугориш тизимларини жорий этилмаганлиги;

- минерал ўғитлар ва турли кимё воситалари нархларининг ўсиб бориши;
- маданий ўғитлар асосини ташкил қилувчи чорвачилик соҳасига эътиборнинг сусайиши;
- ёнилғи-мойлаш материаллари нархининг ортиб бориши;
- қишлоқ хўжалигида банд мутахассисиларни лаёқати етарли эмаслиги тизимнинг тугашига сабаб бўлди дейиш мумкин.

3.1-жадвал

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган одамларга томорқа ер бериш масаласининг аҳамияти

Республика қишлоқларида ери йўқ оиласлар сони	240 минг нафар
Үй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга муҳтож ҳовлилар сони	1,8 миллиондан кўпроқ
Факат Тошкент шаҳрида ер участкаси олиш учун навбатда турган оиласлар сони	92 минг нафар
«Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш хақида»ги қарори (1989 йил 17 август)	
Қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ажратиб берилган ер майдони	ўртacha 25 сотих
Томорқа майдонларини кўпайтириш	қарийб 4,5 баробар
1989-1990 йилларда қўшимча ер ажратилган оиласлар	1,5 млн.дан кўпроқ
Янги томорқа ерлари берилган оиласлар	700 минг

Шундай қилиб, сабиқ советлар давридан мерос бўлиб қолган мавжуд ахволни бартараф этиш учун жами иқтисодий муносабатлар тизимини, уларнинг асосини тубдан ўзгариши зарур эди.

XX асрнинг 80-йилларигача истеъмол товарларининг асосий қисми мамлакат ташқарисидан келтирилган (3.2.-жадвал). Бундай ҳолатни юзага келтирган асосий сабаблари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулкчилиги ва иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий усуллари ташкил этганлигидир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қарор топган таркиби, давлат томонидан қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотнинг монопол бошқарилиши, моддий-техник ресурслар тақсимотининг, меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадларнинг қаттиқ назорат қилиниши, давлатнинг юқори органлари томонидан ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятга қўйилган кўплаб чекловлар, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришдаги, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги қатъий ихтисослашув пировардида дехқонни ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотдан, энг муҳими эса – ердан бегоналашувига олиб келди. Бозор иқтисодиётига ўтиш агарар тадбиркорликнинг янги тузилмасини яратишни тақозо этди.

Испоҳотларга қадар мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши хўжалик юритишнинг режали усулига мослаштирилган корхоналар тузилмасига эга эди. Айнан шу хусусиятлар қишлоқ хўжалигидаги институционал ва таркибий ўзгаришларнинг максадлари ва босқичларини олдиндан белгилаб берган.

Ўзбекистон ССРда ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносиблерлар

Кўрсаткич	Миқдори
Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуси	50 фоиз
Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуси	80 фоиздан кўпроқ
Республикадан олиб кетилаётган маҳсулот таркида хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар улуси	65 фоиздан купрок
Республикага келтирилаётган товарлар таркибида саноати маҳсулотлари (машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари) улуси	60 фоиз

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ўтказишда қўйидаги ҳолатлар инобатга олинди:

- ✓ ер (аграп ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган) ва сув ресурсларининг чекланганлиги, уларнинг нотекис тақсимланиши ва ахолининг ўсиш суръатлари нисбатан юкори бўлган шароитда ерга хусусий мулкчиликнинг жорий этилиши жамиятда ижтимоий бекарорликнинг манбаи бўлиб қолиши мумкин;
- ✓ қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш салоҳиятини шундай меҳнат воситалари билан тўлдириб ташланганки, уларни техник жиҳатдан майда хўжаликларга бўлиб ташлашнинг умуман иложи йўқ, (масалан пахта етишлириш бўйича технологик мажмуя шундай машиналарни ҳам ўз ичига оладики, уларни майда оиласвий фермаларда ишлатиш самарасиз бўлади, қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг майда хўжаликларга хизмат кўрсатувчи техникани ишлаб чиқаришга тезкорлик билан мослаштирилишига умид килиш бефойда эди). Бундай шароитда майда оиласвий хўжаликларни тез шакллантириш кўп ҳолларда уларни алмисоқдан қолган технологияда фойдаланишга маҳкум этган бўлур эди;
- ✓ ер–сув ресурслари рақобатли тақлифнинг мавжуд эмаслиги туфайли фермер хўжаликлари ер ва ирригацион тизимларни ижарага бериш орқали даромад олувчи ижаракиларга қарам бўлиб қолишилари мумкин эди.

Шунинг учун аграр ислоҳотлар концепциясига биноан қўйидаги институтционал ўзгаришлар кўмаклашуви керак эди: ерни хусусийлаштириш, совхоз, колхозларни тугатиш ва янги ишлаб чиқаришни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги корхоналарни, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ва моддий-техника таъминоти билан шуғулланувчи корхоналарни хусусийлаштириш. Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилган йилларда қишлоқ хўжалиги хусусан ғалла мустақиллигини ва умуман озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Бунга мамлакат иқтисодиётининг аграр секторини ислоҳ қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли эришилдики, улар макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни янгидан йўлга қўйишида муҳим омилларга айланди.

Республикамизнинг қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотларнинг миллий Ўзбек моделининг энг муҳим тамойиллари асосида амалга оширилди. Бу энг аввало, ташкилий-хуқуқий асосларнинг яратилишида, таркибий-инвестицион сиёсатни юритишда давлатнинг фаол аралашувида хамда таркибий ўзгаришларнинг кетма-кетлигига ўз аксини топди.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг асосий мақсадлари қўйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- ✓ аҳолига керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати учун хом ашё етказиб беришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш;
- ✓ истеъмол бозорларини барқарорлаштириш;
- ✓ қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш имкониятларини шакллантириш;
- ✓ аграр тармоқ самарадорлигини таъминлаш ва унинг аста-секинлик билан мамлакат иқтисодиётининг барқарор бўлишидаги ҳиссасини оширишга эришиш.

Бу мақсадларга эришиш учун қўйидаги асосий воситалардан фойдаланиш лозим эди:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги мулк шакллари турларидан самарали фойдаланиш. Бунда рақобатга асосланган мулкчилик тизимидан фойдаланиш, яъни, қаерда қайси мулк шакли энг кўп самара берса, ўша ерда шу мулк шаклидан фойдаланиш тамоили асосида иш юритиш муҳим аҳамият касб этади.
2. Аҳолининг даромадларини ошишига хизмат қиласидаги аграр сектордаги меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш.
3. Иш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бу ўз навбатида меҳнат шароитлари ва уларнинг натижаларини ўзгартиради.
4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, қайта ишловчи корхоналар ишчилари ва уларни ташкил қилувчиларига тизимли равишда йўл-йўриқлар бериб бориш, шу билан биргаликда ишлаб чиқаришга кўпроқ такомиллашган ва тежамли омиллардан фойдалана бориш, маркетингни жорий қилиш.
5. Ички аграр ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш, молиялаштиришни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш.
6. Қишлоқ ҳаёти ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инфратузилмасини шакллантириш.
7. Агросаноат ишлаб чиқаришида бозор механизмини такомиллаштириш ва корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш.
8. Баҳо тизимини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барча турларини самарали бўлишига эришиш, маҳсус фонdlарни ташкил қилиш орқали эса қишлоқ хўжалигининг кам самарали, аммо ҳаёт учун зарур тармоқлари ишлаб чиқаришини барқарорлигини сақлаб қолиш.
9. Қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари, айрим худудлар ишлаб чиқариши ёки айрим қишлоқ жойларини алоҳида ёки бир бутун ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу орқали ер фондини, ер унумдорлигини, чорва моллари генетик салоҳиятини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги имкониятларини ошириш.

Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларга бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатди.

Объектив омилларга асосан қўйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалигини мавжудлик ва ташкил этиш хусусиятлари;
- аграр сектордаги биоклимат салоҳияти даражаси;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг катта меҳнат сифимига эга эканлиги;
- аграр секторда бозор муносабатларининг тўла ривожланмаганлиги ва уни қишлоқ аҳолисининг қабул қилиши қийин бўлаётганлиги;
- аграр соҳа фаолиятини ташкил қилиш жараёнига давлатнинг аралашувининг зарурлиги.

Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларда субъектив омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Субъектив омилларга кишилар, яъни ишлаб чиқарувчилар, раҳбарлар, истеъмолчилар ва бошқалар киради.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларга қуидаги умумий омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- ✓ корхона ҳажми йириклишувининг технологик самараси;
- ✓ техник ривожланиш (биологик, механик, ташкилий-техник);
- ✓ тадбиркорликнинг маҳсус омиллари;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш омилларини ўз вактида таъсир кўрсатишни таъминловчи жиҳатлар;
- ✓ умумиқтисодий ривожланиш (талабнинг ўсиши, товар ва хизматлар баҳоси);
- ✓ сиёсий ўзгаришлар.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида таркибий ва институционал ўзгаришлар бир қанча йўналишларда юз олиб борилди.

Биринчи йўналиш – АСМ ни ислоҳ қилиш бўлиб, ер ислоҳоти колхоз ва совхозларни қайта ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлардаги корхоналарни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишловчи ҳамда истеъмолчиларга етказиб берувчи корхоналарни хусусийлаштиришни ўз ичига олган Республикада ерга бўлган янгича иқтисодий муносабат, яъни асосини хусусий мулкчилик ташкил этувчи қишлоқ хўжаликларидағи хўжалик юритишнинг янги турлари шаклланди.

Иккинчи йўналиш – маҳсулотни харид қилиш ва сотиш тизимини, улгуржи ва чакана савдони давлат тасарруфидан чиқариш. Натижада давлатнинг тайёрлов ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш кескин қисқарди. Сотувнинг янги каналлари, жумладан, улгуржи бозорлар, биржалар, ярмаркалар ривожлана бошлади.

Учинчи йўналиш – аграр секторни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг ўзгарилиши – АСМнинг ташкилий тузилмаларини ва бошқарув услубларини қайта қуриш, техника ва ускуналарни етказиб бериш бўйича лизинг муносабатларини ҳамда қишлоқ хўжалик фаолиятини ихтиёрий суғурта қилиш шаклланди.

Тўртинчи йўналиш – қишлоқ хўжалик ташкилотларини коммунал хўжалик ва ижтимоий инфратузилма обьектларини сақлаш вазифаларидан озод қилишга уринишлар билан боғлик.

Институционал ўзгаришларни ўтказишида қуидагилар кўзда тутилди: аграр соҳада кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш; ерга мулкчилик масалаларини ҳал қилиш; бозорга асосланган хўжалик юритишнинг турли шаклларини жорий этиш ва ривожлантириш; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тартибга солишнинг илғор шаклларини жорий этиш; талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда бозор инфратузилмасини шакллантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш.

Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ этишнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда ерга бўлган муносабатнинг давлат мулкчилиги асосида амалга оширилишидир. Мамлакатимизда ерга бўлган давлат мулкчилигининг зарурлиги тарихий ҳамда ижтимоий-иктисодий омиллар, мураккаб ирригация иншоатлари ва суформа дехқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Фермерларга 30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга фойдаланиш учун ижарага берилса, дехқон хўжаликлари учун эса, текинга, умрбод оила аъзоларига мерос қилиб қолдириш хуқуки билан фойдаланишга берилади.

Агар 1998 йилда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонунга мувофиқ, “Фуқароларга фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши” кўзда тутилган бўлса, 2004 йилда янги тарирда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонунга мувофиқ, “Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга бириктирилиши” белгилиб берилди.

Ўтказилган ер ислоҳотлари натижасида:

- ✓ 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шакли жорий қилинди;
- ✓ Хўжалик юритувчи субъектларга ер участкалари фақат фақат туман хокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;
- ✓ Ўз маблағи хисобидан ер майдонларини ўзлаштиришни рағбатлантириш тизими белгилаб берилди;
- ✓ Ер ижараси хуқукини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди.

Сувдан фойдаланиш ислоҳоти натижасида:

- ✓ Ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий принципидан ҳавза принципига ўтказилди;
- ✓ Ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий принципидан ҳавза принципига ўтказилди;
- ✓ Сувдан самарали фойдаланиш ва бу борада хизмат кўрсатиш сифати-ни яхшилаш мақсадида Сув истемолчилар уюшмалари ташкил этилди;
- ✓ Молия вазирлиги тасарруфида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатларини яхшилаш мақсадида маҳсус жамғарма ташкил қилинди
- ✓ Молия вазирлиги қошида “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонига биноан ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни барқарор суръатлар билан ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар белгиланди.

Мазкур фармонга мувофиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилашга қаратилган ирригация, мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратилмоқда. Ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш тизимини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармасининг ташкил этилиши мухим ахамиятга эга бўлди. 1999 йилнинг бошида Молия вазирлиги қошида қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчилари томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг ўз вақтида авансланиши ва ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш мақсадида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар ҳақини тўлаш учун Фонднинг ташкил этилиши натижасида республикада қуидаги долзарб масалалар ҳал этилди:

- ✓ давлат эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилаётган ва етказиб берилаётган пахта, ғалла, шоли учун аванс тўлаш ва пировард ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланди;
- ✓ давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган мазкур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аванслаш ва пировард ҳисоб-китоблар учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат ўрнатилди;
- ✓ харид қилинаётган маҳсулот учун ҳисоблашувларни таъминлайдиган, сервис хизматларини кўрсатадиган, техника, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказоларни етказиб берадиган барча бўғинлар (Молия вазирлиги, банклар, тайёрлов ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар) фаолиятини мувофиқлаштириш.

Молия-кредит ва солиқ ислоҳоти натижасида:

- ✓ давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни имтиёзли кредитлаш тизими белгиланиб, ҳосил ўриб-йигиб олингунча 60 фоиз қисмини ажратиш, пахта хом ашёсини харид қилишда жорий йил охиригача 90 фоиз қисмини ажратиш тизими жорий қилинди;
- ✓ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун барча турдаги солиқлар умумлаштирилиб, ягона ер солиғи жорий қилинди;
- ✓ техника воситалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарини лизингга бериш тизими жорий этилди;
- ✓ ер ижараси ҳуқуқини ва булғуси ҳосилни гаровга қўйган ҳолда кредит олиш тизими жорий этилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ тармоқни ривожлантиришнинг шундай стратегияси белгилаб қўйилди, унинг асосида қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, озиқ - овқат товарлари билан ўз - ўзини таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш ётарди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат буюртмасининг улуши изчиллик билан пасайтириб борилган ҳолда (пахта ва галладан бошқа) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турлари учун бекор қилинди.

Нарх-наво ислоҳоти натижасида:

- ✓ давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;
- ✓ давлат омонидан сотиб олинаётган ғалла нархини минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди;
- ✓ бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланмоқда.

Ишлаб чиқариш таркиби ва самарадорлиги сезиларли равишда мулкий ҳуқуқларнинг тақсимланишига боғлиқdir. Бу борада Республикамиз Президенти И.А.Каримов шундай деб таъкидлаган эди: “Ҳақиқий мулкдор бўлиш – ҳақиқий хўжайнлик туйғусини ҳис этиш демакдир. Бу ўз навбатида инсоннинг яширин куч-ғайратини, ташкилотчилик қобилиятини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қиласи, ўз корхонасини ривожланиш истиқболи ҳақида қайғуриб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб боради, оладиган фойдаси ҳам ходимларнинг иш ҳаки ҳам кўпаяди”[37, 27]. Шунинг учун, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган чора тадбирлар тизимида қишлоқда биринчи босқичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этишининг янги шаклларини ривожлантиришга катта эътибор берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган мулк ислоҳоти натижасида:

- ✓ тармоқда мулк “давлат мулки” ва “жамоа мулки” (ширкат ва жамоа хўжаликлари) шаклидан “хусусий мулк” (дехқон ва фермер хўжаликлари) шаклига ўтказилди;
- ✓ жамоа мулки бўлган боғ ва токзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар ҳамда бошқа мол-мулклар хусусийлаштирилди;
- ✓ хусусий мулкларни ҳимоя қилиш ва уларнинг ривожланишини ҳуқукий жиҳатдан кафолатлаш бўйича меъёрий хужжатлар қабул қилинди.

Республикамизда 1991 йилда 1294 та жамоа хўжалиги, 1868 та фермер хўжалиги ва 2,1 миллион нафар хусусий томорқа участкаларининг эгалари мавжуд эди. Қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланмиш ерларни ҳақиқий эгалари бўлмиш фермер ва дехқонларга берилганлиги туфайли қишлоқда мулкчилик шакллари ўзгарди.

Шундай килиб, ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари фаолиятининг асосларини шакллантиришда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги, миллий анъналардан келиб чиққан ҳолда меъёрларни яратилди. Конунда белгиланган

меъёрларда кўп укладли аграр иқтисодиётнинг шакланаётган ҳар бир субъекти ерга ва мулкка эгалик ҳуқуки, меҳнатни ташкил қилиш шакллари бўйича бир биридан фарқ қилувчи хусусиятга эга.

Демак, ерга ва сувдан фойдаланиш обьектларига давлат мулкчилиги сақланганини эътиборга олган ҳолда, қонунчилик меъёрлари асосида белгилаб олинган қишлоқда даромад келтирувчи мулкка (капиталга) эгалик қиласидаган ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш йўналишлари кўйидагилардан иборат бўлди :

- ✓ акциядорлик, ижара ва бошқа турдаги хўжаликларни пай асосида қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликлари)га айлантириш;
- ✓ узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилган ер участкаларида фермер хўжаликларини тузиш;
- ✓ мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаликдаги ерлари бўлган дехқон хўжаликларини ривожлантириш;
- ✓ хўжалик аъзоларига ерни узоқ муддатли ижара ҳуқуки билан фойдаланишга бериш.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг юқорида кўрсатилган йўлларидан бошқа йўллари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз сармояси ҳисобига чет эл инвесторлари билан қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда матлубот кооперативлари, маслаҳат ва аудиторлик фирмалари, ахборот-маслаҳат марказлари, реклама агентликлари ва ҳоказо қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи бозор инфратузилмасини такомиллаштиришdir. Лекин бу борадаги имкониятлар ҳали тўлалигича ишга солингани йўқ.

Қишлоқ хўжалигидаги бозорга хос ўзгаришлар ресурслардан самарали фойдаланишдан, талабнинг тўлов қобилиятини тўлароқ қондиришдан иқтисодий манфаатдор бўлган тузилмаларни шакллантиришни тақозо этди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларнинг асосий йўналиши бошқарувнинг ер-сув ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай оладиган янги ташкилий шакл ва услубларини излаб топишdir.

3.3. Бозор муносабатларини шакллантиришда аграр ислоҳотларнинг тутган ўрни

Мамлакатимизда олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар аграр соҳа ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиб:

- ✓ хўжалик юритувчи субъектларнинг имкониятларини оширувчи, хусусан, рақобат мухитини шакллантирувчи, кооперацияни ривожлантирувчи мулкчиликнинг янги шакллари ва ерга бўлган янгича муносабатлар ривожланишига;
- ✓ қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини молиялаштириш, кредитлаш, нарх белгилаш, моддий-техника таъминоти ва бошқа йўналишларда бозор тамойилларига мос механизмлар жорий қилинишига;
- ✓ республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобига қондириш, энг асосийси, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга;
- ✓ қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг бозор муносабатларига мос механизмлари жорий қилинишига;
- ✓ аграр соҳада кўп укладли иқтисодиётнинг ва унга мос қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари таркибининг шаклланиши, бошқаришнинг эгилувчан усулларини излаш имкониятларининг яратилишига;
- ✓ фермерлик харакатининг ривожланиши натижасида қишлоқларда фермер хўжаликларининг ўрни ва аҳамиятининг ўзгариб боришига;
- ✓ ишлаб чиқарувчидан касбий маҳорат, малака даражасининг ошишини талаб қилувчи бандлик таркибининг трансформациялашувига;

- ✓ қишлоқ оиласининг демографик кўриниши ўзгариши ва даромадларининг ошиши ҳамда янги ижтимоий таркибнинг вужудга келишига олиб келди.

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблагандо қарийб 9 баробар ошиди, бунга эришиши учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 млрд. доллар ҳажмидағи инвестициялар, жумладан, 65 млрд. доллардан ортиқ хорижий сармоялар жалоб этилди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигидаги олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижасини намоён этиб, қисқа вақт ичида мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиши, қишлоқда аҳоли даромадининг ошиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, пахта бозори фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини тубдан янгилаш ва ривожлантириш, пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш, ўз-ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги ишларни яхшилаш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш масалаларига республика хукумати аграр сиёсатида катта эътибор қаратилди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизни самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиши, истиқболимизни режалаш – хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади" [32, 3].

Аграр сектор Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаси ҳисобланниб, қишлоқ хўжалиги бозори учун зарур бўлган барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноатга хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат маҳсулотларининг кафолатли бозори бўлганлиги сабабли, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва чукурлаштиришда тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотлар стратегияси, хўжалик юритиш шаклларининг самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш иқтисодиётнинг институционал ва ташкилий тузилмаларини қайта қуриш, хукуқий-меъёрий, таркибий, молия-кредит, солиқ ва нарҳ тизимида чуқур ўзгаришлар орқали амалга оширилишини тақозо этди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги тадбирларнинг аҳамиятли эканлигига баҳо бериб, Президентимиз қўйидагиларни таъкидлайдилар: «Иқтисодий ривожланиш хақида гапиргандা, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди» [29].

Республикамизда қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида мамлакат аҳолисини экологик тоза ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиши, қишлоқда аҳоли даромадининг ошиши, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими, пахта бозори фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди. Изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушкининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 16,8 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг тасдигидир. Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини асосий озиқ-овқат


маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта микдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистонда етиштирилаётган 6 миллион тонна пахтанинг атиги 8-10 фоизи мамлакатимизда қайта ишланган, қолган қисми эса бошқа давлатларда қайта ишланганлиги сабабли фойданинг асосий қисми пахта хомашёсини қайта ишлаган мамлакатларга келиб тушган. Пахта яккаҳокимлиги ва қишлоқ хўжалигини бирёклама ривожлантириш натижасида Ўзбекистонни озиқ-овқат билан тўла таъминлашнинг имкони йўқ эди. Шу сабабли асосий озиқ-овқат товарлари четдан олиб келинган. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, ғалла ва мева-сабзавот ҳамда картошка истеъмол қилиш собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда икки баробар камайиб кетган эди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати диққат марказидаги устувор вазифалардан бири бўлди. Натижада, сўнгги йилларда республикада ялпи ички маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда (3.1-расм).

Бу натижаларга иқтисодиётни таркибий қайта куриш ва модернизациялаш, унинг муҳим тармоқларини техник ва технологик янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигига чукур ислоҳотлар ва янги самарали хўжалик юритиш шаклларига ўтиш орқали эришилди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар туфайли ғўза экиладиган майдонлар икки баробарга кисқартирилди ва пахта етиштиришни 6 миллион тоннадан 3 миллион 400 минг тоннадан сал кўпроқ бўлган даражагача камайтирилди. Пахтадан бўшаган ерлар озиқ-овқат экинлари учун ажратиб берилди.



3.1-расм. Республикада ялпи ички маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръатлари, фоизда [93]

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишнинг асосий негизини кенг кўламли институционал ўзгаришлар ташкил этди, уларнинг мазмун-моҳияти маъмурий ва режали-таксимот тизимидан воз кечиши ва бозор муносабатларига ўтишдан иборат эди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланмиш ерларни ҳақиқий эгалари бўймиш фермер ва дехқонларга берилганлиги туфайли қишлоқда мулкчилик шакллари ўзгарди, маҳсулот ишлаб чиқариш баробарида уларнинг сифати ҳамда рақобатбардошлиқ даражаси ошди, янги ишчи ўринлари яратилди, пировардида мазкур хўжаликларда меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланди. Шу нуқтаи назардан ҳам, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигига амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаси фермер хўжаликларининг самарадорлигини яққол намоён этди.

“Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир. Факат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда дехқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир” [20].

“Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртacha шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир» [18].

Фермер хўжаликларига барча турдаги зарур хизматлар кўрсатадиган ишончли бозор инфратузилмасининг ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда 1,5 мингдан зиёд минибанк, қарийб 2 мингта машина-трактор парки, ёнилғи ва минерал ўғит сотиши бўйича 2,5 мингга яқин пункт хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 1,5 мингта Сув истеъмолчилари уюшмаси, 350 дан ортиқ консалтинг марказлари ташкил этилди.


Ўзбекистоннинг кўплаб миңтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган худудларга айланди. Юртимизда юқори хосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди.

Ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалигига амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 8 миллион тоннага етди ва илгари мамлакатимиз аҳолисини боқиши учун 5 миллион тонна буғдой четдан сотиб олинган бўлса, эндиликда Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади.

2013 йилда 2000 йилга нисбатан дон ишлаб чиқариш ҳажми 2 марта, картошка - 3,1 марта, полиз - 3,4 марта, сабзавот - 3,2 марта, мева ва резаворлар- 2,9 марта, узум- 2 марта, тухум- 3,4 марта, сут- 2,1 марта ортди.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 марта, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 76 килограмм картошка ва 43 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптималь, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир (3.2-расм).



3.2-расм. Озиқ-овқат махсулотлари истеъмолида мамлакатимизда етиштирилган махсулотлар улуши (фоизда)

Хозирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна махсулотни сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омбор мавжуд. Уларда ҳар йили мева-сабзавот махсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бу эса ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-кишкни мавсумда ушбу махсулотларни экспорт қилишни кафолатли таъминлаш имконини бермоқда.

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, биринчи навбатда, илғор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рационини яхшилаш бошқа омиллар билан бирга аҳоли, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, сўнгги 10 йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди, бизнинг миңтақамизга хос бўлган жиддий касаллик, яъни хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайди.

Бугунги кунда дунёда камдан-кам давлатлар бундай кўрсаткичларга эришган.

Кенг кўламли ислоҳотлар йўлида ҳозирги вақтда умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот махсулотлари экспорт қилинаяпти. Мамлакатимизда ўтган 10 йил давомида мева ва сабзавот, полиз махсулотлари ва узум етиштириш бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди. Жумладан, 2004-2013 йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз махсулотлари 7,8 марта, узум 8,7 баробар ўсди. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизнинг махсулот етказиб берадиган корхоналари халқаро кўргазма ва ихтисослаштирилган ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Дунёning 80 та давлатига 180 турдан ортиқ мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган махсулотлар экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнгоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот махсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай махсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради.

Шундай қилиб, ислоҳотларнинг барча йўналишлари мавжуд иқтисодий тизимнинг изчилилк билан бозор иқтисодиётiga ўсиб ўтишига қаратилди. Бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айлантиришга хизмат қилди.

Эътироф

Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожлананаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринда.

Ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжсаҳон баҳт индекси”да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-ўринда. МДҲ мамлакатлари ўртасида 1-ўринда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган, харид қобилияти бўйича ҳисобланадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмига қараб аниқланадиган иқтисодий ривожланиши борасидаги янгиланган рейтингда Ўзбекистон дунёнинг 190 та давлати орасида 2010 йилдаги 72-ўриндан 66-ўринга кўтарилди.

Мамлакатимиз 2015 йилда ФАО томонидан қашшоқликни икки баробар камайтирган мамлакат сифатида тақдирланди.

Мамлакатимиз 2014 йилда бизнесни юритиши шароити бўйича рейтингда 8 погонага, соликقا тортиши борасида эса 61 погона юқорига кўтарилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таракқиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилда бизнес юритишини енгиллаштириши соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Энг яхши ва истиқболли сайёҳлик йўналишларга эга бўлган 15 та мамлакат рўйхатига ҳам Ўзбекистон ҳам киради.

“Марказий Осиё марвариди”, Рим билан бир қаторда “Абадий шаҳар” деган ном билан шуҳрат қозонган Самарқанд сайёҳларни кўриши зарур бўлган 50 та шаҳардан бири сифатида эътироф этилган.

Асосий таянч тушунчалар:

Иқтисодий ислоҳотлар, аграр ислоҳотлар, аграр ислоҳотларнинг мақсади, аграр ислоҳотлар вазифалари, аграр ислоҳотларнинг босқичлари, аграр ислоҳотлар йўналишлари, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Республикада амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг босқичлари ва йўналишларига тавсиф беринг.
2. Аграр ислоҳотларнинг зарурлигини нималар тақозо қиласди?
3. Аграр ислоҳотлар ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни кўяди?
4. Аграр ислоҳотлар қандай босқичларда амалга оширилди?
5. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркинлигини таъминлаш ҳамда бозор муносабатларини шакллантиришда аграр ислоҳотлар қандай роль ўйнади?
6. Мамлакатимизда амалга оширилган аграр ислоҳотларнинг натижаларини МДҲ мамлакатларидағи ислоҳотларнинг бориши билан таққосланг.

4-БОБ. РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

4.1. Ривожланган мамлакатларда аграр сиёсат

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида аграр соҳанинг ўзига хос ўрни мавжуд. Чунки аграр тармоқ мамлакат аҳолисини муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини кондириш асосидир. Ривожланган мамлакатлар аграр тармоқларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу мамлакатлар қишлоқ хўжалиги умумий иқтисодиёт тармоқларида кам улушни ташкил қиласди, аммо бу билан қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрни йўқолиб қолмайди. Умуман олганда, ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатини ўрганишни З гурухга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз. Улар қуйидагича гурухланади:

1. Биринчи гурухга Европа Иттифоқи давлатлари киради, бу давлатлар аграр сиёсатларининг хусусиятлари шундай нозик ва мустаҳкам тузилганки, ҳали аграр сиёсат амалиётида улардан ўтадиган мукаммал тизим яратилмаган;
2. Иккинчи гурухга АҚШ ва Канада қишлоқ хўжалигини киритиш мумкин, улар аграр сиёсати хусусиятлари бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги учун АҚШ аграр сиёсати мисолида унинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиласми;
3. Япония аграр сиёсати. Бу мамлакат қишлоқ хўжалигининг ҳам ўзига хос жиҳатлари борки, уларни ўрганиш ҳам ўрганувчиларни анча мушоҳада қилишга чорлашига шубҳа йўқ.

Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатларига баҳо беришни алоҳида-алоҳида кўриб чиқишини лозим топдик, бу саволда эса умумий ўхшаш жиҳатларига эътибор қаратамиз. Ривожланган мамлакатлар аграр тармоғини ўрганиш уларнинг қуйидаги ўзига хос умумий томонлари борлигини кўрсатади:

- ✓ аграр иқтисодиёт ривожланиши асосан юқори унумдорликка эга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, юқори сифатли қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришига асосланади;
- ✓ аграр иқтисодиёт юқори даражада такомиллашган агросаноат интеграциясига бирлашган;
- ✓ аграр иқтисодиёт ривожланиши илмий ҳажм юқори бўлган технологиялар, биотехнология ва информатика каби юқори унумли ва экологик тоза технологияларга асосланган;
- ✓ ишлаб чиқарувчилар капитал қўйилмалари унумдорлигини оширишда ишлаб чиқаришдаги моддий-техник элементларнинг роли пасайиб, уларнинг ўрнига биологик омилларнинг кўпроқ рол ўйнаётганлиги;
- ✓ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида капитал сифимининг пасайиб меҳнат унумдорлигининг ошаётганлиги.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аграр тармоқнинг улуши анча пасайганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2012 йилда АҚШда бу кўрсаткич 2% ни ташкил қиласган бўлса (1960 йилда 20% бўлган), Европа Иттифоқи давлатларида ўртача 3-4% ни ташкил қиласган. Бу мамлакатлар аграр иқтисодиётининг мустаҳкам ривожланишини таъминлаган аграр сиёсат шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ аграр иқтисодиётда ривожланган АСМ тизимининг мавжудлиги;
- ✓ ишлаб чиқаришнинг фермерлик тизимида ташкил қилинганлиги;

Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариши ҳажмини ошириши ва истеъмол бозорини ҳимоя қилишига қаратилган чора-тадбирларни кўзда тутадиган ҳар томонлама пухта озиқ-овқат стратегияларини қабул қилиши нақадар муҳим эканини кўрсатадиган кўплаб мисолларни келтириши мумкин. Бундай чора-тадбирлар БМТнинг Мингийллик Ривожлананини Мақсадларидан биринчиси бўлиб, очликка қарши курашишига қаратилган мақсадга эришган кўплаб мамлакатлар саъй-ҳаракатларининг асосини ташкил этади.

*Жозе Грациану да Сильва
БМТ нинг ФАО боши директори*

- ✓ давлат томонидан тартибга солишининг мукаммал тизими ишлаб чиқилганилиги;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илмий-техника ютуқларининг тижорат асосида жорий қилиш ва илмий ишларни мукаммал ташкил қилишнинг юқори натижавийлиги.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ривожланишига ва аграр тармоқнинг ҳам бозор қонунлари асосида такомил ривожланишига замонавий йирик худудий савдо блокларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Ривожланган мамлакатлар ва уларнинг ҳамкорлари иқтисодий ҳамкорлигини таъминловчи асосий иқтисодий блоклари сирасига қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Европа Иттифоқи;
2. Шимолий Америка эркин савдо келишуви (НАФТА);
3. Европа очиқ савдо ассоциацияси (ЕАСТ);
4. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АИЭС);
5. Меркосур (Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай);
6. Жанубий Африка ривожланиш қўмитаси (САРК);
7. Гарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (ЮЭМОА);
8. Анд пакети;
9. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO).

Бундай иқтисодий блокларнинг ривожланиши мамлакатлар ва улар билан ҳамкорлик қилувчилар иқтисодиётини, шу жумладан аграр секторини глобаллашув жараёнларини тезлаштироқда.

АҚШ аграр сиёсатининг ҳусусиятлари

АҚШ иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалиги ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар сингари ривожланган агросаноат тизимиға эга. Бу тизим мамлакатга 1960 йиллардан бошлаб ривожлантирила бошлаган. Мамлакат АСМ ташкилий таркиби 3 та соҳадан таркиб топган. Биринчи соҳа қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган ва моддий-техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади (тракторсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати, озуқа саноати, ҳайвонлар фармацевтикаси саноати, уруғчилик саноати).

Иккинчи соҳага қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзи киради. Учинчи соҳага эса функцияси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тармоқлар, яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, етказиб бериш ва сотиш билан боғлиқ бўлган тармоқлар киритилади. Бу тармоқлар сирасига озиқ-овқат саноати, тара ва омбор хўжалиги, транспорт, озиқ-овқат маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо қилиш, умумий овқатланиш кабиларни киритиш мумкин.

АҚШ қишлоқ хўжалигида давлатнинг таъсири жуда каттадир ва буни улар озиқ-овқат маҳсулотларига талабни шакллантириш, ички аграр бозорни жаҳон бозори билан мустаҳкам алоқадалиги, шунингдек, жуда катта миқдордаги ўрта ва кичик товар ишлаб чиқарувчиларнинг мавжудлиги билан изоҳлашади. Мамлакат аграр сиёсатининг асосий йўналишларига қуидагилар киради:

- ✓ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари даромадларини кафолатланган баҳолар орқали қўллаб-қувватлаб туриш;
- ✓ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфраструктурасини қуриш ва ривожлантириб бориш (йўл қурилиши, мелиоратив обьектлар,
- ✓ электрлаштириш ва телефонлаштириш, омбор бинолари);
- ✓ фермерларга кредит хизматини кўрсатиш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ўқиши, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ қилишни ташкил қилиш ва молиялаштириш;

- ✓ ер ва сув ресурсларини мухофаза қилиш;
- ✓ озиқ-овқатлар сифати ва атроф-муҳитнинг ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш;
- ✓ озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импортини тартибга солиш.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида улуши анча паст бўлсада, давлат томонидан унга кўрсатилаётган ёрдам ҳажми анча каттадир. Умуман мамлакат бўйича 50 % ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар баҳоси давлат томонидан қўллаб-кувватланади, бу кўрсаткич маккажўхори учун 100 % ни, ғалланинг 33% ини, пахтанинг 50% ини қамраб олади. АҚШ қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг ривожланишида кейинги 20 йилда энг асосий омил илмий-техника прогресси бўлди. Жаҳон аграр фанида асосий ўринни АҚШ эгаллайди, унда барча аграр соҳа олимларининг 2/3 қисми фаолият кўрсатади ва барча аграр фанга сарфланадиган маблағларнинг 80 % ини ташкил қиласди.

Аграр фанини ривожлантиришда асосий ролни давлат ўйнайди. Урушдан кейинги йилларда давлат аграр тармоқ фани харажатларининг 50% ини молиялаштирган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 35% ни ташкил қиласди. Умуман, давлатнинг аграр сиёсатдаги таъсирини қўйидаги фаолиятларда ифодалаш мумкин:

- ✓ давлат интеллектуал мулкни патентлаштириш, лицензиялаш, ҳалқаро келишувлар орқали ҳимоя қиласди;
- ✓ маҳсус давлат тадбиқ қилиш маркази орқали илмий-техника ютуқларини қишлоқ хўжалик амалиётига жорий қилишни ташкил қиласди;
- ✓ ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулоти сифати, сақлаш, транспортировка шартлари, қўлланилаётган кимёвий ва ветеринария препаратлари устидан кучли экологик назорат ва назорат – лаборатория ишларини олиб боришни ташкил қиласди.

Шунингдек, амалий характердаги ва тез самара берадиган, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва ҳайвонлар наслини янги турларини яратиш, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари, ўғитлар, пестицидларларнинг янги турларини ишлаб чиқиши каби тадқиқотларга

саноат корпорациялари ҳам маблағ ажратишиади. Охирги йилларда бу каби тадқиқотлар сирасига биотехнология ҳам киритилиб, хусусий секторнинг фанга инвестициялари микдори давлатницидан икки бараварга ошиб кетди. Аграр фанга корпорациялар молиясининг улуши 65% га етди. АҚШ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши ички ва ташқи бозор талабларига боғлиқдир. Миллий бозордаги шахсий истеъмол таркибининг ўзгариши, даромадлар даражаси ва демографик омиллар аграр сиёсатга катта таъсир кўрсатади. Ички бозорда озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган таркибий талаб ўзгариши унчалик катта муаммо туғдирмайди, чунки давлат томонидан тартибга солинадиган аграр сиёсат деярли ўз олдидағи муаммоларни ҳал қилиб бўлган.

АҚШ аграр сиёсатида ташқи сиёсат асосий роллардан бирини ўйнайди. Мамлакат Уругвай роунди гуруҳига кирган мамлакатлар билан энг кўп ташқи алоқаларни амалга оширади. ГААТ(савдо ва бож тўловлари бўйича бош шартнома) доирасидаги келишувга кўра АҚШ бошқа шу роундга кирувчи мамлакатлар билан қўйидаги масалаларни келишиб олган ҳолда фаолият юритади:

- ✓ экспорт субсидияларини қисқартириш;
- ✓ қатнашчи-мамлакат миллий бозорларидаги ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш даражасини қисқартириш;
- ✓ аграр иқтисодиётда бозор муносабатларини кучайтириш;
- ✓ ҳалқаро савдони либераллаштириш ва қаттиқ фитосанитария регламентларини ўрнатиш.

Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигидаги қийинчиликларга қарамай АҚШ ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йирик экспортчиси мақомини сақлаб қолиши мумкин, чунки мамлакатдаги ишлаб чиқариш харажатларининг бошқа мамлакатлар билан таққослаганда анча паст даражаси бундай имкониятни сақлаб қолиш учун етарлидир. Яқин келажакда товар экспорт қилиш таркиби ўзгаради – ғалла ва соя чиқариш барқарорлашиб, гўшт ва мевалар экспорти ошиши кутилаяпти. АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташқи савdosida асосий савдо ҳамкорлари бўлиб Япония, Канада ва Мексика

хисобланади. 1980–йиллардан бошлаб, АҚШ қишлоқ хўжалигида инвестицияларнинг ресурслар ва технологияларни такомиллаштиришга йўналтириш бошланди. 90 – йиллардан бошлаб асосий капитал хажмини қисқартириш сиёсати аграр тармоқ ривожланиши учун янги босқич бўлди. У асосий воситалар самарадорлигининг ошиши ишлаб чиқаришга анъанавий техникалар ўрнига электрон техниканинг қўлланиши, баҳонинг ошиб кетмаслигини таъминлаш (бу ҳам электрон техниканинг арzonга тушиши билан боғлиқ), моддий капитал элементларининг қисқартирилиши (тракторлар, машиналар, ишлаб чиқариш курилишлари) ва биологик омилларнинг (қишлоқ хўжалик экинлари нави ва ҳайвонлар наслини яхшилаш) ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш билан тавсифланади.

Янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан “инсон омили” га, тўғрироғи, унинг малакасига талаб ҳам ошади. Кейинги йилларда аграр тармоқда ишловчиларнинг сони қисқариб, малака даражаси оширилаётганлигига эътибор қаратиш мумкин. Бошқа ривожланган мамлакатлар сингари, АҚШда ҳам агросаноат мажмуини ривожлантириш кучли озиқ-овқат саноатини ривожлантириш билан чамбарчас боғланган. Мамлакатда бу саноат кучли ривожланган мажмууни ташкил этиб, ўзида 40 дан ортиқ тармоқни жамлаган 22000 та корхонадан таркиб топади. Тармоқда асосий ўринни 100 та йирик фирма тутиб, уларнинг 60 таси мамлакатнинг 500 та йирик корпорациялари қаторидан жой олган ва дунё бўйича уларнинг кўплаб филиаллари мавжуддир.

Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати масаласи энг асосий муаммолар даражасига кўтарилигач, мамлакат аграр сиёсатида физиологик ва экологик хавфсизликни таъминлаш бош масала қилиб қўйилди. Экспертларнинг хуносаларига кўра инсон ҳаётига тиббиёт 8-9%, озиқ-овқатлар эса 40-50% таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш зарурияти, тармоқни технологик ва функционал ривожлантиришни фан-техника ютуқлари асосига қуришни асосий ҳаракатга келтирувчи куч даражасига чиқаради.

Япония аграр сиёсатининг ҳусусиятлари

Аграр сиёсатларни таҳлил қилганда Япония аграр сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Япония аграр сиёсатининг фақат унгагина хос бўлган ҳусусиятларидан бири шундаки, унда ҳеч қачон асосий масала сифатида экспорт масаласи қўйилмайди. Аграр тармоқ ривожланиши ватараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, Японияда бошқа тармоқлар сингари қишлоқ хўжалигида ҳам ҳамма вақт ресурслар танқислиги бош масала бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Япония аграр сиёсати олдига ҳамма вақт мамлакат иқтисодий салоҳиятига самарадорлик нуқтаи назаридан эмас, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал қилиш вазифаси бош масала сифатида қўйилган. Япония аграр тармоғи маҳсулотининг мамлакат ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи 2% дан камни ташкил қиласди. Унинг таркиби асосан озиқ – овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати маҳсулотларидан таркиб топган. Япония қайта ишлаш саноати ресурсларга бўлган ўз эҳтиёжини импорт орқали қондиради. Япония аграр сиёсатининг асосий вазифаси озиқ-овқат хавфсизлигини қондириш бўлсада мамлакат ҳеч қачон ўз истеъмолини ички бозор орқали қондира олмаган. 1934-1936 йилларда мамлакат ҳалқи истеъмоли учун керак бўлган гуручнинг 19% ини, ғалланинг 42% ини, соя ва маккажўхорининг 60% дан зиёдроғини, шакар хом- ашёсининг 96 % ини бевосита импорт орқали қондирган. Йиллар давомида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг энг яхши кўрсаткичига 1960 йилда эришилган бўлиб, бу кўрсаткич 93% ни ташкил қиласди, бундан кейинги йилларда эса йилма-йил пасайиб бораверган. 1965 йилда 88%, 1970 йилда 83%, 1975 йилда 79% ва ҳозирги кунда 65-70% истеъмол миллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондириллади. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг даражасини бундай камайиши асосий сабаблари қўйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- ✓ ишловчиларнинг паст самарали ва кўп меҳнат талаб қилувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишини хоҳламай, ўзларини бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритишга ўтиб кетишганликлари;

- ✓ давлат миқёсида юқори самара берәётган саноат, электроника ва шу каби ишлаб чиқаришни қўллаб-кувватлаш сиёсатлари натижасида бу корхоналарнинг кўпайиши ҳамда уларнинг корхона қурилиши эвазига қишлоқ хўжалик ерларининг камайиб кетиши ва янги ерлар очиш имкониятининг йўқлиги;
- ✓ аграр сиёсатнинг қиммат ишлаб чиқариш ўрнига арzon маҳсулотлар сотиб олишга қаратилганилиги;
- ✓ мамлакат аҳолисининг табиий кўпайиши ва бунинг натижасида истеъмол даражасининг ошиши.

Бундай ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда Япония ҳукумати аграр сиёсатнинг олдига ҳар қандай ҳолатда фақат мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилиш вазифасини қўяди. Шундан келиб чиқиб, Япония аграр сиёсатининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни имкон қадар миллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондириш.
2. Озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор миқдорда ва сифатда етказиб бериш бўйича экспортёр мамлакатлар билан самарали келишувлар олиб бориш ва шартномалар тузиш.
3. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш ва хавфни имкон қадар камайтириш мақсадида маҳсус озиқ-овқат заҳираларини ташкил қилиш.
4. Келгусида самарали шартномалар тузиш ва ҳамкорлик олиб бориш имконияти мавжуд бўлган ривожлананаётган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам қилиш.

Бу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши натижасида Япония озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўла қондиришга эришди. Юқоридагилардан ҳам хулоса қилиш мумкинки, Япония аграр сиёсати хорижий ҳамкорлар билан иш олиб боришга қаратилган ва бунга мажбур ҳамдир. Япониянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича асосий ҳамкорлари ривожланган мамлакатлардан АҚШ ва Канада, шунингдек, Лотин Америкаси ва Шарқий Осиё давлатлари ҳисобланади.

Япония аграр сиёсатида ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар сингари давлатнинг роли катта ўрин тутади. Аграр тармоқ давлат томонидан тартибга солинади ва қўллаб-кувватлаб турилади. Ички ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосини рағбатлантириш давлат ёрдамларининг асосий қисмини ташкил қиласди.

Японияда барча ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 80 % ининг баҳоси давлат томонидан рағбатлантирилади, бу кўрсаткич ғалла ишлаб чиқаришда 90 % ни, гуруч ишлаб чиқаришда 50 % ни, сули ишлаб чиқаришда эса 60 % ни ташкил қиласди. Қишлоқ хўжалигида фантехника ютуқларини қўллаш асосан экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Япония аграр сиёсатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини такомилластириш, шу асосда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини мунтазам ҳал қилиб бориш мақсадида аграр сиёсатнинг олдига доимий равишда қўйидаги масалаларни ҳал қилиб бориш вазифаси қўйилади:

- ✓ жаҳон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифнинг ҳолатини ва истиқболини ўрганиб бориш;
- ✓ японча типда овқатланишни тарғибот қилиш;
- ✓ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ички бозорда қондириш салоҳиятини тартибга солиш ва қўллаб-кувватлаш;
- ✓ мамлакат ичida озуқа учун дон ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкониятлар яратиш;
- ✓ озиқ-овқат маҳсулотларини самарали асосда импорт қилиш ва озиқ-овқат заҳираларини яратиш.

Европа Иттифоқи мамлакатлари аграр сиёсатининг хусусиятлари

Европа Иттифоқи ташкил қилинганидан кейин қишлоқ хўжалигини ягона асосда ривожлантириш сиёсати энг қийин амалга оширилган сиёсатлардан бири ҳисобланади. Умумий аграр сиёсат ўзининг пайдо бўлиш мақсадига кўра Европа Иттифоқига кирган дастлабки 6 та мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий манфаатларини ҳал қилиши лозим эди. Умумий аграр сиёсат асосан Европа Иттифоқи мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши интеграциясини ва умумий сиёсатини белгилаб бериш мақсадида ташкил қилинган. Европа Иттифоқи замонавий кўринишини шакллантирадиган интеграцион жараёнлар икки асосий йўналишда ривожланмоқда:

1. Экстенсив - Европа Иттифоқига янги аъзо мамлакатларини қўшиб олиш асосида интеграцияни кучайтириш;
2. Интенсив - ҳамкорликнинг анча оддий усулларидан мураккаброқ шаклларга ўтиш орқали интеграцияни кучайтириш.

Европа Иттифоқи интеграциялашуви жараёнининг бошқа интеграцион иттифоқлардан фарқли томонларини қуидаги хусусиятлар ташкил қилади:

1. Босқичма-босқич ривожланиш: божхона иттифоқи орқали орқали эркин савдо зоналарини ташкил қилиш; ягона ички бозор; иқтисодий ва валюта иттифоқи.
2. Унивал миллатлараро институтларни ташкил қилиш; Европа кенгаши, ЕИ министрлар кенгаши, ЕИ қўмитаси, Европа парламенти, Европа суди.
3. Миллатлараро даражада молиявий, таркибий ва илмий-техникавий сиёсатни юритиш.

Европа Иттифоқини ривожлантириш босқичлари асосан қуидагилардан иборат:

Биринчи босқич (1957-1971 йй.) – «Божхона иттифоқи» сиёсатини юритиш орқали эркин савдо зоналарини яратиш, бунда Европа Иттифоқи рамкасида бож пошлиналари бекор қилинди, учинчи мамлакатлар учун 6 та Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ташки тарифи бир хил даражада белгиланди, 6 мамлакат худудида улар ўзаро савдо чекловлари ва бошқа нотариф тартибга солишлар йўқотилди.

Иккинчи босқич (1972-1978 йй.) – Европа Иттифоқи инқирози, бу ўз навбатида 1974-75 йилларда жаҳон иқтисодий инқирозидан келиб чиқди. Иқтисодий қийинчиликларнинг ўсиши интеграцион жараёнларни заифлаштириди, ЕИ мамлакатлар ўртасида киритиладиган молларга миқдорий чекловлар қайта пайдо бўлди, демпинг баҳоларини қўллаш кенгайди.

Учинчи босқич (1979-1985 йй.) – Европа валюта тизими яратилди, кучсиз валютага эга бўлган мамлакатлар, кучли валютали мамлакатлардан давлат ёрдами олдилар, ҳамда икки томонлама валюталарни кучайтиришга йўналтирилган қисқа муддатли кредитлар ва бошқа тадбирлардан кенг фойдаланилди.

Тўртинчи босқич (1986-1992 йй.) - 60 йиллардаги умумий бозордан фарқланувчи ягона Европа ички бозорининг пайдо бўлиши, бунда нафақат товарлар, балки хизматлар, капитал ва иш кучи ҳам эркин харакатлана олди.

Бешинчи босқич (1993-2002 йй.) - ягона ички бозордан иқтисодий ва валюта иттифоқига ўтиш, бунда ягона европа валютаси - евро базасида ижтимоий-иктисодий, пул-кредит ва молия сиёсатларини умумлаштириш мақсад қилинган. Европа Иттифоқи институционал таркибини шакллантирувчи институтлар такомил иқтисодий ривожланишни таъминлайди ва мамлакатлар ўртасидаги барча алоқаларни шароитга мослаштириш имкониятларини яратади. Бу таркибни шакллантирувчи институтларга асосан қуидагилар киради:

1. Европа Кенгаши – Европа Иттифоқи сиёсий стратегиясини аниқловчи Европа Иттифоқининг олий сиёсий органи;
2. Министрлар Кенгаши - қарор қабул қилувчи бош институт ҳисобланади.

3. Европа Иттифоқи Комиссияси - миллатлараро ижроия институти, мавжуд қонунларни ҳаётга тадбиқ этишдан ташқари, Европа Иттифоқи қонунчилигини ташкил этади, Европа Иттифоқи молиясини бошқаради.
4. Европа Парламенти - Европа Иттифоқи комиссияси ишини назорат қилади, янги қонунларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш жараёнида иштирок этади, молиявий маблағларни сарфлаш, бюджетни қабул қилиш ва уни бажариш ишларини назорат қилади.
5. Европа Суди - Европа Иттифоқи хукуқларини аъзо мамлакатларнинг миллий давлат хукуқларидан устунлигини таъминлайди, Европа Иттифоқи жорий фаолияти амалиётидаги қарама-қаршиликларини тартибга солади.

Европа Иттифоқининг миллатлараро ва миллатлар даражасидан юқори барча фаолиятларини молиявий тартибга солиш асослари Европа Иттифоқи умумий бюджети ҳисобланади. Европа Иттифоқи молиявий механизмига қўйидагилар киритилади:

- ✓ Қишлоқ хўжалигини йўналтириш ва кафолатлаш фонди – Европа Иттифоқи ягона аграр сиёсатини молиялаштириш манбаи;
- ✓ Европа ижтимоий фонди – сурункали ишсизлик қамраб олган турғун ҳудудларга ёрдам бериш дастурларини молиялаштириш манбаи;
- ✓ Европа ҳудудий ривожлантириш фонди - Иттифоқ турли ҳудудларини иқтисодий ривожлантириш даражасини тенглаштириш дастурларини молиялаштириш манбаси;
- ✓ Европа ривожлантириш фонди – интеграциянинг дастлабки босқичини ўтаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш манбаси;
- ✓ Европа инвестиция банки – ўзоқ муддатли кредитлар ва кафолатлар ҳисобига корхоналарни модернизациялаш бўйича ҳудудий дастурларни молиялаштириш институти.

Европа Иттифоқи бюджетининг даромад қисми қўйидаги манбалардан шаклланади:

- Аъзо давлатлардаги қўшимча қиймат солиғининг 1,4 % миқдоридаги ажратмалар;
- Европа Иттифоқи ҳудудига учинчи мамлакатлардан импорт қилинадиган саноат товарларига ўрнатиладиган бож тўловлари;
- Импорт қилинадиган товарлардан олинадиган аграр компенсация йигимлари;
- Миллий бюджетлардан ажратмалар.
- Бюджетнинг харажат қисмини қўйидагилар ташкил қилади:
- Европа Иттифоқи мамлакатларининг ягона аграр, ҳудудий, ижтимоий, илмий-техник ва саноат сиёсатларини юритиши;
- Ривожланаётган мамлакатларга ёрдам қилиш;
- Маъмурий харажатларни қоплаш.

Европа Иттифоқи давлатларининг 6 тадан 12 тагача бўлган даврда ягона аграр сиёсатининг қабул қилиши ва такомиллаштирилишини бир неча босқичларга бўлишимиз мумкин. Маълумки, ҳар бир қабул қилинаётган янгилик кейин қандай самара беришидан қатъий назар бир қатор қаршиликларга дуч келади. Ягона қишлоқ хўжалик сиёсати ҳам бирданига қабул қилинган жараён эмас ва уни тўла шаклланиш босқичларини кўриб чиқиб, маълум белгиларини ўрганиб чиқамиз. Ягона қишлоқ хўжалик сиёсатининг ғоясидан тортиб то тўла шакллангунига қадар бўлган даврни қўйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. 1945–1954 йиллар: Иккинчи жаҳон урушининг натижалари - Европа Иттифоқининг пайдо бўлиши. Фарбий Европа мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий иттифоқларини барпо қилиш жараёнида қишлоқ хўжалигига ҳамкорлик барча мамлакатлар ҳоҳишлигининг марказида эди ва айнан шу нарсага ягона аграр сиёсатини қабул қилиниши ва шаклланиш учун асос бўлди. Иқтисодий иттифоқ тўзиш урушдан кейинги сиёсий бирлашиш ва тинчликнинг кафолати ҳисобланар эди. Шу мақсадда қабул қилинган Маршалл режасига кўра бу мамлакатлар кутилганидан ҳам зиёдроқ натижаларни кўлга киритдилар. Бу дастурни тўлақонли амалга ошириш мақсадида АҚШ ва Канададан 1948-1952

йилларда 25 миллиард доллардан ортиқроқ маблағ бу мамлакатларга етиб келди. Бу моддий ёрдам яна шуниси билан ҳам мұхим әдіси, унинг мақсади асосан савдо назоратини олиб ташлашга қаратылған тадбирларға йүналтирилған әди. 1948 йилда Белгия, Нидерландия ва Люксембург биргаликта Бенелюкс Бож Иттифоқини тузиши да бир-бірларига нисбатан савдо алоқаларига бож үрнатмасликка келишиб олишди. Кейинроқ бу ҳолат қишлоқ хұжалик бозорлари учун анча мұхимлигини Франция ҳам тушунди ва құшилишга розилик берди. Германия ва Италия ҳам хайрихохлик билди, аммо Англияның қаттық қарши туриши ягона холосага келиш имкониятини бермади. 1951 йилда дастлабки юқори даражадаги ҳамкорлық құмیر ва пұлат ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлық Европа Құмیر ва Пұлат Иттифоқини түзиш бўлди. Бу сафар Бенелюкс ва Францияга, Германия ва Италия ҳам қўшилди, аммо Британия яна қўшилмади. Аммо нима бўлганда ҳам бу келгусидаги ҳамкорликнинг асоси әди.

2. 1955-1957 йиллар. Рим шартномаси ва қишлоқ хұжалиги учун мақсадлар. Бенелюкс мамлакатлари Европа Иттифоқини сиёсий бирлаштириш анча қийинлигини, бунинг үрнига тұла шаклланған ва бирлашған Европа бозорини яратып лозимлаги ҳақидаги қатор иқтисодий таклифлар билан қишишди. Рим шартномаси Европа Умумий бозорини ташкил қилишнинг асоси бўлди. Бунда Умумий бозор қоидалари келишиб олинди. Уларнинг фикрича, умумий сиёсат алоҳида радикал гурухлар манфаатидан эмас, миллий сиёсатдан келиб чиқиши лозим. Шундай бўлсада, бир нечта келишувлар бўлиб ўтсада қишлоқ хұжалиги масаласи ҳамма вақт очик қолаверди. Олти мамлакат вакиллари Брюсселга имзоланадиган шартномани қайта ишлаш учун делегацияларини жўнатганларида ҳам ишчи гурухларида биронта ҳам қишлоқ хұжалигига тааллуқли кишилар йўқ әди. Шартноманинг асосида қуйидаги шартлар ётади:

- ✓ мақсадлар бож тұловлари, квоталар ва бошқалар орқали амалга оширилади;
- ✓ учинчи мамлакатларга умумий бож тұловлари ва умумий тижорат сиёсатини юргизиш;
- ✓ иқтисодий сиёсатни координациялаш ва одамлар, хизматлар ва капиталнинг аъзо мамлакатларда эркин ҳаракатланишини таъминлаш.

Ушбу шартноманинг 43 моддасида ягона қишлоқ хұжалиги сиёсати имзоланиши керак әди, аммо комиссия уни Европа Парламенти билан маслаҳатлашиш, ҳамда кейин қарор қабул қилш учун министрларга қайтаришга қарор қилди.

3. 1958 йил. Стреза конференцияси – сиёсатнинг яқуний таркиби.

Стреза конференциясидан кейин Комиссия, ўзининг бириңчи хабаридәёқ Иттифоқнинг қишлоқ хұжалик сиёсатига доир муаммоларини ҳал қилишга ўтганлигини эълон қилди. Ягона қишлоқ хұжалиги сиёсатини қабул қилишнинг асослари яратилди.

4. 1959 – 1962. Конфликт ва компромисс – Ягона Аграр Сиёсатининг пайдо бўлиши.

Кенгаш иштирокчиларининг конфликтлари нафақат аъзо бўладиган мамлакатлар, балки сиёсатнинг мақсадлари устида ҳам борди. Кенгаш чекланған миқдорларга асосланған савдо ва бозорларни ташкил қилишдан воз кечди. Шундай бўлиши билан бирга, улар Европа аграрсиёсатининг фундаментал тамойилларини ва бу сиёсатнинг ташкилий асосларга эга бўлишини келишиб олдилар. Бу келишувга кўра қабул қилинган Умумий Аграр Сиёсатнинг асосий тамойиллари қўйидагилардир:

бозор бирлиги – умумий қишлоқ хұжалик бозорининг амал қилиши, умумий маркетинг тизими ва умумий келишилган баҳолар;

Иттифоқ манфаатларининг устунлиги – Иттифоқ мамлакатлари рақобатбардошлигига учинчи мамлакатдан келтириладиган импорт билан хавф солинмаслиги лозим;

молиявий бирлик – сиёсат учун қилинган ҳаражатлар ҳам Иттифоқ томонидан молиялаштирилади, яратилган даромаднинг маълум қисми ҳам Иттифоқ ҳисобига ўтказиб борилади ва ресурс яратилади.

Бу учта тамойил Умумий Аграр Сиёсатининг мөхиятини англашти да у Комиссия томонидан қаттық химоя қилинди. Бу вақтда, ҳали қатор масалалар ҳал қилиниши лозим бўлсада, Умумий Аграр Сиёсатнинг расмий пайдо бўлганлигини кўрсатди.

5. 1963 – 1967. Умумий баҳолар ва умумий молиялаштириш – якуний эришилган натижалар.

Умумий Аграр Сиёсатининг якуний босқичида умумий баҳолар ва умумий молиялаштириш мақсадига эришилди ва бу сиёсатнинг юқори чўққисига эришганлигидан далолат берарди. Бунинг натижасида бир қатор фонdlар ташкил қилинди.

Умумий Аграр Сиёсатнинг кейинги йиллардаги ривожлантирилишига Европа Иттифоқи давлатлари сонинг ошиши, дунё мамлакатлари савдоси, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар ва сиёсий доирадаги ўзгаришлар таъсир кўрсатди, аммо унинг асосий тамойиллари ўзгармай қолди. Европа Иттифоқи давлатларининг жорий қишлоқ жойларни ривожлантириш таркибий сиёсати таркибий аграр сиёсат натижасида келиб чиқкан. Қишлоқ жойларни ривожлантириш сиёсати – Европа Иттифоқининг иқтисодий ва ижтимоий бирликка эришишининг асосий омили деб қаралади. Европа Иттифоқи қишлоқ жойларни ривожлантиришни жорий таркибий сиёсати масаласи 1960 йилларда, яъни ягона аграр сиёсатнинг жорий қилина бошлаган пайтларданоқ ривожлана бошлаган. 1988 йилданбошаб Европа Иттифоқи бу сиёсатга эътиборни кучайтириди ва амалий ишларни кенгайтириди.

1. 1988 йилгача бўлган давр. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун таркибий тадбирлар амалга оширилган давр. Бу даврда ягона аграр сиёсатнинг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда қишлоқ аҳолисининг ҳам турмуш даражасини яхшилаш масалаларига эътибор қаратилган, аммо бутун Европа миқёсида ягона сиёсат олиб борилмаган.

2. 1988 йил. Қишлоқ жойларни ривожлантиришга оид кескин тадбирлар белгилашга бурилиш йили. Бу даврда жуда кўп асосий тадбирлар белгиланди. Улардан айримларини санаб ўтамиз:

- ✓ Ягона Европа ҳақидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун ЕИ кирувчи мамлакатларни бирдек ривожлантирилишини қонуний жиҳатларини асослаб берди;
- ✓ “Келажакдаги Қишлоқ Жамияти” дастури қабул қилинди ва қишлоқ жойларни ривожлантириш йўналишларини асослаб берди;
- ✓ “Делор I” ва Таркибий Фонdlарни ислоҳ қилиш.
- ✓ 1994-1999 йиллар. “Делор I” ва иккинчи дастурлаш даври.

Бу дастурларни амалга оширишнинг асосларини қўйидаги воситалар орқали амалга ошириш мақсад қилинди:

Дастлаб дастурларни амалга оширишни молиялаштирадиган фонdlар фаолиятини тартибга солиш ва янги фонdlарни яратиш масалалари ҳал қилинди. Бу фонdlар Иттифоқининг асосий мақсади бўлган иқтисодий бирликка эришишининг асосий воситалари ҳисобланади ва бу фонdlар қўйидагилар ҳисобланади:

- ✓ Европа Ижтимоий Фонди, Соғлиқни тиклаш ва профессионал таълим олишга кўмаклашади;
- ✓ Европа Ҳудудий Ривожланиш Фонди, бу фонд қишлоқ жойлардаги кичик бизнесни ва инфраструктурани молиялашга ёрдам қиласди;
- ✓ Балиқчиликни Бошқаришнинг Молиявий Воситаси, бу фонд балиқчилик тармоғидаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кўмаклашади.

3. Бирлик Фонdi ташкил қилинди. Бу фонд бошқа фонdlар билан биргаликда иш олиб боради ва Греция, Португалия, Испания ва Ирландия мамлакатларининг ягона пул бирлигига мослашиши, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши, атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳамда Европа транспорт тизимини такомиллаштириш каби соҳаларни молиялаштиради. Бу фонд ёрдам қилиш шарти 2 хил бўлади: биринчидан киши жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртача Европа давлатлари даражасининг 90 фоизидан ошиб кетмаслиги керак ва бу мамлакат “иқтисодий конвергенсия” қоидасига амал қилиши керак. Бу 2000-2006 йиллар давомида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдори 90 фоизга етмаган мамлакатларга ёрдам бериши кўзда тутилган.

Европа Иттифоқи аграр сиёсатини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг мақсадлари ишлаб чиқилди. Бу мақсадларни худудлар ва ижтимоий гурухлар бўйича 7 турга бўлиш мумкин:

- ✓ 1-мақсад: ривожланиши орқада қолаётган худудларни таркибий тартибга солиш (масалан, собиқ ГДР ҳудудида аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача Европа даражасининг 75% идан ҳам кам эди);
- ✓ 2-мақсад: саноатлашиши орқада қолаётган худудларни иқтисодий қайта шакллантириш;
- ✓ 3-мақсад: узоқ муддатли ишсизликка қарши қурашиш ва меҳнат бозоридан чиқиб қолган ҳамда ёшлар ҳаётини меҳнат билан интеграциялаштиришга ёрдам қилиш;
- ✓ 4-мақсад: ишловчиларнинг саноатлашган ҳолдаги ўзгаришларга кўникишларини енгиллатиш;
- ✓ 5-мақсад: қишлоқ хўжалиги ва балиқчиликнинг тармоқ такибини тартибга солиш;
- ✓ 6-мақсад: қишлоқ жойларида иқтисодиётнинг самарали тармоқларини олиб кириш;
- ✓ 7-мақсад: аҳоли кам жойлашган худудларни таркибий тартибга солиш, 1995 йилда ЕИга Финландия ва Швециянинг кириши натижасида вужудга келган.

4.2. Ривожланаётган мамлакатларда аграр сиёсат ва ислоҳотларнинг хусусиятлари

Корея Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида сиёсати

Корея Республикаси қишлоқ хўжалигининг асосий вазифалари мамлакатдаги асосий озуқа воситаси бўлган гуручининг ички таъминоти етарлилиги ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда уй хўжаликлари даромадлари тенглигини таъминлаштириш. Ҳукумат мазкур мақсадларга ҳосилни кўпайтириш ва истеъмолни камайтиришга интилди. Етиштиришни кўпайтириш учун давлат ички ишлаб чиқарувчилар учун мақбул нархларни белгилаб, импорт қилинувчи товарлар учун юқори тўсиқлар киритди. Шоли, арпа, маккажӯҳори, соя ва тамакининг мамлакатда етиштирилиши субсидия қилинди. Импортга нисбатан баланд тўсиқлар шоли, арпа, сабзавот, мева етиштирувчи ва чорвадорларни ҳимоя қилишди. лекин буғдой, ем учун ғалла, мойли ўсимликлар, терилар ва пахта импортига нисбатан савдо тўсиқлари жорий этилмади.

Ҳосилнинг ўртача 26 фоизини баландроқ нархда харид қилиш орқали (1990–1997 йиллар-даги каби) давлат гуручининг харид нархини мувофиқлаштиради. 2012 йилга келиб давлат хариди шоли ҳосилининг 14 фоизигача пасайди. Ишлаб чиқарувчиларни нархлар орқали қўллаб-қувватлаш ва импортни чеклаш ички бозорда жаҳон бозорига қараганда юқорироқ нархлар шаклланишига олиб келди. Бу эса истеъмолни камайишини рағбатлантириди.

Халқаро шартномаларга биноан 1980 йилларда импортга нисбатан чекловлар қадам бақадам бекор қилиниб, мамлакат бозорларини хорижий ишлаб чиқарувчиларга очиб берди. Импорт қилинган гуруч қайта ишлаш учун мўлжалланган бўлиб, юқори сифатли маҳаллий гуруч бевосита истеъмол учун талабни қондириши лозим эди. 2001 йил 1 январдан бошлаб Корея барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини эркинлаштириди ва гуручдан ташқари барча озиқ-овқатларга нисбатан тарифлар чегарасини белгилади. 1239 тоифадаги товарлар учун ўртача тариф 64,8 фоизни ташкил қиласади.

1994 йилда ҳукумат 50 млрд долларга teng бўлган беш йиллик қишлоқ хўжалигини қайта тузиш дастурини бошлади. гуруч ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш стратегиясидан фарқли ўлароқ янги дастур ресурсларни қайта тақсимлаб, бошқа соҳалар, жумладан товар экинлар ҳамда қишлоқ жойларда инфратузилма ва маркетингни ривожлантириш-га қаратди.

Охирги йилларда Кореяда гуруч истеъмоли ишлаб чиқаришга қараганда тезроқ камайди. Ундан ташқари импорт қилинган гуруч ички бозорда маҳаллий гуруч билан рақобат қиласади. гуруч кўплиги ва Жаҳон савдо ташкилоти талаблари туфайли ҳукумат гуручни сунъий баланд нархларда харид қилиш амалиётидан воз кечди. гуруч мамлакат захиралари учун бозор нархида сотиб олинади ва аҳолига ҳам чегирмасиз бозор нархида сотилади.

Ушбу шароитда фермерларни ҳимоялаш мақсадида давлат уларга қонунга кўра ҳар хил компенсация турларини таклиф қиласади. Биринчидан, ҳар йили фермерлар ўз шоли далаларини эккани учун ҳар гектарига тахминан 600 доллар олишади. Иккинчи компенсация гуручининг ички бозордаги нархи

давлат белгилаган даражадан пастга тушса, улар ёрдам пули олишади. Бундай ҳолатда фермерлар нархнинг фарқини 85 фоизини олишади. Яна бир чора гуручнинг ҳаддан ташқари кўп етиширилишини олдини олишга қаратилган. фермерлар кетма-кет уч йил давомида далани тижорат мақсадида экишмаган бўлса ҳар гектар учун 3000 доллар олишади.

Асосий таянч тушунчалар:

Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар аграр сиёсати, экспортга субсидиялар, интервенция нархлари, давлат дастурлари, мамлакатлар аграр иқтисодиётни тартибга солишидаги асосий вазифалари, давлатлар аграр сиёсат ривожланиши босқичлари.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, восита ва механизmlари нималардан иборат?
2. Ривожланган мамлакатлар аграр иқтисодиётини тартибга солишдаги асосий вазифаларига изоҳ беринг.
3. Ривожланаётган мамлакатлар аграр сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, восита ва механизmlари нималардан иборат?
4. Ривожланаётган мамлакатлар аграр иқтисодиётини тартибга солишдаги асосий вазифаларига изоҳ беринг.
5. Аграр иқтисодиётни тртибга солища бу мамлакатларда давлат дастурлари қандай роль ўйнади?

5-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ-МИЛЛИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИНИНГ СТРАТЕГИЯСИ

5.1. Озиқ-овқат хавфсизлиги: тушунча ва тажриба

Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати бўлиб, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъий назар бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланади [100].

“Айнан қишилоқ хўжалигининг доимий тақрор ишилаб чиқариладиган бойликлари боиқа бойлик шакллари учун асос бўлиб хизмат қиласди, барча турдаги касбларни иш билан таъминлайди, савдо-сотиқни ривожлантиришига таъсир қўрсатади, саноатни ҳаракатга келтиради ва миллатнинг гуллабяшишини таъминлайди” [66, 14].

Ф.Кенз

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, ахолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. У ҳатто валютанинг етишмаслиги, четдан маҳсулотларни олиб киришда эмбарго (бошқа мамлакатлар томонидан тўсиқлар қўйиш) нархларнинг ўсишига боғлиқ бўлмаган бўлиши керак.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари:

- ✓ ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (етарли миқдорда унинг таклифи);
- ✓ аҳоли барча итимоий тоифалари, шу жумладан кам тамилланган аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);
- ✓ меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида тақлиф қилинган бўлиб, “озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишилаб чиқарии ҳажми ва нархларнинг ўзгаришиларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамгармалари ҳар доим мавжудлигини” англатади. Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва тўйимлилиги ҳамда шахсий ҳоҳшишларни ҳам инобатга олиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси кенгайтирилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида мавжуд замонавий адабиётда жуда кўп тушунча ва кўрсаткичлар мавжуд. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид кўп тушунчалар ва кўрсаткичлар мавжудлигига қарамай, мазкур гоянинг ўта муҳимлигини ҳамма эътироф этган.

1996 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммити озиқ-овқат хавфсизлигини шарт сифатида белгилади: “...барча одамлар ўз озиқланиши эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳшишларига биноан ҳамда фаол ва соглом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига етарли ва иқтисодий жиҳатдан эга бўлиши учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди деганидир” [68].

2001 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги гоясига моддий ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам қўшилди. Ҳозирги ФАО белгилаган тушунча мазкур қўшимча жиҳатни қўйидагича акс эттиради: “барча одамлар одамлар ўз озиқланиши эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳшишларига биноан ҳамда фаол ва соглом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди деганидир” [68].

ФАО мутахассислари фикрига кўра озиқ-овқат хавфсизлиги жиҳатидан ҳолат озиқ-овқат хавфсизлиги омиллари, кўрсаткичлари, таъминот барқарорлиги, эга бўлиш имконияти ва соғломлиги билан белгиланади. Улар қуйида батафсил белгиланган.

Барқарорлик: озиқ-овқат таъминоти узилмаслиги учун аҳоли, оила ёки алоҳида аҳс ҳар доим озиқ-овқатга эга бўла олиши лозим. Улар кутилмаган ҳодисалар (масалан, иқтисодий ёки иқлимий бўхрон) ёки циклик ҳодисалар (масалан, иқлимий озиқ-овқат танқислиги) туфайли озиқ-овқатдан узилиб қолмаслиги лозим.

Озиқ-овқат мавжудлиги: зарур сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур миқдорда ички ишлаб чиқариш ёки импорт орқали (шу қатори озиқавий кўмак) таъминоти. Озиқ-овқат мавжудлигининг энг кўп қўлланилувчи воситаси калорияларда ҳисобланувчи жон бошига кундалик энергия сарфидир (КЭС). ФАО услубларига кўра КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат балансига асосланган озиқа истеъмоли турига биноан ҳисобланади. ФАО муайян товарларни озиқ-овқат таъминотининг турли манбалари (ишлаб чиқариш, жамғармалар, савдо) ва маҳсулотлардан турли мақсадларда фойдаланишга (ёки истеъмол) (ем, ургулик, саноатда фойдаланиш, чиқитлар) оид маълумотлардан фойдаланиб, озиқ-овқат балансларини ҳисоблади.

Озиқ-овқатга эга бўла олиш: тўйимли озиқланиш учун зарур озуқаларга эга бўлиш мақсадида зарур ресурслардан фойдаланиш учун моддий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар.

Озиқ-овқатнинг моддий таъминоти озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлишини назарда тутади.

Иқтисодий имконият аҳолининг барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби етишини билдиради. Бошқача айтганда, иқтисодий имконият уй хўжаликлар озиқ-овқат хариди учун етарли даромадга эгалиги ва мамлакат озиқ-овқат импорти учун етарли хорижий валютага эгалигини билдиради.

Ижтимоий имконият маданият ёки диндан қатъий назар, бутун аҳоли вдолатли равишда озиқ-овқат билан таъминланишини англатади. Фойдаланиш: мувофиқ озиқланиш, тоза сув, санитария ва соғлиқни сақлаш орқали озиқ-овқат истеъмол қилиш билан барча физиологик эҳтиёжлар қондирилувчи ҳолатга етиш. Бирор кўрсаткичга етишмаслик озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги ёки озиқ-овқат етишмаслигига олиб келади.

Озиқ-овқат етишмаслиги шундай вазиятки, аҳоли меъерда ўсиш, ривожланиш ҳамда фаол турмуш тарзи учун зарур бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатларни етарли миқдорда ололмайди. Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, оиласлар ва бутун халқ учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигига даражасининг таҳлили **озиқ-овқат баланси** (ООБ) да, яъни мамлакатда озиқ-овқат мавжудлигига акс эттирилади. ООБ муайян даврда мамлакатда озиқ-овқат таъминоти ва инсон истеъмоли учун мавжуд озиқ-овқат миқдори ва уларнинг озуқавий кийматига оид статистик маълумотларнинг ҳисоб-китобларини таъминлайди. Озиқ-овқат балансида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва импортга оид маълумотлар йиғилган бўлиб, мамлакатда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги шароитини ҳамда мамлакат қай даражада импортга қарамлигини (импортга қарамлик кўрсаткичи) баҳолашга имкон беради.

5.2. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат таъминоти ва истеъмоли

Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритадиган муҳим тармоқ – аграр соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:


- ✓ қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;
- ✓ қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чикиш.

Давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутади. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмларини қисқартириб бориш кабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр соҳа доирасида тайёрланади. Бунда пахта хомашёсининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоғи 1990 йилдаги 15,9 фоиздан, 2014 йилга келиб 1,8 фоизга камайиши юз берган бир пайтда, доннинг улуши эса мос равишида 1,4 фоиздан 2,0 фоизга, сабзавотлар - 1,3 фоиздан 2,3 фоизга, мевалар - 0,7 фоиздан 1,1 фоизга ортиши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш йўналишидаги сай-ҳаракатларимиз ва қишлоқ хўжалиги тармоғининг аҳамиятини ўзида яққол акс эттиради.

Мустақиллик йилларида Республика аграр тармоғида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги қатор Давлат дастурлари, қонцепция ва чора-тадбирлар мажмуининг ҳаётга тадбиқ этиш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг барқарор ўсиб бориши таъминланмоқда.

Иқтисодиётнинг аграр секторида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртacha 5,1 фоизни ташкил этди (5.1- расм).



5.1-расм. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари (%да) [94].

Шу билан бирга, саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) даги улуши 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2013 йилда 16,8 фоизгача камайди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркиби ҳам ўзгарди. Дехқончиликда озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши натижасида уларга ажратилаётган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилдорлигини оширишга оид агротехнологик тадбирларни амалга ошириш эвазига дехқончилик улуши 2005 йилдаги 55,6 фоиздан 2013 йилда 59,8 фоизгача ошишига эришилган бўлса, чорвачилик улуши эса 44,4 фоиздан 40,2 фоизгача камайди (5.2-расм).

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнининг самарали амалга оширилиши тармоқда нодавлат сектор улуши 99,9 фоиз даражагача етиб, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фермер ва дехқон хўжаликлари томонидан етиштирилаётганлигини таъкидлаш жоиз.




5.2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушкини таркибий ўзгаришлари тенденцияси (%да) [94]

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг амалга оширилганлиги, уруғ ва чорва моллари зотларининг яхшиланиши, агротехнологик тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши самарасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳосилдорлиги ҳамда маҳсулдорлигини ўсиши каби агротехнологик омиллар билан бир қаторда, рентабелсиз ёки зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштиришга эришилди ва экин майдонларини оптималлаштириш натижасида ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга ўтиши учун имкон яратмоқда. Бу эса муҳим омил ҳисобланади.


МДҲ мамлакатлари ўртасида республикамиз қишлоқ хўжалиги ўзининг барқарор юқори суръатларда ривожланаётганлиги билан ажралиб туради. 2005-2013 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожланиш суръатлари даражасига кўра – паст, ўрта ва юқори даражадаги ривожланишда Россия (3,8%), Қозоғистон (4,2%), Украина (4,7%) кўрсаткичлар билан ўртacha ўсиш суръатларига эга бўлган бўлса, Ўзбекистон 6,2 фоиз ўртacha ўсиш кўрсаткичлари билан юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатлар рўйхатида мустаҳкам ўринни эгаллаб келаётганлиги ҳам амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим ижобий натижалариданdir (5.3-расм). Қишлоқ хўжалигига ривожланиш омиллари ҳисобланган-агротехнологик, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллардан самарали фойдаланишнинг ижобий натижаси – тармоқни барқарор ўсиш суръатларига эришиши ҳисобланади. Хусусан, ушбу ўйналишда тармоқда қиймат жиҳатдан шаклланган ўзгаришлар таркибий ўзгаришларнинг ижобий ёки салбий тенденциясидан далолат беради. Таҳлил этилаётган

даврда дәхқончилик ва чорвачиликдаги нисбатларнинг ўсимлик парваришиш фойдасига содир бўлаётган ўзгаришлар, асосан, давлат буюртмасидаги пахта хомашёси ва ғалладан ташқари, озиқовқат маҳсулотлари улушини кескин ўсаётганлиги ҳисобидандир. Жумладан, сабзавот (2005 йилда 7,4% дан 2013 йилда 14,6% га), картошка (3,8% дан 10,8% га), полиз экинлари (1,1% дан 2,7% га), мевалар (4,2% дан 6,4% га) ва узум етишириш (2,6% дан 6,2% га) жами 19,1дан 40,7% га ошганлиги озиқ-овқат хавфизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг амалий натижасидир.



5.3-расм. МДҲ мамлакатларида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари (%да) [94].

Чорвачилик улушининг пасайиши эса, мос равишда бевосита асосий маҳсулотлар ҳисобланган гўштнинг (24,7 дан 24,6 %га), сут (13,2%дан 12,0%га) ва тухумнинг (3,0%дан 2,4 %га) улуси қисқариши ҳисобига содир бўлганлигини таъкидлаш жоиз (5.4-расм).




5.4-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот турлари бўйича қиймат тузилиши (%да)

Албатта, бундай тақослаш бир томондан маҳсулотларнинг ички бозорда шаклланган нархига, аксарият жиҳатдан уларнинг ҳажми, миқдори ва сифатига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Лекин, бугунги кунда шаклланган ушбу таркиб чорвачиликни янада ривожлантириш борасида чорва бош

сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ва мустаҳкам озуқа базасини яратиш каби жараёнларни ўзида мужассамлаштирган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Экин майдонлари ва дехқончилик. Умумий ҳисобда, республика бўйича экин майдонларининг умумий ҳажми қисқарди (2005 йилдаги 3647,5 минг гектардан 2013 йилда 3656,3 минг гектаргача), шу жумладан, пахта майдонлари 1472,3 минг гектардан 1308,8 минг гектаргача қисқарган бўлса, дон экинлари 1616,1 минг гектардан 1642,0 минг гектаргача кенгайди. Жами экин майдонларида пахта экинлари майдонларининг қисқариши ҳисобига картошка ва сабзавот-полиз экинлари майдонлари 222,7 минг гектардан 318,8 минг гектарга, яъни, 96,1 минг гектарга ёки 1,4 мартаға кенгайиб, уларнинг улуши 2005 йилдаги 6,1 фоиздан 2013 йилда 8,7 фоизгача ортди.

Ушбу даврда ем-хашак экинлари майдонлари 8,6 фоизга кенгайиб (290,3 минг гектардан 315,2 минг гектарга), 2005 йилда жами экин майдонларидағи улуши 8,0 фоиздан 2013 йилда 8,6 фоизга ошган (5.5-расм).




5.5-расм. Барча турдаги мулкчилик шаклларида бўлган хўжаликлар бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг таркиби (%да) [94].

Экин майдонларининг ўзгариши бевосита хўжалик юритиш шакллари фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Чунки, фермер ва дехқон хўжаликларининг экин майдонлари кенгайиши билан бир қаторда ширкат хўжаликлирида экин майдонларининг қисқариши тенденцияси жадал суръатларда давом эттирилди. Ширкат хўжаликларининг жами экин майдонларидағи улуши 29,2 %дан 2,3 % гача қисқаргани ҳолда, фермер хўжаликларининг улуши 58,7 %дан 84,8%-гача ва дехқон хўжаликларининг улуши 12,1 %дан 12,9%-га ортган. Бугунги кунда асосий қишлоқ хўжалиги экин турлари бўйича ширкат хўжаликларининг улуши донда - 1,9%, картошка, сабзавот ва полизда - 1,3 % ва ем-хашакда - 8,9%-ни ташкил этаётган шароитда, ушбу кўрсаткич мос равишда фермер хўжаликлирида - 84,4%, 34,4%, 76,5%-ни ва дехқон хўжаликлирида 13,2%, 64,3% ва 14,5%-ни ташкил этмоқда (5.6-расм). Яъни асосий экин майдонларининг хўжаликлар ўртасида бундай тақсимланиши ва таркибининг шаклланиши асосан қишлоқ хўжалигига фойдаланилаётган мавжуд ерларнинг шароитига мос келса-да, аҳолининг сонини кўпайиши ва эҳтиёжини ортишидан келиб чиқсан ҳолда, озиқ-овқат ва ем-хашак экинлари майдонларини кенгайтиришни талаб этади.

Пахта экин майдонларининг изчил қисқарид бориши ва бу майдонларда ғалла, сабзавот, полиз экинлари, картошка, ем-хашак экинларининг экилиши жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги ва улар нархларининг кескин ошиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.


Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш натижасида, пахта экин майдонларини кисқарганлиги хисобига пахта хомашёси етиштириш 2005 йилдаги 3728,4 минг тоннадан 2013 йилда 3361,2 минг тоннага ёки 9 фоизга камайгани ҳолда, дон экинлари етиштириш ҳажми (6401,8 минг тоннадан 7804,8 минг тоннагача ошди) 21,9% га кўпайди. Сабзавот, картошка етиштириш ҳажмлари 2,4 баробар, полиз экинлари етиштириш - 2,5 баробарга, мева ва резавор мевалар етиштириш - 2,4 баробарга ва узум - 2,1 баробарга ошди. Мазкур экинлар етиштиришнинг эришилган даражаси мамлакатимизнинг ушбу экинларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш билан бирга уларнинг барқарор экспортини ҳам таъминлаш имконини берди.



5.6-расм. Дехқончиликда асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (барча турдаги хўжаликлар бўйича, минг тонна) [94]

Ресурс тежовчи технологияларнинг жорий этилиши ва бошқа агроЭнновацион тадбирлар хисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошди, айнан мана шу кўрсаткич қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлмоқда.

Жумладан, пахта хомашёси ҳосилдорлиги 2005 йилдаги 25,3 ц/гадан 2013 йилда 25,7 ц/гага (1,6%), буғдой - 41,5 ц/гадан - 45,0 ц/гага (8,4%), картошка - 170,3 ц/гадан - 210,2 ц/гага (23,4%), сабзавот - 215,8 ц/гадан- 277,9 ц/гага (28,8%) , мева - 62,3ц/гадан -110,0 ц/гага (76,6%), узум - 64,7 ц/гадан -113,2 ц/гага (74,9%) ошди (5.7-расм). Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам ширкат хўжаликларида пасайиш қузатилган бўлса, дехқон ва фермер хўжаликларида ҳосилдорликнинг юқори даражада ўсиш суръатларига эришилганлиги диққатга сазавордир. Ушбу йўналишда фермер хўжаликларининг ўзига хос ўринга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг мавжуд салоҳият ва имкониятларидан самарали фойдаланишларига эътибор қаратилиши керак. Дехқон хўжаликлари кичик ҳажмли майдонларда юқори кўрсаткичларга эришаётган эканлар, демак фермерлар учун яратилган шароитлар уларнинг юксак натижаларга эришишлари учун муҳим асос бўлиб хизмат қиласи.



5.7-расм. Турли хўжалик шаклларида пахта ҳосилдорлиги динамикаси, ц/га

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлмиш чорвачиликни жадал ривожлантиришда мазкур соҳага ихтисослашган хўжаликларни наслдор чорва моллари билан таъминлаш, турли йўналишдаги зооветеринария ва зоотехник хизматлари кўрсатувчи инфратузилма обьектларини ривожлантириш масалалари билан бир каторда кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оиласаларга қорамоллар бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан,-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 марта қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли қарорига мувофиқ, 2006-2010 йилларда шахсий, ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш, зотли молларни шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида аукционлар орқали сотиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсолот” акциядорлик компанияси билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта емни шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари бемалол олиши имкониятларини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари, ҳомийлар ва нодавлат хайрия ташкилотлари маблағи ҳисобига кам таъминланган оиласаларга сигир тарқатиши самарасида биргина 2007 йилнинг ўзидаёқ, барча турдаги хўжаликларда қорамоллар бош сони 6571,4 мингдан 7042,5 мингга, шу жумладан, дехқон хўжаликларида 6061,3 мингдан 6537,0 минг бошга ҳамда фермер хўжаликларида 332,3 мингдан 374,7 минг бошга кўпайди.

Ушбу жараёнлар изчил давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосланиб, тўйимли озуқа етказиб бериш ва сотишга ихтисослашган 13 та ҳудудий ва 170 та туман бирлашмалари ҳамда 1448 та ҳудудий шахобчалар ташкил қилинди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларидағи чорва молларига тўйимли озуқаларни узлуксиз етказилишини таъминлаш мақсадида 1960 дан ортиқ ем сотиш шахобчалари ташкил қилиниб, улар орқали 2008-2010 йиллар давомида 93 минг тоннадан ортиқ омухта ем, 924,5 минг тоннадан ортиқ шрот ва 686,5 минг тоннадан зиёд шелуха етказиб берилди.

“Чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йил кимошди савдоларида 20300 бош, 2009 йилда эса 24600 бош қорамол сотилди. Агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун аҳолига 42,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 миллиард сўмни ташкил этган. Маълумки, мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни бепул сигир ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2006 йилдан 2008 йилга қадар ана шундай оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди” [24, 56].

2009 йилга келиб барча турдаги хўжаликларида йирик шохли қорамоллар бош сони 8893,4 мингни ташкил этиб, 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 6,9 фоизга; шундан сигирлар 3685,0 минг бош (5,6%), қўй ва эчкилар 15277,0 минг бош (6,3%) ва паррандалар 35314,0 минг бош ёки 18,2 фоизга кўпайди.

2010 йилда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида 2835 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 4,0 млрд сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан 2355 бош қорамол бепул етказиб берилди.

Пировардида 2005- 2013 йилларда барча турдаги хўжаликларда йирик қорамоллар 10607,0 минг бошни ташкил қилди (2005 йилга нисбатан 1,6 баробар кўпайган), шу жумладан, сигирлар сони 4020,5 минг бошга етди (ўсиш 1,4 баробарни ташкил қилди), қўй ва эчкилар ҳам 17720,2 минг бошни ташкил этиб, 1,5 баробар ошганлиги ушбу соҳада эришилган муҳим ижобий натижа бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишнинг асосий омилига айланди. Бундай ижобий натижалар замарида чорва бош сонининг асосий қисми жамланган деҳқон хўжаликлари билан бир қаторда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини жадал ривожланиши ҳамда уларни мунтазам равища қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг самарали тизими яратилганлиги мужассам. Бунинг натижаси ўлароқ, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, деҳқон хўжаликлари ҳиссасига йирик шохли қорамолларнинг 94,5%, қўй ва эчкиларнинг 83,4 % тўғри келиб, фермер хўжаликлида ушбу кўрсаткич мос равища 4,6% ва 7,4% ни ташкил этмоқда.

2015 йилда қорамолчиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Дастурлар доирасида янгидан 933 та кичик қорамолчилик хўжаликлари ташкил этилди ва уларда 14 минг 844 бош қорамол парвариши қилинмоқда. Бунинг учун тижорат банкларидан 45 млрд. 598 млн. сўм кредит маблағлари ажратиб берилди ва 1528 та янги иш ўринлари яратилди.

Қорамолчиликни ривожлантиришда наслчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига мавжуд 2613 та зооветеринария пунктлари орқали 3,3 млрд. сўмдан ортиқ зооветеринария сервис хизматлари кўрсатилди ва 316 минг бош сигирлар сунъий уруғлантирилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги №ПҚ-842-сонли қарорига асосан, фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларидаги мавжуд чорва молларини концентрат озуқалар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, шрот, шелуха ва омухта ем сотиш бўйича ихтисослашган шахобчалар ташкил этилди. Бугунги қунда уларнинг сони республика бўйича 1964 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорига асосан Республика “Ўзнаслчилик” корхонаси негизида наслли буқа уруғини қадоқлайдиган линия ўрнатилиб, музлатилган наслли буқа уруғини мамлакатимизда тўлиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги наслли буқалар уруғини қадоқлаш линияси Мараказий Осиёда ягона хисобланади.

2007 йилда республикамизда бир доза ҳам наслли буқа уруғи ишлаб чиқарилмаган бўлса, 2010 йилда 1 миллион 437 минг доза наслли буқа уруғини қадоқлаш амалга оширилди. (2007 йилда четдан 64210 доза наслли буқа уруғи олиб келинган бўлса, 2010 йилда атиги 26500 доза олиб келинди. Сўнгги 5 йилда республикамизга четдан жами 18 минг 191 бош зотли қорамол олиб келинган бўлиб, улардан 21 минг 496 бош насл олинди.

Чорвачиликда чорва моллари сонини кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Натижада чорвачиликнинг барча асосий маҳсулотлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига эришилди. Хусусан, 2013 йилга 2005 йилга нисбатан гўшт (тирик вазнда) етиштириш -1061,2 минг тоннадан -1787,5 минг тоннага (168,4%), сут -4554,9 минг тоннадан -7884,7 минг тоннага (173,1%), тухум -1966,7 миллион донадан -4379,1 миллион донага (222,6%), шунингдек, жун -161,3% га, қоракўл тери -153,9% га нисбатан камайгани ҳолда, пилла -156,8% га, асал -3,4 ва балиқ -12,6 баробар ортган.

Бундай ижобий кўрсаткичлар, авваламбор, азалдан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда етакчи ўринга эга бўлган дехқон хўжаликларида (2013 йилда гўштнинг 94,6%, сутнинг 95,7%, тухумнинг 54,8%, жуннинг 86,9%, қоракўл териларнинг 75,6% улар томонидан ишлаб чиқарилган) ҳамда фермер хўжаликларида (пилланинг 95,3% ва тухумнинг 11,4%) ва ширкат хўжаликларида (тухумнинг 33,8%, қоракўл териларнинг 19,6% ва жуннинг 6,2%) тайёрлангани барқарор ўсиш суръатларига эришилганлиги натижасидир (5.8-расм). Демак, гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл терилари етиштиришда дехқон хўжаликларининг юқори натижалари асосий манба бўлган бўлса, пиллачиликда фермер хўжаликларининг эришган натижалари ҳам муҳим манба ҳисобланади.



5.8-расм. Мулкчилик шакли бўйича барча турдаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (2005 йилга нисбатан % ҳисобида) [94].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047 - сон қарори доирасида гўштни қайта ишлайдиган 39 та ва сутни қайта ишлайдиган 58 та ҳамда сутни қабул килувчи 43 та сервис марказлари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишида табиий омиллар таъсирининг юқорилиги билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини агротехник, ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Республика қишлоқ хўжалиги кўп даражада суғориладиган дехқончиликка асосланганлиги учун ҳам давлатнинг бевосита аралашуви талаб этилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги асосан, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар ажратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари, сув хўжалиги обьектлари фаолиятининг мунтазамлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг техника таъминотини кучайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етишириувчи хўжаликларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, 2005-2013 йилларда бир гектар экин майдони учун сарф қилинган қўллаб-қувватлаш ҳаражатлари 306,7 минг сўмдан 701,4 минг сўмга кўпайиб, 2,3 баробар ортган бўлса, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси ҳам 7,0% дан 8,3% га ўсган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги сифат ўзгаришлари ва уни диверсификациялаш фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қорамолларни аҳоли ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали сотиш механизмларини яратиш, имтиёзли мақсадли кредитларг ажратилиши, ветеринар хизматлари кўлламишининг кенгайиши ва сифати ошиши, зарур миқдорда ем-хашак етказиб бериш билан боғлиқдир.

Айни вақтда, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қарор топган қулай тенденцияларга қарамай, унинг ўсишига тўқсинглик қилувчи айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда:

- ғалла ва ғўзага ажратилган майдонлар умумий экин майдонларининг асосий қисмини ташкил қиласа-да, юқори ҳосилдорликка эришиш учун зарур илмий-асосланган алмашлаб экиш тўлиқ жорий этилмаётир;
- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган ишлаб чиқариш воситалари (ёнилғимойлаш материаллари, ўғитлар, техника ва ҳ.к) нархларининг ўсиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи ошиб кетмоқда;
- ер-сув ресурсларининг сифати, агроиклиний шароитлар ва иқтисодий самарадорликни ҳисобга олиб, экин майдонлари тузилмасини янада такомиллаштириш зарур;
- айрим суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бормоқда;
- ем-хашак экинлари учун умумий майдонлар улушининг пастлиги туфайли чорвачиликни жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг камлиги ва етишмаслиги кузатилмоқда. Бу эса, чорвачилик маҳсулотини етиштириш ҳажмлари (тармоқнинг ўсиш суръатлари барқарорлигига қарамай) оқилона истеъмол нормаларига мувофиқ аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли эмас;
- қишлоқ хўжалигига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмларининг ялпи умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши паст.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг макроиктисодий, сиёсий, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-фаровонлик жиҳатлари фарқланади.

Кўплаб мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, камбағалликни қисқартиришнинг асосий озиқ-овқат хавфсизлиги шарти ва омили бу адолатлиликка асосланган иқтисодий ўсишdir. У турмуш даражасини оширади ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилинишини яхшилади. Эркинлаштириш ва халқаро савдо ҳажмларини ошириш озиқ-овқат маҳсулотларининг хилмажиллигини ҳамда иқтисодий таъминотини яхшилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг эркин халқаро савдоси қишлоқ хўжалиgidаги номутаносибликларни бартараф этади ва ишлаб чиқаришни мақбуллаштиришга кўмаклашади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг импорти ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини ошириш, нархларни пасайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат муҳитини яратиш имконини беради ва бунинг натижасида уларни самарадорликни оширишга мажбур қиласди. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ташки бозорларда рақобатлашиш имконини беради ҳамда шу билан бирга сарф-ҳаражатларни камайтириш ва янада самарали ишлашга мажбур қиласди. Халқаро савдо иқтисодий

ўсишга турткы беради ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади, бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик, озиқ-овқат маҳсулотларининг иқтисодий оммабоплиги ва истеъмол қилинишини оширади.

Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни диверсификациялаш озиқ-овқат маҳсулотлари етказилишида ички бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш ва ташки бозорларда рақобатбардошлик салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради ва ўз навбатида аҳолининг овқатланиш рационида хилма-хилликни таъминлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳар қандай давлат турли фавқулодда вазиятларда озиқ-овқат маҳсулотларининг етарлича бўлмаган ҳажмини қоплаши учун озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасига эга бўлиши кераклигини англатади. Озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасини яратиш айниқса ҳосил нобуд бўлиши таваккалчилиги юқори бўлган ва бевосита денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатлар учун зарур. Мақсадли йўналишига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари заҳираси бозор буфер заҳира ёки фавқулодда заҳира шаклида тўпланиши мумкин. Бозор буфер заҳира таъминот бозорида кутилмаганда рўй берган тақчилликни бартараф этиш ва оддий вазиятда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган аҳоли гурухлари ўртасида озиқ-овқат хавфсизлигининг қисқа муддат давомида мавжуд бўлмаслигини юмшатиш учун мўлжалланган. Фавқулодда заҳира — бу фавқулодда вазият ҳолатида ёрдам беришни таъминлаш учун зарур бўлган заҳирадир. Озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасидан ташқари озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун заҳирадаги эркин алмаштириувчи валютадаги пул-кредит заҳиралари зарур бўлади. Мазкур резервлар озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасига кўшимча бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг кескин тақчиллиги ҳолатида тезкор тарзда озиқ-овқат маҳсулотларининг тижорат ҳажмларини импорт қилиш имконини беради.

Асосий таянч тушунчалар:

Озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишининг асосий мақсади, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишининг муҳим шартлари, озиқ-овқат барқарорлиги, озиқ-овқат етарлилиги, иқтисодий имконият, ижтимоий имконият, озиқ-овқат таъминоти.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:




1. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасига таъриф беринг.
2. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишининг муҳим шартлари нималарни тақозо қилади?
3. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш қандай мақсад ва вазифаларни кўзда тутади?
4. Озиқ-овқат барқарорлиги ва етарлилиги қандай амалга оширилди?
5. Қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқариш озиқ-овқат таъминотида қандай роль ўйнади?
6. Мамлакатимизда амалга оширилган аграр ислоҳотларининг натижаларини бошқа мамлакатларда ислоҳотларнинг бориши билан таққосланг.

6-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ-ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИ

6.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли

Озиқ-овқат хавфсизлигига иерархия даражалари бўйича аниқ таркиблаштирилган мақсадларга эга бўлган кўп даражали тизим сифатида қараш зарур (6.1-расм). Мазкур муаммони ҳал қилувчи субъектларга кўра глобал, худудлараро, давлатлараро, давлат, маҳаллий, аҳоли гурухлари ва оила (уй хўжаликлари), яъни 7 та даражаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

*“Муаммо-давлатнинг режалаштириши ва тартибга солиши ҳамда бозор механизмини уйгунаштиришининг самарали йўлини топишдан иборат”.
С.Окита, иқтисодчи, япон иқтисодий мўъжизаси муаллифи.*



6.1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлиги субъектлари

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини глобал (жаҳон) миёсда ҳалқаро ташкилотлар ва маҳсус органлар (ФАО, Ҳалқаро савдо ташкилоти, Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси) ҳал қиласидар. Уларнинг асосий вазифаси инсоният ривожланишини таъминлаш мақсадида давлатлар иқтисодиётини барқарорлаштиришга кўмаклашишдир. Мазкур вазифаларни амалга ошириш:

- ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришига таъсир кўрсатувчи узоқ муддатли дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва жорий этиши;
- захираларни яратиш ва нокулай иқтисодий ва экологик вазиятларда ёрдам ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Давлат ва давлатларо даражада озиқ-овқат хавфсиздигининг асосий мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини мувозанатлаштиришдан иборат.

Минтақавий даражадаги асосий мақсад-аҳолининг барча гурухлари озиқ-овқатларни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ истеъмол қилинишини кафолатлайдиган даражадаги даромадар билан таъминлашдир.

Аҳолининг ижтимоий гурухлари (оилалар) даражасида озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, ассортименти, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлаш зарур.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳар бир даражасида мазкур жараённи бошқариш тегишли маъмурий органлар томонидан амалга оширилиши керак. Ушбу органларнинг вазифалари

зарур маҳсулотларни самарали ишлаб чиқариш учун; уларга қарашли ҳудудларда яшовчи аҳолининг тавсия этилган миқдорда маҳсулотни сотиб олиш имконини берадиган даромадга эга бўлишлари учун; савдо тармоқларига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берилишини таъминлаш учун; маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Давлатлараро даражада озиқ-овқат муаммоларини ҳал қилиш бошқа мамлакатларда озиқ-овқат тақчиллигини бартараф этишга кўмаклашиши билан боғлиқ. Бу учун мамлакатлар давлатлараро ҳамкорликда иштирок этадилар, ҳалқаро озиқ-овқат хавфсизлигини яратишга ҳисса қўшадилар. Бунда улар ўзларининг рақобатбардош ишлаб чиқаришларини ривожлантиришни ва ҳудудларнинг ҳамда барча ижтимоий гурухларнинг (масалан, МДХ) ўз-ўзини таъминлашларини рағбатлантиради. Озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳар бир даражаси ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тақозо этувчи ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади.

Ички озиқ-овқат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш ва давлат фондини шакллантириш, иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сиёсатида ўз аксини топади (6.2-расм).



6.2-расм. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги сиёсати ва унинг зарур жиҳатлари

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш қуйидаги мұхим вазифаларни давлат томонидан амалға оширишни тақозо этади:

1. Барқарор иқтисодий шароитни яратиш;
2. Самарали аграр сиёсатни олиб бориш;
3. Барча хұжалик юритувчи субъектлар учун тенг имкониятларни яратиш;
4. Ахоли бандлыги соҳасыда самарали сиёсатни олиб бориш;
5. Озиқ-овқаттаға эга бўлишда тенгсизлик ва қашшоқликни бартараф этишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни олиб бориш;
6. Озиқ-овқат маҳсулотларини турли-туман, барқарор ва интенсив ишлаб чиқаришга эришиш, унинг самарадорлигини ошириш;
7. Хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;
8. Ҳудудларни хомашё ва озиқ-овқат маҳсулоти билан ўзини таъминлаш ва халқаро меҳнат тақсимоти афзалликлардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш;
9. Фаол ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш, экспорт-импорт фаолиятини оптималлаштириш;
10. Аграр секторни инвестициялаш.

6.2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мезонлари ва параметрлари

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни ахоли озиқ-овқат маҳсулотларини олишидаги тегишли таҳликаларга сабаб бўлувчи таҳдидларнинг таъсири билан ҳам боғлаш зарур.

Таҳдидларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

➤ **манбалари бўйича:**

иҷиҳи манбалар-АСМ учун ва ёки мамлакат ҳудудида вужудга келадиган таҳдидлар;
ташиқи - АСМ дан мамлакатдан ташқарида жойлашган жойи.

➤ **инсоннинг ҳаёт фаолиятига муносабати бўйича:**

объектив-унинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган таҳдидлар (табиий оғатлар);

субъектив-бевосита инсоннинг ҳаёт фаолияти билан, меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни нооптимал ташкил этиш билн боғлиқ таҳдидлар.

➤ **башоратлаш имконияти бўйича:**

башорат қилиши мумкин бўлган ва *башорат қилиб бўлмайдиган* таҳдидлар.

➤ **рўй бериш эҳтимоли бўйича:**

реал (*исталган вақтда амалга ошиши мумкин*),

потенциал (*маълум бир шароитда юз берииши мумкин*) таҳдиidlар;

➤ **оқибатлари бўйича:**

барча учун умумий бўлган (*мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки унинг кўпчилик субъектларида намоён бўладиган*) ва ҳудудий (*ҳудуд даражасида*) ҳамда локал (*маҳаллий миқёсдаги*) таҳдиidlар;

➤ **кутилаётган заарнинг миқдори бўйича:**

унча катта бўлмаган (*аҳамиятсиз даражада*), *катта* (*аҳамиятли даражада*), *қийинчиликларни келтириб* чиқарадиган ва ҳалоккатли заарлар;

➤ **намоён бўлиш соҳаси бўйича:**

қишилоқ хўжалиги хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарии;

ҳудудлар аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти;

озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши учун иқтисодий имкониятларнинг мавжудлиги;

мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги (*харажатлар, сифат бўйича*);

фаолиятнинг йўналиши ва *таъсир кўрсатувчи омилларга* боғлиқ бўлган бошқа турлар.

АСМда энг аҳамиятли таҳликалар:

- **макроиқтисодий таҳликалар**, улар АСМ иқтисодиёт инвестицион жозибадорлигининг мамлактимизда яратилган маҳсулот рақобатбардошлигининг пасайиши ҳамда ташқи иқтисодий конъюнктурага боғлиқлигини тақозо этган;
- **технологик таҳликалар**-мамлакат АСМнинг етакчи мамлакатлардан технологик ривожланиш даражаси бўйича;
- **агроэкологик таҳликалар**, улар нокулай табиий-иқлим шароитлари билан ҳамда табиий ва техноген фавқулодда вазиятларинг оқибатларини тақозо этган;
- **ташқи савдо таҳликалари**, уларни нархлар ва бозор конъюнктурасининг тебранишлари ҳамда бошқа мамлакатларда давлатнинг қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг қўлланиши келтириб чиўарди.

Айтиб ўтилган таҳликаларнинг мавжудлиги мамлакат ва худудларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларни юзага келтирадики. бу таҳдидлар озиқ-овқат хавфсизлиги бўсағавий даражасига эриша олмасликка олиб келиши мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим ташқи таҳдидларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- **технологик блокадалар**, уларнинг хавфи ташқи сиёсий муаммолар ва фан-техника соҳасидаги орқада қолишлар туфайли ортиб бориши мумкин;
- **узоқ ва яқин хориждаги сотув бозорларининг йўқотилиши;**
- **бошқа мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча миқдорда ишлаб чиқарилиши;**
- **бошқа мамлакатлардан иқтисодий ва молиявий қарамлик.**

Алоҳида аҳамият касб этувчи таҳдидлар қўйидагилардир:

- **озиқ-овқат товарлари бўйича импорт маҳсулотларига қарамликнинг кучайиши;**
- **иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари очиқлиги;**
- **барча даражалар (макро, мезо, микро) да иқтисодиётнинг молиявий-иқтисодий бекарорлиги.**

Макродаражада озиқ-овқат хавфсизлиги мезонлари таркибининг қўйидаги груухлари фарқланади:

1. Натурал – асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва озукавий моддалар бўйича ишлаб чиқариш, истеъмол, захира улуш кўрсаткичлари.
2. Нисбий –умумий ва алоҳида маҳсулотлар бўйича оптимал базавий даражадаги ишлаб чиқариш (истеъмол) кўрсаткичлари.
3. Техник-иқтисодий – АСМ ва унинг моддий базаси иқтисодий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар.
4. Ижтимоий-демографик қишлоқ жойларида меҳнат ресурслари динамикаси ва аҳолини тақрор ишлаб чиқариш ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари
5. Экологик-географик- АСМ абсолют ва нисбий самараదорлиги табиий чегараларини аниқловчи кўрсаткичлар.

6.1-жадвалда озиқ-овқат хавфсизлигининг мезонлари келтирилган. Озиқ-овқат хавфсизлигининг бош кафолатчиси давлатdir. Бунда давлат томонидан яратилган дон резерви, яъни стратегик захираларни айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ушбу захира таркибига дон бозорига тартибловчи таъсир ўтказишга, мазкур захирани сотиб олиш ва яратишга мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчидан озиқ-овқат учун ажратилган донни харид қилинишининг кафолатини таъминлашга товар кредитларининг ажратилишига, донга, уни қайта ишлаш маҳсулотларига ва нон маҳсулотларига бўлган талаб билан уларнинг таклифи ўртасида номутаносибликлар вужудга келганда товар интервенцияларини ўтказишга мўлжалланган донли озиқ-овқатлар, донни қайта ишлаш маҳсулотлари ва пул маблағлари киради. Бир қанча олимларнинг фикрига кўра доннинг даврга нисбатан захираси 60 кун истеъмол

қилиниши учун етарли миқдорда бўлиши керак. Бу тахминан бир йилда истеъмол қилинадиган дон хажмининг 17 фоизига тенг.

6.1-жадвал

Озиқ-овқат хавфсизлиги мезонлари [40]

Т/р	Мезонлар	Тасвиғи
1	Юқори даражада таъминланган озиқ-овқат хавфсизлиги	Озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиш, халқаро озиқ-овқат бозорларига олиб чиқишида захира ва қувватларининг етарлилиги
2	Барқарор озиқ-овқат хавфсизлиги	Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиш, халқаро озиқ-овқат бозорларига олиб чиқиши
3	Озиқ-овқат хавфсизлиги	Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш, чегаравий меъёrlар даражасида, ундан ортиқчаси қўшни мамлакатлардан олиб кирилади
4	Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид	Инқироз ҳолатининг мавжудлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмаган
5	Озиқ-овқат таъминотининг ҳалокатли бўсағаси	Мамлакат озиқ-овқат таъминотида тўлиқ четдан олиб киришга боғланиб қолган
6	Озиқ-овқат таъминотида ҳалокат	Очарчилик ҳолати, аҳолининг табиий ва эмиграцион қисқариши

Озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмидир, чунки у асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ишлаб чиқарилиши ва аҳолининг ундан фойдалана олишини таъминлайди.

Давлат томонидан худудларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бунда қўйидаги тартиблаш усулларидан фойдаланилмоқда:

- худудлarda маҳсулот ҳажми, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва худудларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;
- қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш;
- табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;
- зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-куватлаш.

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулкдорлар синфини, фермер хўжаликларини шакллантириш жараёнлари давом эттирилди, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари кўрилади.

Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритадиган муҳим тармоқ – агарар соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор доирасида тайёрланади. Бунда пахта хомашёсининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоғи 1990 йилдаги 15,9 фоиздан, 2014 йилга келиб 1,8 фоизга камайиши юз берган бир пайтда, доннинг улуши эса мос равишида 1,4 фоиздан 2,0

фоизга, сабзавотлар - 1,3 фоиздан 2,3 фоизга, мевалар - 0,7 фоиздан 1,1 фоизга ортиши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш йўналишидаги ҳаракат ва қишлоқ хўжалиги тармоғининг аҳамиятини ўзида яққол акс эттиради.

Мустақиллик йилларида республика аграр тармоғида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги қатор Давлат дастурлари, қонцепция ва чора-тадбирлар мажмуининг ҳаётга тадбиқ этиш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши таъминланмоқда.

Ўтган даврда республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори ўсиши суръатлари асосан интенсив омиллар ҳисобига юз берганлигини - қишлоқ хўжалиги маданияти ортиб бориши, моддий-техник таъминот, молия-кредит тизимини такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, мутахассислар малакасини оширишга қаратилган тадбирлар ҳамда аграр илм-фани янгиликлари ва илғор тажрибаларни жорий этишни давлат даражасида рағбатлантириб бориш натижаси, деб қарашимиз лозим. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги ушбу даврда 113 фоизга, дон экинлари - 2,2 баробар, картошка - 2,4 баробар, сабзавот - 132 фоизга, полиз экинлари ҳосилдорлиги 170 фоизга ортган.

Мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракатига устуворлик берилиб, қишлоқда мулқдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аграр сиёsat туфайли республикада озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли миқдори барқарор ўсиб борди. Демак, умумий ҳолатда амалга оширилаётган самарали тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор кўпайтириш, ички ва ташқи бозорда сифатли ҳамда ракобатбардош маҳсулотлар етказиб берилишига эришилди. 2000-2014 йиллар давомида аҳоли жон бошига ғалла ишлаб чиқариш 93,6 кг, картошка 39,5 кг, сабзаво 1,5 марта, мева ва резаворлар 37 кг, узум 15,3 кг, полиз 29,5 кг, гўшт (тирик вазнда) 22,2 кг, сут 98,8 кг, тухум 79,5 донага кўпайди (6.2-жадвал).

6.2-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси [94]

Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2000 й	2005 й	2010 й	2014 й	2014 йил 2000 йилга нисбатан, кг, (+,-)
Ғалла	кг	159,4	244,7	261,6	253,0	+ 93,6
Картошка	кг	29,7	35,3	59,5	69,2	+ 39,5
Сабзавот	кг	107,3	134,4	222,9	261,5	+ 154,2
Мева ва резаворлар	кг	32,1	36,3	60,1	69,1	+ 37,0
Узум	кг	25,3	24,5	34,7	40,6	+ 15,3
Полиз	кг	18,3	23,5	41,5	47,8	+ 29,5
Гўшт (тирик вазнда)	кг	34,1	40,6	51,3	56,3	+ 22,2
Сут	кг	147,4	174,1	216,7	246,2	+ 98,8
Тухум	дона	50,9	75,2	107,5	130,4	+ 79,5

Ўтган йиллар ичida дон, сабзавот, сут ва тухум маҳсулотларини аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришда кескин ўсиш кузатилса, мева ва резаворлар, узум, полиз, гўшт ва картошка маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарор ўсиш томон бормоқда (6.3-6.6-жадваллар).

6.3-жадвал

Ўзбекистонда аҳолининг сабзавот маҳсулотлари билан таъминланиши [94]

Худудлар	Сабзавот (меъёр 109,2 кг/йил)					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %
Қоракалпогистон	124,8	176,4	70,7	201,4	187,7	107,3
Андижон	754,1	273,0	276,2	1203,4	303,9	396,0
Бухоро	314,9	173,5	181,5	478,1	190,5	250,9
Жиззах	203,2	119,9	169,4	309,0	132,5	233,2
Қашқадарё	286,0	279,9	102,2	433,8	311,9	139,1
Навоий	132,6	91,7	144,7	200,7	98,5	203,7
Наманган	394,4	242,1	162,9	574,6	270,3	212,5
Самарқанд	945,6	334,3	282,8	1350,8	372,6	362,5
Сурхондарё	429,6	222,1	193,4	689,8	249,2	276,8
Сирдарё	154,6	76,8	201,3	247,9	82,3	301,3
Тошкент	1193,1	519,7	229,6	1716,1	551,9	310,9
Фарғона	420,1	330,0	127,3	638,7	366,5	174,3
Хоразм	357,3	167,2	213,7	471,6	182,1	258,9
Республика бўйича	5710,3	3006,6	189,9	8515,9	3300,0	258,1

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптималь, яъни мақбул деб хисобланадиган истеъмол мөъёридан уч баробар кўпdir.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди.

6.4-жадвал

Ўзбекистонда аҳолининг картошка билан таъминланиши [94]

Худудлар	Картошка (меъёр 54,6 кг/ йил)					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %
Қоракалпогистон	25,1	88,2	28,5	39,4	93,8	42,0
Андижон	150,7	136,5	110,4	231,9	151,9	152,6
Бухоро	100,9	86,7	116,3	157,5	95,3	165,3
Жиззах	33,4	60,0	55,7	50,7	66,2	76,5
Қашқадарё	86,2	140,0	61,6	140,1	155,9	89,8
Навоий	38,7	45,8	84,5	58,2	49,3	118,1
Наманган	135,3	121,1	111,8	207,3	135,2	153,4
Самарқанд	334,6	167,2	200,2	480,9	186,3	258,1
Сурхондарё	116,5	111,0	104,9	174,9	124,6	140,4
Сирдарё	24,6	38,4	64,1	36,5	41,1	88,7
Тошкент	251,6	259,8	96,8	336,7	276,0	122,0
Фарғона	157,7	165,0	95,6	234,4	183,3	127,9
Хоразм	75,5	83,6	90,3	101,9	91,1	111,9
Республика бўйича	1530,8	1503,3	101,8	2250,4	1650,0	136,4

Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рационини яхшилаш бошқа омиллар билан бирга ахоли, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

6.5-жадвал

Ўзбекистонда аҳолининг мева маҳсулотлари билан таъминланиши [94]

Худудлар	Мевалар (меъёр 69 кг/ йил)					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %
Қоракалпогистон	21,4	111,5	19,2	33,1	118,6	27,9
Андижон	317,2	172,5	183,9	478,1	192,0	249,0
Бухоро	131,9	109,6	120,3	198,8	120,4	165,1
Жиззах	50,2	75,8	66,2	72,8	83,7	87,0
Қашқадарё	63,5	176,9	35,9	96,5	197,1	49,0
Навоий	57,0	57,9	98,4	86,0	62,3	138,1
Наманган	115,9	153,0	75,8	182,0	170,8	106,5
Самарқанд	212,1	211,3	100,4	300,7	235,4	127,7
Сурхондарё	84,1	140,3	59,9	119,1	157,5	75,6
Сирдарё	17,1	48,5	35,2	26,1	52,0	50,2
Тошкент	131,3	328,4	40,0	172,9	348,8	49,6
Фарғона	233,3	208,5	111,9	348,1	231,6	150,3
Хоразм	109,5	105,6	103,7	146,7	115,1	127,5
Республика бўйича	1544,5	1899,8	81,3	2260,9	2085,1	108,4

Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг уйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг минтақамизда етиштирилиши мумкин.

6.6-жадвал

Ўзбекистонда аҳолининг узум билан таъминланиши [94]

Худудлар	Узум (меъёр 13,9 кг/йил)					
	2009 йил			2013 йил		
	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %	Ишлаб чиқариш	Аҳоли эҳтиёжи	Таъминла-ниш даражаси, %
Қоракалпогистон	3,3	22,5	14,7	4,5	23,9	18,8
Андижон	32,3	34,7	93,0	57,3	38,7	148,1
Бухоро	88,0	22,1	398,5	140,0	24,3	577,3
Жиззах	22,0	15,3	144,1	27,5	16,9	163,1
Қашқадарё	42,1	35,6	118,1	76,0	39,7	191,4
Навоий	43,4	11,7	372,0	59,4	12,5	473,6
Наманган	71,9	30,8	233,3	98,6	34,4	286,5
Самарқанд	333,5	42,6	783,7	468,1	47,4	987,0
Сурхондарё	67,5	28,3	238,8	113,0	31,7	356,2
Сирдарё	7,2	9,8	73,6	10,8	10,5	103,1
Тошкент	105,2	66,1	159,0	141,0	70,3	200,7
Фарғона	59,9	42,0	142,6	92,7	46,7	198,7

Хоразм	24,2	21,3	113,7	33,2	23,2	143,2
Республика бўйича	900,5	382,7	235,3	1322,1	420,1	314,7

Мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар. Истиқлол йилларида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт киладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади. Авваллари мамлакатимиз аҳолисини боқиш учун 5 миллион тонна буғдой четдан сотиб олинарди. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди. Маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистонда ҳозирги замон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг муҳим сиёсий хусусиятини кўзда тутган ҳолда давлатимиз раҳбари шундай деб таъкидлаган: «Бугун шуни чуқурроқ англамоқдамизки, умуман жамиятимизнинг янгиланиши самарадорлиги, мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ривожланиши даражаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг қанчалик муваффақиятли кечеётганлигига, бу жараён қишлоқ ҳаётининг барча жабхаларига қанчалик чуқурроқ сингиб бораётганлигига боғлиқ» [96]. Маълумки, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-куватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш бўйича кўзда тутилган қўшимча чоралар ички манбалар ҳисобидан мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли захираларни шакллантириш имконини бермоқда. Бу эса жаҳон бозорларида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши шароитида алоҳида муҳим аҳамият касб этади. «Қишлоқ хўжалиги тадқиқотларини мингийиллик ривожланиши мақсадларига эришишга қайта йўналтириш: халқаро ва минтақавий тажриба» мавзуидаги халқаро экофорумда декларация қабул қилинди. Ундан озиқ-овқат хавфсизлиги, ўримдан кейинги ишлов бериш технологияси, фойдани ошириш учун қўшимча қийматни яратиш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, комплекс дехқончилик ёндашувларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги айланмасида Орол денгизининг куриган ўзанидан фойдаланиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар бўйича тавсиялар ўрин олган. Бунга, шунингдек, қимматли генетик ресурсларни сақлаш, табиий ресурслардан экологик самарали фойдаланиш, минтақавий ва халқаро миқёсларда ижтимоий-иқтисодий илмий тадқиқотлар олиб бориш ва ҳамкорлик каби масалалар киритилган. Булар Ўзбекистонда яратилган экологик ҳаракат вазифалари ҳисобланади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011–2015 йиллар мобайнида:

- 1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;
- 2) қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилган. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;
- 3) мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

- 4) наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлири сонини 2,5 баробар, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;
- 5) зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;
- 6) паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;
- 7) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;
- 8) сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб сұғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- 9) қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Асосий таянч тушунчалар:

Давлатнинг иқтисодий роли, иқтисодий таҳдиidlар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини таъминлаши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мезонлари ва параметрлари.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда давлатнинг иқтисодий роли нималарда намоён бўлади?
2. Озиқ-овқат хавфсизлигининг миллий хавфсизлик тизимида ўрнини тавсифланг.
3. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчасига таъриф беринг.
4. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мезонлари ва параметрлари қандай белгиланади?
5. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини таъминлаш қандай мақсад ва вазифаларни кўзда тутади? Жавобларингизни асосланг.

7-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

7.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш тамойиллари ва даражалари

Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда мамлакат иқтисодиётининг шундай ҳолатини тушуниш лозимки, бунда жаҳон бозорлари конъюнктурасидан ҳар бир аҳолига давлат томонидан илмий асосланган меъёрларга мувофиқ келадиган мақсадларда озиқ-овқат билан барқарор таъминлаш кафолатланади, яъни масаланинг томонида талаб ва истеъмолни тиббий меъёрлар даражасида сақлаш учун шарт-шароит яратилади.

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш кўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади:

- ✓ мамлакатнинг барча ҳудудида тўловга қобил талабга мос келадиган миқдорда ва ассортиментда озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий равишда мавжудлиги;
- ✓ барча истеъмолчилар учун унинг ижтимоий мақоми ва яшаш жойидан қатъий назар озиқ-овқат маҳсулотларини минимал даражада истеъмол қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- ✓ озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги – инсон учун ушбу маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтирувчи ёки хавфли бўлган моддаларнинг мавжуд эмаслиги;
- ✓ озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яъни ҳар куни инсон томонидан унга зарур бўлган миқдордаги калория ва озукавий компонентларнинг унинг ёши ва фаолият соҳасига боғлиқ равишда истеъмол қилиниши. Бунда овқатланиш сифати овқатда мутасадди органлар томонидан тавсия қилинган рационал меъёрларга мувофиқ келадиган оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар, мақро ва микроэлементларни уйғулаштириш орқали таъминланади.

Юқорида кўрсатилган аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини умумлаштирувчи мезони белгиланади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини баҳолашда муайян белгилари асосида ҳам миқдори, ҳам сифати бўйича **бўсагавий қиймат** бутун дунёда мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаши ва ўтқинчи заҳираларнинг даражаси ҳисобланадики, бу заҳираларнинг 15-20 %ини ташкил қилиши керак [40].

7.2 Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Халқаро ташкилотлар миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш учун МДҲ иштирокчилари бўлган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш концепциясида таклиф этилган кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. МДҲ аъзолари бўлган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш концепцияси 2010 йил 19 ноябрда МДҲ хукумат бошликлари Кенгашининг Қарори билан тасдиқланган бўлиб, унда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш кўйидаги кўрсаткичлар мажмуи келтирилган:

- ✓ озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш учун иқтисодий имкониятларнинг мавжудлиги-озиқ-овқатларга кетадиган харажатларнинг барча турдаги товар ва хизматларга қилинадиган жами харажатларга нисбатидар;
- ✓ ички бозорнинг айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича салоҳиятли сифими-муайян озиқ-овқат маҳсулотини рационал истеъмол қилишнинг жон бошига тўғри келадиган миқдорининг шу маҳсулотни истеъмол қилишнинг амалдаги миқдорига кўпайтмасидир;
- ✓ айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича озиқ-овқат мустақиллигининг даражаси- аниқ турдаги озиқ-овқат маҳсулотини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш ҳажмининг шу маҳсулотни амалда истеъмол қилиш ҳажмига нисбатидир;

“1-мақсад: Оғир қашшоқлик ва очликни тугатиш”.

**БМТнинг Мингийиллик Ривожланиши
Мақсадлари [112]**

бир томонида таклиф туради, иккинчи томонида талаб ва истеъмолни тиббий меъёрлар даражасида сақлаш учун шарт-шароит яратилади.

- ✓ биологик сифат кўрсаткичи маҳсулотнинг озуқавий қиммати бўлиб, 1 грамм озиқ-овқат маҳсулотида ҳаётий мухим озуқавий моддалар ва энергиянинг миқдори билан белгиланади: энергетик қувват (ккал), оқсил (мг), ёғлар (мг), углеводлар (мг);
- ✓ биологик хавфсизлик кўрсаткичи озиқ-овқат маҳсулотидаги заарли ингридиентларнинг миқдори билан белгиланади, у йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрий даражадан ошмаслиги керак;
- ✓ инсон рационининг суткалик озуқавий ва энергетик қиммати;
- ✓ ҳар бир алоҳида озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилишнинг етарлилик даражаси;
- ✓ давлат ресурсларида дон захираларининг етарлилик даражаси;
- ✓ тоза ичимлик суви захираларининг етарлилик даражаси;
- ✓ ахолининг ҳар хил тоифалари учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятларининг мавжудлик даражаси;
- ✓ мамлакат озиқ-овқат таъминоти ҳамда агросаноат мажмуалари ресурс таъминотининг импортга қарамлиги даражаси;
- ✓ стратегик, оператив ва ўткинчи озиқ-овқат захираларининг уларнинг меъёрий даражалига таққосланган ҳажмлари;
- ✓ мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг уларни умумий истеъмол қилиш ҳажмидаги ва товар ресурсларидаги улуши (солиштирма ҳиссаси);
- ✓ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган физиологик эҳтиёжларнинг уларнинг хавфсизлиги, озуқавий энергетик қимматини ҳисобга олган ҳолда қондирилиш даражаси;
- ✓ ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозордаги товар ресурслари умумий ҳажмидаги солиштирма ҳиссасини фоиздаги ифодаси.

МДҲ нинг аъзолари бўлмиш давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражасининг мажмуавий баҳоси сифатида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари, хомашё ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозордаги товар ресурсларининг умумий ҳажмига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодасидан фойдаланилади.

МДҲ аъзолари бўлган давлат учун ўрта муддатли истиқболда қўйидаги бўсағавий қиймат тавсия этилган (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

МДҲ мамлакатларининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш даражасининг тавсия этилаётган бўсағавий қиймати

Маҳсулот номи	Ўз-ўзини таъминлаш даражасининг тавсия этилаётган бўсағавий қиймати, % дан кам бўлмаган
Дон	95
Сут ва сут маҳсулотлари (сутга қайта ҳисобланган ҳолда)	90
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (гўштга қайта ҳисобланган ҳолда)	85
Балиқ маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, шакар	80

Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида таклиф этилган асосий бўсағавий қиймат ва кўрсаткичларидан ташқари мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги

борасидаги салоҳият даражасини қуидаги йўналиши ва мезонлар бўйича инобатга олиш ҳамда баҳолаш лозим:

- ✓ қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳияти, у мавжуд ишлаб чиқариш кувватлари, ерлар ва меҳнат ресурслари бўйича баҳоланади;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиёт ва барқарорлик даражаси, бунда мавжуд техника ва технологияларнинг амалдаги сифати, АСМ тармоқлари ва ташкилотларининг молиявий-иктисодий ҳолатини баҳолаш натижалари инобатга олинади;
- ✓ мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлик даражаси, бунга бюджетдан молиялаштириш ва бошқа манбалар ҳам киритилади;
- ✓ мамлакатимиздаги ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган аграр маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати;
- ✓ импортнинг кўлами, жумладан мамлакатдаги ишлаб чиқариш билан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари билан таққосланган ҳолда;
- ✓ озиқ-овқат маҳсулотларининг очиқлик дваражаси билан импорт интервенциясига қарши таъсир кўрсатиш механизми;
- ✓ атроф-мухитнинг ифлосланиши ва таъқиқланган препаратлар, технологиялар, жумладан ген-модификациялашган организм (ГМО), ўсишни рағбатлантириш воситалари, антибиотиклар ва бошқалардан фойдаланиш нуқтаи-назаридан тармоқнинг экологиялашганлик даражаси;
- ✓ озиқ-овқат хавфсизлигига кўйилган талабларнинг ҳукукий қонунчиликка, меъёрий ҳужжатлар тизимиға, давлат аграр сиёсатининг йўналишларига ҳамда жаҳон тенденциялари ва меъёрларига мослиги;
- ✓ озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид ва таҳликалар.

Маълум бир даврда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши нуқтаи назаридан озиқ-овқат хавфсизлигининг эришилган даражасини қуидаги кўрсаткичлар нуқтаи-назаридан баҳолаш мумкин:

1. **Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг жон бошига тўғри келадиган микдори.** Ушбу кўрсаткич ёрдамида иктисодиётнинг мазкур секторидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг динамикасини кўриб чиқилаётган даврда аҳоли сонининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда баҳолаш мумкин.
2. **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган стандартларига ва ҳалқаро стандартларга мослиги.** Шу стандартларга мувофиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг уларни жон бошига истеъмол қилишининг етарли даражасини таъминлаш учун микдор ва сифат таркибини тавсия этиш мумкин.

3. Асосий молиявий-иктисодий кўрсаткичлар.

Давлат ёки ҳудудлар даражасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг молиявий-иктисодий ҳолатини тезкор баҳолаш учун қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

- ✓ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бутун фаолиятидан олинган қолдиқ натижа (фойда минус зарар);
- ✓ фойда олиб ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони;
- ✓ умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ва жумладан ўсимликчилик ҳамда чорвачиликнинг рентабеллик даражаси.

Алоҳида уй хўжаликларининг озиқ-овқат хавфсизлигига асосан **аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад** таъсир кўрсатади, чунки ҳар бир кишининг амалда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишлари даромадларнинг даражасига боғлиқ. Даромадлар ўз навбатида оиладаги ишловчи аъзоларнинг иш ҳақи микдорига, ногиронлар, пенсионерлар ва аҳолининг кам таъминланган катламларининг пенсиялари ва ижтимоий нафақаларига; индивидуал фаолиятдан келадиган даромадларга боғлиқ бўлади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатларнинг реал пул

даромадлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг, АСМнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати маҳсулотлари нархларининг ўзгаришлари билан корреляциялашуви юз беради.

Ахоли овқатланишининг миқдор ва сифат кўрсакичлари бўйича қўйи чегараси таркибига маълум бир товар ва хизматлар тўплами киритиладиган минимал **истеъмол савати** сифатида қараш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим натижавий кўрсаткичи бўлган озиқ-овқатлар саватининг қиймати айнан ўша истеъмол саватидаги маҳсулот тўпламига боғлиқдир. Унинг миқдори аҳолининг муайян гурухлари учун уларнинг жинси ва ёшини инобатга олган ҳолда минимал истеъмол меъёрларини товар ишлаб чиқариладиган тармоқда: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш - қишлоқ хўжалиги-қайта ишлаш-маҳсулотни пировард истеъмолчига сотиш соҳасида қарор топган ўртача нархларга кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, турли мамлакатларда минимал истеъмол саватининг меъёрлари илмий асосланган овқатланиш меъёрларидан аҳамиятли даражада фарқланиши мумкин.

Минимал истеъмол саватининг товар ва хизматлар тўпламидан келиб чиқсан ҳолда яшаш минимуми аниқланади, у бир киши учун инсоннинг минимал биоижтимоий эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайдиган минимал истеъмол саватининг қийматига teng бўлган минимал даромаддан иборат. Шуни инобатга олган ҳолда яшаш минимуми қуидагилар учун мўлжалланган:

- ✓ турмуш даражасини баҳолаш;
- ✓ камбағаллик даражасини аниқлаш;
- ✓ ижтимоий сиёсатнинг йўналишларини асослаш;
- ✓ аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- ✓ иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам миқдорларини асослаш.

Кўрсатиб ўтилган омилларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қуидаги кўрсаткичлари асосида баҳолаш мумкин:

- ✓ аҳоли даромадларининг ҳарид қобилиятини баҳолаш: минимал ва ўртача ойлик иш ҳақининг, минимал пенсиянинг яшаш минимумига нисбати:
 - агар ушбу нисбатнинг қиймати 1 га teng бўлса, озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш даражаси минимал истеъмол саватига mos бўлади.
 - агар нисбатнинг қиймати 1 дан катта бўлса, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси минимал истеъмол саватидан каттароқ бўлади.
- ✓ асосий озиқ-овқат маҳсулотларини амалда жон бошига истеъмол қилиниши миқдори.

Асосий таянч түшүнчалар:

Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш тамойиллари ва даражалари, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш күрсаткичлари ва коэффициентлари, ахоли жон бошига даромад, истеъмол савати, яшиши минимуми.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириклар:



1. Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш қандай тамойилларга асосланади?
2. Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш қандай даражаларда аниқланади?
3. Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш күрсаткичлари ва коэффициентларини тавсифланг.

8-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОМИЛЛАРИ ВА АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

8.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар

ФАО мутахассислари фикрига кўра озиқ-овқат хавфсизлиги жиҳатидан аҳвол озиқ-овқат хавфсизлиги омиллари таъминот барқарорлиги, эга бўлиш имконияти ва сифати билан белгиланади (8.1-расм). Улар қуйида батафсил белгиланган.

Барқарорлик: озиқ-овқат таъминоти узилмаслиги учун аҳоли, оила ёки алоҳида ҳар доим озиқ-овқатга эга бўла олиши лозим. Улар кутилмаган ҳодисалар (масалан, иқтисодий ёки иқлимий бўхрон) ёки циклик ҳодисалар (масалан, иқлимий озиқ-овқат танқислиги) туфайли озиқ-овқатдан узилиб қолмаслиги лозим.

Озиқ-овқат мавжудлиги: зарур сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг керакли миқдорда ички ишлаб чиқариш ёки импорт орқали (шу қатори озиқавий кўмак) таъминоти. Озиқ-овқат мавжудлигининг энг кўп қўлланилувчи воситаси калорияларда ҳисобланувчи жон бошига кундалик энергия сарфидир (КЭС). ФАО услубларига кўра КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат балансига асосланган озиқа истеъмоли турига биноан ҳисобланади. ФАО муайян товарларни озиқ-овқат таъминотининг турли манбалари (ишлаб чиқариш, жамғармалар, савдо) ва маҳсулотлардан турли мақсадларда фойдаланишга (ем, уруғлик, саноатда фойдаланиш, чиқитлар) оид маълумотлардан фойдаланиб, озиқ-овқат балансларини ҳисоблайди.

Озиқ-овқатга эга бўла олиш: тўйимли озиқланиш учун зарур озиқаларга эга бўлиш мақсадида зарур ресурслардан фойдаланиш учун моддий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар.

Озиқ-овқатнинг моддий таъминоти озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлишини назарда тутади.

Иқтисодий имконият аҳолининг барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби етишини билдиради. Бошқача айтганда, иқтисодий имконият уй хўжаликлар озиқ-овқат хариди учун етарли даромадга эгалиги ва мамлакат озиқ-овқат импорти учун етарли хорижий валютага эгалигини билдиради.

Озиқ-овқат хавфсизлигига аграр секторнинг ҳолати ҳам, мамлаатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳам таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир этувчи яна бир омилни ажратиб кўрсатиш мумкинки, бу савдодаги тўсиқлар бўлиб, ударга энг аҳамиятли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш ва четга чиқаришни таъкиқлаш, ҳудудлараро фирром рақобатни киритиш мумкин.


Озиқ-овқат хавфсизлиги жаҳон бозорининг нархлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги тебранишлар, маҳаллий, жумладан ҳарбий низолар мавжудлиги каби омилларнинг таъсирига ҳам учрайди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига аграр секторнинг ҳолати ҳам, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият ҳам таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир этувчи яна бир омилни ажратиб кўрсатиш мумкинки, бу савдодаги тўсиқлар бўлиб, ударга энг аҳамиятли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш ва четга чиқаришни таъкиқлаш, ҳудудлараро фирром рақобатни киритиш мумкин.

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиши, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур” [29, 14].

И.А.Каримов



8.1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омиллари

Озиқ-овқат хавфсизлиги жаҳон бозорининг нархлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги тебранишлар, маҳаллий, жумладан ҳарбий низолар мавжудлиги каби омилларнинг таъсирига ҳам учрайди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига жаҳондаги ва ҳудуддаги нобарқарор эпизоотик вазият-муайян даврда аниқ маконда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари юқумли касалликларининг тарқалиши; моддий-техника базасининг эскирганлиги, АСМ ташкилотларининг ва улгуржи-озиқ-овқат инфратузилмаси ташкилотларининг молиявий-иқтисодий нобарқарорлиги ҳам таъсир қиласи.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир ўтазувчи омилларнинг бутун хилма-хиллигини мажмуавий ҳолда, яъни жаҳон ҳамжамиятининг умуман давлатнинг ва ундаги вилоятларнинг, АСМ (қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва бошқалар) аҳолининг уй хўжаликларининг омиллари кесимида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш-кўриб чиқилган жиҳатлари ушбу жараёнга юҳорида келтирилган даражаларнинг ҳар бирида таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Шундай қилиб озиқ-овқат хавфсизлигини ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг тенг аҳамиятли очиқ кўйи тизимлардан ташкил топган тизим сифатида тасвирлаш мумкин. Чунки улар бир-бирисиз юҳорида айтиб ўтилган муаммоларнинг ҳал қилинишини таъминлай олмайди.

Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омилларини пировард озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий бўғин бўлмиш АСМ нинг ривожланишига ва аҳолининг ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш имкониятларига кўрсатадиган ички ва ташқи омилларга таснифланган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Ички омиллар қишлоқ хўжалигининг, АСМ нинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг, бевосита қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ва озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланиш даражасига, уй хўжаликларига ва муайян одамларнинг ҳаёт фаолиятига таъсир кўрсатадиу.

Ташқи омиллар табиий-иклим шароитининг таъсирини, мамлакатда ва жаҳон ҳамжамиятида аҳолига ҳар бир кишининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган сифат ва миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятини таъминлайдиган давлат сиёсатини; экологик ҳолат ва иқлиминг ўзгаришларини; ФТТ нинг ютуқларини ҳамда ўнга боғлиқ ҳолда техника ва тхнологияларнинг ўзгаришларини; институционал ўзгаришларни ҳамда алоҳида мамлакат конунчилиги ва ҳалқаро қонунчилик базасининг ўз ичига олади.

Кўрсатиб ўтилган ҳар бир қўйи тизимнинг **ички ва ташқи омиллари** орасида асосий натижавий омил мавжуд, у хўжалик юритувчи субъектлар ва инсоннинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча омилларнинг функцияси ҳисбланишиш натижавий кўрсатичлардан иборат. Қишлоқ хўжалиги учун натижавий кўрсаткич ялпи маҳсулотдир, озиқ-овқат саноати учун ишлаб чиқариш ҳажми, уй хўжаликлари учун жон бошига тўғри келадиган даромаддир.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар **доимий, шартли доимий ва даврий тавсифга** эга бўлади.

Доимий омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ муайян ҳудуднинг табиийгилем шароити;
- ✓ мамлакат ёки ҳудудлардаги аграр ишлаб чиаришнинг табиий салоҳиятининг секингаста сусайиб бориши ва бунинг оқибатида хўжалик юритувчи субъектлар томондан қўшимча таъсир ўtkazilmagan ҳолда озиқ-овқат таъминоти даражасининг пасайиб кетиши.

Маълум бир давр учун шартли-доимий омилларга қўйидагилар мисол бўлади:

- ✓ камбағаллик чегарасидан пастда жойлашган ва зарур озиқ-овқат маҳсулотлари тўпламини сотиб олиш учун етарли миқдордаги даромадга эга бўлмаган аҳоли гуруҳлари;
- ✓ алоҳида аҳоли гуруҳлари овқатланишининг мувозанатлашмаганлиги, бу уларнинг саломатлигига таҳдид солиши мумкин;
- ✓ муайян омилларнинг таъсири туфайли факат бозор механизмидан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат билан таъминлашнинг имкони бўлмаган ҳудудлар аҳолиси;
- ✓ озиқ-овқат хавфсизлигини назорат қилиш даражасининг пастлиги, бу ҳолат кишилар саломатлигига таҳдиларни вужудга келтириши мумкин;
- ✓ жаҳон бозорлари конъюнктурасининг нобарқарорлиги ва импортдан келадиган валюта тушумлари туфайли.

Мамлакатнинг озиқ-овқат билан таъминловчи ташқи манбаларга аҳамиятли даражада боғланиб колганлиги.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи даврий омиларга қўйидагилар киритилади:

- ✓ айрим даврлар (куртоқчилик, ёнгин, чигиртка а бошқалар) да озиқ-овқат хавфсизлигини пасайирувчи табиий оғатларнинг юз бериши эҳтимоли;
- ✓ мамлакатнинг нобарқарор ташқи иқтисодий ҳолати, бу эмбарго ва бошқа санкцияларни келтириб чиқариши мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларини олишидаги тегшли таҳликаларга сабаб бўлувчи таҳдидларнинг таъсири билан ҳам боғлаш зарур.

Шундай қилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга кўпгина омил ва аҳликалар таъсир кўрсатадики, мамлакат, вилоят, ҳар бир киши ва умуман жаҳон ҳамжамиятининг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш ички ва ташқи таҳдидларни пасайтириш муҳим аҳамиятга эга.

8.2. Аграр соҳани ривожлантириш масалалари

Хозирги вақтда биз умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизнинг маҳсулот етказиб берадиган корхоналари халқаро кўргазма ва ихтисослаштирилган ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Дунёning 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради. 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2015 йилга нисбатан камида 1,3 , сутни 1,5, тухумни 1,7, балини 2,5 марта кўпайтириш мўлжалланмоқда (8.1-жадвал).

8.1-жадвал

Ўзбекистонда 2020 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш

Маҳсулот тuri	2015 й.	2020 й.
Пахта хомашёси, минг т.	3 350	3 000
Бошоқли дон, %	100,0	116,4
Картошка, %	100,0	135,0
Сабзавот, %	100,0	130,0
Мева ва узум, %	100,0	121,5
Гўшт, %	100,0	126,2
Сут, %	100,0	147,3
Тухум, %	100,0	174,5
Балиқ, %	100,0	250,0

Бундай кўрсаткичларга эришиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва албатта мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни сақлаш, логистика ва

истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қардишилиши керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева ва узумни даладан истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликларнинг олдини олиш бўйича мева ва сабзавотларни сақлайдиган омбор ва музлатгичлар тизими етарли даражада ривожланмагани, логистика ва йўл харажатлари билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ечиш талаб этилади.

Юртимизда етиширилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинмоқда. Бундай ҳолатда маҳсулотлар ўзининг сифати, таъми ва тиббиёт нуқтаи назаридан истеъмол хусусиятларини маълум даражада йўқотади.

Мазкур соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлаётганига қарамасдан, маҳсулотни асл ҳолида сақлаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, унинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх-навога мавсумий омилларнинг таъсирини камайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган барча инфратузилма, ресурс ва имкониятларга эга эмасмиз, бу борада музлатиш, нейтрал газли муҳитда сақлаш каби замонавий технологияларни янада кўпайтириш талаб қилинади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар сақланадиган 274 та замонавий совутгичли камера ва омборларни куриш ва тўлиқ реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2010 йилда “Навоий” эркин индустрисал-иктисодий зонаси худудида 3 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавотни нейтрал газли муҳитда сақлаш бўйича замонавий қувватлар фойдаланишга топширилди. Ушбу маҳсулотлар ҳалқаро авиатранспорт ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ташкил этилган, Навоий шаҳри ҳалқаро аэропортини ўз ичига олган, дунёдаги йирик юқ ташиш компанияларидан бири – “Кореан Эйр” компанияси бошқарувида фаолият кўрсатаётган интермодаль логистика маркази қувватларидан кенг фойдаланилмоқда.

Хозирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омбор мавжуд. Уларда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бу эса ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кафолатли таъминлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон компаниялари Болтиқ денгизи бўйидаги Лиепай портида бир кечакундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган транспорт-логистика марказини ташкил этилиб, ушбу марказ орқали мева-сабзавот маҳсулотлари Шимолий ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри етказиб берилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини ошириш хорижий инвестицияларни жалб этмасдан, ҳалқаро молия институтлари ва банк тузилмаларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ҳалқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби бошқа кўплаб институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг шу борада кўрсатаётган ёрдами като бўлиб, уларнинг иштироқида юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб этилди.

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, биринчи навбатда, илфор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида амалий ёрдам ва ҳамкорлик кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган ва Тошкент шаҳрида ушбу ташкилот ваколатхонаси очилган.

Ўзбекистон билан БМТнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий молиявий институти бўлмиш Ҳалқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди ўртасида конструктив ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, бу фонднинг асосий вазифаларидан бири юқори самарадорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш бўйича ёндашувларни амалга оширишдан иборатdir.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида жадал ривожланиб бораётган, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзида умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд олтита лойиҳани амалга оширилмоқда.

Ҳамкорлигимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир.

Ўтган йилларда Осиё тараққиёт банки, Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда Аму-Бухоро машина каналини қайта тиклаш лойиҳасини амалга оширилди, унинг доирасида 1,8 миллиондан зиёд одам истиқомат қилаётган 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда Жаҳон банкининг иштироки тобора кенгайиб, умумий қиймати 380 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилди, жорий йилда яна умумий қиймати 450 миллион долларлик иккита лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Жанубий Қорақалпоғистонда узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион долларлик йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда. Келгусида бу майдонларда диверсификациялашган ва юқори даражада механизациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг еттида вилоятида амалга оширилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизация қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган лойиҳа катта истиқболга эга бўлиб, унинг доирасида уруғчилик, ўсимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳасидаги илмий-тадқиқот салоҳиятимизни модернизация қилиш ва ошириш, шунингдек, замонавий агротехнологиялар йўналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг истиқболли ва янгилиги БМТ қошидаги Глобал экологик фонднинг эътиборини тортгани, фонд томонидан фермер хўжаликларида илфор технологияларни жорий этиш ва янги замонавий ускуналарни харид қилишга қаратилган 13 миллион долларлик грант тақдим этилди.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган иккита лойиҳа амалга оширилмоқда, шунингдек, Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган лойиҳани тайёрлашга киришилди.

Хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилган, мева-сабзавот маҳсулотларини саклаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган агросаноат корхоналари иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тортиб маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришгacha бўлган йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ана шу корхоналарда ўта юқори ҳароратда ишлов бериш, асептик усулда консервалаш, музлатиш ва сунъий қуритиш усуллари тўлиқ ўзлаштирилган. 2013 йилнинг ўзида бу корхоналар

томонидан қиймати 800 миллион доллардан ортиқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 200 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.

Яқин йилларда мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион долларга яқин бўлган 265 та инвестиция лойиҳасини қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилган. Бу соҳага киритилган сармоялар кўп харажатни талаб этмаслиги, шу билан бирга, 1,5-4 йил ичida ўзини қоплаши билан эътиборлидир.

Асосий таянч тушунчалар:

Озиқ-овқат хавфсизлигининг иқтисодий омиллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сиёсий омиллар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий омиллар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацион омиллар, ички ва ташқи омиллар, даврий омиллар, агросаноат сектори.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий омиллар қандай роль ўйнайди?
2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий омиллари ўз ичига нималарни олади?
3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи ижтимоий омиллар гуруҳини тавсифланг.
4. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацион омилларнинг тутган ўрни қандай?.
5. Агросаноат секторини ривожлантиришда ижобий ва салбий жиҳатлар тўғрисида концептуал жадвал тузинг.

9-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕЬЁРИЙ ОВҚАТЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

9.1. Тиббий меъёрлар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси

Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги аҳоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у ўз навбатида одамлар, оиласлар ва бутун халқ учун жиддий оқибатларга олиб келади. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларининг умумқабул қилинган меъёрларнинг худи шундай ўлчовда уларнинг истеъмол қилинган миқдори билан таққослаш орқали аниқланади. Жаҳон статистикасида озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига ҳисоби ФАО тавсия этган меъёрлар қабул қилинган. ФАО меъёрлари бўйича бу маҳсулотларнинг бир суткалик истеъмоли 3000 ккал ни ташкил қилади.

“Инсон учун саломатлик ҳамма нарса эмас, лекин саломатлик бўлмаса, ҳамма моддий бойлик бир пул”.

И.Гёте

ФАО маълумотларига кўра охирги ўн йилда бутун дунёда қониқарсиз озиқланишга йўлиққан аҳоли сони 18 миллионга етиб, ҳозир 852 миллион кишидан ошиқдир [103]. Улардан 815 миллион киши ривожлананаётган мамлакатлар, 28 миллион киши бозор иқтиодиётига ўтиши давридаги мамлакатлар (собиқ социалистик мамлакатлар) ва 9 миллион киши ривожланган давлатларда яшашиди. Хар йили ривожлананаётган мамлакатларда 20 миллион бола ориқ тугилиб, қониқарсиз озиқланиш 5 миллион боланинг ўлимига сабаб бўлади ва тирик қолганлар турли касалликларга чалинади. Мамлакат учун қониқарсиз озиқланишининг салбий оқибатлари улкан бўлиб, вақт ўтган сайн қўпайиб боради. С. Хортоннинг ҳисоб-китобларига кўра Бангладеш, Ҳиндистон ва Покистонда ўсида қолоқлик (қониқарсиз озиқланиш туфайли) ва озуқа моддалар етишмовчилиги туфайли мазкур мамлакатлар вояга етган аҳолисининг меҳнат унумдорлиги мазкур мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотини икки фоизидан тўрт фоизгача пасайтиради ташкил қиласди. Бундан ташқари ФАО ҳисоб-китобларига кўра йод ва темир моддаси танқислиги сурункали қониқарсиз озиқланишни кучайтириб, мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотини икки фоиздан тўрт фоизгача камайишига сабаб бўлади. Тугилишида кам вазн, энергия ва оқсил етишмаслиги ҳамда ҳаётни зарур витаминлар ва минерал моддаларнинг йўқлиги сабабли инсон ҳаётни давомида жисмоний ва ўрганиши қобилиятининг қисқаршии туфайли меҳнат унумдорлиги пасайшиши ялпи миллий маҳсулотнинг беши фоизидан ўн фоизигача бўлган қисмининг йўқотилишига олиб келиши мумкин.

ФАО тадқиқотлари шуни қўрсатадики, озиқланишининг ижобий томонга ўзгариши ялпи ички маҳсулотга бевосита ижобий таъсир қўрсатади. Шри Ланкада оқсил истеъмолининг бир фоизга ошиши узоқ муддат давомида ялпи ички маҳсулотни 0,49 фоизга ўсишини таъминлади.

Софлом овқатланишнинг меъёрлари миллий ва халқаро маҳсус муассасалар, шунингдек Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХССТ) ва Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан ҳам аниқланади. 1953 йилда АҚШда ўртacha ёшдаги эркак кишининг иозик-овқат истеъмоли меъёри 3200 ккал/сут.ни ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу 2700 ккал/сут.га teng. Истеъмоли 2150 ккал дан кам бўлганлар очлик ва тўйиб овқат емаслик арафасида, 1500 ккал ва ундан кам истеъмол қилувчилар очлик ҳолатидаги кишилар тоифасидандар.

Фаол турмуш тарзи олиб борувчи катта ёшдаги киши энергиясининг маълум вақт оралиғидаги сарфи ФАО ва Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперталари қўйидагича аниқлайдилар:

$$\mathbf{\dot{E}_c = K \cdot M \cdot V_o} \quad (9.1)$$

бу ерда:


\dot{E}_c —организмнинг умумий энергетик сарфи, ккал;

K — тана1 кг массасининг энергия сарфи, ккал;

M — тана массаси, кг;

V_o — сутканинг вақт оралиғи.

Ривожланишнинг секинлашиши билан кечадиган ўсишнинг орқада қолиши узоқ муддат етарли овқатланмаслик ва /ёки соғлиқнинг заифлиги йиғилиб бориши ўзаро таъсиридан далолат беради (9.1-расм). Шунингдек, ўсишдан орқада қолиш фақат тўйиб овқатланмасликнинг кўрсаткичи эмас, балки инсон асосий эҳтиёжларининг қондирилмаганлиги ва натижада, абсолют қашшоқликнинг белгиси ҳам ҳисобланади (9.1-жадвал).



9.1-расм. Ҳаётий цикл давомида тўғри овқатланишнинг аҳамияти

Тўлиқ бўлмаган овқатланишнинг беш тури фарқланади:

1) “тўйиб овқатланмаслик” - инсон етарли овқат микдорини қабул килмайди;

2) “баланслашмаган овқатланиш” (етарли микдорда бўлмаган ва/ёки таркибида кам протеинлар) овқатланиш сифати организм эҳтиёжига мос бўлмаган ҳолат. Баланслашмаган овқатланишнинг асоратларини ўлчаш мумкин, масалан, болаларда бўй ва вазн ўсишининг орқада қолиши, ката ёшдагиларда тана оғирлигининг паст индекси;

3) овқатланишда микроэлементларнинг етишмаслиги, «яширин очлик»-инсон озиқ-овқат билан бирга етарли микдорда бир ёки бир неча зарур микроэлементлар, масалан витамин ва/ёки минералларни олмаслик ҳолати;

4) “иккиламчи тўйиб овқатланмаслик”-инсон соғлигининг маълум бир ҳолати ёки бошқа бирон-бир сабабларга кўра овқатни қабул қила олмаслик ёки ҳазм қила олмаслик ҳолати;

5) “тўйиб овқатланиш”-инсон узоқ вақт давомида овқат билан бирга ҳаддан ташқари кўп калория микдорини қабул қилгандаги ҳолати.

“Овқатланиш самарасини” антропометрик ўлчовлар ва биохимик таҳлиллар асосида аниқлаш мумкин. Жадвалда овқатланиш ҳолатининг кўп ишлатиладиган кўрсаткичлари келтирилган. Болалар ёшининг ўсишига мувофиқлигининг антропометрик кўрсаткичлари орқали болаларнинг ривожланиб бориши аниқланади.

Инсониятнинг дехқончилик ва чорвачилик ташкилий, техник-технологик янгиликларнинг жорий этилиши билан боғлиқ бўлган улкан ютуқларга эришганлигига қарамасдан XXI асрда жаҳон аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти қониқарсизлигича қоляпти. Бу ҳолат XXI асрнинг муаммоларини ҳам белгилаб бермоқда. 2000-чи йилларда жаҳон озиқ-овқат муаммосининг кескинлашувига сайёрамиз аҳолиси сонининг ўсиб бораётганлиги билан (БМТ маълумотларига кўра 2050 йилда бу кўрсаткич 9,6 млрд. кишини ташкил қиласди) табиий муҳитнинг имкониятлари ўртасидаги номутаносибликлар сабаб бўлган.

9.1-жадвал

Овқатланиш ҳолатининг кўп тарқалган индикаторлари (умумий шарх)

Гурухлар	Индекс	Индикатор ва унинг қисқача тавсифи
Болалар	Ўсишдан орқада қолиши	Ёшга нисбатан бўй пастлиги (сурункали тўйиб овқат емаслик ва очлик ҳамда қашшоқлиқдан келиб чиқсан ўсишдан орқада қолиши)
	Гипотрофия	Бўйга нисбатан оғирликнинг камлиги (кучли тўйиб овқатланмаслик)
	Тана оғирлигининг етишмаслиги	Ёшга нисбатан оғирликнинг камлиги
	MIAC-Елка ҳажмининг етишмаслиги	Елка айланасининг кичикилиги (очлик)
	LBW	Кам тана вазни билан тирик туғилганлар фоизи (ҳомила ривожланишининг орқада қолиши)
	Гемералопия	А витаминининг етишмаслиги
	TGR	Қалқонсимон безнинг катталashiши (йод етишмаслиги)
Катта ёшдагилар	Тана вазни индекси	
	ТВИ<18.5	Паст ТВИ (сурункали тўйиб овқатланмаслик) ортиқча вазн
	ТВИ > 25	семизлик
	ТВИ > 30 UIE	Йоднинг кам ажралиши (йод етишмаслиги)
Аёллар ва болалар	Анемия	Темир етишмаслиги

Шу боисдан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммосида қуйидаги бир нечта мұхим жиҳатни ажратиб күрсатиш зарур.

Биринчи жиҳат шу билан боғлиқки, мамлакат, худудлар, уй хўжаликлари, оддий фуқароларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш муаммоси қадим вақтлардан бери инсоният олдида турган, кўпгина ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий инқирозлар биринчи галда озиқ-овқат етишмаслиги муаммоси негизида юз берган. Ушбу муаммога ҳар хил замонларда ва турли қитъаларда алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлиги борасида муайян даражага эришиш ҳамиша умуман жамиятнинг ва ҳар бир индивиднинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланган. Бунда етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун давлат АСМ соҳасида ишлаб чиқаришни рағбатлантирган ҳолда мұхим роль ўйнаши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва сотиш мамлакат аҳолиси очлик ва тўйиб овқат емасликдан азият чекяптими ёки озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ёхуд ортиқча миқдорда таъминланган таъминланмаганигидан қатъий назар ҳар бир мамлакатнинг фаолият соҳасига киритилган бўлиши керак. Инсониятни тўлақонли ва экологик нуқтаи назардан хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш-ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир; сайёрамиз, давлатимиз ва минтақамизнинг хотиржамлиги эса инсон турмуш даражаси ва умуман цивилизациянинг мұхим сифати кўрсаткичи ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашнинг асосий кўрсаткичи сифатида товар ишлаб чиарувчиларни қўллаб-қувватлашни баҳолашдан фойдаланилади. Мазкур услубият иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) нинг аъзолари бўлган барча мамлакатлрга ҳамда Марказий ва Шарқий Европанинг айрим мамлакатларига нисбатан қўлланади.

Иккинчи жиҳат-асосий турдаги озиқ-овқатларнинг аҳоли учун уларнинг қаерда яшашидан қатъий назар ҳаммабоплигини таъминлаш билан боғлиқ. Бунда жисмоний ҳаммабоплик шуни англатадики, кишиларнинг эҳтиёжини қондириш учун етарли ҳажмдаги озиқ-овқат маҳсулотлари улар истеъмол қилинадиган жойларга узлуксиз равишда етказиб берилиши керак. Жисмоний ҳаммабоплик етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг мамлакатлараро ҳамда мамлакат ичида тўсиқсиз ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган вазифалар мажмуининг ҳал қилинишини тақозо этади.

Учинчи жиҳатдан озиқ-овқатларнинг иқтисодий ҳаммабоплиги. Бу шуни англатадики, мавжуд нархлар даражасида харидорлар талабининг даражаси аҳолига ҳар бир кишининг саломатлиги ва фаол ҳаёт кечириши учун рационал истеъмол меъёрларига мос бўлган ҳажм ва ассортиментдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш имкониятларини таъминлаши лозим.

Аҳолининг барча гуруҳлари учун озиқ-овқат маҳсулотларнинг иқтисодий ҳаммабоплигини ошириш мақсадида аҳолининг қашшоқлик даражасини пасайтиришга, соғлом овқатланиш учун етарли маблағга эга бўлмаган энг мухтож қатламларни (ногиронлар, ёлғиз қари-қартанглар ва х.к.), шунингдек болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларни қўллаб-қувватлашни таъминлашга; ижтимоий ва маҳсус давлат соҳалари (касалхона, армиянинг бўлинмаари ва бошқалар) муассасаларидағи шахсларни озиқ-овқат билан таъминлашга эътибор қаратиш зарур.

Ижтимоий ҳаммабоплик озиқ-овқат хавфсизлиги, хомашё ва озиқ-овқатларнинг сифатини назорат қилиш, маҳсулотларнинг сифатини сертификациялаш ва бошқариш тизимларини яратиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Уй хўжаликлари, оилалар даражасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ўзи кифоя қилмайди. Озиқ-овқат хавфсизлигининг яна бир ҳаётий мұхим белгиси - бу доимий равишда калорияли озиқ-овқат маҳсулотларидан кафолатланган тарзда фойдаланиш имконияти ва бу маҳсулотларни тегишли маблағлар эвазига харид қилиш имконияти билан боғлиқ. Уй хўжаликлари даражасида озиқ-овқат билан таъминланганлигини озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланишда камбағалликнинг озиқ-овқат истеъмоли чегараси баҳоланади, аҳолининг ундан

юқорида ва қуида тақсимланишини белгилашда фойдаланилади. Бунда алоҳида эътибор камбағалликнинг озиқ-овқат чегарасидан қуида бўлган уй хўжаликларининг демографик хусусиятларига қаратилади (яъни, етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қила олмайдиганлар). Турли гурухларга мансуб шахслар томонидан истеъмол қилинадиган одатдаги рационни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, оқсил ва ёғларга бойлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Овқатланиш аҳоли соғлигини белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Соғлом овқатланиш-бу инсоннинг соғлиги мустаҳкамланишига ва касалликлар камайишига кўмаклашадиган, унинг ўсишини, нормал камол топишини ва ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган овқатланиш. Овқатланиш тузилмасида баланснинг ҳар қандай бузилиши инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, шунингдек турмуш сифати пасайишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида озиқ-овқат саноати ривожланишининг тадрижий ўсишини таъминлашга ва мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўпайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Аҳолининг даромадлари ҳам сезиларли равишда ўсди, унинг харажатлари таркиби сифат жиҳатдан ўзгарди, озиқ-овқат маҳсулотларига сарф-харажатлар улуши камайиб, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларга харажатлар улуши ошди (9.2-жадвал). Бунинг ҳисобига кейинги йилларда аҳолининг овқатланиши сифати анча яхшиланди, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тузилмаси ўзгарди, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш 1,3 баравар, сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиш - 1,6 баравар, тухум ейиш - 2,2 баравар, сабзавотларни истеъмол қилиш - 2,6 баравар, картошкани истеъмол қилиш - 1,7 баравар, меваларни истеъмол қилиш - 4,0 баравар ўсди.

9.2-жадвал

1996-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси истеъмол саватидаги ўзгаришлар (% ҳисобида) [94]

	1996 й.	2001 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2008 й.	2010 й.	2014 й.	2015 й.
ЖАМИ	100,0								
<i>шу жумладан:</i>									
Озиқ-овқат маҳсулотлари	73.9	72.1	63.6	63.2	59.8	59.4	58.1	49,2	47,4
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	17.8	18.9	21.9	21.4	24.4	24.5	24.3	31.8	33.9
Хизматлар	8.3	9.0	14.5	15.4	15.8	16.1	17.6	19.0	19.7

Овқатланиш тузилмаси ва рациони яхшиланиши бошқа омиллар билан биргалиқда аҳоли соғлиғи кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Охирги 10 йилда танасининг оғирлиги енгил бўлган болалар улуши икки баравардан ортиқقا қисқарди (4 фоиздан 1,8 фоизгача), аёлларнинг анемия (камқонлик) билан касалланиши даражаси 2,5 баравар пасайди. Ўзбекистон аҳолисининг ўртacha умр кўриши 6,5 йилга кўпайди (67 ёшдан 73,5 ёшгача), аёлларнинг ўртacha умр кўриши - 75,8 ёшга етди.

Шу билан бирга, ижобий иқтисодий ўзгаришлар ва урбанизациянинг тез ўсиши ва унга хос бўлган турмуш тарзидаги ўзгаришлар барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган нооқилона овқатланиш билан боғлиқ касалликлар даражаси ошишига олиб келди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ушбу касалликлар юқумли бўлмаган касалликларнинг алоҳида гурухига ажратилган. Юқумли бўлмаган касалликлар даражасининг ошиши нооқилона овқатланиш билан

биргалиқда етарли бўлмаган жисмоний фаоллик, тамаки истеъмол қилиш ва алкоголни заарли истеъмол қилиш билан боғлиқдир.

2014 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижалари республика катта ёшдаги аҳолисининг 67,2 фоизга яқини сабзавотлар ва меваларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этиладиган нормадан паст истеъмол қилишини, 37 фоизи туз микдори ортиқча бўлган овқатни истеъмол қилишини, катта ёшдаги аҳолининг 16,4 фоизи эса жисмоний фаол эмаслигини кўрсатди. Бунинг натижасида катта ёшдаги аҳолининг 20,2 фоизи ортиқча вазнга ва 33,9 фоизи юқори қон босимга эга.

Аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли турли гуруҳларининг тиббиёт фани талабларига мувофиқ соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш Концепциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Кўйидагилар Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:


- 1) аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, жисмоний фаоллик ҳамда алкоголли маҳсулотларни ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартириш йўли билан касалликка чалиниш ва бевакт вафот этишни камайтириш;
- 2) нооқилона овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва улар тарқалиши даражасини пасайтириш, аҳоли соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида соғлом овқатланишга доир кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш ва шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда соғлом овқатланишини тарғиб қилишни кучайтириш;
- 3) овқатланиш билан боғлиқ касалликлар тарқалишини камайтиришга йўналтирилган соғлом овқатланиш масалалари бўйича аҳолининг турли гуруҳлари учун таълим дастурларини ишлаб чиқиши, соғлом овқатланиш соҳасида фундаментал тадқиқотларни устувор ривожлантириш;
- 4) жамоаларда ташкил этилган овқатланишни ташкил этишни такомиллаштириш, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларнинг, шунингдек 3 ёшгача бўлган болаларнинг тўлақонли овқатланишини ташкил этиш, даволаш жараёнининг ажralмас қисми сифатида даволаш-профилактика муассасаларида парҳезли (даволаш ва профилактик) овқатланишни яхшилаш;
- 5) сифат ва хавфсизликка қўйиладиган замонавий талабларга мувофиқ озиқ-овқат хом ашёсининг асосий турларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, алмаштириб бўлмайдиган компонентлар билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва болалар овқатланиши учун ихтисослаштирилган маҳсулотлар, парҳезли (даволаш ва профилактик) озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқатга биологик актив қўшимчалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- 6) озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсига тегишли бўлган техник регламентлар ва давлат стандартларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши;
- 7) Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқариладиган ва чет элдан етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсининг сифати устидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш;
- 8) аҳоли соғлиғи кўрсаткичлари ва тарқалган алиментар-боғлиқ ҳолатлар ривожланиши динамикаси таҳлили асосида овқатланиш соҳасида мониторинг дастурларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши.

2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси ва чора-тадбирлар комплекси қабул қилинган бўлиб, кўйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган:

- нооқилона овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва улар тарқалиши даражасини пасайтириш, аҳоли соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида соғлом овқатланишга доир кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш ва шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда соғлом овқатланишни тарғиб қилишни кучайтириш;
- таълим ва тиббиёт муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тизимини янада тартибга солиш мақсадида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, ташкил этилган болалар жамоалари овқатланиши рационини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқариладиган ва чет элдан етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси сифатини назорат қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни, айниқса муҳим микронутриентлар билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш йўли билан аҳолининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий хом ашё асосида озиқ-овқат маҳсулотлари яратиш, аҳоли орасида соғлом овқатланиш принциплари жорий этилишига кўмаклашадиган муҳитни шакллантириш;
- аҳолининг турли гурухлари орасида овқатланиш рационини ва овқатланиш билан боғлиқ касалликлар ривожланишининг сабабларини ўрганишга йўналтирилган соғлом овқатланиш ва диетология соҳасида фундаментал илмий тадқиқотларни устувор амалга ошириш.

9.2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва озуқавий қиймати

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат озиқ-овқат хавсизлигини таъминлашда асосий тармоқлардан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу йўналишда таҳлил этилаётган даврда эришилган ижобий натижаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, барча асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичлари миқдор жихатидан ўсган. Масалан, сабзавотлар 147,2 кг га, сут этиштириш 86,6 кг га ва тухум 69 донага кўпайган (9.2-расм).



9.2-расм. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан минимал таъминланганлик даражаси (тиббий меъёр бўйича) (%да)

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган меъердаги эҳтиёжни аниқлашда мутаносиб рацион асосида овқатланиши таъминлаш вазифаси факат меъердаги калорияга эга бўлган ва ҳар куни истеъмол килинадиган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат эмаслигини эътиборга олиш ўта муҳимдир.

Тўлақонли овқатланиш кўп жиҳатдан унинг таркибига, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, унинг организмида тўғри модда алмашинуви, саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексайиш жараёнини секинлаштириш ва умрни узайтириш учун зарур бўладиган тўйимли ва сифатли моддалар билан керакли даражада таъминланишига боғлиқ.

Бу борада овқат билан бирга ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган аминокислоталар, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа моддаларнинг ҳам истеъмол қилиниши инсон ҳаёти учун энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шу фойдали моддалар, витамин ва микроэлементлар катта миқдорда фақатгина сабзавотлар, мева ва узум таркибида бўлади ва уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай маҳсулот боса олмайди.

Бошқача айтганда, инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши тўғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ экани, мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозимлиги ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан далолат берадики, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тавсия этилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда – бор-йўғи 150-200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда. Халқаро диетологларнинг тавсиясига кўра, инсон истеъмол қиласиган озиқ-овқатнинг камидаги 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши зарур.

Мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг ахволи, истиқболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, уларнинг миллий иқтисодиёт ва экспортда тутадиган ўрни, биринчи навбатда, шу давлатнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитига ва шаклланган дехқончилик маданияти ва савиясига, муайян маҳсулотни етиштириш маҳоратига, бундай маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда нечоғлиқ харидоргир бўлишига боғлиқ.

Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг шароитимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равиша юқори туради.

Ўзбекистонда етиштириладиган мева ва сабзавотларнинг фақат уларга хос бўлган хусусиятлари ва тўйимлилик даражаси ҳақида гапирганди, шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар.

Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва бодорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишини кўзда тутадиган биологик дехқончилик принципларига асосланган. Бу генларни модификация қилиши технологияларини қўлламасдан, жуда мазали таъмга ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириши имконини беради.

Биз минерал ўғитлар, пестицидлар ва шу каби воситаларнинг ўрнига доимо қўллаб келаётган ва биз учун устувор бўлган органик ўғитлардан фойдаланишини афзал деб биламиз. Бошқа кимёвий воситалар қишилоқ хўжалиги заараркунандаларига қарши қурашишда ишлатилиши мумкин. Лекин улардан стимулятор, яъни экинни тез ривожлантирадиган восита сифатида фойдаланиши умуман мумкин эмас, чунки бу борада энг яхши, синалган восита – бу органик ўғитлардир.

Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланниб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатдошлиги билан

аҗралиб туради. Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиши имконини берди.

Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рационини яхшилаш бошқа омиллар билан бирга аҳоли, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

Масалан, сўнгги 10 йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртacha 3 сантиметрга ўсди, бизнинг минтақамизга хос бўлган жиоддий касаллик, яъни хотин-қизларда камқонлик дараҷаси 2,5 марта пасайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ўртacha умр кўриши 7,5 йилга (66 ёнидан 73,5 ёшга), хотин-қизларнинг ўртacha умр кўриши эса 75 ёшга узайган.

И.А.Каримов

“Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишининг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиши маросимидағи маъruzасидан

9.4.-жадвал

**Махсулот калорияси ва фойдали озукаси тўғрисида маълумот
(100 грамм маҳсулотда, 1 суткалик рацион- оқсил, ёг, углевод-1:1:4,5 нисбатида)**

№	Махсулот номи	Калорияси, ккал	Оқсил, грамм	Ёғ, грамм	Углевод, грамм
1.	Ананас	50	0.5	0.1	13
2.	Анжир	56	0,7	0	13.9
3.	Апельсин	38	0.9	0	8.4
4.	Асал табиий	308	0,8	0	80,3
5.	Бақлажон	24	0.6	0.1	5.5
6.	Банан	89	1	0.3	22.8
7.	Батон нон	250	7.4	2.9	51.4
8.	Бодринг	10	0.7	0	1.8
9.	Гречка ёрмаси	326	12,6	2,6	68
10.	Ёнғоқ	654	15.2	65.2	13.7
11.	Ерёнғоқ	567	25.8	49.2	16.1
12.	Жигар	98	17.4	3.1	0
13.	Карам	28	1,8	0	5,4
14.	Картошка	89	2	0,1	19,7
15.	Кефир ёғсиз	30	3	0,05	3,8
16.	Колбаса қайнатилган	257	12,8	22,2	1,5
17.	Кофе	241	12,2	0,5	41,1
18.	Кўк нўхат	72	5	0,2	13,3
19.	Кўк пиёз	22	1,3	0	4,3
20.	Кунгабоқар ёғи	899	0	99,9	0
21.	Лимон	31	0,9	0	3,6
22.	Лавлаги	48	1.7	0	10.8
23.	Ловия	309	22.3	1.7	54.5
24.	Майиз	299	3	0.4	79
25.	Майонез	627	3,1	67	2,6
26.	Макарон	371	13	1,5	74,6

№	Махсулот номи	Калорияси, ккал	Оқсил, грамм	Ёғ, грамм	Углевод, грамм
27.	Малина	41	0,8	0	9
28.	Маргарин	746	0,3	82,3	3,1
29.	Мол гүшти	187	18,9	12,4	0
30.	Музқаймоқ	232	3,7	15	20,4
31.	Нок	42	0,4	0	10,7
32.	Олма	46	0,4	0	11,3
33.	Олча	49	0,8	0	11,3
34.	Печенье шакарли	406	10	7,4	76,2
35.	Пишлоқ	371	23,4	30	0
36.	Сабзи	33	1,3	0,1	7
37.	Сметана 20% ёғли	206	2,5	20	3,4
38.	Сули ёрмаси	355	13,1	6,2	65,7
39.	Сут	58	2,8	3,2	4,7
40.	Тарвуз	38	0,7	0	9,2
41.	Творог ёғли	236	15	18	3,5
42.	Товук гүшти	241	18,2	18,4	0,7
43.	Туршак	232	5,2	0,3	51
44.	Тухум	157	12,7	11,5	0,7
45.	Узум	69	0,4	0	17,5
46.	Узум соки	60	0,3	0	14
47.	Ун олий навли	327	10,3	0,9	74,2
48.	Үрик	46	0,9	0	10,5
49.	Шакар	374	0	0	99,8
50.	Шафтоли	44	0,9	0	10,4
51.	Шоколад	539	6,2	35,4	48,2
52.	Қизил болгар қалампири	23	1,3	0	4,7
53.	Қовун	39	0,6	0	9,6
54.	Қўй гүшти	203	16,3	15,3	0
55.	Қулупнай	32	0,6	0,3	7,6



Асосий таянч түшүнчалар:

Тиббий меъёрлар асосида озиқ-овқат билан таъминланиши даражалари, озиқ-овқат маҳсулотларинин хавфсизлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг озукавий қиймати

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Тиббий меъёрлар асосида озиқ-овқат билан таъминланиш даражаларига тавсиф беринг.
2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги нималарни тақозо қиласди?
3. Озиқ-овқат маҳсулотларининг озукавий қиймати инсон саломатлиги учун қандай аҳамиятга эга?

10-БОБ. ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

10.1. Глобал иқтисодиётда юз берадиган ўзгаришлар ва жаҳон мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи

Жаҳон ҳамжамияти олдида муаммолар пайдо бўлиб, уларнинг асосийлари қўйидагилардир:

- 1) ахоли ўсиш суръатларининг юқорилиги;
- 2) бир қатор мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши суръатларининг пасайиши;
- 3) ривожланган мамлакатлар ёрдамининг қисқариши;
- 4) очарчиликнинг авж олиши;
- 5) табиий ресурсларнинг озайиши;
- 6) жаҳон бозорларида узоқ муддат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига паст нархнингсақланиб туриши.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ мамлакатлар дон импортига боғлиқдирлар. Жаҳон мамлакатлари глобал инқироз ҳолатида бўлиб, унинг моҳияти чекланган табиий ресурслар, биосфера озуқа тизими чекланган имкониятлари ва ер шари аҳолиси сонининг ўсиши ўртасидаги мувозанатнинг бузилишида намоён бўлмоқда. Бутунжаҳон озиқ-овқат муаммоси, очликка қарши кураш ва улар билан боғлиқ бўлган турли касалликлар миллий давлатлар ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Озиқ-овқат хавфсизлиги инсоният ривожланишининг муҳим бўғини сифатида БМТ Мингийиллик Саммити доирасида 2000 йилда кўрилган бўлиб, минг йиллик декларацияси ва БМТнинг Мингийиллик ривожланиш мақсадларида қайд этилган.

Очлик ва тўйиб овқат емасликнинг анъанавий муаммолари даромадлар кескин табақаланиши соҳасида: ижтимоий планда-синфлар ва жамиятдаги табақалар ўртасида, тизимли-географик-ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида кескин тус олмокда. Шу билан бир қаторда ҳозирги замон юқори технологияли ва глобал тараққиёт овқатланиш муаммосига янги жиҳатларни қўшди. Жумладан, ривожланган мамлакатлар бўйлаб «тўқин-сочинлик парадокси» ҳаракатда бўлиб, фаол тарқатиб келинаётган «тезкор овқатланиш» трансмиллий технологиялари (масалан, “Макдоналдс”, “Кентукки чикенс”, “Пицца хот”), билан бир қаторда норационал овқатланишининг касалликлари, ортиқча вазн ва семириш, соғлиқнинг йўқолиши ва биргаликда кечувчи бир қанча касалликларнинг тарқалиши билан биргаликда кечмоқда.

БМТнинг Мингийиллик Ривожланиш Мақсадлари

1-мақсад: Оғир қашшоқлик ва очликни тугатиш.

2-мақсад: Умумий бошланғич таълимни таъминлаш. Очлик ва етарли бўлмаган овқатланиш ақлий қобилиятни пасайтиради.

3-мақсад: Гендерлик соҳасида тенгликни таъминлаш, аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш. Қиз болаларнинг етарли ва тўлиқ озиқ-овқат таъминоти кейинги ҳаёти давомида ривожланиш йўлининг кенг имкониятларига, мактаб таълимини яқунлаш имкониятига эга.

4-мақсад: Болалар ўлимини қисқартириш. 50 % дан ортиқ болалар етарли ва тўлиқ бўлмаган овқатланиш натижасида ҳалок бўладилар. Тўйиб овқат емаслик-ривожланаётган мамлакатлар касалланиши сабабларидан бири.

1-мақсад: Оғир қашшоқлик ва очликни тугатиш.

2-мақсад: Умумий бошланғич таълимни таъминлаш.

3-мақсад: Гендерлик соҳасида тенгликни таъминлаш, аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш.

4-мақсад: Болалар ўлимини қисқартириш.

5-мақсад: Оналиқни ҳимоя қилишини яхшилаш.

6-мақсад: ОИТС, малярия ва боиқа касалликларга қарши курашиш.

7-мақсад: Экологик барқарорликни таъминлаш.

БМТнинг Мингийиллик Ривожланиш Мақсадлари


БМТнинг Мингийиллик Ривожланиш Мақсадлари

БМТнинг Мингийиллик Ривожланиш Мақсадлари

5-мақсад:Оналикини ҳимоя қилишни яхшилаш. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмаганлик, етарли ва тўлиқ бўлмаган овқатланиш оналар ҳаётига жиддий хавф туғдирувчи омилдир.

6-мақсад:ОИТС, малярия ва бошқа касалликларга қарши курашиш. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмаганлик, етарли ва тўлиқ бўлмаган овқатланиш организмнинг турли инфекцион касалликларга қаршилигини пасайтиради ва уларнинг касалланишини тезлаштиради.

7-мақсад:Экологик барқарорликни таъминлаш. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмаганлик ўрмон мавзелари ва ресурсларининг ишлатилиш барқарорлигини йўқотади.



10.1-расм. ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА БМТ МИНГИЙЛЛИК ДАСТУРИ 1- МАҚСАДИННИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ (2015 ЙИЛ, ФАО МАЪЛУМОТИ)

1- мақсадга эришган мамлакатлар;	1- мақсадга эришмаган, ривожланиши суст мамлакатлар;	Таҳлил ўтказилмаган.
1- мақсадга эришмаган, аҳволи оғир мамлакатлар;	Маълумот йўқ;	

ФАО томонидан ташкил этилган озиқ-овқат хавфсизлигига бағишлиланган биринчи конференция 1974 йилда ўтказилган бўлса,унда жаҳон озиқ-овқат муаммосини яқин 10 йил ичida ҳал қилишга қарор қилинган эди. Лекин кейинги чорак асрда сезиларли ютуқларга эришилган бўлсада, бу муаммо ҳалигача ҳал қилинган йўқ. Агар 20-асрнинг 70-йилларида жаҳон аҳолисининг учдан бир қисми тўйиб овқатланмаган бўлса, бугунги кунда бу кўраткич 20%ни ташкил қиласди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон савдоси ҳажми уч баравар ошди, шу билан бир қаторда жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари 3%дан кейинги ўн йилликда 1,6% га тушди. Бунда

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми жаҳоннинг 90 та мамлакати, шу жумладан 44 та Африка мамлакатларида пасайди. Бу жаҳонда аҳоли сони йилига 90-100 млн.кишига ошиб бораётган ва 795 млн.дан ортиқ тўйиб овқатланмаётган шароитда юз бераяпти (10.1-жадвал).

10.1-жадвал

Жаҳонда очлик географиясининг ўзгариши: ҳудудлар бўйича очликка маҳкум аҳоли сони ва улуши

№	Мамлакатлар	Аҳоли сони (млн.киши)		Улуши (%)	
		1990 йил	2014 йил	1990 йил	2014 йил
1	Ривожланган мамлакатлар	20	15	2,0	1,8
2	Жанубий Осиё	291	281	28,8	35,4
3	Африка мамлакатлари Саҳроидан жанубга	176	220	17,4	27,7
4	Шарқий Осиё	295	145	29,2	18,3
5	Жануби- шарқий Осиё	138	61	13,6	7,6
6	Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси	66	34	6,5	4,3
7	Фарбий Осиё	8	19	0,8	2,4
8	Шимолий Африка	6	4	0,6	0,5
9	Кавказ ва Марказий Осиё	10	6	0,9	0,7
10	Океания	1	1	0,1	0,2
	Жами	1011	795	100	100

Жаҳонда ва алоҳида мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати турлича бўлиб, жумладан, Шимолий Америка аҳолисининг бир суткалик эҳтиёжлари 2400 ккал ни ташкил қилганда, африкалик аҳолиики 2150 ккал ни ташкил қилган.

Аҳоли сонининг ўсиши. Тахминларга кўра аҳоли сони 2050 йилда 9,8 млрд. кишини ташкил қиласди. Гуруч истеъмол қилувчи мамлакатлarda аҳоли сони 4,5 млрд.ни, дон истеъмол қилувчи мамлакатларда-1,5 млрд. кишини, туганакли ўсимликлар, жўхори ва чорвачилик маҳсулоти истеъмол қилувчилар сони 1,2-1,3 млрд. кишини ташкил қилиши кутилмоқда.

Аҳоли умумий сонида ёшлиарнинг таркиби 2050 йилларда Африка мамлакатларида бир суткалик энергия миқдорини 7 %га ошишига ва ривожланган мамлакатларда 1 %га камайишига олиб келади.

Туғилиш даражасининг пасайиши озиқ-овқат истеъмолини ривожланаётган мамлакатлар учун 1 % га, Фарбий Осиё мамлакатлари учун 2 % га пасайтиради.

Урбанизация овқатланишга эҳтиёжнинг камайишига олиб келади, чунки қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳар аҳолисининг жисмоний фаоллиги бирмунча паст. Натижада урбанизация даражасининг ошиши Осиё мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжни 4 %га, Африка мамлакатларида 3 %га камайтиради. Лекин айрим мутахассислар турмуш тарзининг бошқа мамлакатларда истеъмол даражаси ва воситаларининг ўзгаришига олиб келишини уқтиришяпти. ФАО баҳолашича, кейинги 30 йилда гўшт маҳсулотлари истеъмоли Осиё ва Лотин америкаси мамлакатларида уч бараварга ошади.

Кўрсатилган ўсиш суръатларига эришиш учун ўсимлик асосидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини диверсификациялаш ва ҳосилдорлар навлар майдонини ошириш бўйича ишларни кучайтириш керак. Бунда ривожланаётган мамлакатлар экологик аҳволини ҳисобга олган ҳолда ривожланган мамлакатларнинг даражасига яқинлашган ўртача ҳосилга эришишга ҳаракат қилиши керак.

Донли, илдизмевали ва бошқа ўсимликлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агрономик ва генетик тадқиқотларни давом эттириш таклиф этилаяпти. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги технологик тараққиёт инсон капитали сифатини ошириш, соғлиқни сақлашни яхшилаш, саводсизликка қарши курашиш билан бирга бориши керак.

Хитой ва Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларида аҳоли даромадлари ошиши кузатилиб, ҳар йили гўшт истеъмолининг ошиши 5 %ни ташкил қилмоқда. Хитой ҳукумати юқори оқсилли ўсимлик, масалан соя маҳсулотларини истеъмолини рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда, лекин давлат назорати бекор қилингани туфайли унинг натижаси самараисиз бўлмоқда. Фаровонликдан касалликлар тўйиб овқат емаслик касалликларидан устун келмоқда, масалан, юрак-томир касалликлари сони ошиб, ҳайвон ёғини кўп истеъмол қилишдан юзага келмоқда. Айрим прогнозларга кўра, ривожлангаётган мамлакатларда гўшт ишлаб чиқариш 2020 йилда ривожланган мамлакатларга нисбатан 4 баравар тезлашади ва 2020 йилда улар гўштнинг 60 %ини, сутнинг 52 %ини ишлаб чиқаради. Хитой йирик гўшт ишлаб чиқарувчи, Ҳиндистон сут етиширувчи мамлакатга айланади.

10.2 Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро тажрибалар

Дунёнинг кўп мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш қишлоқ хўжалиги ва савдо тармоғида стратегия ва дастурларнинг татбиқига боғлиқ. Уларни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсати;
2. Савдо сиёсати;
3. Истеъмолни қўллаб-қувватлаш стратегиялари;
4. Озуқа моддалар таъминоти дастурлари.

Бундай дастурлар бир бирини чекламаган ва кўп мамлакатларда бир вақтда амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсати йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида “Яшил инқилоб” номи билан танилган экинлар ҳосилдорлиги бирдан юксалиши жараёни шарофати билан озиқ-овқат ишлаб чиқарish ҳажми анча ошди.

“Яшил инқилоб”

ФАО маълумотларига кўра 1960 ва 2000 йиллар орасида буғдой ҳосилдорлиги 208 фоизга ошди ҳамда шоли, маккажӯхори ва картошка ҳосилдорлиги тегишли равища 109, 157 ва 78 фоизга ошди. Экин ҳосилдорлиги кескин ошиши асосан илмий ва техникавий юксалиш, жумладан экинларнинг юқори ҳосилдор навлари, кимёвий ўғитлар ва пестицидлардан кенгрок фойдаланиш ҳамда суғориш ва механизация шарофати билан рўй берди. Мазкур технологиялар экин майдонини озгина кенгайиши билан қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши туфайли бўлди. Масалан, 1966 йилда Осиёда ҳосилдорлиги юқори шоли нави жорий этилган. 1969 йилга келиб шоликорлик майдони бор-йўғи 13 фоизга ошган бўлсада, ҳосил миқдори 240 миллиондан 483 миллионга етди. Айни шу пайтда минерал ўғитлардан фойдаланиш кўрсаткичи гектарга 17 кгдан 110 кг гача ошди. 1963 1964 йилларда Ҳиндистонда тўрт гектар ерда юқори ҳосилдор буғдой навлари етиширилиши синовдан ўтказилган эди. 1972 йилга келиб тўрт миллион гектардан ошиқ майдонлар мазкур янги буғдой навлари учун ажратилди. 1964–1969 йилларда Ҳиндистонда буғдой ҳосили 10 миллиондан 17 миллион тоннагача ошиб, 2005 йилда ушбу кўрсаткич 75 миллион тоннага етди.

1990 йилга келиб улар Осиёда шоликорлик майдонларининг деярли 75 фоизини банд қилишди. Буғдойнинг янги навлари Африкада барча экин майдонларининг ярми ҳамда Лотин Америкаси ва Осиёда ярмидан кўпига экилди. Дунёда маккажӯхори далаларида уларнинг ҳиссаси 70 фоизга teng бўлди. Ривожлангаётган мамлакатлардаги фермерларнинг қирқ фоизи янги ҳосилдор навларни экиб, бу жиҳатдан Осиё йўлбошчи бўлиб, унинг ортидан Лотин Америкаси бормоқда. Қишлоқ хўжалигига бундай сифат томонга ўзгариш туфайли дунёда ўртacha жон бошига калориялар сони 1958 йилдаги тахминан 2420 килокалориядан 1999 йилда 2808 калориягача ортди. Лекин айни пайтда дунё

аҳолисининг сони икки баравардан кўпроқ ошди. “Яшил инқилоб” озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган фан ва давлат дастурлари ҳамкорлигининг муваффақиятли мисолидир. Кўп мамлакатларда ҳукумат турли навлар ва уруғлик таъминотини қўллаб-қувватлади, суғориш тизимларини ривожлантириди ва кимёвий ўғитларни таъминотини субсидия қиласи. Қишлоқ хўжалиги синов-намойиш дастурлари фермерларга янги навлар уруғлари, минерал ўғитлар, пестицидлар таъминоти билан бир қаторда ушбу инқилобнинг ижобий натижалари кенгроқ татбиқ қилинишини қўллаб-қувватлади. Фан ютуқлари татбиқи, ноу-хауни такомиллаштириш ҳамда минерал ўғитларнинг самарали қўлланилиши Осиё ва Лотин Америкасидаги кўп мамлакатларга ўз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда долзарб масалаларни ҳал қилишга имкон берди. Ушбу муваффақиятларга қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қўпайтириш учун чоралар аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли эмас. Ушбу мақсадга етиш учун кўп мамлакатлар тегишли савдо сиёсати билан бир қаторда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш чораларини қўллашди. Лекин “Яшил инқилоб” атроф-муҳит муаммолари, жумладан тупроқ ёмонлашиши, кимёвий ўғит ва пестицидлардан ҳаддан ортиқ фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг хилма-хиллигининг камайишига олиб келди.

Савдо сиёсати турли мамлакатларда озиқ-овқат савдоси сиёсати савдони чекловчи ва савдони эркинлаштирувчи йўналишларда амалга оширилади.

Савдо чекловлари. Халқаро озиқ-овқат савдосида ўсишга қарамай, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи мамлакат ички бозорларида истеъмол қилинади. Бундай баланд фоиз кўрсаткичи кўп мамлакатлар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш учун озиқ-овқат импортига нисбатан киритган чекловлари туфайлидир. Бу одатда лицензиялаш, баланд тарифлар ва тўловлар орқали миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш ва ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида қилинади. Ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлаш дастурлари асосан энг зарур экинлар, жумладан буғдор, гуруч ва бошқа донли экинлар етиширилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Мазкур дастурлар турли мамлакатларда турлича бўлиб, ёнилғи ва мойлар, ўғитлар ва пестицид-лар учун субсидиялар бериш ҳамда ишлаб чиқаришни назорат қилиш, жумладан тайёр маҳсулотлар учун ички нархларни белгилаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини марказлаштирилган равишда харид қилишга қаратилган. Мамлакатга импортни чеклаш ўз ишлаб чиқаришини қўпайтириш, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга иқтисодий жиҳатдан кўмаклашади.

Импорт чекловларига қўшимча равишда бальзи мамлакатлар экспорт чекловларини қўллашади. Озиқ-овқат экспорти чеклови ички бозорни барқарорлаштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини чеклашга қаратилган. Фалла экспортига нисбатан чекловлар ҳосил ёмон бўлганда аҳоли учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўлланилувчи вақтингчалик чорадир. Украина каби мамлакатлар бундай чорани қўллашади. Экспорт чекловлари аҳолига мазкур маҳсулотларга эга бўлиш учун иқтисодий имконият бериш мақсадида ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотларини мувофиқлаштириш воситасидир.

Савдони эркинлаштириши. Кўп мамлакатларда умуман савдо ва хусусан ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган дастурлар ушбу соҳа ва макроиктисодий ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Шу сабабли савдонинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини ислоҳотларнинг бошқа қисмларидан алоҳида баҳолаш қийин. Иқтисодиётда товарлар ва ресурсларни тақсимлашнинг энг самарали воситаси бозор механизмларидир.

Шу сабабли эркин савдо озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлашнинг энг тежамкор воситаси бўлиб, ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулоти нархини энг паст чиқимлар билан белгилашга имкон

беради. Бундан фарқли ўлароқ бозор түсиқлари (масалан, тарифлар) ва қишлоқ хўжалиги субсидиялари самарали тақсимлашга халақит беради.

Эркин савдо миллий иқтисодиётга бозорнинг баъзи қисмларида қиёсий устунликларга эришиш имконини беради. Кўп мамлакатларнинг тажрибаси шуни намоён қиладики, савдони эркинлаштириш ва халқаро бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларининг хариди бундай устунликларга паст нархлар ва танловнинг кўплиги билан эришишга имкон беради. Халқаро бозорлар ҳам ишлаб чиқариш керагидан ошиқ ёки кам бўлса ички бозорни барқарорлаштиришга имкон беради. Бундан ташқари халқаро савдо унумдорликни ошириш ва ресурсларни оқилона тақсимлаш орқали рентабелликни оширишга имкон беради. Мазкур устунликлар туфайли савдони эркинлаштириш баъзи мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг воситаларидан бирига айланди.

Жаҳон Банки эркин савдо сиёсатининг қўйидаги таркибий қисмларини белгилади:

- Лицензиялаш ва бошқа миқдорий чекловлар йўқлиги, саломатлик, хавфсизлик ва атроф-муҳитга боғлиқ чекловлар бундан мустасно;
- Тарифлар пастлиги ва бирлаштирилганлиги: давлат бюджетини тўлдириш учун тарифлар зарур бўлган пайтда умумий тариф даражаси зарур маблағни йиғиш учун етарли бўлиши лозим. Спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари каби товарларга нисбатан баланд тарифлар киритилиши мумкин бўлиб, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларга ҳам шундай солиқлар қўлланилиши шарти мавжуд;
- Экспортчиларнинг яrim тайёр маҳсулотларини тарифсиз импорт қилишга имкон берувчи самарали ва бюрократик бўлмаган божхона тизими;
- Демпингга қарши чоралар йўқлиги;
- Рақобатли хизматлар бозори: эркин рақобатни таъминлашга қаратилган чоралар ҳамда бозорга кираётган хорижий корхоналарни камситмаслик;
- Халқаро битимлар, Жаҳон Савдо Ташкилоти талаблари ва иқтисодиётда таркибий ислоҳотлар натижасида бугунги кунда аксарият ривожланаётган мамлакатлар ўз озиқ-овқат бозорларини очиб, савдони эркинлаштиришга интилишмоқда.

Савдони эркинлаштириш иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаб, ўз навбатида турмуш даражаси ва уй хўжаликлари учун озиқ-овқат етарлилигини таъминлайди. ФАО ўтказган тадқиқотга биноан тузилмавий ислоҳотлар туфайли (жумладан савдони эркинлаштириш) Осиё, Африка ва Жанубий Америкадаги 15 давлатдан ўнтаси жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўсишига эришиши.Faқат тегишли шароитда халқаро савдо мамлакат ва уй хўжаликларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мумкин. ФАО тадқиқотлари шуни кўрсатадики, агар компенсация дастурлари бўлмаса, қисқа ва ўрта мuddатда савдони эркинлаштириш озиқ-овқат хавфсизлиги учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Истеъмолни қўллаб-қувватлаш сиёсати. Истеъмолни қўллаб-қувватлаш дастурларининг максади бутун аҳоли ёки унинг бир қисмига муайян озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш учун иқтисодий имкониятни таъминлашдир.

Мақсадли озиқ-овқат билан кўмак дастурлари. Мақсадли озиқ-овқат билан кўмак дастурлари аҳолининг маҳсус гуруҳлари учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Масалан, кўп мамлакатларда мактаб ўқувчилари учун текин ёки арzon озиқ-овқат таъминоти дастури мавжуд. Мазкур дастурлар болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини такомиллаштириш, уларнинг ўқиши қобилиятини кучайтириш ва келажакда мамлакатда меҳнат унумдорлигини юксалтиришга хизмат қиласи. Мақсадга

қаратилган дастурлар яна ҳомиладор аёллар, чақалоқ болали аёллар ва мактабгача бўлган ёшдаги болалар каби аҳоли қатламларига қаратилиши мумкин. Маҳсус озиқ-овқат кўмак дастурининг муваффақиятли мисоли қилиб АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментининг Озиқ-овқат қупонлари

дастурини олиш мумкин. АҚШда энг катта ижтимоий күмак дастурларидан бири бўлиб, кам таъминланган шахс ва оиласларда озиқ-овқат харид қилишда ёрдам беради.

Универсал озиқ-овқат билан кўмак дастурлари. Мақсадли озиқ-овқат кўмак дастурларидан фарқли ўлароқ универсал дастурлар бутун аҳоли учун муайян озиқ-овқат маҳсулоти ёки маҳсулотлар гурухини кафолатланган минимум истеъмол даражасини таъминлаш учун мамлакат миқёсида субсидия беришади. Истеъмолчилар учун субсидияларнинг тарихи узоқ бўлиб, қадими Римда ҳам ҳукумат нонга нисбатан субсидия киритган. Бугунги кунда кўп мамлакатлар нон каби озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан истеъмол субсидиялари бериб, бу сиёсий нуқтаи назардан оммабодир. Аҳолини арzon нон билан таъминлаш учун ҳукумат ғалла етиштириш ва қайта ишланишини субсидиялаштириши мумкин. Совет Иттифоқида чорвачилик маҳсулотлари истеъмоли учун субсидиялар озиқ-овқат истеъмолида бутун аҳолига кўмак мисолидир.

Истеъмолчилар учун субсидиялар озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини барқарорлаштириб, сиёсий норозилик олдини олишга имкон беради. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошиши Доминикана Республикаси (1994), Миср (1977), Индонезия (1998), Иордания (1989, 1996), Либерия (1979), Марокаш (1981, 1984), Перу (1978), Судан (1979, 1982), Тунис (1984), Яман (1998), Замбия (1986) ва Зимбабведа (1988, 2000) кенг миқёсда тартибсизликларга олиб келди. Истеъмолчилар учун субсидияларнинг сиёсий афзаликлариға қарамай, кўп мамлакатлар мазкур дастурлардан воз кечишиди, чунки иқтисодий чиқимларга қиёслаганда уларнинг самарадорлик даражаси паст эди.

Бошқа давлатларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари истеъмол субсидиялари миллий/универсал дастурларининг самарасизлигини тасдиқлади. Масалан, Филиппин оролларининг кам таъминланган аҳолисига бир песо ҳажмида озиқ-овқат ёрдамини бериш учун гуруч истеъмолига 4,3 дан 6,0 песогача сарфлаш талаб қилинади. Бутун мамлакат миқёсида субсидиялашнинг иқтисодий қиймати юқори бўлганлиги туфайли кўплаб мамлакатлар ундан воз кечиб, аҳолининг кам таъминланган қатламларига йўналтирилган мақсадли дастурларга эътибор қартишни афзал билмоқда.

10.3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳалқаро ташкилотлар

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) 1945 йилда овқатланиш сифатини яхшилаш, аграр секторда меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ холиси яшаш шароитларини яхшилаш ва жаҳон иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиш мақсадида таъсис этилган. ФАО ўз фаолиятини тўрт соҳада олиб боради. Биринчидан, ФАО ахборот тармоғи вазифасини бажаради. Ривожланиш соҳасида мақсадларни амалга оширишга хизмат қилувчи ахборотларни агроном, ўрмон ва балиқ ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассислари, социолог ва иқтисодчилар йигадилар, таҳлил қиладилар ва тарқатадилар.

Иккинчидан, ФАО ўзининг аъзолари билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёsat, қўллаб-куватлаш, очарчиликни камайтириш ва қишлоқ жойларида ривожланиш миллий стратегиясинияратиш ва қонунчиликни тайёрлаш, режалаштириш фикр алмашади.

Хозирги замоннинг мураккаб шароитида ФАО форумида давлат вакиллари тенгма-тенг учрашиб, қишлоқ хўжалиги сиёsatини мухокама қилиши ва музокаралар олиб бориши мумкин.

Нихоят, ахборот ресурслари турли маҳаллий лойиҳаларда ишлатилиши мумкин. Унинг бажарилишида банклар, ривожланган мамлакатлардан йўналтирилувчи молиявий маблағлар сафарбар этилади, ФАО ҳам техник ёрдам, ҳам чекланган молиялаштириш кўрсатади. ФАО ўзининг 184 аъзоси номидан иш кўради. У минглаб ҳамкорлар-фермер бирлашмаларидан тортиб индивидуал тадбиркоргача, ноҳукумат ташкилотларидан тортиб банкларгача ҳамкорлик қилади.

Фавқулодда ҳолатларда ФАОнинг роли озиқ-овқат ёрдами эмас, балки қишлоқ аҳолисига озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаришни тиклашга кўмаклашишдан иборат.

Озиқ-овқат таъминотининг маҳсус дастури ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва даромадларни оширишга кўмаклашади. Марказ 134

та мамлакатга 1300 та қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури яратишга ёрдам берди, ташки молиялаштириш манбаларидан 38 миллиард доллар жалб этилди.

Ҳар икки йилда бир марта конференция ўтказилиб, амалга ошириган ишлар муҳокама қилинади, ташкилот фаолиятининг асосий тамойиллари аниқланади, кейинги йилларда фаолият дастури, бюджети қабул қилинади. Бу конференцияда Бош директор олти йил муддатга сайланади. ФАО бюджети унинг аъзолари томонидан бадаллар кўринишада молиялаштирилади, унинг миқдори конференция томонидан ўрнатилади.

Хозирги вақтда ФАО ходимлари 1,5 минг кишини, ёрдамчи персонал 2,2 минг кишини ташкил қиласди. Унинг штаб-квартираси Римда жойлашган.

Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури БМТ тизимида 1963 йилда ташкил этилган жаҳонда йирик гуманитар ташкилот бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда очлик ва қашшоқликка қарши курашиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ҳар йили 4 минга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди.

Курғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича халқаро марказ (ICARDA) 1977 йилда ташкил топган бўлиб, бутун дунё бўйича жойлаштирилган 15 та Халқаро стратегик марказларнинг бири ҳисобланади ва халқаро қишлоқ хўжалик тадқиқотлари маслаҳат гурӯҳи томонидан қўллаб-қувватланади, ИКАРДА миллий, минтақавий ва халқаро ташкилотлар, ривожланаётган мамлакатларнинг университетлари, нодавлат ташкилотлари ва вазирликлари билан, шунингдек саноати ривожланган мамлакатларнинг илғор илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширади.

Унинг асосий мақсади қашшоқ фермерларни ресурслар билан таъминлаш, илмий тадқиқот натижалари асосида уларнинг муаммоларини ечишдир. Марказнинг таркибида 32 мамлакатдан 600 та мутахассис ишлайди. Унинг фаолияти натижасида кейинги 10 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жаҳонда 70 фоизга ошди. Марказнинг амалга ошираётган чора-тадбирлари:

- 1) ер-сув ресурслари, ҳайвонот дунёсини ўзгариб бораётган иқлим шароитларига мослаштириш;
- 2) сув ресурсларини тежаш ва самарали фойдаланиш;
- 3) харажатларни камайтириш ва қишлоқ хўжалиги барқарорлигини ошириш;
- 4) қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш;
- 5) чорвачилик учун ем-хашак етиштиришда яйловларни кўпайтириш;
- 6) қишлоқ ҳудудларида аёлларнинг ҳуқук ва имкониятларини ошириш.

Асосий таянч тушунчалар:

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашида халқаро тажрибалар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашида халқаро ташкилотлар, ФАО, БМТ нинг Озиқ-овқат хавфсизлиги дастури.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Глобал иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва жаҳон мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига тавсиф беринг.
2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда халқаро тажрибалардан қандай фойдаланиш мумкин?
3. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда халқаро ташкилотлар ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни кўяди?
4. Глобал иқтисодиётда ривожланган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда халқаро ташкилотларнинг ўрни ҳақида эссе ёзинг.

11-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛАР

11.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигида техник-технологик салоҳиятни оширишда инновацияларнинг ўрни ва аҳамияти

Агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги хом-ашёсидан аҳолининг озиқ-овқатлар ва халқ истеъмоли молларига бўлган талабини қондириш учун фаолият юритувчи, ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлар, ишлаб чиқаришлар ва фаолият турлари тизими сифатида, шартли тарзда уч соҳага ажратилади:

- 1) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши;
- 2) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва истеъмолчи томон ҳаракатланишини таъминловчи тармоқ ва корхоналар (озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати, ташиш, сақлаш ва сотиш корхоналари);
- 3) қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини яратувчи тармоқлар, унинг моддий-техник, илмий-техник ва ахборот-маслаҳат таъминоти.

Агросаноат мажмуи (ACM), мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқлари сингари, ўзининг самарали фаолияти ва кейинчалик ривожланиши учун инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда модернизацияни талаб қиласиди. Бу мамлакатга нафақат ўз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки қишлоқ хўжалиги хом-ашёсидан яратилган товарларнинг йирик экспорт қилувчисига айланиш имконини ҳам беради.

Халқаро стандартларга мувофиқ инновация-бу ижодий фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб, у амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган маҳсулот, технологик жараён кўринишида ўз ифодасини топган.

“Инновацион фаолият” тушунчасини изоҳлашга бўлган назария ва амалиётдаги айрим фарқларни таъкидлаб ўтиш лозим. Бунинг асосий сабаби шундаки, замонавий шароитларда инновацион фаолият инновацияларни бошқариш тизимининг асосий элементларидан бири хисобланади. Демак, унинг тузилмаси, функциялари, бошқариш услугуб ва воситаларига, ҳамда фаолият мақсадларига катта таъсир кўрсатади.

Аммо инновацион фаолият тўғрисида, инновация обьекти сифатида тўлароқ тасаввур шакллантириш учун, ушбу тушунчани бир неча жиҳатларини кўриб чиқиш лозим:

- биринчидан, бу обьектив иқтисодий қонунлар асосидаги фан ва техниканинг ўзаро боғлиқ ривожланиши жараёнидир. У хўжалик амалиётида янги илмий билимларни яратиш, тарқатиш ва амалий қўллаш йўли билан, жамият ижтимоий-иктисодий ривожланиши муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган, ишлаб чиқариш базаси янгиланишини назарда тутади;
- иккинчидан, бу ишлаб чиқариш инновацион салоҳиятини ташкил этувчи элементлар мажмуасидан фойдаланишдир. Бу ерда юқори малакали илмий ва ишлаб чиқариш кадрларини эксплуатация қилиш соҳасидаги жараён ва ҳодисалар, ҳамда ходимларнинг корхона инновацион фаолияти натижаларига бўлган қизиқишини рағбатлантирувчи ташкилий, ижтимоий, экологик, ҳуқуқий тадбирлар кўриб чиқиласиди.

Шундай қилиб, умумий кўринишида инновацион фаолият асосини фундаментал назарий тадқиқотлар ташкил этади. Бундай тадқиқотларнинг натижаси - олдин номаълум бўлган қонунлар, обьектив мавжуд ҳодиса ва жараёнларнинг илмий кашф этилишидир. Кейинчалик, янги билимларни амалиётда қўллаш имкониятлари ўрганилиши давомида, уларни моддийлаштириш усул ва шакллари ишлаб чиқиласиди. Тадқиқотлар турли хил йўналишларда олиб борилган ҳолда, улардан ҳам ижобий, ҳам

Инновация - бошқарув обьектини ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ва бошқа самара турларини олиши мақсадида янгиликни жорий қилиши натижасидир.

салбий натижалар олиниши мумкин. Бунда салбий натижалар ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқот предмети тўғрисидаги билимларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Янгиликни тарқатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг у янги сифат даражасига чиқади ва инновацияга айланади. Инновацияни бозорга киритиш жараёнини тижоратлаштириш деб аташ қабул қилинган. Янгилик пайдо бўлиши ва уни инновацияга айланиши ўртасидаги вақт оралиғи инновацион давр деб аталади.

Инновацион фаолият илмий, илмий-техник натижа ва интеллектуал салоҳиятни, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (хизмат, жараён, усул) олиш мақсадида қўллашга йўналтирилган бўлади. Бозор шароитларида инновацион фаолиятнинг асосий компонентлари бўлиб, инновацион фаолият соҳасини ташкил этувчи янгиликлар, инвестициялар ва инновациялар хизмат қиласди.

Иккисодиёт реал секторидаги кўпчилик корхоналар инновацион фаолиятини бошқариш, бевосита инновацион жараён орқали келажакдаги натижаларга эришишга қаратилган.

Инновацион жараён - жуда ҳам кенг тушунча бўлиб, уни турли нуқтаи назардан турлича талқин қилиш мумкин. Биринчидан, бу илмий-тадқиқот, инновацион, ишлаб чиқариш фаолияти ва маркетингни параллел - кетма-кет амалга оширилишидир. Иккинчидан, уни янгилик ҳаётий циклининг вақтингчалик босқичлари сифатида кўриш мумкин. Учинчидан, маҳсулот ёки хизматлар янги турини ишлаб чиқиш ва тарқатишни молиялаштириш ва инвестициялаш жараёнидир. Бунда у инновацион лойиҳа сифатида ўзини намоён этади.

Инновацион жараён деганда, биз, илмий билимни инновацияга айланиш жараёнини тушунамиз, яъни ҳодисаларнинг шундай кетма-кетлигиги унда инновация ғоядан тортиб пировард маҳсулотга айланади.

Инновацион жараён инновация жорий этилиши билан тугамайди, чунки тарқалиб бориши билан маҳсулот такомиллаштирилади ва унинг самараси оширилади.

Фундаментал тадқиқотлар - амалий тадқиқотлар - тажриба -конструкторлик ишлари - бирламчи ўзлаштириш - тарқатиш - янгиликдан фойдаланиш ва унинг эскириши - янгиликни такомиллаштириш ва янги фундаментал натижалар зарурияти.

Инновацион жараён қўйидаги тузилма билан таърифланиши мумкин:

Инновациялар инновацион жараённи амалга ошириш воситасида рўй беради. Қишлоқ хўжалигидаги инновацион жараён - бу янги ёки яхшиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотини ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини, янги ёки такомиллашган ишлаб чиқариш технологиясини яратиш мақсадида, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амала ошириш, инновацияларни яратиш ва уларни бевосита ишлаб чиқаришда ўзлаштириш бўйича ўзаро боғлиқ элементлар (босқичлар, погоналар, тадбирлар) бирор қонуниятга асосланган ва кетма-кет алмашинувчи тизимиdir.

Қишлоқ хўжалигидаги инновацион жараён - бу илмий ишланмаларга асосланган муайян селекцион, агрокимёвий, техник ва технологик ғояларни янги навларга, гибридларга, қорамол зотларига, кимёвий ёки биологик препаратларга, технологиялар ва унинг айрим таркибий қисмларига айлантириш ва уларни бевосита ишлаб чиқаришда қўллашнинг ягона ва узлуксиз оқимиidir.

Инновацион жараёнда инновацион фаолиятнинг камида иккита субъекти иштирок этиши мумкин - ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи. Бундан ташқари учта (ишлаб чиқарувчи, жорий қилиш соҳаси субъекти ва истеъмолчи) ва ундан кўп (инвесторлар, бошқарув органлари ва х.) ҳам бўлиши ҳам мумкин.

Инновацион фаолият субъектлари мавжуд бўлишидан ташқари, инновацион ишланмани ишлаб чиқариш, жорий қилиш ва кўпайтириш учун муайян шароитларни яратиш зарур - эҳтиёжлар, имкониятлар, рағбатлантиришлар ва инновацион тизим мавжудлиги.

Инновацион жараён учта асосий босқичдан ташкил топган бўлади: (11.1-жадвал).

- инновацияларни яратиш (фоя пайдо бўлиши, фундаментал ва амалий тадқиқотлар) ва илмий-техник ишланмаларни инновация даражасига кўтариш;
- инновациялар трансферти (ахборот бериш, ўқитиш, жорий қилиш жараёнида маслаҳат хизматини кўрсатиш);
- инновацияларни ишлаб чиқаришда ўзлаштириш.

11.1-жадвал

Инновацион жараён босқичлари

Босқичлар	Тадбирлар	Бажарувчилар
Инновациялар яратиш	Илмий ечим талаб қиласидан муаммоларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларга буюртмаларни шакллантириш	Инновацион бўлинмалар
	Илмий-ташкилий ғояларни расмийлаштириш. Тадқиқотлар ўтказиш ва инновациялар яратиш.	Инновацион бўлинмалар, илмий марказлар, қишлоқ хўжалик корхоналари.
Инновацияларни тарқатиш	Тугалланган илмий ишланмалар ахборот ресурсларини шакллантириш. Потенциал истеъмолчиларга ахборот етказиш ва ўқитиш(ўргатиш).	Инновацион бўлинмалар, АСМ бошқарув органлари ва таълим муассасалари
Инновацияларни ўзлаштириш	Инновацияни ўзлаштиришга тайёрлаш, инновацион лойиҳани расмийлаштириш. Ўзлаштириш.	Инновацион бўлинмалар, товар ишлаб чиқарувчилар.

Инновацион жараённи ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигининг янгиликларга бўлган мойиллигини ошириш муаммолари ахборот-маслаҳат хизмати фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ. АСМ бозори шаклланиб борган сайин ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат кучайиб боради, натижада ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш йўлларини астойдил излашни бошлайди, шу жумладан инновацион ишланмаларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам.

Ҳар бир янгилик ғояси яратилишидан уни амалга оширилишигача бўлган вақт даври инновацион цикл деб аталади. Инновациялар ўз ҳаётий циклига эга бўлиб, у ўн йилликлардан юз йилликларга қадар давом этиши мумкин. Инновация ҳаётий цикли шаклланиш, тан олиш, ўзлаштириш, фойдаланиш ва янги инновацияга алмаштириш босқичларидан иборат бўлади. Бундай ҳаётий циклнинг ҳар бир босқичи турлича давомийликка эга. Инновация оммавий фойдаланиш босқичига етиб келгандан сўнг ёки унинг ўрнига янги маҳсулот келганда, инновацион характер йўқолади ва ҳаётий цикл тутатилади.

Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг жаҳон тажрибаси кўрсатишича, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири бўлиб юқори даражада техник жиҳозланганлик, илгор технологияларни қўллаш хизмат қиласиди, яъни инновацион фаолият - ривожланган мамлакатлар иқтисодий стратегияси асосидир.

Масалан, инновацион фаолият ҳисобига Европа ҳамжамияти мамлакатларида ЯИМ ўсишининг 90 фоизгача тўғри келади. Иқтисодий ўсишининг 70 фоизи меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига таъминланади, унинг 30 фоизини эса инновацион технологиялар ташкил этади.

Илмий-техник ютукларга эга бўлиш имконияти, жараён (биологик, физик, кимёвий, техник, технологик, ижтимоий, ахборот ва ҳ.) тавсифи тўғрисидаги ахборот билан таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг инновацион йўли учта ўзаро боғлиқ йўналишга эга:

- инсон омилига инновациялар, таълим соҳаси ҳамда, янгиликларни ишлаб чиқувчи фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотлар ташкилотларининг устувор ривожланишида, инновациялар бўйича маълумотлар банкининг, ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатадиган, ахборот-маслаҳат хизмати яратилишидагина мумкин;
- биологик омилга инновациялар, тупроқ унумдорлиги ошишини, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва қорамол маҳсулдорлиги ўсишини таъминловчи янгиликларни ишлаб чиқиши ва ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади. Айнан биологик омилга инновацияларнинг алоҳида роли, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда, қишлоқ хўжалиги ривожланиши инновацион йўлининг ўзига хослигини акс эттиради;
- технологик характерга эга инновациялар, энергия ва ресурс тежовчи техника, илмий сифимга эга технологияларни қўллаш асосида тармоқ техник-технологик салоҳияти такомиллашувини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига илмий ютуқлар, инновацион технологиялар ва хўжалик юритиш услублари, илғор ишлаб чиқариш тажрибаси тўғрисида ахборот беришни ривожлантириш ва такомиллаштириш - инновацияларни тезлаштиришнинг амал қиласидаган механизми бўлиб ҳисобланади.

Ахборот турли услуг ва усуслар ёрдамида манбадан (ишлаб чиқувчидан) истеъмолчигача узатилади. Бундай ҳаракат жараёнида инновацион маҳсулот қайта ишланади ва узатиш, талқин қилиш учун қулай бўлган шаклни олади. Кўпчилик ҳолларда, турли ташқи ва ички шароитлардан келиб чиқкан ҳолда, инновацион маҳсулотга қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши мумкин. Ўзгаришлар чекланган техник имкониятлар оқибатида, субъект малакасининг етарлича бўлмаганлиги ва ахборотни етказиш усули қониқтирмаслиги туфайли юзага келиши мумкин. Манбадан истеъмолчигача ахборот узатишнинг энг оптимал варианти - бу йўқотишларни қисқартиришdir (ўтиш бўғинлари сонини камайтириш, техник носозликларни бартараф этиш, инновацион фаолият барча субъектларининг даржасини ошириш).

Технология-юононча *techno* (маҳорат. санъат) ва *logos* (таълимот) сўзларидан келиб чиқкан бўлиб, умумий ҳолда маҳсулотнинг белгилаб қўйилган сифат кўрсаткичларини таъминлашда қўлланиладиган биологик, кимёвий, физик ва агрозоотехник жараёнлар ва қоидалар мажмуудан иборат. Соддароқ қилиб айтганда, технология бу белгилаб қўйилган сифат кўрсаткичларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда қўлланиладиган технологик жараёнлар мажмуудан иборатdir.

Инновацион технологиялар, замонавий юқори самарадорликка эга машиналар, ускуналар, тизим ва мажмууларни ўзлаштириш жараёнини фаоллаштириш - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг йўналишларидан бири ҳисобланади.

Инновацион фаоллик - корхона ёки ҳудудларнинг ривожланишни инновацион моделига ўтишга тайёргарлиги даражаси, интилиши ва ўтиш суръатларидир.

Инновацион фаоллик категорияси, бутун инновацион жараён давомида иқтисодий субъектлар томонидан инновацион фаолиятни амалга ошириш интенсивлигини акс эттиради.

Мазкур даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, ривожланишнинг инновацион моделига ўтиш бозор рақобати шароитларида амалга оширилмоқда, шундай экан, илмий-техник маҳсулот бозор товари ҳисобланади. Аграб секторда инновацион фаоллик ўсиши кузатилмоқда, бундай ҳолатни қатор омиллар мисолида тасдиқлаш мумкин. Уларнинг бири бу сўнгги йилларда ялпи ҳосилнинг ўсишидир. Бундай ҳолат, хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизмини, ҳамда хўжалик юритишнинг замонавий ташкилий услубларини, янги технологияларни жорий қиласидаган, юқори унумдорликга эга ва тежамкор машиналарни ва самарали механизация воситаларини қўллашни назарда тутадиган инвестициявий, агросаноат ва бошқа бўлинмаларни киритиш билан боғлиқдир.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитларида фақатгина инновацион ривожланиш, энг самарали илмий ютукларни қўллаш мамлакатимиз аграр сектори барқарорлигини ва жаҳон қишлоқ хўжалиги бозорига интеграциясини, мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлиги сақланиши ва аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлаши мумкин. [76]

11.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши техник-технологик элементларига инновациялар трансфертини амалга ошириш хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мураккаблилиги ва кўп қирралилиги қишлоқ хўжалигининг табиий ва иқтисодий хусусиятлари билан, ишлаб чиқарилаётган товар (озиқ-овқат) ўзига хос характеристи билан, айрим соҳалар ривожланиши самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар кўплиги билан белгиланади. Уларнинг асосийлари қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- биологик омиллар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши табиий, биологик ресурслар, тирик организмлар хилма-хиллиги, ўзига хос хусусиятлари ва чексизлигидан фойдаланишга асосланган;
- физик ва кимёвий омиллар ҳам, биологик омиллар сингари, асосий ролни ўйнайди. Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти ва ривожланиши учун муайян физик шароитлар зарур (харорат режими, намлик, тупроқ зичлиги ва тузилмаси, об-ҳаво мухити);
- техник ва технологик. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг харажатли қисми бўлиб технологик ва техник омиллар ҳисобланади. Бу эса маҳсулдорлик ва таннарх даражасини, ҳамда рентабеллик ва рақобатдошликтни белгилайди.

Илмий ишланмалар ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари самарадорлигига назарий асос берадиган бўлса, илғор хўжаликлар тажрибаси уларни амалий тасдиқлайди. Янги ресурс тежовчи технологиялар ўсимликлар биологияси ва ҳайвонлар физиологияси имкониятларини янада тўлиқроқ фойдаланишга, табиий ресурсларни оқилона сарфлашга, маблағ ва меҳнатни тежашга, янги ресурс тежовчи техника ва ускуналарни қўллашга асосланади.

Энергия ташувчилар, ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари нархи ва бошқа харажатларнинг юқорилиги шароитида, маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулоти рақобатдошлигига эришиш учун ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш лозим. Бунда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган бўлиб, унда қуидагилар қўлланилади:


- маҳаллий илмий-техник ишланмалардан максимал фойдаланиш стратегиялари;
- ўзлаштириш стратегиялари – чет эл янгиликлари ва илмий ишланмалари асосида, маҳаллий илмий муассасалар ва инновацион ташкилотлар салоҳиятини қўллаган ҳолда инновацион маҳсулот яратиш ва тезлаштириган ҳолда ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- ҳориж мамлакатлар инновацион маҳсулотларини жорий қилиш стратегиялари.

Стратегик ривожланишнинг кўрсатиб ўтилган йўналишлари, юқори даражада, техник воситаларини қўллашга асосланади. Ишлаб чиқаришга янги машина ва механизмларни киритиш, технологик услубларни ўрганиш билан бир вақтда амалга оширилиши лозим. Янги машина ва ускуналар технологик операциялар бажарилишининг сифати ва ўз вақтида бўлишини таъминлаши керак. Шу билан бирга, уларни амалга оширишга сарфланган харажатлар олдинги харажатлардан юқори бўлмаслиги ёки маҳсулот ҳажмлари ва сифати ошиши билан қопланиши лозим.

Фойдаланиш қулай бўлиши учун, қишлоқ хўжалигидаги техник-технологик инновацияларни туркумлаштириш мақсадга мувофиқдир:


- тармоқда қўллаш йўналиши (тармоқ белгилари) бўйича. Бирмунча шартли мезон, чунки катор техник инновациялар (тракторлар, транспорт ва бошқа воситалар) қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилади;

- техник белгилар бўйича. Инновацион маҳсулотлар тури ва фойдаланиш мақсади белгиланади (двигателлар, ўзи юрар ва бошқа машиналар, асбоб ва ускуналар);
- қўллаш соҳаси бўйича. Уларни қўллашнинг ишлаб чиқариш йўналиши белгиланади;
- янгилик даражаси бўйича. Инновацион маҳсулотларни, уларнинг қўллаш обьектга нисбатан таъсири даражаси бўйича тақсимланишини назарда тутади;
- технологик белгилар бўйича. Инновациянинг технологик жараён ёки муайян ишлаб чиқариш босқичидаги ўрнини белгилайди (11.1-расм).



11.1-расм. Қишлоқ хўжалигидаги техник-технологик инновациялар туркумланиши

Техник-технологик инновациялар трансферти жараёни бошқа инновацион йўналишлар билан умумий шаклларга эга ва ахборот ресурсларини шакллантириш, уларни тарқатиш ва ўзлаштиришни ўз ичига олади. Аммо, ушбу жараёнларга (айниқса техник инновацияларга) тегишли бўлган, қатор ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд (11.2-расм).



11.2-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инновацион-техник таъминоти тузилмаси

Хозирги кунда, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигидаги илмий-тадқиқот изланишлари соҳасида ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатмоқда, улардан энг йириклари бу Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти, пахтачилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон полиз-сабзавот экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги механизацияси ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, М.Мирзаев номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти ва б.

Ахборот ресурсларини шакллантириш борасида инновацияларни батафсил танлаш зарурияти ётади. Бунга бир неча ҳолат сабаб бўлиши мумкин, шу жумладан:

1. Янги машиналар талабларга жавоб бериши ва технологиялар учун машиналар тизимиға кириши лозим. Масалан, картошка ишлаб чиқариш технологик схемасига янада юқори унумдорликга эга бўлган тракторларни жорий қилишда, уларни нисбатан қуввати кичик бўлган тракторлар учун мўлжалланган қишлоқ хўжалик машиналари билан агрегатлаштириш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бундай ҳолатда бутун технологик мажмуани алмаштириш лозим ва ахборот ресурсларини шакллантиришда фойдаланиш имкониятлари бўйича мажмуавий ахборот бериш зарур бўлади;
2. Техника юқори ҳавф воситаси ҳисобланар экан, ахборот ресурслари маълумотлар базаси шаклланишида, фақатгина тегишли ҳавфсизлик сертификатларига эга бўлган машина ва механизмлар, ҳамда бошқа инновацион таклифлар киритилиши лозим;
3. Ахборот материаллари - янги техник таклифларнинг барча техник параметрлари билан танишиш учун тўлиқ ахборотга эга бўлиши лозим. Масалан, янги трактор бўйича, фақатгина унинг қуввати ва техник тавсифларини бериш етарли эмас. Фойдаланувчида, албатта технологик имкониятлар (агрегатлаштириш варианtlари, асосий фойдаланиш турлари бўйича унумдорлик ва х.) ва эксплуатациянинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам қизиқиш уйғотади;
4. Машиналар муайян тупроқ-иклим шароитларида эксплуатация қилиш учун ишлаб чиқарилади. Шунинг учун, ахборот ресурсларини шакллантиришда техник инновацияларнинг худудий фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш лозим.

Техник-технологик характердаги инновацияларни тарқатиш ва ўзлаштиришнинг ўзига хослиги қўйидагилар туфайли юзага келиши мумкин:

- таклиф қилинаётган маҳсулот юқори капитал сифими ва қийматга эга эканлиги, ҳамда янги навлар ёки кимёвий ҳимоя воситаларидан фарқли равишда, инновацион маҳсулотни кичик ҳажмлар билан жорий қилиш имконияти йўқлиги;
- сўнгги пайтда, техник инновацияларни илгари суришда, машиналар ишини намоён этадиган кўргазмалар ўзини яхши кўрсатди. Бир вақтнинг ўзида, ҳисобга олиш зарурки, бундай кўргазмавий намоёнларни ташкил этиш учун катта ресурслар талаб қилинади. Одатда йирик ўлчамларга эга бўлган техникани ташиш, сақлаш ва жойига қайтариш молиявий харажатлар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, бундай тадбирларни ташкил этувчи шахслар потенциал харидорлар иштирокини кафолатлаши ва кўргазма-намоён хизматларининг тўлиқ сервисини таъминлаши зарур;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига янги, автоматика тўплами ва компьютер технологиялари элементларига эга, тракторлар ва комбайнларни, чорвачиликдаги технологик мажмуаларни жорий қилиш, уларда фаолият кўрсатадиган мутахассилар тайёрлашни талаб қиласди ва буларнинг барчаси инновациялар ўзлаштиришнинг ягона жараёни доирасида рўй бериши керак.

Кишлоқ хўжаликка ва ишлаб чиқариш жараёнига янги юқори унумдорликка эга тракторларни, замонавий тупроққа ишлов берувчи ва экиш агрегатларини, комбайнларни илгари суриш, чорвачилик объектларига хизмат кўрсатиш, бошқа технологик операцияларни бажаришда машина-трактор парклари (МТП) катта истиқбол билан қаралади.

Технологик операциялар бўйича хизмат кўрсатишдан ташқари, машина-трактор парклари функцияларига техник инновациялар тарғиботи ва уларни тарқатиш киради.

Шундай қилиб, техник-технологик инновациялар трансферти жараёни бошқа инновацион ўйналишлар билан умумий шаклларга эга ва ахборот ресурсларини шакллантириш, уларни тарқатиш ва ўзлаштиришни ўз ичига олади [76].

11.3. Ахборот-маслаҳат тизимининг, инновацияларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига трансферт қилиш механизми сифатидаги ўрни

Инновациялар пировард истеъмолчигача иложи борича тезроқ етиб бориши учун, жаҳон амалиёти томонидан турли механизмлар ишлаб чиқилган. Уларнинг асосийси - инновациялар трансферти - яъни илмий-техник билимлар ва тажрибаларни узатиш ҳисобланади. Иккинчи механизм - инновациялар ишлаб чиқарувчиларининг уларни пировард истеъмолчигача етказиш бўйича мустақил ҳатти-харакатлари билан боғлиқ. Ушбу муносабат билан инновациялар трансферти ҳам илм-фан, ҳам амалиёт учун янада катта долзарбликка эга бўлади. Инновациялар трансферти - янги қимматликларни ташувчи сифатида, инновациялардан фойдаланиш ҳуқуқини инновацион субъектнинг бошқа субъектларига беришдир. Инновацияларнинг тижорат трансферти янгиликни сотишдан даромад олиш мақсадида амалга оширилади. Инновацияларнинг нотижорат трансферти эса, асосан, фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги янги билимлар билан боғлиқ.

Инновациялар нотижорат трансфертига мисол тариқасида анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар, кўргазмалар, маҳсус адабиётларнинг ахборот массивлари, магнит ташувчилардаги ахборот, олим ва мутахассислар миграциясини келтириш мумкин.


Трансферт - инновациялар олдинга ҳаракатланишининг асосий шакли сифатида хизмат қиласи ва лицензиялаштириш, патентлар, техник ҳужжатлар, ноу-хау, ускуналар лизинги ёки харид қилинишига оид технологик маълумотлар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалардаги ахборот айрбошлиш, инжиниринг ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Инновациялар трансферти – мажмуавий тушунча бўлиб, у зарур инновацион маҳсулотни товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ўзлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг реал секторига бевосита узатишгacha бўлган излаш жараёнини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инновациялар трансфертининг иқтисодий моҳияти - илмий-техник маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши инновацион таъминоти соҳасида трансферт ҳаракатларини амалга оширувчи тузилмалар ва инновациялар истеъмолчилари бўлмиш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида юзага келадиган ташкилий-иктисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

Технологиялар трансфертини технологияларни жорий қилиш билан алмаштириб юбормаслик лозим, технологияларни жорий қилиш - бу трансферт босқичларидан биридир. Биринчи навбатда фундаментал тадқиқотлар, кейинчалик тажриба-конструкторлик ишлари бажарилади ва ундан кейингина технологиялар жорий қилинади. Уларнинг натижаси сифатида, бирор ғоялар, илгари суриладиган ва асосланадиган ҳисбот хизмат қиласи. Бундан сўнг навбат амалий илмий-тадқиқот ишига (ИТИ) қелади ва унинг натижасида биз нафақат ҳисбот, балки ускуна, асбоб, технологиянинг тажрибавий намунасига эга бўламиз. Амалий ИТИдан кейин тажрибавий-конструкторлик ёки тажрибавий технологик иш бошланади, унинг натижаси сифатида экспериментал намуна ва конструкторлик ҳужжатлари комплекти хизмат қилиб, бу ҳужжатлар асосида муайян бирор нарса яратиш мумкин бўлади. Ундан кейингина жорий қилиш босқичига ўтилади.

Инновацион ишланмаларни ўзлаштиришнинг энг мувоффақиятли модели сифатида, жорий қилиш тузилмалари иштирокидаги вариант ҳисобланади, чунки улар турли манбалардан олинган ахборотдан фойдаланади ва энг самарали инновацион маҳсулотларни тақдим этади (11.3 расм).

Бундай тузилмалардаги мутахассислар, нафақат муайян тармоқдаги билимларга, балки инновацияларни жорий қилиш услубларига ҳам эга бўлиб, уларнинг энг қулай шаклларини қўллашади. Натижада: биринчидан, илмий ишчиларни доимий тарзда бевосита илмий фаoliyatdan чалғитиши зарурияти бўлмайди, иккинчидан, инновацияларни жорий қилиш жараёни билан параллел тарзда, янги инновацион маҳсулотларга буюртмаларни шакллантириш жараёни ҳам рўй беради.



11.3-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида инновациялар трансферти схемалари

Агросаноат мажмуининг хўжалик фаолияти юритувчи субъектларига мажмуавий инновацион хизмат кўрсатиш, ҳамда инновацияларни ўзлаштириш бўйича ёрдам бериш вазифасини - ҳозирги кунда интенсив ривожланаётган қишлоқ хўжалиги учун маслаҳат бериш тизимиға юклаш мумкин. Ушбу хизмат томонидан ахборот ресурсларини шакллантириш, илмий-техник ютуқларни тарқатиш ва ўзлаштириш механизми ишлаб чиқилган. Шундай қилиб, инновацияларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига трансфертининг моҳияти бўлиб ташкилий-иқтисодий муносабатлар жамламаси хизмат қиласи. Бундай муносабатлар, инновация ишлаб чиқарувчилари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг инновацион таъминоти соҳасида трансферт ҳатти-ҳаракатларини амалга оширувчи тузилмалар ва инновация истеъмолчилари бўлмиш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида пайдо бўлади.

Иқтисодий-технологик, ташкилий-хукукий, бошқарув ва ижтимоий-рухий характердаги омиллар қишлоқ хўжалигига инновацион фаолият фаоллиги ва самарадорлигини оширишнинг зарурий шартлари бўлиб ҳисобланади. Уларни ҳаракатга келтириш учун эса, қишлоқ хўжалигига илмий ютуқлар трансфертининг самарали ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш лозим.

Инновацияларга бўлган талабни ўрганиш АСМ инновацион бозорини шакллантиришдаги ожиз бўғин ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар, маркетинг илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар шакллантиришнинг ажralmas қисмига айлангани йўқ. Лойиҳаларни танлашда чуқур иқтисодий экспертиза амалга оширилмайди, жорий қилишнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва таваккалчиликлари баҳоланмайди, олинган натижаларни ишлаб чиқаришда илгари суриш схемалари ишлаб чиқилмайди. Бунинг оқибатида, кўпчилик илмий-техник ишланмалар, ишлаб чиқаришда оммавий фойдаланиш учун тайёр бўлган инновацион маҳсулотга айланмайди.

Бундай шароитларда, агросаноат мажмуида инновацион жараёнларни кенг миқёсли авж олиши етарлича муаммоли эканлигини таъкидлашга тўғри келади. АСМ инновацион-технологик ривожланиш йўлига ўтиши, фақатгина иқтисодиётнинг ўтиш давридаги имкониятлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Ушбу даврдаги давлат инновацион сиёсатининг асосий мазмуни эса, бир томондан, йиғилган илмий-техник салоҳиятни максимал даражада сақлаш, иккинчи томондан эса - инновацион жараёнларни ишга туширадиган, зарурий инфратузилма ва механизmlарни ривожлантиришдан иборат бўлиши керак.

Истеъмолчига инновацион ишланмалардан фойдаланиш, ишлаб чиқувчига эса уларни яратишга далда берадиган, бозор шароитидаги инновацион фаолиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ушбу муаммо ечими бўла олади.

Бу, биринчи навбатда, инновацион фаолият меъёрий-хукукий таъминотини, рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, тегишли инфратузилмани ривожлантириш, интеллектуал мулкни ҳимоялаш ва уни хўжалик айланмасига киритиш, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш, инновацион тадбиркорлик тизимини яратиш, инновацион ишланмаларни ўзлаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш ва бошқаларга тегишли бўлиши керак.

Шу билан бирга, АСМда мавжуд бозор муносабатлари шароитида инновацион жараёнларни авж олдириш заруряти муаммосининг қўйилиши, собиқ маъмурий услубларга асосланган бошқарув тамойилларига қарама-қарши ва инновацион жараёнларни бошқаришнинг умуман янгидан ташкил этишни талаб қиласди. Янгиликларни киритишдаги товар ишлаб чиқарувчилар рағбатланиши эса асосий тамойилга айланиси лозим.

Тугалланган инновацион ишланмаларни ЎзҚХИИЧМнинг тегишли тузилмавий бўлимларига бериш механизмини такомиллаштириш зарур бўлиб, бундай ишланмаларни ўзлаштиришни ташкил этиш унинг асосий вазифаларидан бири эканлигини назарда тутилади.

Билимларга асосланган, мавжуд илмий салоҳиятни қўллаган ҳолда самарали инновацион тизимни яратиш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг биринчи даражали вазифаларидан бири хисобланади. Инновацияларни жорий қилиш ишларини давлат молиялаштиришидан ташқари йирик ва кичик бизнес инновацияларни қидириш ва қўллаб-қувватлашдан манфаатдор шароитни яратиши керак бўлади. Шундагина илм ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида Президенти ва мамлакат Хукуматининг инновацион фаолият субъектлари ўртасида ахборот алмашинуви жараёнларини такомиллаштириш ва яхшилашга қаратилган қатор дастурий ечимлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти 15.07.2008 йилдаги қарорлари муҳим бўлиб, унга мувофиқ ҳар йили Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўтказилади. 2009 йил 22 майда кучга кирган “Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар Жамғармаси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, корхоналар ўзида инновацион ривожланишга ёрдам берадиган жамғармаларни ташкил этиш имкониятига эга бўлди. Бунинг оқибатида, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар нафақат ўз кучлари билан технологик жараёнларни модернизациялаштириши, балки бу ишга Фанлар Академияси, вазирлик ва муассасалар мутахассисларини жалб қилиши ҳам мумкин.

Сўнгги йиллар мобайнода инновациялар ярмаркаси интеллектуал мулкнинг реал бозорига айланди, у ерда нафақат инновацияларни амалга ошириш шартномалари тузилади, балки ахборотнинг интенсив алмашинуви ҳам рўй беради, чунки инновациялар ярмаркасида бир томондан янги маҳаллий ишланмалар тақдим этилади, иккинчи томондан эса корхоналар технологиялар ва янгиликларга бўлган эҳтиёжини тақдимот сифатида намоён қилишади. Шундай қилиб, инновациялар ярмаркасининг асосий мақсади бўлмиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа кейинчалик ривожланишининг долзарб масалаларини ечиш учун мамлакат илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва юқори технологик ишлаб чиқариш ўсиши учун шароитлар яратишга эришилади.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тармоқлари, корпорация ва фирмалар ўзларига керак бўлган амалий илмий тадқиқотларни давлат билан бир қаторда молиялаштириши, бунда амалий ишларни молиялаштиришнинг 30%дан кўпроғи, илмий-техник инновацион ишланмаларнинг эса камида 50%и молиялаштирилган бўлиши лозим. Ўйлаймизки, амалий давлат илмий-техник дастурлари даражасида, манфаатдор ишлаб чиқаришларнинг етарлича молиявий иштироки таъминланган бўлиб, ушбу ишлар уларнинг буюртмаларига асосан амалга оширилиши керак. Бу борада муайян ишлар амалга оширилган.

Шундай экан, 2008-2014 йилларда ўтказилган еттига инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаларида илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари ишлаб чиқариш корхоналари билан турли маҳаллий инновацион маҳсулотларни жорий қилиш тўғрисида юзлаб шартнома ва истак келишувларини имзолашди. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг республика олимлари илмий ишланмаларига бўлган қизиқиши тўғрисида далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, республика университетлари ва институтларининг Ўзбекистон

Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, ҳамда бошқа йирик концерн ва корхоналар билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалари илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мувоффақиятли интеграциясига мисол бўла олади.

Тармоқдаги институционал ўзгаришлар инновацион жараённи фаоллаштиришда муҳим роль ўйнаши лозим. Илм-фан ва ишлаб чиқаришни янада чуқурроқ ва ҳар томонлама интеграциясининг янги йўлларини излаш, ички ва ташки алоқаларни, бозор муносабатларини такомиллаштириш, инновацион жараённинг барча цикларини бирлаштирадиган ташкилий тузилмаларни ривожлантириш зарур. Ушбу муносабат туфайли маҳсус илмий марказларини ташкил этиш, илмий-ўқув марказлари ва агротехнопаркларни ташкил этиш алоҳида эътиборга сазовордир.

Инновациялар трансфертининг ташкилий-иқтисодий механизми - инновацион маҳсулотни ташувчидан (ишлаб чиқувчи, мулкдор) истеъмолчигача бўлган ҳаракатини таъминлаш бўйича инновацион фаолият услублари ва шакллари йигиндисини акс эттирадиган иқтисодий категориядир.

Инновациялар трансфертининг ташкилий-иқтисодий механизми иқтисодий тизим сифатида иккита қути тизимни ўз ичига олади: ташкилий ва иқтисодий. Ташкилий тизимга тугалланган илмий ишланмалар ва бошқа инновацион маҳсулотни танлаш механизмини, инновацион-трансферт фаолиятини бошқариш ва такомиллаштиришни киритиш мумкин.[76]

Бундан ташқари, ушбу тизимга Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази инновацион ресурсларининг маълумотлар базасини шакллантириш киритилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан якунига етказилган инновацион ишланмалар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш функциясини ахборот-маслаҳат марказлари зиммасига юклатилади.

Иқтисодий тизим асосий элементлари каторига қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқаришни инновацион янгилаш, режалаштириш ва прогнозлаш, инвестиция киритиш, солиққа тортиш, инвестициявий фаолиятни суғурталаш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга киритиш, маҳаллий инновацияларни патент ҳимояси, экспорт инновацион етказиб беришлар ва ҳоказоларга бўлган талабини аниқлаш бўйича ҳатти-ҳаракатлар киради.

Давлат инновацион сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий услубларига инновацион дастурларни амалга ошириш учун қулай иқтисодий шароитларни яратишни киритиш мумкин: давлат аҳамиятига эга бўлган, энг муҳим лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, илмий-тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа республика қишлоқ хўжалигига тегишли илмий ва илмий-ёрдамчи ташкилотлар аграр соҳада илмий-амалий сиёсатни амалга оширувчи марказ хисобланади. Илмий марказ таркибига илмий-тадқиқот институтлари, илмий-тадқиқот марказлари, илмий станциялар, институтлар филиаллари, тажриба хўжаликлари ва далалари, таянч пунктлар, марказий аппарат ва унинг худудий бўлимлари ва бошқалар киради.

Марказ барча илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари томонидан амалга ошириладиган агросаноат мажмуаси соҳасидаги илмий изланишларни мувофиқлаштирувчи орган сифатида хизмат кўрсатади. Марказ ўз ишини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш бўйича қўмита ва бошқа вазирлик ва муассасалар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлари билан хамкорликда олиб боради. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳалар танлови Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (ЎзҲХИИЧМ) томонидан амалга оширилади, инновацион ишланмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

кошидаги Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш бўйича қўмита (ФТРМК) томонидан танлов асосида молиялаштирилади.

ЎзҚХИИЧМ таркибидаги тузилмаларнинг инновацион фаолияти селекция ва уруғчилик соҳасидаги тадқиқотлар, чорвачилик илмий муаммолари ва ветеринария назарий асосларини ишлаб чиқиш, ўсимликларни биологик ва интеграциялашган ҳимоялаш услублари соҳасидаги тадқиқотлар; аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, етакчи агротехнологиялар, машина ва механизмларнинг янги авлодларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муаммоларини ишлаб чиқиш ва хоказоларга асосланади.

Илмий тадқиқотлар натижалари Илмий-тадқиқот институтларининг тажриба хўжаликлари ва далаларида синовдан ўтказилади. Илмий муассасалар тажриба хўжаликлари республика уруғчилик хўжаликларини дон экинлари, пахта, шоли, сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг элита ва суперэлита уруғлари билан таъминлайди, хўжаликлар ва фермерларни зотли қорамол билан таъминлаш бўйича иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан эълон қилинган 2012-2016 йиллар учун фундаментал, 2012-2014 йиллар учун амалий, 2012-2013 йиллар учун ёш олимларнинг фундаментал ва амалий ҳамда 2012-2013 йилларга мўлжалланган инновация лойиҳалари танловида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи олий таълим ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (Илмий Марказ) илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этишган. Танлов якунларига кўра 8 та Давлат илмий-техник дастурлари асосида жами 272 та лойиҳа, шу жумладан, 31 та фундаментал, 207 та амалий, 10 та ёш олимларнинг фундаментал ва амалий, 24 та инновацион грант лойиҳалари ҳамда 8 та ноёб обьектлар ғолиб, деб топилган ва молиялаштиришга тавсия этилган (11.2-жадвал).

11.2-жадвал

Фундаментал ва амалий тадқиқотларга йўналтирилган молиявий маблағлар

Қишлоқ хўжалиги йўналишлари	Амалий лойиҳалар				Фундаментал лойиҳалар		
	2003-2005 йй.	2006-2008 йй.	2009-2011 йй.	2012-2014 йй.	2003-2007 йй.	2007-2011 йй.	2012-2014 йй.
	%	%	%	%	%	%	%
Пахта селекцияси ва уруғчилиги, ҳамда унинг агротехникаси	21,2	21,6	30,9	31	33,8	21,2	25
Дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги, ҳамда уларнинг агротехникаси	13	12,7	14,2	15	-	8,0	10
Тупроқ ва сув муаммолари	0,4	1,5	0,7	2,5	-	-	5
Генофонд	4,8	5,6	2,5	2,5	-	10,0	12
Сабзавот-полиз экинлари селекцияси ва уруғчилиги, ҳамда уларнинг агротехникаси	6,2	7,2	6,9	6,5	-	-	-
Мевачилик	4,8	8,4	6,9	7	-	-	-
Механизация	9	7,9	4,6	4,5	-	10,8	11
Чорвачилик, ветеринария	20,5	18,6	18,7	19	-	9,8	13
Ипакчилик	5,6	3,5	3,1	3	-	-	-
Ўрмон хўжалиги	2,9	3,3	2,4	2	-	-	-
Иқтисодиёт	4,9	4,2	3,0	2,8	66,2	19,6	13
Ўсимликлар ҳимояси	6,7	5,5	6,1	4,2	-	20,6	11
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Тадқиқотлар қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ғаллачилик, мева-узумчилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик, ветеринария ва бошқа соҳаларини янада ривожлантиришга, ер, сув, минерал ўғит ва бошқа моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш каби муҳим масалаларни ечишга қаратилган.

Илмий тадқиқоқотлар асосида олинган натижалар қишлоқ хўжалигини техник-технологик салоҳиятини оширишга ва ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Агросаноат мажмуудаги инновацион ўзгаришлар қишлоқ хўжалигининг мавжуд илмий-техник таъминоти тизими ўзгаришига олиб келди. Ўзбекистон иқтисодиёти аграр секторининг инновацион йўл бўйича кейинчалик ривожланиши учун инновацион фаолият натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий килиш ташкилий-иқтисодий механизми ва инфратузилмаси такомиллашувини таъминлайди.

Инновацион маҳсулот ишлаб чиқиш, янги машина ва ускуналар чиқариш, бошқа инновацияларни ишлаб чиқариш билан турли ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклларига, ўлчам ва йўналишга мансуб ташкилотлар шугулланади, ва бу албатта ижобий омил ҳисобланади.

Республикадаги инновацион фаолият, давлат томонидан қонунчилик ва эгилувчан соликқа тортиш, давлат ва муассаса жамғармалари, давлат томонидан молиялаштириладиган йирик дастурлар орқали тартибга солинади. Устувор давлат дастурлари бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш масъулияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш бўйича Кўмита зиммасига юклатилган.

Илмий сифимга эга бўлган маҳаллий инновацион технологияларни илгари суриш билан Иқтисодиёт Вазирлиги қошида яратилган Технологиялар трансферти агентлиги шугулланади, маҳаллий инновацияларнинг патент ҳимоясини эса Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги амалга оширади. Экспорт инновацион етказиб беришлар ва инвестицияларни жалб қилишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, Инвестиция ва савдо вазирлиги кўмаги билан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига техник-технологик инновациялар трансфертини тезлаштириш учун, қишлоқ хўжалигидаги инновациялар трансфертининг ташкилий-иқтисодий механизми таклиф этилган. (11.4-расм).

Ривожланиш, тикланиш ва имкониятларини такомиллаштириш босқичида турган ахборот-маслаҳат ва консалтинг марказлари, техник-технологик инновациялар трансферти масалаларини ечишда илғор позицияларни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигидаги инновациялар трансфертининг ташкилий-иқтисодий механизми техник-технологик инновациялар трансферт фаолиятининг истиқболда ривожланишига кўмаклашади, у эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги техник-технологик салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг таҳминан 60-80 фоизи фақатгина ахборот-маслаҳат хизмати ёрдами билан инновацияларни ўзлаштириши мумкин. Демак, ахборот-маслаҳат хизмати доимий тарзда инновацион ишланмаларни излаши, танлаши, синовдан ўтказиши ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига тавсия қилиши керак.

Республика минтақаларидағи фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида таҳлил ўтказишнинг асосий мақсади - инновацияларга бўлган талаб ва йўналишларини, ривожланишининг нисбатан умумий тенденцияларини, бизнесни бошқаришнинг усул ва услубларини, ҳамда уларнинг турли ташкилотлар билан алоқаларини топишдан иборат эди.

Таҳлил натижаларига кўра, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича инновацион технологиялар, буғдой ва пахта янги навларини яратиш, ишлаб чиқариш технологиялари ва маҳсулотни қайта ишлаш, хайвонларнинг янги зотларини яратиш, янги техника, механизмлар, ускуналар ва энергетика турларига тегишли бўлган инновацион ишланмалар энг талаб қилингандардан эканлиги аниқланди (11.3-жадвал).

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази инновацион ишланмалари бўйича аниқланган эҳтиёжлар натижасида, тугалланган илмий ишланмаларни тарқатиш ва ўзлаштириш учун тавсия этди. Ушбу ишланмалардан 2013 йилда Тошкент Давлат аграр университетида ўтказилган Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилояти фермер аёллари тренинги жараёнида фойдаланилди (11.4-жадвал).

2014 йилда тренинглар Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва Навои вилоятларининг фермер аёллари учун ўтказилди. Тренингларнинг ўтказиш жараёнида фермерлар томонидан, уларнинг ахборотга эга бўлиши ва инновацияларни ишлаб чиқаришга киритиши учун инновацияларни тарқатиш бўйича тадбирлар доимий асосда ўтказилиши зарурлиги аниқланди.



11.4-расм. Қишлоқ хўжалигида инновациялар трансферининг ташкилий-иқтисодий механизми

11.3-жадвал

Тадқиқотлар натижалари бўйича фермер хўжаликларида ўзлаштириш учун зарур бўлган асосий инновациялар

№	Номи	% хисобида
1	Ўсимликларни химоя қилиш бўйича инновацион технологиялар	40
2	Техника, механизмлар, ускуналар ва энергетика	15
3	Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг инновацион технологиялари	18
4	Қишлоқ хўжалик экинларининг янги нав ва дурагайлари	20
5	Ташкилий-иктисодий тадбирлар	7

11.4-жадвал

Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси фермер-аёлларнинг салоҳиятини ўрганишнинг натижалари

№	Худудлар	Жами фермер хўжаликлари	Шундан фермер-аёллар	Ўрганилган фермер аёллар	Шундан салоҳиятли илғор фермер аёллари
1	Коракалпоғистон Республикаси	3354	229	47	12
2	Андижон вилояти	6175	152	15	10
3	Бухоро вилояти	3953	91	24	9
4	Жиззах вилояти	4735	182	12	9
5	Қашқадарё вилояти	7139	304	30	13
6	Навоий вилояти	1801	47	15	7
7	Наманган вилояти	4515	94	22	12
8	Самарқанд вилояти	7723	224	18	8
9	Сурхондарё вилояти	4951	141	22	11
10	Сирдарё вилояти	3319	98	88	8
11	Тошкент вилояти	60514	139	50	12
12	Фарғона вилояти	7737	180	80	14
13	Хоразм вилояти	4681	829	35	10
	Жами	66134	2710	458	135

Ўз навбатида бундай тадбирларни ўтказиш илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига янги туртки бўлади.

Илмий марказ ва ахборот-маслаҳат хизматининг ўзаро муносабатлари илмий изланишларга бўлган эҳтиёжни ўрганишда айниқса яқиндан намойиш бўлади, ва тугалланган илмий ишланмаларнинг ахборот ресурсларини шакллантиришда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда, бундай эҳтиёжни аниқлаш ва илмий-техник ишланмаларга буюртмаларни шакллантириш билан қишлоқ хўжалик маслаҳат хизмати бўлимлари шуғулланади ва қисман шунинг учун ҳам, ушбу мамлакатларда, ишлаб чиқариш томонидан инновацион ишланмаларни ўзлаштириш даражаси юқоридир.

Ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш йўли билан инновацион ишланмалар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш мақсадида, 2012 йилда Тошкент Давлат аграр университетида Ахборот-маслаҳат маркази (АММ) ташкил топди.

ТошДАУда жамоатчилик асосида ташкил этилган АММ университетнинг тузилмавий бўлими хисобланади. Ушбу тузилма ICARDA ва CACAARI халқаро ташкилотларини кўмагида Ўзбекистон агроахборот тизимининг таянч пункти базасида ташкил этилди. [73]



11.5-расм. ТошДАУ ахборот-маслаҳат маркази мутахассиси О.Хакбердиев фермер хўжаликларига илмий амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар



11.6-расм. ТошДАУ ахборот-маслаҳат маркази томонидан “Кишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этиш” мавзусида фермер хўжаликларига ўқув-семинар ва тренинглар ўтказиб келинмоқда



АСМдаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчидаги катта ўзгаришларга олиб келди ва ушбу ҳолат бундай тузилмани юзага келишига сабаб бўлди. Натижада, тузилма бозорга йўналтирилган тус олди ва унда янги билимлар, ғоялар, хўжалик ечимлари ва бозор маълумотлари доимий оқимида зарурият пайдо бўлди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиси малакали маслаҳатчилар - инновациялар, илгор тажриба, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа соҳадаги мутахассислар - билан жонли мулоқотга муҳтождир. Ахборот ресурсларига тезкор эга бўлиш имкониятига эга бўлмаган ишлаб чиқарувчиларда бу зарурат айниқса кескин намоён бўлади. Рақобат муҳитида нафакат мослашиш, балки юқори рентабелликка эга ва рақобатдош ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар ушбу маслаҳатчилар билан яқиндан алоқада бўлиши керак эканлигини тезроқ тушунишда бозорнинг ўзи ёрдам беради. Янги ижтимоий-иктисодий вазиятда ахборот-маслаҳат хизмати, товар ишлаб чиқарувчилар билан яқиндан алоқада бўладиган ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишини таъминловчи, АСМдаги камдан-кам тузилмалардан бирига айланади.

Қишлоқ хўжалик маслаҳат тизимининг ривожланиши тизимлиикнинг барча белгиларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади: мақсадлар ягоналиги - инновацион модернизация ва агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш; ҳар бири ўз функциясини бажарадиган тузилмавий элементлар йиғиндиси; тизимнинг барча тузилмалари ташкилий ёки функционал ўзаро фаолият олиб боради; фаолият ягона услублар ва иш шаклларини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Маслаҳат ташкилотларида турли мутахассисликларга доир маслаҳатчилар фаолият олиб боради, шу жумладан иқтисодчилар ва бухгалтерлар, агрономлар, зоотехниклар, юристлар, ахборот технологиялари ва бошқа мутахассисликларга доир шахслар.

Қишлоқ хўжалик маслаҳат хизмати субъектлари томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини инновацион таъминлаш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш масалалари бўйича инновацион ресурсларни тарқатиш Интернет ва бошқа электрон етказиб бериш воситалари орқали ахборот тақдим этиш, услубий ва маслаҳат адабиётларини тарқатиш, қўргазмавий тадбирларни ташкил этиш, семинарларни ўtkазиш, қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳатчилар ва қишлоқ хўжалик корхоналари мутахассисларининг малакасини ошириш йўли билан амалга оширилади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига техник-технологик инновациялар трансферти механизми сифатидаги ахборот-маслаҳат тизими ташкилотларининг роли қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг илмий-техник ишланмаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш; илмий ташкилотлар ёки бошқа инновация ташувчилар томонидан бажарилган ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қўллашга тавсия этилган инновациялар маълумотлар базасини шакллантириш ва уларни тарқатишдан иборат.

Қишлоқ хўжалик маслаҳат тизимини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига техник-технологик инновациялар трансферти механизми сифатида, истиқболдаги ривожланиши янги минтақавий марказларни яратиш ва мавжуд маслаҳат марказлари фаолиятини диверсификация қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Ахборот-маслаҳат тизимини ривожлантириш, маслаҳат ва хусусан трансферт фаолиятини такомиллаштириш, инновацион хизматлар сифатини ошириш имконини беради ва бутун инновацион фаолликга туртки бўлиб хизмат қиласи.

Асосий таянч тушунчалар:

Инновациялар, инновацион фаолият, инновацион жараён, инновациянинг ҳаётай цикли, инновацион фаоллик, инновацион технологиялар, техник-технологик салоҳият, инновациялар трансферти, ахборот маслаҳат хизмат, модернизация.

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Инновация тушунчасига таъриф беринг.
2. Инновация фаолият тушунчасига таъриф беринг.
3. Инновация жараёни тушунчасига таъриф беринг.
4. Инновация ҳаётай цикли деганда нимани тушунасиз?
5. Инновацияларни туркумланиши.
6. Инновацион жараённи бошқариш.
7. Инновацион фаоллик деганда нимани тушунасиз?
8. Инновацион фаолият субъектлари.
9. Инновацион жараён босқичлари.
10. Инновациялар трансферти тушунчасига таъриф беринг.
11. Инновациялар трансфертини амалга ошириш хусусиятлари нималардан иборат?
12. Ахборот-маслаҳат хизмати тушунчасига таъриф беринг?
13. Қишлоқ хўжалигига инновациялар трансфертининг ташкилий-иктисодий механизми нималардан иборат?

12-БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИЯЛарНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

12.1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ер ресурсларини бошқариш ва инновациялар

Ер ресурсларини барқарор бошқариш (ЕРББ) концепцияси Брунктланд комиссиясининг ташаббуси билан 1992 йилда ташкил қилинган ва БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш конференциясининг мажлисида муҳокама қилиш учун кўтариб чиқсан барқарор ривожланиш мавзусидаги глобал мунозаранинг натижасидир. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) номидан фаолият юритаётган ишчи гурух “Ер ресурсларини барқарор бошқариш асослари”ни ишлаб чиқиши мақсадида ЕРББнинг қуидаги таърифини тақдим этди:

Ер ресурсларини барқарор бошқариш ижтимоий-иктисодий тамойилларни экологик масалалар билан интеграциялашга қаратилган технологиялар, давлат сиёсати ва тадбирларни уйғунлаштиради. Бу бир вақтнинг ўзида унумдорликни ёки хизматларни қўллаб-қувватлаш ёки кучайтириш (унумдорлик), ишлаб чиқариш таҳликалариниг даражасини пасайтириш (хавфсизлик), табиий ресурсларнинг салоҳиятини ва сув ресурслари сифатини сақлаб қолиш ҳамда тупроқ деградациялашувининг олдини олиш (муҳофаза қилиш), иктисодий жиҳатдан қодир (қодирлик) ва ижтимоий жиҳатдан мақбул жараён бўлишини таъминлади. Ушбу бешта вазифа-унумдорлик, хавфсизлик, муҳофаза, қодирлик ва мақбуллик ЕРББ таяниши керак бўлган асосий устунлар бўлиб, унинг натижаларини шу устунлар бўйича текшириш ва кузатиб бориш лозим.

«Билимларни бошқаришнинг иккинчи фазаси доирасида» лойиҳаси бўйича фаолиятни амалга оширишда Қурғоқчил худудларда халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари (ИКАРДА) ва Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институти ўртасида келишув меморандуми тузилган.

Лойиҳа амалга оширилган ишлар ва давлат ҳамда фермерлар даражасида ер ресурсларини барқарор бошқариш бўйича энг яхши тажрибаларни жорий этиш мақсадида тегишли билимларни тарқатиш (билимларни бошқариш) га йўналтирилади. Лойиҳа мазкур усулларни кенг тарқатиш ва мослаштиришга қизиқсан турли гурухлар, хусусан фермерлар, бошқа ердан фойдаланувчилар, шунингдек раҳбарларга қўмақ беришга қаратилган.

Ерларни деградацияга учрашини олдини олиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё давлатлари ташаббуси II босқичи доирасида “Билимларни бошқариш” 2013-2015 йилларда тўртта агроэкотизим бўйича инновацион технологияларнинг тадқиқотлари ўтказилди ва жорий этилди. Ушбу бобда қишлоқ хўжалигидаги инновациялар таснифлари ва уларни иктисодий самарадорлиги келтирилган

Шу ўринда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг самарадорлиги билан боғлиқ айрим категория ва тушунчаларнинг моҳиятини очиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Агроэкотизим - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида инсоният томонидан яратилган ва мунтазам равиша сақлаб туриладиган биотик ҳамжамият. Одатда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерларда яшовчи организмларнинг бирлигини қамраб олади. У қишлоқ хўжалиги фаолиятининг макон ва функционал жиҳатдан боғлиқ бўлган элементлари бўлиб, ушбу элементларда иштирок этувчи тирик ва жонсиз компонентларни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ўз ичига олади.

Агроэкотизимлар табиий экотизимлар сифатида ўзаро боғлиқ бўлган кўпгина биологик, физик ва кимёвий компонентлардан ташкил топган. Умумқабул қилинган таснифлашнинг мавжуд эмаслиги

Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига техник-технологик инновациялар трансфертни механизмининг кейинчалик такомиллашуви қишлоқ хўжалик инновацион модернизациясини тезлаштириш имконини беради ва мамлакатни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди.

маълум даражада дехқончилик таркибининг ФАОда қўлланиладиган туркумланиши билан тўлдирилади.


Мазкур туркумланишга мувофиқ ердан фойдаланишнинг беш хил тури ажратиб кўрсатилган, уларнинг ҳар бири бўйича экотизимлар қўйидагича таснифланади:

1. *Дехқончилик ёки ердан далага хос фойдаланиш*-лалми, сугориладиган агроэкотизимлар (донли, дуккакли, озуқавий, сабзавот, полиз, техник экинлар ва доривор ўйсмилкларни ротациялаш).
2. *Ердан плантация-боғлар учун фойдаланиш*-плантацияли агроэкотизим: (чой бутаси, какао дарахти, кофе дарахти, шакарқамиш), боғли экотизимлар (мевали боғлар, резавор боғлар, узумзорлар).
3. *Ердан яйлов учун фойдаланиш*-яйловли агроэкотизимлар (мол ҳайдаладиган яйловлар: тундраги, чўлли, тоғли яйловлар; ўрмон яйловлари; яхшиланган яйловлар; пичанзор; маданийлаштирилган ўтлоклар).
4. *Ердан аралаш ҳолда фойдаланиш*-аралаш экотизимлар, улар ердан фойдаланишнинг бир нечта турларини ҳамда бирламчи ва иккиласми биологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнларини бир хил миқдордаги нисбатлари ва уйғунлаштирилши билан тавсифланади.
5. *Иккиласми биологик маҳсулотларни ишлаб чиқариши мақсадида ердан фойдаланиш*-агросаноат экотизимлари-тизимни ташқаридан келадиган модда ва энергия билан таъминлашнинг устун бўлган жараёнлари асосида сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотларни интенсив “индустрлашган” ишлаб чиқариш худудларидир.

Замонавий агроэкотизимлар биологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг моддий, энергетик, иқтисодий ва экологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб жараёнларини ўз ичига олади. Бунда табиий ресурс салоҳиятининг такрор ишлаб чиқарилиши ва энергиянинг антропоген субсидияларидан самарали фойдаланиш таъминланади.

Агроэкотизимларни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш маҳаллий ландшафтнинг ва худуддан умуман хўжалик учун фойдаланишнинг унга мос бўлган оқилона табиий ва табиий хўжалик инфратузилмаси (йўллар, каналлар, ўрмон дарахтлари, қишлоқ хўжалиги ерлари ва бошқалар)нинг яратилишини кўзда тутади (12.1-расм).

Хозирги вақтда республиканинг 44410,3 минг гектар умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 22614,0 минг гектар бўлиб, умумий ер салоҳиятининг 50,9 % га тўғри келади. Аммо, интенсив дехқончилик фақат 4278,0 минг гектар ёки умумий майдоннинг 9,6% га teng сугориладиган ерларда олиб борилади, холос. Бу ерлар ҳар хил табиий-қишлоқ хўжалик регионларида жойлашган бўлиб, турли мелиоратив, экологик шароитлар билан ҳар хил даражадаги хосилдорлик билан тавсифланади. Буларнинг ҳаммаси давлат томонидан ерларнинг ҳолатини ва фойдаланилишини доимий кузатиб бориш, назорат юритиш ва тахлил қилиб боришни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 апрелдаги «Ер кодекси»; «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги 1993 йил 6 майдаги «Ер солиги тўғрисида»ги, 1998 йил августидаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Конунлар; Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлидаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрининг ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида»ги ва бошқа хужжатлар ер кадастрига булган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келди. Ўзбекистон табиий-иклим шароитларининг - иклим, рельеф, тупроқ пайдо қилувчи жинслар, гидрологик ҳолатлари мураккаблиги бу ерда тупроқларнинг хилма хил бўлишини ва қишлоқ хўжалигига фойдаланган ерларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.



12.1-расм. Ўзбекистонда агроэкотизимларнинг жойлашуви

Тупроқларнинг тўртдан уч қисмини (76,6%) чўл зонасида тарқалган, улар асосан сур қўнғир тусли, чўл қумли тупроқлар ва қумлар (31,3%). Тор ва тог олди зоналар тупроқлари 23,4 %ни ташкил қилиб, у ерда бўз тупроқлар (15%), гидроморф тупроқлар, жигарранг, оч-тусли қўнғир баланд тор тупроқлар тарқалган. Тупроқларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиши уларнинг жойлашган худудига, рельефига, гидролог шароитига ва бошқаларга боғлиқидир. Ўзбекистонда шўрланган ерлар суғориладиган ерларнинг 50,7% (2170,7 минг га.) ни ташкил этади, шундан кучсиз шўрланган ерлар - 31,4% ни, ўртача шўрланган ерлар -15,5% ни, кучли шўрланган ерлар -3,8% ни ташкил этади. Яйловлар майдони -20,8 млн га, шундан -18,7 млн га. суғориладиган, 1,6 млн. га - дегрессияга учраган ерлар, 15,1 млн. гектардан зиёд ерлар х:ужалик максадларида фойдаланилмайди (қияликлар, уюмлар, гюлигонлар, қумликлар, чиқиндиҳона ва бошқалар. Суғориладиган ерларнинг 20 %идан 40 %игача майдони дефляцияга учраган, 2,8 млн. га яйловлар суғоришга муҳтоҷ, 160 минг гектардан ортиқ майдон техноген таъсирга учраган. Марказий Осиёда содир бўладиган сел тошқинларининг 75%и Ўзбекистон худудига тўғри келади. Ерлар таназзулга учрашининг асосий шакллари бу-табиий-иклимий омиллар ва инсон фаолияти ерларни чўлланишига ва таназзулига олиб келади. Булар жумласига:

- чўлланиш, ўрмонсизлашиш ва бошқалар;
- сугорма дехқончилик шароитларида ернинг иккиласми шўрланиши, сув босиши ва зах босиши;
- тог ва тоғолди худудларида тупроқларнинг сув ва ирригация эрозиясига учраши;
- интенсив кўчма чорвачилик худудларида яйловларни дефессия ва дефляцияга учраши;
- ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатда ўзлаштиришдаги техноген чўлланиши;
- агрокимёвий воситалар қўлланилиши, саноат ва маҳаллий чиқиндилар ташланилади ва зироатчилиқдаги яккаҳоқимлик натижасида тупроқнинг ифлосланиши ва ҳосилдорликнинг йўқотилиши;

- Орол денгизининг қуриши ва туз-чанг тўзонлари, аэрозол ва бошқаларнинг тупроқ юзасига ўтириши ҳисобига тупроқларнинг шўрланиши.

Ерларнинг ортиқча шўрланиши шўрланмаган ерларга нисбатан кам ҳосил беради. Юқори ҳосил олишда давлат ва ердан фойдаланувчилардан катта меҳнат ва етарлича маблағ талаб этилади. Шунинг учун ердан тўғри, унумли фойдаланиб, доимо ернинг ҳосилдорлигини ошириш, давлат сиёсатининг минтақавий, ҳудудий ва маҳаллий ҳамда мамлакат ва ҳар бир хўжаликнинг иқтисодий ягона тизимини ривожлантириш режаларининг бир бўлими сифатида қараш лозим. Ҳозирги вақтда республиканинг 2170,7 минг гектардан зиёд сугориладиган ерлари турли даражада шўрланган бўлиб, шундан 17,5 минг га - шўри ювиладиган ерлар, 1344,6 минг га - кучсиз шўрланган, 663,5 минг га - ўртача шўрланган ва 162,6 минг га - кучли шўрланган ерларни ташкил этади. Тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир этувчи асосий жараёнлардан бири - сув ва ирригация эрозиясидир.

Ирригация эрозиясида асосан сугорма оч ва тўқ тусли бўз тупроқли ерлар мойил бўлади. Бу майдонларнинг ярмига яқини бўлакланган рельефли жойлар, уларда ирригация эрозияси ривожланниш эҳтимоли чўл ҳудудларидағига нисбатдан кўпроқдир. Тупроқларнинг ювилиши қиялик 1,20 га етганда бошланиб, қиялик ошган сари эрозия жараёни жадаллашади. Энг хавотирлиси шундаки, ирригация эрозияси натижасида тупроқлардан гумус ва озиқлантирувчи моддалари иўқолади. Бунинг оқибатида, қишлоқ хўжалиги ер айланмасидан қимматбаҳо сугориладиган ерлар чикмокда, бундан ташкари, тупроқдарга солинадиган ўғит ва заҳарли кимёвий моддаларнинг учдан бир кисми тупроқдан ювилиб, сув ҳавзаларида йигилиб, атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатади. Республиkaning 643,2 минг га сугориладиган ерлари ирригация эрозиясида дучор бўлган. Қашқадарё (159,7 минг га), Тошкент (138,6 минг га), Самарқанд (121,9 минг га) вилоятларининг сугориладиган ерлари ирригация эрозиясида кўпроқ дучор бўлган. Сув эрозиясида (жами 746,4 минг га) Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидағи лалми ерлари учраган. Шунинг учун, ушбу ерларда эрозияга қарши аник мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Ўзбекистонда шамол таъсири остидаги тупроқ дефляцияси 50% ортиқ чўл ва бўз тупроқ минтақаларини қамраб олган. Фарғона водийсининг ғарбий ва марказий кисми, Бухоро воҳаси, Мирзачўлнинг шимолий-ғарбий чўли, Қарши ва Шеробод чўллари, шунингдек Қоракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сугориладиган ерлари, шамол таъсири остида кқпроқ дефляциясида учраган. Тупроқнинг учирилиши натижасида экилган қишлоқ хўжалиги экинларининг нобуд бўлиши кўпроқ Фарғона водийси ва Бухоро воҳасида содир бўлмоқда. Шамол таъсири остида емирилишга, енгил механик таркибли қумлоқ қум тупроқ енгил қумлоқ тупроқ бўлган ерларга учрамоқда. 2007 йилда Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги 75 км узунликдаги лоток ва ариқлар, шамол таъсиридаги дефляция оқибатида кўмилиб қолди. Шундай қилиб, республика ҳудудида барча турдаги тупроқ эрозиялари ва дефляциялар тарқалган. Бунда эрозия жараёнларининг жадаллиги ва эрозияга учраган тупроқларнинг тарқалиши шимолдан жанубга қараб усив боради. Зарафшон, Амударё сув оқимлари лойқалилиги Чирчик ва Ангрен дарёларига нисбатан юқорилиги бунга мисолдир.

Ер деградацияси - бу узок муддатли экологик маҳсулдорлигининг камайиши ёки табиий биологик хилма-хиллигининг камайиши ёки ташки таъсирларга бардошлигининг йўқолиши натижасида экотизимнинг бутунлигига салбий таъсир этувчи ер табиий салоҳиятининг ёмонлашуви шакли.

Оддий сўз билан айтганда, **еर деградацияси** - ернинг олдинги унумдорлигини йўқолишидир.


Унинг энг муҳим кўрсаткичлари қўйидаги 3 омил ҳисобланади:

- Хосилдорликнинг пасайиши** - ер хосилдорлигининг пасайиши Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кузатилади. Тупроқ хосилдорлиги бонитет баллари бўйича ҳисобланниб 100 баллик шкала бўйича ифодаланади. Бонитет бали қандай ҳисобланниши барча учун муҳим эмас, лекин шуни билиш лозимки, бонитет бали қанчалик юқори бўлса, ер шунчалик хосилдор бўлади. 1990 йиллар бошидан бери Ўзбекистон бўйича сугориладиган ерларнинг бонитет бали 65 дан 55 га,

яъни ўртача 10 баллга пасайган. 12.1-расмда мамлакат бўйича бонитет кўрсаткичлари харитаси келтирилган. Кўриниб турибиди, Ўзбекистондаги аксарият ерларда бонитет ҳолати “ўртача” ёки “ўртачадан пастрок”, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда эса – “ёмон”.

2. Табиий биологик хилма-хилликнинг пасайиши - ернинг маълум экологик хизматларни (хосилдорлик, тупроқни ифлосланишига бардошлилик, гидрология циклида қатнашиш, кимёвий моддалар айланиши циклида қатнашиш ва бошқалар) барча жараёнларда қатнашувчи биологик ҳаёт шаклларини мавжуд хилма-хиллигига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Биологик турлар миқдори озайиши билан ўтаётган жараёнларнинг миқдори ва уларнинг сифати тушади. Натижада деградацияга учраган ер пайдо бўлади.



12.2-расм. Ўзбекистон бўйича суғорма ерларнинг бонитет кўрсаткичлари туширилган ҳолати

3. Ташқи таъсирларга бардошлилик хусусиятининг пасайиши-муқим ҳаракатдаги соғлом экотизим турли табиий (иқлим ва бошқа табиий оғатлар) ва антропоген (ифлосланиш, вақтингчалик салбий таъсир ва бошқалар) таъсирларга бардош бера олади. Айнан тизим ичидағи тўғри ҳаракатдаги жараёнлар, биохилма-хилликнинг мавжудлиги экотизимнинг салбий таъсирлардан тикланишига ва олдинги функцияларига қайта эга бўлишига олиб келади. Биофизикавий жараёнларнинг жиддий бузилиши тизимнинг тикланишга қобилиятини йўқотади. Натижада, мамлакатда бундай ерлар фойдаланишдан чиқади.

Ер деградациясининг асосий сабаблари бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида нооқилона амалиётнинг олиб борилиши; яйловлардан меъёрдан ортиқча фойдаланиш, ўрмон ва бошқа ўсимлик қопламишининг йўқ қилиниши. Нооқилона қишлоқ хўжалиги суғорма ерларда меъёрдан ортиқ сувнинг ишлатилишида, тупроқ юқори қатламишининг шамол ва сув эрозиясига учрашида, тупроқ юқори қатламишининг зичланиб, маҳсус қават ҳосил қилганида, тупроқ шўрланишида ва турли хил тупроқ кирланишида кўринади. Шунинг учун ерга ишлов бериш қандай олиб борилиши дикқат билан ўрганилиши лозим.

Яйловлардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш бир жойнинг ўзида катта миқдорда чорва боқилишида кўрилади. Бундай ҳолатда яйловларнинг ҳосилдорликни тиклаш қобилияти пасайиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, чорва ҳайвонлари ўсимликни шу даражада истеъмол қиласиди, экотизим уни қайта

тиклай олмайди. Асосан аҳоли пунктлари ёки ишлаб турган сув манбалари атрофидаги яйловларнинг сони тез суръатда пасаймоқда.

Шу билан бирга кўп табиий яйловлар фойдаланилмай, деградацияга учрамоқда. Яйловларга туёқлилар келмаса, энг юқори тупроқ қатлами қотиб қолади ва шу ерга хос бўлган ўсимлик уруғлари тарқамайди, шунингдек ўсимликларнинг биологик хилма-хиллиги ривожланмайди ҳамда аввал таъкидланганидек, биологик турлар камайган сари биологик жараёнларнинг ўтиши ҳам ёмонлашади, натижада ер деградацияси келиб чиқади. Аввалги вақтлардаги яйловларни мавсумий алмаштириш усулидан ҳозирда фойдаланилмайди. Аввалги кўчманчи чорвадорлар Совет даврида ўтроқлашиб, ўзининг урф-одатларини йўқотдилар. Демак, ташландиқ сув манбаларини тиклаш, яйловлар алмашувини қайта жорий қилиш, яхшиланган ем-харакат турларидан фойдаланиш каби амалиётларни кўллаш лозим.

Ўрмон ва бутазорларнинг йўқ қилиниши худди юқоридагидек, ерга салбий таъсир қиласи. Айниқса, Ўзбекистонда кўплаб учрайдиган қурғоқчил ва тоғли ҳудудларда бу муҳим масаладир. Чўл ҳудудидаги дарахт ва буталарнинг атрофида маҳаллий колониялар ривожланади, яъни бу ерда кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари яшайди. Бу жамоалар қумларнинг силжишини тўхтатиб туради ҳамда шамол тезлигини пасайтириб, шамол эрозиясига тўскинлик қиласи. Бундай дарахт ва бута жамоалари чўл ҳайвонлари учун қулай яшаш жойи яратади ва кўчманчи чорвадорлар фойдаланадиган ем-харакат турларининг ривожланишига қулай шароит яратади. Бундан ташқари, улар муҳим экологик функцияларни бажаради, шунинг учун чўлда дарахтларни кесганда нафақат бир дарахтнинг, балки бутун чўл жамоасининг ҳаёти ҳавф остида қолади.

Тоғларда ҳам ўрмонлар бир қатор экологик функцияларни бажаради. Тоғ ўрмонлари йўқ қилинганди, нафақат шу ердаги экотизимнинг, балки одамларнинг ҳам ҳаёти ҳавф остида бўлади, тоғлардаги ўсимлик қопламининг йўқ қилиниши тез содир бўладиган табиий оғатларга олиб келади (сел, ер ва қор кўчкилари). Аҳоли дарахт ва буталарни овқат пишириш ва уйларни иситиш мақсадида кесади, лекин дарахтлар сонини қайта тиклаш билан шуғулланмайди. Баъзи дарахт турлари уй қуришда ҳам ишлатилади. [100]

**Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё давлатлари ташаббуси II босқичи
“Билимларни бошқариш” лойиҳаси доирасида жорий этилган инновацион
технологиялар**

Аввалги бобда инновацион технологияларни замонавий юқори самарадорликка эга машиналар, ускуналар, тизим ва мажмуаларни ўзлаштириш жараёнини фаоллаштириш - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг йўналишларидан бири эканлиги асосланган бўлиб, қуйида республикамиз қишлоқ хўжалигига жорий этилган технологияларни натижалари келтирилган.

1. Тупроқ унумдорлигини ошириш учун биогаз ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиш

Технологиянинг таърифи: Технология фермерларнинг далаларида юқори самарали, экологик соғ органик ўғит сифатида биогаз ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган.



Технологиянинг қисқача баёни: Табиатда ҳам, барча фермер хўжаликларида ҳам мавжуд бўлган, осонгина парчаланадиган органик моддалар биогаз олиш учун хомашё вазифасини ўташи мумкин. Уларга келиб чиқиши турлича бўлган гўнглар, парранда ахлати, пичан, ғўзапоя, дарахт барглари ва бошқалар киради. Органик модданинг бижғиши жараёнида нафақат биогаз, балки қимматли, юқори даражада концентрацияланган, нитритлардан, бегона ўтлардан ва касалликни келтириб чиқарувчи микроорганизмлардан холи қилинган гўнг ҳосил бўлади. Шу тариқа биогаз ишдаб чиқариш натижасида таркибида бошқа оддий органик ўғитларга нисбатан 2-4 баробар кўп асосий озуқавий моддалар мавжуд бўлган чиқиндилар қолади. Ундан ташқари мазкур усуlda ҳосил қилинган органик модда таркибида кўпгина гумин кислоталари, ўсимликларнинг бўйини ўстирувчи стимуляторлар, витаминалар, аминокислоталар ва бошқалар бўлади. Бундай турдаги ўғитлар тупроқнинг унумдорлгини ошириш, ўсимликларни улар учун осон етказиб бериладиган озуқа элементлари билан таъминлаш ва минерал ўғитлар мъёрини қисқартириш имконини беради.



Технология қўлланиладиган жойлар: энергетик ресурсларни ҳосил қилиш ва юксак самарали органик ўғитларни қўллаш технологияси экоравнақ МЧЖ линияси бўйича Зангиота туманидаги Mile-Agro ва Г.Абдуллаев фермер хўжаликларида бажарилган. Органик ўғит уч йил мобайнода (2007-2009 йй.) дала шароитида ғўза ўсимлигига синовдан ўтказилган ва тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўзанинг ҳосилдорлиги борасида ижобий натижаларга эришилган.

Ердан фойдаланишдаги бош муаммолар ва ерлар деградациялашуvinинг асосий сабаблари: тупрок унумдорлигининг пастлиги, озуқавий элементлар ва органик моддалар (гумус) билан етарли даражада таъминламаганлиги, органик ўғитлар меъёрининг пастлиги, далалардан ўсимлик қолдиқларининг йиғиб олиниши, алмашлаб экишнинг заифлиги.

Мазкур технологияларнинг асосий техниқавий функциялари: Ердаги ўсимлик қопламишининг яхшиланиши, тупроқда моддалар миқдорининг кўпайиши, ўсимликларнинг озиқланиш тартибининг оптималлашуви.

Жойлашув ўрни: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Г.Абдуллаев массиви.

Технология қўлланадиган майдон: 10 га

Аралашув босқичи: ерни юмшатишлар деградацияланувини қисқартириш.

Фойдаланиладиган ер тури	Тежаш чора-тадбирлари
Хайдаладиган ерлар; Бир йиллик экинларни етиштириш.	Агрономик чора-тадбирлар: Органик моддалар; Тупроқнинг унумдорлиги.

Атроф мухит

Табиий мухит	Антрапоген мухит
Ўртacha йиллик ёғин миқдори: 250-300 мм ва ундан юқори (750 мм гача). Вертикал зоналаштириш: денгиз сатҳидан 100-500 м. Ландшафт: текислик қиялиги: 0-2%; 2-5%; 5-8%. Тупрок унумдорлиги ўртacha; хайдаладиган майдондаги гумус миқдори 1-3%. Тупрокнинг табиий дренланганлиги/инфилтрацияси: ўртacha.	Ер майдони - 10 га. Ердан фойдаланувчи: фермер хўжалиги. Ерга мулкчилик хукуки: узоқ муддатли ижара. Сувдан фойдаланиш хукуки: СИУлар ва суғориш тизимлари бошқармаси орқали. Бозорга йўналтирилганлик: давлат буюртмаси, аралаш хўжалик (ўзини таъминлаш ва тижорат учун).

Баҳолаш

Асосий афзалликлари:	Асосий камчиликлари:
Технологиянинг таъсири: Кишлоқ хўжалги экинлари ҳосилдорлиги ва фермер хўжаликлари даромадларининг 20% га ошиши Харажатларнинг 15% га қисқариши Биомассанинг ортиши ва ер юзаси ўсимликлар билан қопланишининг 15% га яхшиланиши; Озуқавий ва органик моддаларнинг 20% га кўпайиши; Тупрок чизлашувининг 15% га қисқариши.	Суюқ ўғитларни узоқ масофаларга ташиш норентабелдир.

2. Мош билан алмашлаб экилган ғұзани парваришилаш ва әгатларни пүштали тизимда мульчалаш

Технологиянинг таърифи: Мазкур технологияда тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор усулларини қўллаган ҳолда техника экини-ғұзани озуқавий экин-мош билан биргалиқда етиштириш таклиф қилинади.



Технологиянинг қисқача баёни: Ғұзани мош билан уйғунлаштирган ҳолда экиш Дағмеш фирмасининг бир марта қатор орасидан ўтишда бир нечта агротехник тадбирлар: пушта олиш, әгат очиш, юмшатилган тупроққа уруғ экиш ва минерал ўғит киритишни бажара оладиган янги сеялкаларидан фойдаланиш туфайли мумкин бўлди.

Ушбу агрономик тадбир икки турдаги экин-ғўза ва мошдан ҳосил олиш имконини берди. Мош тупроқни азот билан бойитади, бу эса тупроқ унумдорлигини ва биологик фаоллигини сақлашга кўмаклашади.

Эксперимент сугориладиган әгатларни перфорацияланган (тешекли) тўқ рангли полиэтилен пленка билан мульчалаш йўли билан тупроқ юзасидаги буғланишни пасайтириш ва қатор ораларига ишлов беришни бартараф этишни таъминлади.

Уйғунлаштирилган ҳолдаги “ғўза билан мошни пүштали экиш+мульчалаш” вариантининг иқтисодий самарадорлиги ғұзани оддий усулда экишга нисбатан юқорироқ бўлиб, қатор оралиғи 909 см бўлганда рентабеллик 90,9% га, қатор оралиғи 60 см бўлганда эса 71,7% га юқорироқ бўлган.

Жойлашув ўрни: Жиззах вилояти Пахтакор тумани “Эсонбой ота” фермер хўжалиги.

Технология қўлланган майдон: 30-55 га.

Аралашув босқичи: ернинг юмшаси/ер дегарадацияшувининг қисқариши

Ердан фойдаланишдаги бош муаммолар ва ер деградациялашувининг асосий сабаблари	Мазкур технологиянинг асосий техникавий вазифалари
Фермер томонидан экинларни ўстириш эски усулларидан фойданилиши, замонавий техника ва жиҳоз мавжуд эмаслиги ерларнинг унумдорлик қобилияти пасайиб боришини кетириб чиқаради.	Ерга ишлов беришлар сони камаяди, сугориш учун зарур бўлган сув тежалади, тупроқ хусусиятлари яхшиланади, экинларни етиштириш рентабеллиги ошади.

Фойдаланиладиган ер турлари	Тежамкорлик чора-тадбирлари
Сугориладиган ҳайдов ерлар бир йиллик қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш	Агрономик чора-тадбирлар: Органик моддалар тупроқ унумдорлиги; Тупроқнинг юзасига ишлов бериш

Атроф-мухит

Табиий муҳит	Антропоген муҳит
<p>Ўртча йиллик ёғин миқдори: 200-400 мм Вертикал зоналаштириш: денгиз сатхидан 100-350 м. Ландшафт: Текислик Киялиги: ясси (0-2%), қия (2-5 %). Тупроқ унумдорлиги: паст Ҳайдаладиган майдондаги гумус миқдори: 1 % дан кам. Тупроқнинг табиий дренажанганлиги: заиф.</p>	<p>Ер майдонининг миқдори: 30-55 га Ердан фойдаланувчи: фермер ва дехқон хўжаликлари. Ерга мулкчилик хуқуқи: ижара (фермерлар); умрбод мерос (дехқон хўжаликлари). Сувдан фойдаланиш хуқуқи: Сув истеъмолчилари уюшмаси ва давлат суғориш тизими бошқармалари орқали. Бозорга йўналтирилганлик: аралаш (ўз-ўзини таъминлаш; эркин бозор)</p>

Баҳолаш

Технологиянинг таъсири	
Асосий афзалликлари:	Асосий камчиликлари:
<p>-бир майдонда иккита экиндан ҳосил олиш; -юқори рентабеллик; -алмашлаб экишсиз ҳам тупроқни яхшилаш имконияти.</p>	<p>-фойдаланиладиган сеялка қийматининг юқорилиги; -полиэтилен пленкага бўлган эҳтиёж ва уни утилизация қилиш; -турли экинларни уйғунлаштирган ҳолда этиштириш тажрибасининг мавжуд эмаслиги.</p>

3. Итузумдош экинларни кўчатсиз етишириш технологияси

Технологиянинг таърифи: Эгатларни полиэтилен пленка билан мульчалаш ҳамда помидор, қалампир, бақлажон ва бошқаларнинг уруғларини тешиклар орасига уяли усулда экиш итузумдош оиласига мансуб экинларни кўчатсиз ўстириш имконини беради.



Технологиянинг қисқача баёни: Ўзбекистонда аёзсиз кунлар даври узун бўлишига қарамай итузумдош экинлар (помидор, қалампир, бақлажон) кўчат экиш йўли билан ўстирилади. Мазкур усулнинг асосий камчиликлари шундан иборатки, биринчидан кўчатларни етиширишга харакат қилинади, иккинчидан эса кўчатларни пикировка қилиш ва танлаш натижасида ўзак илдизнинг ипсизмон учлари узилиши туфайли ўсимликларнинг илдиз тизими бўлади. Ўзбекистоннинг тупроқ иқлим шароитини инобатга олган ҳолда истиқболлироқ бўлган кўчатсиз усулда ўстириш технологияси ишлаб чиқилган.



Технологиянинг моҳияти қуидагича: пухта тайёрланган далага тасмали усулда фосфорли ўғитлар (аммофос) киритилиб, усти тупроқ билан беркитилади, дала юзасига кенглиги 50 см бўлган полиэтилен пленкадан тайёрланган мульча жойлаштирилади. Пленканинг ҳар бир томонидан 10 см лик чеккалари тупроқ остида қолдирилади. Пленка очиқ қисмининг ўқи бўйлаб ҳар 25-30 см оралиқда диаметри 2-2,5 см бўлган тешиклар очилади. Уларга 1,5-2 см чукурликда уруғ экилади, экиб бўлингандан сўнг суғориш ариқлари кесиб чиқилади.



Итузумдош экинларни кўчатсиз етишириш технологиясининг жорий қилиниши иссиқхоналарни куриш ва иситишга бўлган эҳтиёжни, кўчатни экишга сарфланадиган қўл меҳнат харажатларини, суғориш учун сувни кўчатли технологияга нисбатан анча қисқартиради. Бунинг натижасида агротехник операциялар сони (3-4 та операцияга) қисқаради, бу дизаль ёнилғиси сарфини 51,3 литр/гектарга, механизаторларнинг меҳнат харажатларини 9,2 киши/кунга, ишчиларникини эса 669,8 киши/кунга пасайтиради. [86]

Жойлашган ўрни: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Таштулабий” агрофирмаси.

Технология қўлланиладиган майдон: 15-20 га.

Аралашиб босқичи: ер деградациялашувининг олдини олиш.

Ердан фойдаланишдаги бош муаммолар ва ерлар деградациялашувининг асосий сабаблари:	Мазкур технологиянинг асосий техникавий функциялари:
Кўчатларни одатий усулда экишда кўп марталик суғориш ва агротехник тадбирлар туфайли тупроқ зичлашуви рўй беради, сув физикавий хусусиятлари ёмонлашади.	Ернинг қоплами яхшиланади, тупроқнинг пўстлоғи зичлашуви юзага келишиниши олди олинади, сув тупроқда сақланиб туради. биомасса ошади.

Фойдаланилаётган ернинг типи	Тежамкорлик чора-тадбирлари
Суфориладиган ҳайдов ерлари Бир йиллик қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш.	Агрономик чора-тадбирлар: Ўсимлик/тупроқ қоплами; Тупроқнинг юзасига ишлов бериш.

Атроф-муҳит

Табиий муҳит	Антропоген муҳит
<p>Ўртча йиллик ёғин миқдори: 250-700 мм ва 750 мм дан ортиқ.</p> <p>Вертикал зоналаштириш: денгиз сатҳидан 100-500 м. баландлиқда.</p> <p>Ландшафт: текислик қиялиги:0-2%, 2-5%;</p> <p>Тупроқ унумдорлиги- ўрта;</p> <p>Ҳайдаладиган майдондаги гумус миқдори: 1-3%</p> <p>Тупроқнинг табиий дренажланганлиги/ инфилтрация ўрта.</p>	<p>Ер майдонининг миқдори: 15-20 га.</p> <p>Ердан фойдаланувчи: фермер хўжалиги.</p> <p>Ерга мулкчилик-узоқ муддатли ижара.</p> <p>Сувдан фойдаланиш хуқуқи: СИУ лар ва суғориш тизими бошқармалари орқали.</p> <p>Бозорга йўналитирилганлик: аралаш хўжалик (ўзини таъминлаш ва тижорат учун).</p>

Баҳолаш

Технологиянинг таъсири	
Асосий афзаллуклари:	Асосий камчиликлари:
<ul style="list-style-type: none"> ➤ агротехник операциялар сони ва қўл меҳнати харажатлари камаяди; ➤ ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи тежалади; ➤ иссиқхоналарда кўчатларни етиштириш эҳтиёжи йўқолади. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ катта миқдордаги плёнка эҳтиёж; ➤ ишлатилган плёнкани утилизация қилиш.

4. Ғўза қатор ораларига кузги буғдой экиш

Технологиянинг таърифи: Далаларда пахта хомашёси ҳосилининг тўлиқ йиғиштириб олиниши ниҳоясига етишини кутмай туриб, ўсиб турган ғўза қатор ораларига кузги буғдой тупроққа асосий ишлов бермаган ҳолда экиб чиқилади.



Технологиянинг қисқача баёни: Кузги буғдой етиштиришнинг янги технологиясига эхтиёж пахта ҳосилининг кеч йиғиб олиниши оқибатида кузги буғдойнинг оптимал муддатларда (20-25 октябрдан кеч қолмаган ҳолда) экиш имкониятининг мавжуд эмаслиги туфайли вужудга келди.



Буғдой ғўза қаторлар орасини культивациялаш ва маҳсус борона билан бороналашни кўллаган ҳолда экиб чиқилади. Технологиянинг кейинги амаллари анъанавий технологиядан ҳеч қанча фарқ қилмайди.

Ғўза қатор ораларига буғдой экиш ерни экишга тайёрлашда унга ишлов беришлар сонини минималлаштиради, бу эса табиат учун ҳам, фермер учун ҳам фойдалидир, яъни машинанинг қатор ораларидан ўтишлари сони қисқаради, тупроқнинг зичлашув таҳликаси пасаяди, атмосферага карбонат ангидрид газининг чиқиши камаяди, ЁММга маблағ сарфи ва амортизация харажатлари тежалади.

Мавжуд шароитларда маҳсус сеялка йўклиги туфайли экиш зичлиги нотекис бўлади. экиш тизими самарали роқ бўлиши учун юқори сифатли сеялка зарур.

Ғўза қатор ораларига экишни такомиллаштириш: Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИда КМ-3,6 тупроққа ишлов берувчи мажмуавий агрегат ишлаб чиқилган бўлиб, у бир ўтишда тупроқни юмшатиш, ғўза қатор ораларига экиш, ариқ олиш, ўғит киритиш ва пояларни майдалаш ишларини уйғунлаштирган ҳолда бажаради. Бу ишга жалб қилинган машиналар сонини икки баробарга, ёнилғи ва энергия сарфини 2,35 баробарга қисқартириш, ҳосилдорликни эса 24%га ошириш имконинин беради.

Ҳосилдорликнинг ўсиши шу билан изоҳланадики, буғдой қаторнинг пушта қисмида қўпорувчи ускуна билан юмшатилган тупроққа экиласдики. бу тупроқда уруғларнинг униб чиқиши ва ривожланиши учун оптимал шароит яратилади. Майдаланган масса дала бўйлаб сочиб ташланади. Бу холат органик деҳқончилик тамойилига мос келади, яъни ўсимлик қолдиқларининг тупроққа кайтарилиши юз беради.

Жойлашган ўрни: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани.

Технология қўлланиладиган майдон: 300-500 га.

Аралashiш босқичи: ерлар деградациялашувининг олдини олиш.

Ердан фойдаланишдаги бош муаммолар ва ерлар деградациялашувининг асосий сабаблари: Ўзбекистоннинг пахта экиладиган қўпгина вилоятларида ғўзанинг кеч йиғишириб олиниши кузги буғдойнинг экилишини кечикитиради, бу эса ўсимликларнинг қишига киришларига йўл қўймайди ва кузги буғдойнинг бўлажак хосилдорлигини пасайтириб юборади.	Мазкур технологиянинг асосий техникавий функциялари: Тупроқ юзасининг таркибий тузилиши яхшиланади. органик моддалар ортади.
--	--

Фойдаланилаётган ер типи	Тежамкорлик чора-тадбирлари
Суфориладиганр ҳайдов ерлар Бир йиллик қишлоқ хўжалик экинлариин етишириш	Агрономик чора-тадбирлар Тупроқнинг юзасига ишлов бериш

Атроф-мухит

Табиий муҳит	Антрапоген муҳит
Ўртча йиллик ёғин микдори: 200-350 мм. Вертикал зоналаштириш: денгиз сатҳидан 200-400 м. баландликда. Ландшафт-текислик қиялиги: мўътадил даражадан қиялиқда (0-2% дан 8-16% гача). Тупроқ унумдорлиги: ўрта ҳайдов майдонидаги гумус микдори:	Ер майдони микдори: 30-50 га. Ердан фойдаланувчи: фермерлар Ерга мулкчилик ҳуқуқи: узоқ муддатли ижара. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи: СФУлар ва ирригация тармоғи-бошқарма орқали. Бозорга йўналтирилганлик: давлат буюртмаси.

Баҳолаш

Технологиянинг таъсири	
Асосий афзалликлари:	Асосий камчиликлари:
<ul style="list-style-type: none"> ➤ ғўза илдизига кузги буғдойни экишда оптимал муддатларга риоя қилинади; ➤ ғўзапоянинг майдаланиши ва мульчалаш тупроқда қўшимча органик моддаларнинг ҳосил бўлишини таъминлади; ➤ ишлов беришнинг минималлаштирилиши буғдой етишириш харажатларига бўлган эҳтиёжни қисқартиради. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ энг яхши бошқарув назоратининг ва энг юқори даражали ускуналарнинг зарурлиги; ➤ энг яхши сифатли сеялка зарур; ➤ ғўзанинг қолдиқлари билан бирга мульчалаш буғдой касалликларининг вужудга келиши муаммоларини келтириб чиқариши мумкин.

Технологияни эътироф этиш/қабул қилиш: Технология пахта ҳосилини йиғишириб олиш кечикиб, кузги буғдойнинг оптимал муддатларда экилишига тўсқинлик қилинаётган барча жойларда фермерлар томонидан қўлланиши мумкин. [86]

12.2. Суғориладиган ерларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги

1. Ғаллачиликда No-till технологиясининг иқтисодий самарадорлиги

Сайёрамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўхтовсиз ўсиб, энергия ресурслари қисқариб бораётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик тармоғининг самарадорлигини юксалтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш долзарблиқ касб этади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш тизимидағи ўзгаришлар нафақат унинг миқдорий томонларига тегишли бўлиши, балки фойдалилик, барқарорлик ва экологик хавфсизликни ҳам таъминлаши лозим. Жаҳоннинг донли экинлар етиштириладиган ер майдонлари тахминан 700 млн.га ни ташкил қиласди. Шу жумладан 400 млн.га ерларга ресурстежамкор (минимал ва ноллик) технологиялар бўйича ишлов берилмоқда.

Иқлиминг глобал ўзгаришлари, экин майдонларининг қисқариши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, сув ресурсларининг чекланиши, экологик муаммоларнинг кескинлашуви озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатаётган шароитда ишлаб чиқаришга ресурстежамкор технологиялар жорий этилишининг роли ва аҳамияти Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик тармоқларини интенсив ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббусининг II босқичи доирасида ИКАРДАНИНГ Билимларни Бошқариш лойиҳаси бўйича агроном олим А.Нурбеков томонидан Ўзбекистонда майдони 600 га бўлган лалми ерларда ва майдони 100 га бўлган суғориладиган ерларда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.



Тадқиқот натижаларига кўра суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштиришда ресурстежамкор технологияларни иқтисодий самарадор-лигини баҳолаш амалга оширилди.

Технологияларни иқтисодий баҳолаш қуйидаги изчилликда бажарилган:

- технологияларни иқтисодий баҳолаш обьектлари аниқланган;
- бажариладиган ҳисоблашларнинг мақсади ва вазифалари белгиланган;
- ҳисоб-китоблар бажариладиган субъект сифатида аниқ хўжалик танлаб олинган;
- фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш-иктисодий кўрсаткичлари аниқланган;
- қишлоқ хўжалик ерларининг майдони, ҳайдов ерлар майдони, қишлоқ хўжалик экинлари экилган майдон, ҳосилдорлик, моддий ресурслар (урӯғлик, ўғитлар, пестицидлар)нинг мавжудлиги ва харажатлари, маҳсулотни сотиш ва ресурсларни сотиб олиш нархлари аниқланган;
- мавжуд ва янги (жорий этиш кўзда тутилган) технологияларнинг техник-иктисодий параметрларининг қиёсий тавсифлари таҳлил қилинган;
- механизациялаштирилган ишлар ҳажмини кўрсатган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва йиғиб олишнинг технологик хариталари тузилган;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи, жумладан эксплуатация харажатлари ҳисоблаб чиқилган;
- иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари: янги ва базавий варианtlар бўйича асосий ва қўшимча кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилган ва танланган кўрсаткичлар бўйича энг самарали варианtlар аниқланган.

Ўсимлиқчиликда ресурстежамкор технологияларни жорий қилишнинг асосий вазифаси маҳсулот ишлаб чиқаришнинг меҳнат ва қиймат харажатларини пасайтириш, ишчи кучи сарфини камайтириш, меҳнат шароитини яхшилаш, технологияларни янгилаш, жисмоний ва маънавий эскирган техникани алмаштиришdir.

Янги технологиялар жорий этилгандан сўнг улардан қишлоқ хўжалигига фойдаланишининг амалдаги кўрсаткичлари бўйича иқтисодий баҳолаш амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар натижалари асосида кузги буғдой етиштиришнинг ресурстежамкор (минимал ва ноллик) технологияларини жорий этишдан амалда олинган самара Қашқадарё вилояти Камаши туманидаги “Анвар Жабборов” фермер хўжалигининг маълумотлари мисолида аниқланди.

Самарадорликни ҳисоблаш учун дастлабки ҳисоб харажатлари ва меъёрий технологик хариталар маълумотларидан фойдаланилди.

Қиёслаш учун база сифатида донли экинларни етиштиришда ҳайдашга асосланган анъанавий технология қабул қилинди. Минимал ва ноллик технология ўзаро таққосланди. Минимал технологияда ҳайдаш ўрнига тупроққа юзаки ишлов бериш усули қўлланилди. Бу дастлабки технологик операцияларни қисқартириш, тупроқнинг талаб қилинган ҳолатини сақлаш, тупроқ фаунасини ривожлантириш, гумус микдорини кўпайтириш ва тупроқни эрозиядан ҳимоялаш имконини беради. Ноллик технологияда донли экин уруғлари ишлов берилмаган ёки салгина (экиш чукурлигига қадар) юмшатилган тупроққа маҳсус сеялка ёрдамида экиласди. Бу комбинациялашган агрегатларни қўллашда технологик операцияларни уйғунлаштириши туфайли тупроққа механик таъсир ўтказишни ва унинг зичлашувини камайтиради. Бунда донли экинларни етиштиришга сарфланадиган энергетик, моддий, меҳнат харажатлари қисқаради. Тупроққа минимал ва ноллик ишлов бериш технологиялари кузги буғдойдан олдин экилган экинлар (бир йиллик, кўп йиллик ўтлар, камдан-кам ҳолларда донли экинлар)га нисбатан қўлланилди. Кузги буғдойни етиштириш технологияларининг вариантларида тупроққа асосий ҳамда экишдан олдинги ишлов бериш ва экишнинг турли усуллари кўзда тутилган. Экинларни парвариш қилиш, кимёлаштириш, донни ва ҳосилнинг дондан ташқари қисмларини йиғиб олиш ҳамда ниҳоясига етказиш ишлари барча технологиялар учун бир хил бўлиб қолаверади.

Тупроққа минимал ишлов беришга қўйилган агротехник талаблар уни турли тупроқ-икклим шароитларида сифатли ўтказилишини таъминловчи машина ва ускуналарнинг яратилишини тақозо этади. Ушбу тадқиқотда ҳисоблашлар тадқиқ этилаётган туманда агротехника тадбирлари бўйича механизациялаштирилган хизматларни бажариб берувчи машина-трактор паркининг машина-технологик мажмуаларидан фойдаланишини инобатга олган ҳолда бажарилди. Бунинг учун ARION-630C, TTZ LS 100 NC, TTZ LS PLUS 100 тракторлари, Claas Dominator 130 дон ўриш комбайнни ва тегишли қишлоқ хўжалик машиналари тўпламидан фойдаланилди, улар зарур ҳажмдаги механизациялаштирилган ишларнинг бажарилишини тўлиқ таъминлаб беради.

Фермер хўжалигига кузги буғдой етиштиришнинг технологик операциялари, агрегатлар худудий хусусиятларни, шунингдек дон етиштириш ва йиғишириб олиш усулларини, бир турдаги ишларни бажаришда уларни унификациялаш, унумдорликни ошириш, йиғиширувчи машиналарнинг тупроққа зарарли таъсирини пасайтириш ҳамда 2011-2016 йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мажмуавий механизациялаштириш учун машина ва технологиялар тизими асосида уларнинг техникавий даражасини юксалтиришни ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилган. Эксплуатация харажатлари технологик жараёнлар асосий машиналар ёрдамида бажарилишини мўлжаллаб ҳисоблаб чиқилган. Бажариладиган технологик операциялар рўйхати, агрегатлар ва эксплуатация харажатларининг таркиби 12.1-жадвалда келтирилган.

12.1-жадвал

Кузги буғдой етиштиришнинг эксплуатация харажатлари (1 га майдонга хисобланган)

Иш тури		Технологиялар					
		Анъанавий		Минимал		Ноллик	
		сўм	%	сўм	%	сўм	%
1	Тупроққа асосий ишлов бериш	161868,0	38,2	35948,0	12,1	-	-
2	Экишдан олдинги ишлар ва экиш	30679	7,2	30679	10,3	30679	14,0
3	Экинларни парваришилаш	72278,3	17,1	72278,3	24,3	30217	13,8
4	Хосилни йиғиштириб олиш	158807,27	37,5	158807,27	53,3	158807,2	72,3
Жами харажатлар		423632,5	100	297712,5	100	219703,5	100
5	Ёнилғи-мойлаш материаллари	265406,4		191682,4		141128,8	
Жами эксплуатация харажатлари		689038,9		489394,9		360832,3	

Донли экинларни етиштиришдаги технологик операцияларни, ресурс ва меҳнат харажатларини акс эттирувчи асосий ҳужжат меъёрий-технологик хариталар хисобланади. Улар асосида эксплуатация харажатлари хисоблаб чиқилади.

Мазкур харажатлар донли экинларни етиштириш таннархининг мажмуавий моддаси бўлиб, харажатлар таркибида 30-40 фоизни ташкил қиласди. Энг кам харажатли технология ноллик технологиядир. Ушбу вариант хорижий техникадан фойдаланишни тақозо этади. Тупроққа минимал ишлов бериш мамлакатимизда яратилган техникадан фойдаланишни кўзда тутади. Мазкур вариантда тупроқни ағдариб ҳайдаш қўлланилмайди. У харажатлар жиҳатидан тежамлирок, аммо ушбу кўрсаткичлар бўйича ноллик технологияга ютқазади. 12.1-жадвал маълумотларига кўра кузги буғдойни етиштириш ва йиғиштириб олишнинг ерни ағдариб ҳайдашга асосланган анъанавий технологияда эксплуатация харажатлари энг юқори бўлгани ҳолда 1 га экин майдонига 423632,5 минг сўмни ташкил қиласди.

Ағдармай ҳайдашни қўллаш харажатларни камайтиради. Ушбу технологияни қўллашда харажатлар 297712 сўмга teng. Энг кам харажатлар ноллик ишлов бериш технологиясининг ҳиссасига тўғри келади, яъни 219703 минг сўмни ташкил қиласди. Бунга тупроққа ишлов бериш операцияларини кисқартириш ҳисобидан эришилган. Ресурс сарфлари фермер хўжалигининг амалдаги кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Тадқиқ этилаётган технологиялар бўйича кузги буғдойни етиштиришда уруғлар, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоялаш воситаларига кетган моддий харажатлар 12.2-жадвалда акс эттирилган.

Кузги буғдой етиштиришда 50-60 центнер дон олиш учун 180-220 кг азотли, 100-110 кг фосфорли ва 60-70 кг калийли ўғитлар ишлатилади. Суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда ўсимликларни бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган самарали воситалардан бири 75 фоизли “Гранстар” гербициди бўлиб, 1 га экин майдонига 10 дан 20 граммгача гербицид ишлатилади.

12.2-жадвал

Кузги буғдой етиштиришда 1 га ер учун уруғлар, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоялаш воситалари харажатлари

№	Моддий ресурслар	Технологиялар бўйича ресурслар ҳажми			Ресурс бир-лиги	Технологиялар бўйича харажатлар		
		Анъана-вий	Мини-мал	Нол-лик		Анъана-вий	Мини-мал	Нол-лик
Уруғлар								
1.	Уруғлар, кг	225	225	225	1101,1	247747	247747	247747
Минерал ўғитлар								
1.	Азотли (физик массаси, кг)	180	180	180	1599,9	287982	287982	287982
2.	Фосфорли (физик массаси, кг)	100	100	100	2299,9	229990	229990	229990
3.	Калийли (физик массаси,кг)	60	60	60	1400	84000	84000	84000
Жами						601972	601972	601972
Ўсимликларни ҳимоя қилиши воситалари								
Бегона ўтлардан ҳимоялаш								
	Гербицид	0,022	0,022	0,022	420000	9240	9240	9240
Касалликлардан ҳимоялаш								
	Фунгицид	0,5	0,5	0,5	105000	52500	52500	52500
Заарарқунандалардан ҳимоялаш								
	Инсектицид	0,5	0,5	0,5	33000	16500	16500	16500
Жами						78240	78240	78240

Буғдойни касалликлардан ҳимоялаш учун 0,4-0,6 литр “Рекс Дуо” фунгицидидан фойдаланилади. Ўсимликларни заарарқунандалардан муҳофаза қилиш учун 0,45-0,5 литр “Далате” инсектициди қўлланилади.

Бошқа харажатларга ёрдамчи материаллар: майда инвентар, идишлар, ўраш материаллари, шунингдек ер солиги, кредит тўловлари ва бошқалар киритилади улар барча бевосита харажатларнинг 5 фоизгача бўлган миқдорда қабул қилинади. Биз ҳисоб-китобларда бошқа харажатларни бевосита харажатларнинг 2 фоизи ҳисобида олдиқ.

Технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари 12.3-жадвалда келтирилган. Минимал ва ноллик технологиялар бўйича кузги буғдойни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ресурстежамкор технологияларни қўллаш анъанавий технологиясига нисбатан фойдалироқ эканлигидан далолат беради. Технологиялар самарадорлигини иқтисодий баҳолаш учун кузги буғдой етиштиришнинг тўла таннархи ва олинган фойда ҳисоблаб чиқилди. Таннархдаги тафовутлар фақатгина тупроққа ишлов бериш харажатларидағи ўзгаришлар билан шартланган, уруғлик, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишга кетган харажатлар барча

технологиялар учун бир хил деб олинди. Асосий иқтисодий кўрсаткич бўлган фойданинг ўсиши минимал технологияда қўйидагича:

$$ИС_М = \Phi_М - \Phi_a = 1501771,7 - 566102,9 = 935\ 668,8 \text{ сўм}$$

ноллик технологияда:

$$ИС_Н = \Phi_Н - \Phi_a = 1707928,7 - 566102,9 = 1\ 141\ 825,8 \text{ сўм}$$

бунда: $ИС_М$ ва $ИС_Н$ – минимал ва ноллик технология шароитида олинган иқтисодий самара, сўм;

Φ_a , $\Phi_М$, $\Phi_Н$ - мос равишда анъанавий, минимал ва ноллик технологияда олинган фойда, сўм.

Фойданинг ўсиши бўйича маълумотлар шуни кўрсатдик, фермер хўжалигида кузги буғдойни етиштиришнинг ноллик ва минимал технологияларини қўллаш иқтисодий жиҳатдан самаралидир (12.3-жадвал). Кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги анъанавий технологияга нисбатан мос ҳолда 18,1 ва 16,4 ц га юқори, ноллик ва минимал технологияда доннинг таннархи мос ҳолда 139003 ва 114097 сўмга паст. Келтирилган ҳисоблаш натижаларига кўра қўйидаги хulosаларга келиш мумкин. Суғориладиган ерларда буғдойнинг ҳосилдорлиги 49,2 ц/га бўлгани ҳолда рентабеллик 34,8 фоизни, 37 ц/га бўлганда эса рентабеллик 1,8 фоизни ташкил қилган.

Шундан келиб чиқсан ҳолда анъанавий технология қўлланилганда ҳосилдорлиги 36 ц/га дан юқорироқ бўлган буғдойни етиштириш тавсия этилади. Буғдой етиштиришда тупроққа минимал ишлов беришдан фойдаланилганда ҳосилдорлик 65,4 ц/га ни, рентабеллик эса 105,5 фоизни ташкил этган.

12.3-жадвал

1гектар ер майдонида кузги буғдой етиштириш технологияларини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Технологиялар		
			анъана- вий	мини- мал	ноллик
1	Ҳосилдорлик	ц/га	49,0	65,4	67,1
2	Ишлаб чиқариш ҳажми	т	4,9	6,5	6,7
Ишлаб чиқариш харажатлари					
3	Урур	сўм	247747,5	247747,5	247747,5
4	Минерал ўғитлар	сўм	601972,0	601972,0	601972,0
5	Ўсимликларни химоя килиш воситалари	сўм	78240,0	78240,0	78240,0
6	Эксплуатация харажатлар	сўм	423632,5	297712,5	219703,5
7	Ёқилги харажатлари	сўм	265406,4	191682,4	141128,8
8	Бошқа харажатлар	сўм	8472,7	5954,3	4394,1
9	Жами харажатлар	сўм	1625471,1	1423308,7	1293185,9
10	Махсулот таннархи	сўм	331728,8	217631,3	192725,2
11	Реализация нархи	сўм/т	447260,0	447260,0	447260,0
12	Махсулот қиймати	сўм	2191574,0	2925080,4	3001114,6

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Технологиялар		
			анъана- вий	мини- мал	ноллик
13	Фойда	сўм	566102,9	1501771,7	1707928,7
14	Иқтисодий самара	сўм		935668,8	1141825,8
15	Рентабеллик	%	34,8	105,5	132,1
Кўшимча кўрсаткичлар					
16	1га учун меҳнат сарфи	киши/соат	1,07	1,04	0,98
	1га учун меҳнат харажатлари	сўм	17815	17197	16243
17	1 ц учун меҳнат сарфи	киши/соат	0,021	0,015	0,014
18	Меҳнат унумдорлиги	сўм/ (киши/соат)	123	170	184
19	Меҳнат сифими	сўм/ (киши/соат)	0,22	0,16	0,15
20	Ёқилги сарфи	л/га	126,0	91,0	67,0
21	Қоплаш муддати	йил			3,6

Буғдой етишириш бўйича тупроқка ноллик ишлов бериш қўлланилганда ҳосилдорлик 67,1 ц/га, рентабеллик 132,1 фоизга teng бўлди. Ноллик технология қўлланилганда харажатлар анъанавий технологиядан фойдаланишга нисбатан 26,7 фоизга, минимал технологиядан фойдаланишга нисбатан эса 10,5 фоизга кам бўлган.

Кўшимча кўрсаткичларни ўз ичига олувчи иқтисодий баҳолаш натижалари минимал ва ноллик технологияларнинг меҳнат харажатлари ва ёнилғи харажатлари жиҳатидан ҳам афзаллигини кўрсатиб турибди. Ноллик технологияда 1 га майдонга меҳнат харажатлари анъанавий технологияга нисбатан камроқ бўлиб, минимал технологияда 1,04 киши/соатни ва ноллик технологияда 0,98 киши/соатни ташкил қиласди. Анъанавий технологияда ушбу кўрсаткич 1,07 киши/соатга тенг.

Ноллик технологияда 1т. маҳсулот олиш учун меҳнат харажатлари анъанавий технологияга нисбатан камроқдир, яъни анъанавий технологияда у 0,21 киши/соатни, минимал технологияда 0,5 киши/соатни, ноллик технологияда эса 0,4 киши/соатни ташкил қиласди.

Ёнилғи сарфи минимал технологияда 91 л/га, ноллик технологияда эса 67 л/га ташкил қилгани ҳолда анъанавий технологиядаги 126 л/га кўрсаткичдан мос ҳолда 1,5 ва 1,9 баробарга камдир.

Ноллик технологияда 59,4 литр дизель ёнилғиси тежалгани ҳисобидан 124277,6 сўм, минимал технологияда 35,0 литр ёнилғини тежаш натижасида 73724 сўм фойда олинган. Ноллик технология юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг энергия сифими пастлиги билан тавсифланади. Кузги буғдой етиширишнинг ноллик технологиясида меҳнат унумдорлиги анъанавий технологиянига нисбатан 1,5 баробар юқори, меҳнат сифими эса 2,3 баробар пастдир. Тупроқка ноллик ишлов беришда хорижий техникадан, яъни FANKHAUSER 2155 (Бразилия) сеялкасидан фойдаланилди. Унинг қиймати 28000\$ бўлиб, АҚШ долларининг 2014 йил декабрдаги курси бўйича 67564000 сўмни ташкил этди. Тадқиқотлар фермер хўжалигининг 100 гектарлик ер майдонида ўтказилди. Сотиб олинган техника 3,6 йилда қопланади. Бундан ташқари ундан бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, масалан пахта, мош, буғдой ва бошқа экинларни экишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Алоҳида машиналарнинг қўлланишини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш “эксплуатация харажатларининг пасайиши” кўрсаткичи бўйича амалга оширилади, уларнинг қопланиш муддати

машиналарнинг баланс қийматидан, механизациялаштирилган ишларни бажаришдаги эксплуатация харажатларининг ва амортизация ажратмалари суммасининг илгари қўлланилган машиналарга нисбатан пасайиш миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

$$KM_M = \frac{B_M}{\Delta X_{EKC} + X_{amor}};$$

$$KM_M = \frac{74320400}{20881253,4} = 3,6 \text{ йил}$$

бунда: M_M – машиналарнинг қопланиш муддати, йил;

B_KM – машиналарнинг баланс қиймати, сўм;

ΔX_{EKC} – механизациялаштирилган ишларни бажаришга кетган эксплуатация харажатларининг пасайиш суммаси, сўм/йил;

X_{amor} – амортизация ажратмалари, сўм/йил.

Ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, ресурстежамкор технологияларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича минимал ва ноллик технологиялар муайян афзалликларга эга.

Тупроқни ҳимоялашга қаратилган минимал ва ноллик технологиялардан фойдаланиш ушбу худуд шароитларида самарали бўлиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурслардан фойдаланишни мақбуллаштириш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва экинларни диверсификациялаш имконини беради. [79]

2. Пахтачиликда ноллик технологияни қўллаш самарадорлиги

Бутун мамлакат миқёсида ноллик технологиянинг жорий этилиши озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида миллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг позицияларини мустаҳкамлаб, рақобатбар-дошлигини оширишга ёрдам беради.



Ноллик технологиянинг жорий этилиши агроэкотизимнинг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатади ҳамда анъанавий ҳосил этиштиришда атмосферага чиқадиган заҳарли газнинг камайишига олиб келади.

1. Бутун дунёда ғалланинг таннархига нисбатан ёнилғи нархи тез суръатларда ошиб бормоқда – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эса ёнилғи муҳим омил ҳисобланади, чунки ерга ишлов беришда турли техника воситаларидан унумли фойдаланиш жуда муҳим аҳамияти эга. Техникага эса айни мавсум пайтида танқис бўлиб қоладиган ёнилғи зарур. Ёнилғига талаб юқорилиги ҳамда унинг танқислиги нарх кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг ҳам кескин суратларда ошишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёнилғи нархи билан боғлиқ масала энг муҳим чекловчи омил сифатида сақланиб қолмоқда.

2. Ҳар доим ҳам сув фермерларга етгулик эмас, бу муаммони ҳал этиш бир неча омилларга боғлиқ:

- **иқлим** – иқлиминг глобал ўзгаришлари оқибатида қурғоқчилик тобора кўп тақрорланмоқда;
- **инфратузилма** – сув шохобчалари, яъни ирригация тизимининг аҳволи қониқарли даражада эмас, оқибатда деярли 50% сув буғланиб, беҳуда исроф бўлмоқда.
- **бошқарув тизими** – сувдан фойдаланувчи ва бошқа масъул ташкилотларнинг ҳамкорликдаги оқилона бошқарувини йўлга қўйиб, сув ресурсларидан унумли фойдаланишининг самардорлигини оширишга эришиш мумкин.

3. Ҳосил этиштириш давомида мўл ҳосил олишда фойдали бўлган озуқаларни тупроққа бериш ўрнига унга зиён етказамиз. 1 гектар ҳосилдор қатлам ҳар йили 1 тонна гумус – чириндини талаб қиласди. Бу йўқотиш ўрнини тўлдириш учун камида 10 тонна гўнг (1 тонна гўнг шароитга қараб 50-60 кг озуқани ташкил этади) билан озиқлантириш зарур бўлади. Тупроқ ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш учун 1 гектар ерга талаб этилган 10 тоннадан кўпроқ гўнг етказиб бериш зарур бўлади. Афсуски, фермерларимиз бу рақамни 1 гектар ерга 4-5 тоннадан ошира олмайди.

Шундай килиб, ҳар бир фермер:

- олаётган ҳосилни этиштиришда қандай қилиб имкон қадар камроқ ёнилғи сарфлаш;
- юқори ҳосил олиш учун ажратилаётган сувнинг исроф бўлишига йўл қўймасдан, ундан оқилона фойдаланиш;
- узоқ йиллар давомида бир хил юқори ҳосил олиб туриш учун тупроқ ҳолатини қай тариқа яхшилаш борасида бош қотиришлари зарур.

Муаммонинг ечими мавжуд ва бундай ечим бутун дунёда кенг тарғиб қилинмоқда. Бу усул – тупроқ ҳолатини ҳимоялашга қаратилган технологияга ўтиш усули.



12.2-расм. Қорақалпоғистон дехқонлари тўғридан тўғри экиш усуллари билан танишмокда

Сўнгги 20 йил давомида дунё бўйича ҳайдаладиган ернинг 10 фоизи ёки 125 000 000 гектар (2012 йил ҳолатга кўра) ерда шу амалиёт қўлланилди ва бу рақам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Тупроқ ҳолатини ҳимоялаш усули нима дегани? У бир неча омилларни ўз ичига қамраб олади:

1. Тупроққа имкон қадар камроқ зарар етказиши – бундай усулда тупроққа камроқ техник ишлов бериш, ерни техникада ҳайдамасдан экин экиш назарда тутилади. Ер ҳайдалмайди, сихмола қилинмайди. Фермер экинни ҳайдалмаган ерга экади. Буларнинг бари шу пайтга қадар узоқ вақтдан бўён синовдан ўтиб, самардорлигига бутун дунёда катта ишонч ҳосил қилинган маҳсус сеялка ёрдамида амалга оширилади.

Одатда амалда техника ёрдамида бажариладиган 4-5 амалиёт ўрнига, атиги биттаси бажарилади. Ёнилғини сарфлаш борасидаги тафовут қуйидагicha:



12.3- расм. Ёзга етиштириладиган майдоннинг 1 га ерга сарфланадиган ёнилғи харажати (литр хисобида)

Ёнилғини тежаб қолиш қолиши ҳисобига қанча фойда кўриш мумкинлигини бутун мамлакат миқёсида ҳайдаладиган ернинг кўламидан келиб чиқиб ҳисоблаш мумкин. Бироқ оддийгина чамалаб кўрилганда ҳам самарадорликнинг ниҳоятда катта бўлиши кундек равшан.

2. Тупроқнинг табиий қатламини асраб қолиши – бошқача айтганда, ернинг уст қисмини ҳеч қачон “ялонғоч” қолдирмаслик зарур. Агар ҳосилни йиғишириб олган бўлсангиз, ўрнида ернинг уст қисмида майдаланган пояларни қолдириш мумкин. Буни ҳар қандай жойдан топиш мумкин бўлган КИР-1,5 га ўхашаш оддий агрегатлар ёрдамида амалга оширса бўлади. Олдинги ҳосилнинг пояларини майдаланган ёки ўз ҳолатида экин майдонида қолдириб, иккинчи экинни экиш керак.

Фермер тупроқнинг табиий қатламини асраб қолиб, учта муҳим мақсадга эришади:

- ✓ ҳосил учун зарур бўлган тупроқнинг намлиқ ҳолатини сақлаб қолади;
- ✓ экин қолдикларининг чириш жараённида жуда муҳим ҳисобланган микроорганизмлар ҳаёти учун шароит яратиб беради;
- ✓ майдаланган поя ва иккинчи экиндан ҳосил бўладиган чиринди қатлами билан тупроқни озиқлантиради.

12.4-жадвал

2011 йилда ёзга етиштиришда анаъанавий ҳамда тупроқ ҳолатини ҳимоялаш усулида сарфланган харажатлар

Тадбир номи	Ёнилғи сарфи		Материаллар сарфи		Сарфланадиган меҳнат	Анаъана-вий усульда ҳосил олишга кетадиган барча харажатлар	Техника-дан ишлов бермасдан экин экиш усулдага барча харажатлар
	литр	сўм	кг	сўм			
Шудгорлаш	30	48000	-	-	80000	128000	-
Сихмола босиш	15	24000	-	-	15000	39000	-
Ургу экиш	8	12800	30	36000	10000	58800	58800
Ерни ўйтлаш			600	210000	-	210000	210000
Эгат ораларига ишлов бериш	40	6400	-	-	75000	81400	-
Ўтоқ қилиш	-	-	-	-	60000	60000	60000
Сугориш	-	-	-	-	60000	60000	60000
Жами		91200		246000	300000	637200	388800

Майдаланган пояларнинг тупроқ намлигини сақлаб қолишга қандай таъсир қўрсатишининг ёрқин манзараси қўйидагича:

Чиринди пояларнинг тупроқ ҳосилдорлигини ошишига таъсирини қисқача урғулаб ўтиш мумкин, қанчалик мантиққа зид туюлмасин, 1 тонна гүнгга нисбатан (50-90 кг) 1 тонни поя чириндиси кўпроқ (175 кг) озука ҳосил қиласди. [72]



3. Азот ўғитини беришда инновацион технологияларни самарадорлиги

Озиқ-овкат хавфсизлиги масаласи мамлакатимизда такрор ва такрор кун тартибига қўйилмоқда. Кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун биз қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширишимиз зарур. Бироқ бу талаб ерларимизнинг ҳосилдорлиги камайиб бораётган бир пайтга тўғри келмоқда. Бошқача айтганда, фермерлар объектив факторларни, яъни, ернинг сифати, сув микдори ва ҳоказоларни назардан қочирмаган ҳолда, янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши лозим. Қишлоқ хўжалигида азотнинг ишлатилиши ва унинг ҳосилга таъсири, энг муҳими, кўпроқ ҳосил олиш учун азотни бериш меъёрига амал қилиниши лозим.

Ҳар бир фермерга маълумки, ғўза, кузги буғдой, маккажӯхори ва бошқа маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехник тадбирлар комплекси орасида энг олдингти ўринларда минерал, айникса, азот ўғитини ишлатиш туради. Азот қишлоқ хўжалигида кам ҳосилли тупроқли ҳудудларда маданий ўсимликларни озиқлантиришда жуда муҳим ўрин тутади. Тупроқ ҳолати, иқлим шароити ва агротехник усулларига қараб азот ўғити ҳосилнинг 50% ва ундан юқорисини таъминлаб беради. Айнан мана шунинг учун ҳамма қатори фермерлар ҳам қишлоқ хўжалиги экинининг яхши ўсиши учун кўпроқ азот ўғитидан фойдаланишади. Бироқ, ҳар бир ўсимлик ўзига керакли бўлган микдордаги азот ўғитини қабул қиласди. Шу ўринда савол туғилади - оддий бир фермер ҳар бир экинга, мавсумга қараб қанча микдорда азот зарур бўлишини қаердан билсин?

Бу савол бир қанча сабабларга кўра жуда муҳим ҳисобланади. Биринчидан, азот ўғитининг баҳоси анча қиммат. Агар фермер азот ўғитидан нотўғри фойдаланса, ўсимлик эса фақат ўзига керакли бўлганини олса, қолгани ё ҳавода парланиб ёки сув билан ювилиб кетади.

“КРАСС” ННТнинг ҳисоботларига кўра Ўзбекистон далаларида азотдан нотўғри фойдаланиш туфайли йилига 36 миллион АҚШ доллари қийматидаги ўғит ҳавога буғланиб кетади. Оддийгина мисол келтирамиз. Фермерлар одатда ўғитни сугориш пайтида беришади. Бу эса ўғитнинг 40% ўсимликка етиб бормасдан, сув билан ювилиб кетишига олиб келади.

Иккинчидан, агар фермер азот ўғитини ерга нотўғри қўлласа, ўсимликни керакли микдордаги ўғит билан таъминлай олмаса, бу ўз навбатида ҳосилга таъсир қиласди. Дарҳақиқат, азот ҳаддан ташқари кўп берилганда ўсимликнинг етилиш даври кечикади, қуруқ пояси ривожланиб, буғдой ёки қулупнай, илдизмевали, зигир ўсимликларида ҳосил камайиб кетади, азотнинг кўплиги поянинг ётиб қолишига олиб келади. Нитратлар (азот кислотаси тузи) тупроқда осон ҳаракатланади, илдиз атрофидаги тупроқ қатламига қўшилиб дренаж сувлари билан бирга осонгина ювилиб кетиши мумкин. Учинчидан эса, азот – жуда учувчан модда ва у осонгина кислород билан реакцияга киришади. Кислородга қўшилиб, азот бутун планетанинг иқлимига салбий таъсир этадиган заҳарли

газга айланади. Азотнинг заҳарли ҳидининг иқлим тизимиға таъсири оддий карбонат ангедридига оид газнидан 298 борабар юқори.

Азот ўғитидан тўғри фойдаланишнинг фермер учун ҳам, мамлакат ҳамда жамики глобал жамият учун бирдек мухим аҳамиятга эгалигининг сабаблари мана шулардир.

Ҳозирги вақтда азот ўғитини бериш муддати ва тавсия этилаётган миқдори борасида умумий тасаввур мавжуд бўлиб, камдан-кам ҳолатлардагина тупроқ ҳолати ва қишлоқ хўжалиги экинининг ўзига хослиги, мавжуд иқлим шароити инобатга олинади. Ер таркибидаги азот ўғитининг миқдори тупроқ ҳолати ва экологик факторлардан келиб чиқиб турли даражада ўзгариши мумкин. Шундай бўлсада, фермер ўсимликнинг азотга бўлган талабини тўғри аниқлаш ва мўл-кўл ҳамда сифатли ҳосил олиш учун берилаётган ўғит миқдорига қай даражада ўзгартиришлар киритишга қийналади.

Тупроқ ва экиннинг азотга бўлган талаб миқдорини аниқлашнинг анъанавий усулларида намуналар олишга ва кимёвий таҳлиллар учун катта меҳнат ҳамда сарф-харажат талаб қиласди. Шунинг учун амалиётда азот ўғити бериш пайтида парваришланаётган экин талабидан келиб чиқилмайди, оқибатда бу экиннинг ўсиш даврида тупроқдаги азотнинг миқдори ё кўп, ё кам бўлиб колишига олиб келади. Шунинг учун ўсимликлар диагностикаси бўйича таклиф этилаётган метод экинга биологик талабидан келиб чиқиб азот ўғити бериш бу борадаги муқобил усуллардан бири хисобланади.

Азот ўғитидан тўғри фойдаланиш оқибатида мўл ҳосил олиб, ҳавога кераксиз заҳарли газларнинг чиқишига йўл қўймасдан, ўсимликларга зарур бўлган ўғитнигина сотиб олиб, фермерларнинг маблағини тежашга қаратилган қатор муқобил усуллар мавжуд.

Дунёning кўпгина мамлакатларида азот ўғитини беришда рангли диаграмма, хлоромиллметр, оптик сенсорли прибор ва бошқа шу каби кўпгина ускуналардан унумли фойдаланиб келишади. Бу ускуналар қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиш даврида тупроқнинг азотга бўлган талабини ўлчаб беради ва экин учун зарур бўлган азот ўғити миқдорини аниқлашга хизмат қиласди. Бу эса ўз навбатида, берилаётган азот ўғитининг самарадорлигини оширади, ортиқча сарф харажатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида азот ўғитидан фойдаланиш оқибатида экологияга етказиладиган таъсир зарарини камайтиради.



12.4-расм. Хрофиллметр SPAD-502



12.5-расм. GreenSeeker ускунаси

Инновация тавсифи. Оптик сенсорли GreenSeeker ускунаси датчик (қабул қилувчи ва узатувчи қурилма), чўнтақ компьютери, аккумулятор ва дастакдан иборат; шунга қарамай у жуда ихчам ва оғирлиги тахминан 6 кг.ни ташкил этади. Ўлчаш пайти уни бир киши бемалол бошқара олиши мумкин. GreenSeeker инфрақизил нур жўнатиб, экиннинг яшил баргини ўлчовдан ўтказади, кейин сенсор (экран) ўсимликдан қайтган нурни қабул қиласи ва мониторда кўринган кўрсатгич (озикланиш даражаси) текширувдан ўтказилаётган экиннинг азотга бўлган талабини аниқлаб беради. Ушбу ускуна ёрдамида экиннинг маълум бир даврдаги тупроқ ости биомассасини ҳам аниқлаш мумкин бўлади, бу эса келгусида кузги экиндан тахминан қанча ҳосил олиш мумкинлигини чамалаб беради. Хоразмдаги тажриба майдонларида олиб борилган тажрибалар натижасида тупроқ ости биомасса ва кузги экиндан олинадиган ҳосилнинг бир-бирига боғлиқлиги жуда юқори (90%) эканлиги аниқланди.

Инновациянинг афзаллик/фойдалари томонлари. GreenSeeker оптик сенсорли ускунанинг энг муҳим жиҳати шундаки, унинг ёрдамида экиннинг азотга бўлган талабини аниқлаш ҳамда берилаётган азот ўғити миқдорига ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади. Умуман олганда GreenSeekerнинг афзаллик жиҳатлари қўйидагилар:

- қўллашга қўлай ва оддий эканлиги;
- экиннинг азотга бўлган талабини дала шароитида юқори даражадаги аниқлик билан қисқа фурсатда ўлчаб бера олади.

Инновациянинг иқтисодий самарадорлиги. Моделларига караб бир дона оптик сенсорли GreenSeeker ускунасининг нархи 2500 дан 7000 АҚШ доллари гача фарқланади. GreenSeekerдан фойдаланиб азот ўғит исроф қилинишининг олди олиниб, харажатлар тежаб қолинади (12,5-жадвал), жумладан, GreenSeeker ёрдамида кузги экиннинг азотга бўлгани талабини аниқлаб ва бундан келиб чиқиб бериладиган азот ўғитининг миқдори (мисол учун аммиак селитраси)ни 50 кг.гача қисқартириш мумкин, бунда эса фермер 14 минг сўм тежаб қолади. 100 гектарлик кузги экиндан тежаб қолинган сумма 2,8 млн.сўм (ёки 1800 АҚШ доллари)ни ташкил этади. [71]

12.5-Жадвал

GreenSeekerдан фойдаланиб азот ўғитидан тежаб қолинган харажатлар

Ер май-дени	% тежалиши,	Пахта				Кузги экин			
		Азот	Аммиак селитраси (34,5%N)			Азот	Аммиак селитраси (34,5% N)		
			тонна	тонна	Минг сўм		тонна	тонна	Минг сўм
1	1	0,002	0,006	1,6	1	0,002	0,005	1,4	0,9
	5	0,01	0,029	7,9	5	0,009	0,026	7,1	4,5
	10	0,02	0,06	15,8	9,9	0,02	0,05	14,2	8,9
100	1	0,2	0,6	158,1	99,1	0,2	0,5	142,3	89,2
	5	1	2,9	790,3	495,5	0,9	2,6	711,3	445,9
	10	2	5,8	1580,6	991	1,8	5,2	1422,6	891,9

* Хисоб-китоб қилинган пайт – 29.06.2010 йил ҳолатига кўра АҚШ долларининг сўмга нисбатан расмий курси 1595 сўм (ЎзР МБ) ни ташкил килди;

* Азот ўғити сифатида аммиак селитрасидан фойдаланилганда (272,6 минг сўм);

* Тавсия этилаётган норма пахта кўчати учун гектарига 200 кг., кузги экин учун – 180 кг

3. Шўрланган ерларда тупроқ унумдорлигини ошириш, уни органик моддага бойитиши агротехнологияси

Манзил: Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, Боёвут-3 массиви “Бозорбой Сувонов” фермер хўжалиги ва Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, М.Холиков массиви “Хусниддин Жўра бобо набираси” фермер хўжалиги.

Технологияни моҳияти: Асосий “ѓўза-кузги буғдой” экинлари тизимида уларни навбатлаб алмаштириш борасида такрорий ва оралиқ экинлар экиш ва бунда органик ўғитлар-турли хилдаги гўнг, органоминерал ўғитлар, ўсимлик қолдиқлари асосида тайёрланадиган компостлар қўллаш орқали тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш.

Технологияни қисқача тавсифи: Республикаизнинг сугориладиган деҳқончилик шароитида мавжуд бўлган деҳқончилик амалиёти тизимида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда алмашлаб экишни етарлича ҳисобга олмаслик, органик ўғитлар қўллашни етарли меъёр ва миқдорда олиб бормаслик тупроқлар унумдорлигини пасайишига сабаб бўлади. Бунинг асосий натижаси эса, тупроқда гумус миқдорини камайишида, унинг сифат таркибини ёмонланишида кўринмоқда.

Юқоридаги холатларни ҳисобга олингани ҳолда барча минтақаларда тупроқ унумдорлигини оқилона бошқариб бориш учун, албатта, органик ва минерал ўғитлар қўлланилиши, алмашлаб экиш жорий этилиши ва иккиласмичи шўрланишни, эрозияни тўхтатишига қаратилган чора–тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти давлат шартномалари лойиҳалари доирасида тупроқ унумдорлигини, етиштирилаётган (ѓўза, ғалла) экинлар ҳосилжорлигини оширишига йўналтирилган агротехнологиялар ишлаб чиқилди.

Бу агротехнология асосий “ѓўза-кузги буғдой” экинлари тизимида уларни навбатлаб алмаштириш борасида такрорий ва оралиқ экинлар экилиши ва бунда албатта юқори миқдорда органик ўғитлар – турли хилдаги гўнг, органоминерал ўғитлар, асоси гўнгдан таркиб топган маҳаллий табиий ресурслар асосида тайёрланган компостлар қўлланилиши зарур. Бу ҳолда қўлланилайдиган минерал ўғитлар меъёри 35-40 % ва ундан кўпроқ камайтирилади. Шунингдек тупрокнинг асосий кимёвий, физик-кимёвий, физик хоссалари яхшиланади, экологик соғ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олинади.

Тажрибаларда қўлланилган агротехнологиялар тизими ва турли миқдорда органик ўғитлар, ҳар хил ўсимликлар орқали тупроқда органик модда миқдорини сезиларли ортишига эришилди (12.5-расм).



12.5-расм. Гўза-ғалла экинлари тизимида органик ўғитлар ва улар билан минерал ўғитлар қўлланилган агротехнологиялар юритилганда тупроқ ҳайдов қатламида умумий гумус миқдорининг ўзгариши, %.

12.5-расм маълумотларига кўра, қўлланилган агротехнологиялар ва гектарига йилма-йил 20, 40 ва ундан юқори миқдорда органик ўғит (гўнг) ни меъёри 1,5-2,5-5 марта камайтирилган минерал ўғитлар билан қўллаш ва экинларни навбатлаб, алмашлаб экиш тупроқда органик модда миқдорини қуидагича ортишига олиб келади:

1. Таклиф этилган агротехнологиялар тизимини 5 йил давомида қўллаб, турли миқдорда органик ўғитлар «пахта-кузги буғдой» асосий экинлар тизимида такрорий ва оралиқ экинлар етишириб келинганда тупроқни ҳайдалма ва ҳайдов остки қатламида органик модда миқдори 40 т/га гўнг қўлланилганда 1,2-1,3 марта ортади. Юқори меъёрда гўнг қўлланилган варианларда 1,3-1,5 мартагача ортади.
2. Икки йил давомида пахта, ундан сўнг (2003 йил куз, 2004 йил давоми) кузги буғдой ва маккажўхори, сўнгра пахта (2005 тўла) экилиб тавсияларда кўрсатилган меъёрда фақат минерал ўғитлар қўлланилиб оддий агротехнологиялар бўйича экинлар етиширилганда 4 йил давомида дастлабки ҳолатига нисбатан тупроқда гумус миқдори ҳайдалма қатламда 0,34% га, ҳайдов остки қатламда 0,20% га ортади.
3. Органик ўғит (гўнг) ни 5 йил давомида йилма-йил 80 ва 120 т/га ҳисобида қўлланилган варианларда органик модда (гумус углероди) ни ортиши ҳайдалма қатламда 0,985-1,10%, ҳайдов ости қатламида 0,40-0,41% ни ташкил этади.

Технологияни мазмуни:

1. Асосий “ғўза-кузги буғдой” экинлари тизимида уларни навбатлаб алмаштириш борасида такрорий ва оралиқ экинлар экилиб, тупроқ усти йил давомида ўсимлик билан қопланиб туриши керак. Бу эса, тупроқни органик моддага бойитади, эрозия ва иккиласми шўрланиш жараёнларини олдини олади.

Технологияни жорий қилиш минерал меъерини 35-40% ва ундан кўпроқ камайтириш, иккиласми шўрланиши олдини олиш, кучсиз шўрланган ерларда шўр ювишга сарфланадиган сувни тежаш имконини беради.

2. Даставвал технология шўрланмаган тупроқлар учун ишлаб чиқилган, кучсиз ва ўртacha шўрланган ерлар учун унинг модификациясини ишлаб чиқиш зарур.

Шўрланмаган тупроқлар учун ўсимликларни алмашлаб экишни қуидаги тизими таклиф этилади:

а) Кузда (октябрда) кузги буғдой экилади, ёзда (июн ойи) буғдой ҳосили йиғиширилади. Такрорий экин экилади- масалан, маккажўхори ёки бошқаси дуккаклилар билан мош, соя, нўхот ва б. Кузда (октябр-ноябр) улар йиғишириб олиниб, оралиқ экинлар экилади (сули, арпа, перко, рапс ва б.); келаси йил баҳорда улар чорва учун емга ишлатилади ёки ҳайдаб юборилади, сидерация.

б) Баҳорда пахта экилади, кузда (сентябр-ноябрни бошлари) пахта ҳосили йиғиб олинади. Кузги буғдой экилади ва кейинги экинлар 1-банддагидек. Бунда шуни ҳисобга олиш зарур, асосий экинлар ҳосилидан ташқари, уларнинг вегетатив массаси майдаланиб, тупроқга қайтарилади (органик қолдик билан бойитиш, озиқа элементларини қайtarish).

Бу технологияда албатта 3-4 йил давомида юқори меъёрда органик ўғит гўнг ҳолида, органоминерал компостлар (паст навли фосфоритлар, фосфогипс, кўмир кукуни, бентонит, глауконит ва б.) маълум нисбатда органик ўғитлар билан (мол гўнги, парранда қийи ва б.) биргаликда қўлланилади. Минерал ўғитлар меъёри эса 35-40% ва ундан кўпроқ камайтирилади.

Бундай агротехнологияларни 2003-2008 йилларда стационар шароитда тажрибаларда қўлланилиши тупроқни ҳайдалма қатламида органик модда миқдорини 1,2-1,4 марта, 0-70 см ли қатламида 1,15-1,2 марта ортишига олиб келди.



Шунингдек тупроқда ўсимликлар ўзлаштира оладиган фосфор ва калийни миқдорини 1,3-1,5 марта ортиши аниқланди, бу эса тупроқни озиқа режимини яхшилайди.

Тўла меъёрда минерал ўғитлар қўлланилган назорат вариантига нисбатан тупроқда органик моддани ортиши, унинг кимёвий, физик- кимёвий хоссаларини яхшиланиши ҳисобига ғўза ҳосили 3-6 ц/га, буғдой ҳосили 5-6 дан 15 ц/га миқдорда ортди.

Агротехнологияларни жорий қилиш тупроқ унумдорлигини тиклаш, сақлаш, ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш имконини беради.

Дала шароитида компост тайёрлаш

Компост тайёрланадиган ер 60-100 см чуқурликда кавланади, яхши дренаж ҳосил қилиш учун чуқурни таги 20-25 см да юмшатилади. Чиқиндилар тўплами қатлам – қатлам қилиб жойлаштирилади. Бу қатлам қалинлиги 15-25 см қалинликда бўлгани мақсадга мувофиқдир. Бунда қуруқ ўсимлик қолдиқларини энг пастига жойланса ва ундан сўнг ҳўл чиқиндилар жойлаштирилади. 1) Ботқоқ ўсимликлари ундан сўнг 2) тушамали гўнг 3) қўй гўнги 4) ёниш натижасида ҳосил бўлган чиқинди 5) парранда гўнги ва 2 см қалинликда тупроқ тўшалади ва шу тартибда компост компонентлари (33% қуруқ ўсимлик қолдиқлари, 17% тушамали гўнг, яъни сомон аралашган янги гўнг, 17% қўй гўнги, 8% ёниш натижасида пайдо бўлган модда ва 8% парранда гўнги, 17% тупроқ) жойлаштирилади.

Тупроқ солишдан яна бир мақсад нохуш ҳид тарқалмаслиги учун ҳам қўлланилади.

Компост тўплашини бошқача тартибда ҳам ташкил қилиш мумкин, бунда кунма-кун ёки тўпланишига кўра унга компост компонентларини қўшиб борилади ва ҳар гал усти тупроқ билан тўшалади. Бу усулда тезроқ компост тўплашини ташкил қилиш мумкин бўлади.

Компост тўпламини қуйидаги ўлчамда ташкил қилиш мумкин: 1) $1\text{m} \times 1\text{m} \times 1\text{m}$, жами 1m^3 . Бунда бироз намланган етилган компостнинг оғирлиги 0,5 тоннага тенг бўлади. Бу энг яхши кичик ўлчамдаги компост тўплами. 2) Совуқ иқлим шароитида энг кичик ўлчамдаги компост майдони $1,5\text{m} \times 1,5 \times 1,5 = 3,38\text{m}^3$. Бундан кичик ўлчамли компост тўпламида компостни исиши учун зарур бўлган (60°C гача) температурани олиш учун изоляция шароитини ҳосил қилиш мумкин бўлмайди, чунки тўпламга кўп миқдорда ҳаво киради. Компост тўпламини аста секин ташкил қилиб бориш мумкин. Лекин энг яхшиси-бира тўла ташкил қилингани. Етилганда тўплаш $\frac{1}{2}$ ёки $\frac{1}{3}$ улушгача дастлабкисига нисбатан чўқади.

Катта ўлчамдаги компост тўплами қуйидагича бўлиши мумкин: баландлиги-1,5, эни-3м, узунлиги-3,6, яъни $10,8\text{m}^2 \times 1,5\text{m} = 16,2\text{m}^3$.

Компост тайёрлашни энг қулай вақти-баҳор ёки куз, қайсики шу вақтда биологик фаоллик энг юкори бўлади (ортиқча иссиқлик ёки кучли совуқ компост тўпламида микробиологик фаолиятни секинлаштиради ёки бутунлай тўхтатади).

		
Ботқоқ үсімліктері	Хайвон чиқінділары	Дараҳт шох-шаббасы
		
Компост тайёрлаш жараёнларининг босқичлари		

Тупроқ унумдорлигини сақлаб туриш учун ҳар бир экишдан аввал 1 кв.м га 2кг компост солинади (энг кам озиқлантириш). Тұла озиқлантириш учун 1м² майдонга 12 кг гача компост солинади.

Күчсиз ва ўртача шўрланган тупроқлар унумдорлигини ошириш, иккиламчи шўрланишни олдини олиш агротехнологияси ва уни юритиш ҳолати

“Ғўза-кузги буғдой” экинлари тизимида оралиқ ва такрорий экинлар экиш, минерал ўғитлар билан бирга органик ўғитлар қўллашга доир изланишлар орқали Мирзачўлнинг шўри ювилиб дехқончилик юритиладиган суғориладиган ўтлоқи тупроқларда иккиламчи шўрланишни олдини оладиган, тупроқда органик моддани барқарор бошқаришга йўналтирилган такомиллашган янги агротехнологиялар У. Юсупов массиви, Гараша фермер ҳўжалигига 2012-2014 йилларда кўлланилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида деградация, дегумификацияга учраган ва мелиорацияга муҳтож бўлган тупроқлар учун ишлаб чиқилган ва модификацияланган агротехнологияларни яратиш борасида шўрланишга мойил тупроқлар унумдорлигини тиклаш, сақлаш, ошириш, экологик тоза тупроқ шароитини ҳосил қилиш ва режалаштирилган экинлардан юқори ҳосил олиш муҳим ҳисобланади.

Бундай технологиялар юритилганда шўри ювилиб фойдаланилаётган тупроқда экинлар биохилма хиллигини таъминлаш (такрорий, оралиқ, шўрга чидамли экинларни етиштириш), органик модда йиғилиши жараёнини барқарорлаштириш ва шунинг асосида экинлардан юқори унумдорлик кўрсаткичга эга бўлган тупроқлар шароитини ҳосил қилишга эришилади.

Сўнгги йилларда республикамиз тупроқларида содир бўлаётган деградация жараёнлари (70% гача) асосан шўрланишнинг ортиши, органик модда (гумус) микдорини камайиши билан боғлиқ,

Фермер далаларыда күп йиллар давомида ғұза-ғұза ёки ғұза-буғдой, буғдой-ғұза экилиб келинмоқда. Қўпгина ҳолларда июнь ойидан буғдой ғиғиштирилиб олингандан сүңг ерлар бүш қолмоқда. Үсимликсиз тупроқ қоплами ёзги юкори ҳароратли жазирамадан муҳофазаланмайды, кучли даражада қурийди, структурасини йүқтади, эрозияга чидамлилиги кескин камаяди. Шўрланишга мойил бўлган ерлар шароитида ер ости минераллашган сувлар таркибидағи тузлар пастдан юкори қатламларга капиллярлар орқали кўтарилади ва үсимликни илдиз тарқалган қатлами шўрланади. Шўрланиш, үсимликларга токсик (салбий) таъсир қилишдан ташқари, тупроқ структурасини бузади, уни агрономик ва сув-физик хусусиятларини ёмонланишига олиб келади. Структурасиз тупроқ қуриганидан сүңг қотиб кетади ва зичлашади, намланганда тезда тўйинади ва намликни ёмон сақлайди, булар эса ҳосилдорликни пасайишига сабаб бўлади.

Бу технология тизимида шўрланишга мойил тупроқларда биринчи галда яхшилаб кузги шўр ювиш ишларини бир марта ўтқазилади, албатта дренаж тизими яхши ишлаб турган бўлиши керак. Бундан сүңг юкори меъёрда органик ўғитлар (гўнг ёки гўнгли минералли компостлар 30-40 т/га ёки биогумус 5 т/га) қўлланилади. Баҳорда ғұза етиштириш учун тавсиялар асосида чигит экиласди. “Ғұза-буғдой” экинлари тизимида үсимликлар диверсификациясида бошқа турдаги экинларни етиштириш қўйидаги тартибда амалга оширилади: “ғұза-буғдой-дуккаклилар (мош, нўхот) ёки маккажўхори-сiderat оралиқ экинлар (арпа, сули, қора буғдой ва б.) ва шундай тартибда цикл тақрорланади. Шунда тупроқ қоплами йил давомида үсимликлар билан қопланиб туради, тузларни капиллярлар орқали тупроқ юкори илдиз тарқалган қисмига кўтарилиши камаяди. Үсимлик андиз қолдиқлари тупроқ устида қолдирилади ва улар илдиз қолдиқлари билан бирга гумус захираси бўлиб боради. Бу технологияда 3 йил давомида тупроқ юзаси үсимлик билан қопланиб тургани сабабли, шўр ювишига зарурат бўлмайди, бу эса сугориш сувини тежайди. Кўлланилган технология тизими натижасида органик модда йилма йил тўпланиб бориши ҳисобига юкори унумдор, структурали тупроқ ҳосил бўлади ва юкори ҳосил олиш учун кулай шароит яратилади.

Бу технология юкорида келтирилган тупроқни органик моддага бойитиш технологиясини шўрланган тупроқлар учун модификацияси ҳисобланади. Унда ҳам тупроқни органик моддага бойитиш, унумдор тупроқ ҳосил қилишга эришиш учун экинларни юкорида келтирилган навбатлаб ва алмашлаб экишда юкори миқдорда органик ўғит-турли хилдаги гўнг, органоминерал ўғитлар, кампостлар қўлланилади, минерал ўғитлар меъёри 30-40% ва ундан кўпроқ миқдорда камайтирилади.

5. Шўрланган типик бўзтупроқ ва бўз-ўтлоқи тупроқларни органик модаллар билан бойитиш йўли билан уларнинг унумдорлигини ошириш агротехнологияларни иқтисодий баҳолаш

Сўнги йилларда тупроқни тадқиқ этиш натижасида гумус миқдорининг ҳамда үсимликларни минерал озиқлантиришдаги асосий элементларнинг камайиб кетиши оқибатида суғориладиган ерларнинг унумдорлиги пасайиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Бунинг сабаблари ўтмишда мавжуд бўлган пахта яккаҳокимлиги ҳамда ҳозирги вақтда илмий-асосланган алмашлаб экиш, экинларни алмашиниш қоидаларига риоя этмаслиkdir. Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва саклаш ва оширишда тупроқни органик модда билан бойитиш агротехнологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Тупроқда гумус миқдорини кўпайтириш учун технологияга кўра дастлабки йилда гўнг киритишнинг юкори меъёри ва экинларни диверсификациялаш кўзда тутилган. Асосий экинлар бўлмиш пахта-кузги буғдой етиштириш занжирида мазкур агротехнология яшил ўғит сифатида уларни тақрорий дуккакли ва оралиқ сидерат экинлар (жавдар, арпа, сули, рапс, перко)ни навбатлаб ва алмашлаб экиш тавсия қилинади.

Ушбу технология бўйича органик ўғитлар (гўнг, хар хил үсимлик колдиқларидан таркиб топган компост)ни киритиш меъёрлари 20 т/га ва ундан ортиқ бўлиши шарт.

Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ИКАРДА халқаро ташкилотининг Билимларни Бошқариш лойиҳаси Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё Мамлакатлари Ташаббусини II фазаси доирасида Ўзбекистонда шўрланмаган типик бўз тупроқни ва бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида уларни органик модда билан бойитиш орқали унумдорлигини ошириш агротехнологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Тупроқни муҳофаза қилувчи ресурстежамкор технологияларни жорий этишдан олинган иқтисодий самарани аниқлаш учун иқтисодий баҳолаш ўтказилган.

Иқтисодий баҳолашнинг асосий босқичлари:

1. Фермер хўжалигини танлаш;
2. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш технологиясини тавсифлаш;
3. Таннархни хисоблаш;
4. Иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш.

Таққослаш учун база-анъанавий пахта ва к етиштириши технологияси. Бунда тупроқни органик моддалар билан бойитиш орқали унинг унумдорлигини оширишнинг янги агротехнологияси, суғориш шароитида “пахта-кузги буғдой” экинлари тизимида тақрорий ва оралиқ етиштиришга доир агротехнологиялар анъанавий технологиялар билан таққосланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижалари фойданинг ўсиши ёки маҳсулот таннархининг пасайиши бўйича иқтисодий баҳолаш самарали технологияларни аниқлаш ва жорий этиш имконини беради.

1. Фермер хўжалигини танлаш. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг тупроқни муҳофаза қилувчи ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар Қашқадарё вилояти Яққабоғ туманидаги “Хусниддин Жўра бобо набираси” фермер хўжалигига ҳамда Тошкент вилояти Ўртачирчик туманидаги “Сайдовул” фермер хўжалигига ўтказилган. Ушбу технология бўйича тадқиқотлар ўтказилган ер майдони 75 гани ташкил қиласди.

2. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиясининг тавсифи. Органик ўғитларни киритиш меъёрини ошириш, экинларни алмашлаш (тақрорий ва оралиқ экишни жорий килган ҳолда) ва органик ўғит сифатида ўсимлик қолдиқларидан фойдаланишини ўз ичига оловчи агротехник тадбирлар мажмуи тупроқ унумдорлигининг ўсишини ва ўсимликларни баланслаштирилган ҳолда озиқланишини таъминлади.



3. Таннархни хисоблаш. Тўла таннарх таркибига уруғлик, минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя килиш воситалари, эксплуатация харажатлари ва бошқа сарфлар киритилади. Ҳар хил технологиялар бўйича 75 гектарлик майдонда пахта, ғалла, мош, жавдар етиштиришда уруғлик, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоялаш воситаларига харажатлар майдонга ўғит киритиш меъёрини уларни сотиб олиш нархига кўпайтириш орқали аниқланади. Уруғлик, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қиймати амалдаги нархлар бўйича ҳисоблаб чиқилади. Уруғлик ва ўғитларни

киритишнинг улуши қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологияси учун белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланади. Минерал ўғитларни қўллаш бўйича харажатлар иккала технология учун турличадир. Янги технологияда органик ўғитларни катта миқдорда, минерал ўғитларни эса кичикроқ миқдорда киритиш тавсия этилади. Бу ўғитларга харажатларни 30-40%га пасайтиради.

Ушбу технология учун қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг технологик карталари тушиб чиқилган бўлиб, улар машиналарга, меҳнат харажатлари ва дизель ёнилгисига бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун асос бўлган. Эксплуатация харажатлари фермер хўжаликларига машина-трактор парклари томонидан кўрсатилган механизациялаштирилган хизматлар нархидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган.

Тадқиқ этилаётган технология бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уруғлиқ, ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига сарфланган моддий харажатлар 1га майдонга ушбу тадқиқот ўтказилган фермер хўжаликлидан олинган амалдаги маълумотлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ва 12.6-жадвалда акс эттирилган.

12.6-жадвал

Анъанавий технология бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда 1 га майдонга тўғри келадиган уруғлик ва ўғит харажатлари

Кўрсаткичлар	Пахта	Буғдой
Уруғлик		
Бир бирлигининг нархи, сўм	2085,9	1101,1
Сарфлаш меъёри кг/га	30	220
Қиймати, жами, сўм	62 577	242 242
Минерал ўғитлар		
Азотли		
Бир бирлигининг нархи, сўм	1 599,9	1 599,9
Сарфлаш меъёри кг/га	170	180
Қиймати, жами, сўм	271 983	287 982
Фосфорли		
Бир бирлигининг нархи, сўм	2 299,9	2 299,9
Сарфлаш меъёри кг/га	110	100
Қиймати, жами, сўм	252 989	229 990
Калийли		
Бир бирлигининг нархи, сўм	1 400	1 400
Сарфлаш меъёри кг/га	80	60
Қиймати,, сўм	112 000	84 000
Ўғитлар бўйича ҳаммаси, сўм		636 972
Буғдойни ҳосил олиш учун ўғитларни киритилади		601 972

Кузги буғдойни етиштиришда 50-60 центнердан ҳосил олиш учун 180-220 кг. азотли, 100-110 кг. фосфорли ва 60-70 кг. калийли ўғитлар киритилади.

Анъанавий технология бўйича пахта етиштиришда ўғит киритиш меъёрлари азотли ўғитлар учун 170 кг. ни, фосфорли ўғитлар учун 110 кг. ни, калийли ўғитлар учун 80 кг. ни, янги технологияда эса мос ҳолда 135, 95 ва 65 кг. ни ташкил қиласди. Янги технология шароитида минерал ўғитларга харажатларнинг камайиши 111495 сўмга teng бўлган. Бунга ўсимлик колдигидан ҳосил бўлган органик ўғитларни юқори меъёрларда киритиш ҳисобидан эришилган бўлиб, уларнинг сарфи 1га ерга 100000 сўмни ташкил қиласди. Бунга ёнилғи-мойлаш материаллари ва иш ҳақи билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам киритилган.

Ўсимлиқларни ҳимоя қилиш бўйича харажатлар анъанвий ва янги технологиялар учун бир хил бўлиб, ўзгаришсиз қолган. Буғдой етиштиришда ўсимлиқларни бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун самарали препаратлардан бири 75 фоизли “Гранстар” гербициди бўлиб, 1га экин майдонига 10-20 грамм миқдорида ишлатилади. Пахта етиштиришда “Пантера” гербицидидан 0,9 л/га ҳисобида фойдаланилади.

12.7-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинларини янги технология бўйича етиштиришда 1 га майдонга тўғри келадиган уруғлик ва ўғит харажатлари

Кўрсаткичлар	Пахта	Буғдой	Мош	Жавдар
Уруғлик				
Бир бирлик нархи, сўм	2085,9	1101,1	3000,0	1000,0
Сарфлаш меъёри кг/га	30	220	20	220
Қиймати: жами, сўм	62577	242242	60000	220000
Минерал ўғитлар				
Азотли				
Бир бирлигининг нархи, сўм	1599,9	1599,9		1599,9
Сарфлаш меъёри кг/га	135	135		100
Қиймати: жами, сўм	215986,5	215986,5		159990
Фосфорли				
Бир бирлигининг нархи, сўм	2299,9	2299,9		
Сарфлаш меъёри кг/га	95	100		
Қиймати: жами, сўм	218490,5	229990		
Калийли				
Бир бирлигининг нархи, сўм	1400	1400		
Сарфлаш меъёри кг/га	65	60		
Қиймати: жами, сўм	91000	84000		
Минерал ўғитлар бўйича хаммаси	525477	529976,5		159990
Органик ўғитлар				
Бир бирлигининг нархи, сўм	5			
Сарфлаш меъёри кг/га	20000			
Қиймати: жами, сўм	100000			
Минерал ва органик ўғитлар бўйича хаммаси	625477	529976,5		159990

Буғдойни касалликлардан ҳимоя қилиш учун 0,4-0,6 литр “Рекс-Дуо” фунгициди қўлланади. Пахта учун фунгицидлардан фойдаланилмайди. Буғдой, мошни зааркунандалардан ҳимоялаш учун 0,45-0,5 литр “Далате” инсектицидидан фойдаланилади.

12.8-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда 1 га майдонга тўғри келадиган ўсимлиқларни ҳимоя қилиш воситаларига харажатлар

Кўрсаткичлар	Пахта	Буғдой
Кимёвий услублар		
Гербицидлар		
Бир бирлигининг нархи, сўм	85000,0	560000,0
Сарфлаш меъёри кг/га	1	0,044
Қиймати: жами, сўм	85000	24640
Фунгицидлар		
Бир бирлигининг нархи, сўм		100000
Сарфлаш меъёри кг/га		0,5
Қиймати: жами, сўм		50000
Инсектицидлар		
Бир бирлигининг нархи, сўм		33000
Сарфлаш меъёри кг/га		0,5
Қиймати: жами, сўм		16500
Кимёвий ҳимоя бўйича хаммаси	85000	91140
Биологик услублар		
Трихограмма		
Бир бирлигининг нархи, сўм	1000,0	
Сарфлаш меъёри кг/га	9	
Қиймати: жами, сўм	9000	
Бракон		
Бир бирлигининг нархи, сўм	6	
Сарфлаш меъёри кг/га	3000	
Қиймати: жами, сўм	18000	
Олтинкўз		
Бир бирлигининг нархи, сўм	6	6
Сарфлаш меъёри кг/га	3000	1000
Қиймати: жами, сўм	18000	6000
Биологик ҳимоя бўйича хаммаси	45000	6000
Ҳаммаси	130 000	97 140

Иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш

Иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари асосий ва қўшимча кўрсаткичларга бўлинади. Асосий кўрсаткичларга фойда, қиёсий иқтисодий самара, қўшимча кўрсаткичларга эса меҳнат харажатлари, дизель ёнилгиси сарфи киритилади. Агротехнологияларни жорий этишнинг самарадорлигини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш натижалари минерал ўғитларга харажатларни ҳисобга олиш бўйича ҳисоб-китоблардаги ўзгаришларни кўрсатмоқда. Янги технология юқори ҳосилдорлиги билан ажralиб турибди. Бунга органик ўғитларни компост киритиш ва сидерациялаш орқали тупроқни органика моддалар билан бойитиш ҳисобидан эришилган. Анъанавий технологияда пахтанинг ҳосилдорлиги 28,7 ц/гани, буғдойники 48,5 ц/га ни, янги технологияда эса пахта бўйича 37 ц/га, буғдой бўйича 60 ц/гани ташкил қилган. Бу ўз навбатида пировард натижаларнинг ошишига олиб келган (12.8-жадвал).

Иқтисодий самарадорлик күрсаткчилари қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда янги агротехнологияларни қўллашнинг фойдалилиги ҳақида далолат бермоқда. Ундан фойдаланиш жараёнида тўрт марта ҳосил (пахта, буғдой, мөш, жавдар) олинган. Анъанавий технологияда бир цикл мобайнида икки марта ҳосил (пахта, буғдой) олинган. Технологиянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш таннархи ва фойда ҳисоблаб чиқилган. Таннархдаги фарқлар фақатгина ўғитларга кетган харажатлар ўзгариши билан шартланган. Қиёсий иқтисодий баҳолашда базавий технология сифатида анъанавий технология қабул қилинган. Янги агротехнологияларни жорий этиш бўйича асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланувчи “фойданинг ўсими” қуйидагича бўлган.

$$\Phi_{\text{ў}} = \Phi_{\text{я}} - \Phi_{\text{а}} = 3867608,3 - 338893,1 = 3528715,2 \text{ сўм}$$

бунда:

$\Phi_{\text{ў}}$ – фойданинг ўсими, сўм;

$\Phi_{\text{а}}$ – анъанавий технология бўйича фойданинг миқдори, сўм;

$\Phi_{\text{я}}$ – янги технология бўйича фойданинг миқдори, сўм.

Янги технология жорий этилганда тупроқнинг юзаси йил бўйи ўсимликлар билан қопланган бўлиб, тузларнинг юзадаги илдиз зонасига капилляр тортилиши тўхтайди. Ўсимлик қолдиқлари далада қолади ва гумус манбаи бўлиб хизмат килади. Уч йил давомида тупроқни ювиш талаб қилинмайди. Натижада суфориш учун зарур бўлган сув тежалади. Органик моддаларнинг тўпланиши юксак унумдор тупроқ таркибини шакллантиришга олиб келади ва юқори ҳосил олиш учун қулай шарт-шароит яратади.

Асосий афзалликлари: минерал ўғитларнинг 30-40 фоиз тежалиши; етиштирилаётган экинларнинг ҳосили 15-20 фоизга ошиши; тақрорий экинларнинг ҳосилини сотиш ҳисобидан хўжаликнинг кўшимча даромад олиши. Тадқиқот натижалари қуйидаги хulosаларни чиқариш учун асос бўла олади: органик ўғитларнинг меъёрини ошириш, экинларни алмашлаш (тақрорий ва оралиқ экишларни жорий қилиш орқали) ва ўсимлик қолдиқларини органик ўғит сифатида қўллашни ўз ичига олувчи агротехник тадбирлар мажмуидан фойдаланиш ҳисобидан тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги агротехнологиясини жорий этиш биомассани кўпайишини, ер юзасини ўсимлик билан қопланишини яхшилаш, органик моддаларни ошириш ва ўсимликларни озиқланиш режимини оптималлаштириш, рентабелликни 50 фоизга кўпайтиришни таъминлайди. Янги агротехнологияни жорий этиш ҳисобидан 1 гектар экин майдони учун олинган иқтисодий самара 3528715,2 сўмни ташкил қилган. [86]

Фермер хўжалигига буғдой етиштириш технологиясини иқтисодий баҳолаш қўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Анъанавий		Янги агротехнология			
			Пахта	Буғдой	Пахта	Буғдой	Мош	Жавдар
1	Ҳосилдорлик	ц/га	28,7	48,5	37,0	60,0	8	35,0
2	Ишлаб чиқариш ҳажми	т	2,9	4,9	3,7	6,0	0,8	3,5
Ишлаб чиқариш харажатлари								
3	Иш хаки		1172920	400000,0	1172920,0	400000,0	500000,0	300000
4	Уруғлик	сум	62577,0	242242,0	62577,0	242242,0	60000,0	220000,0
5	Минерал ва органик ўғитлар	сум	636972,0	601972,0	625477,0	601972,0	0,0	159990,0
6	Ўсимликларни ҳимоя килиш воситалари	сум	130000,0	97140,0	130000,0	97140,0	16500,0	0,0
7	Эксплуатация харажатлари	сум	491000,0	345000,0	491000,0	345000,0	101000,0	270000,0
8	ЁММ харажатлари	сум	476100,0	201020,0	476100,0	201020,0	154100,0	63250,0
9	Бошқа харажатлар	сум	9820,0	6900,0	9820,0	6900,0	2020,0	5400,0
10	Жами харажатлар	сум	2979389,0	1894274,0	2967894,0	1894274,0	833620,0	1018640,0
11	Махсулот таннархи	сум	1038114,6	390572,0	802133,5	315712,3	1042025,0	291040,0
12	Реализация нархи	сум/т	1060399,0	447260,0	1060399,0	447260,0	3000000,0	450000,0
13	Даромад	сум	3043345,1	2169211,0	3923476,3	2683560,0	2400000,0	1575000,0
14	Фойда	сум	63956,1	274937,0	955582,3	789286,0	1566380,0	556360,0
15	Иқтисодий самара	сум					3528715,2	
16	Рентабеллик	%	2,1	14,5	32,2	41,7	187,9	54,6

12.3. Лалми ерларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги

Тупроқга ишлов бермасдан (ноллик) технологиясини иқтисодий самарадорлиги

Лалмикор ерларда тупроқга ишлов бермасдан ва кам ишлов бериш орқали қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш.



Бугунги кунда республика-мизнинг лалми ерларида бошоқли дон экинлари 300 минг гектардан ортиқроқ майдонларда икки даврда - кузда ва баҳорда экилади. Кузги даврда экилган дон баҳоргисига қараганда кўпроқ ҳосил беради, шу боисдан доннинг 85-90 фоизи кузда экилади.

Ерларнинг деградациясини асосий сабаблари: деградациянинг асосий омиллари – ерга интенсив экин экиш, ерларнинг мелеоратив ҳолатини ўзгариши, алмашлаб экишга риоя қиласлик. Тупроқ муҳофазаловчи технологиясини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларини етиштирилганда тупроққа ишлов беришни анча камаяди, алмашлаб экишга, мулчалашга амал қилинади, тупроқ устки қатлами ҳимояланади ҳамда минерал ўғитларни меъёри камаяди, органик ва органоминерал ўғитларни қўллаш ҳисобига тупроқнинг сифат кўрсаткичлари анча яхшиланади.

Ушбу технологиянинг асосий техник функциялари: тупроқга ишлов бериш сонини анча қисқартиради, тупроқнинг устки қатламини ҳимоялаш-мулчалаш ва алмашлаб экишга риоя қилиш деградацияга учраган ерларни қайта тиклайди.

Лалмикор дехкончиликда ушбу технологияни қўллаш орқали кузги буғдой ва дуккакли экинлар етиштирилади.

Сақловчи чоралар: Ушбу технология сув, тупроқ ва энергетик ресурсларни муҳофаза қилади.

Технологияни аниқланиши: ресурс тежамкор технология-ёнилғи-энергетик ресурсларни камайтиришга йўналтирилган; технология тупроқ унумдорлигини яхшилаш имконини беради (гумусни, тупроқ микроорганизмларини, ёмғир чувалчангларини қўпайтиради, шўрланишини камайтиради).

Таклиф этилаётган технология фермер хўжаликлари даромадларини қўпайтириш ва қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Аралашув босқичи: ерларни деградацияга учрашини олдини олиш, гумус таркибини ошириш, тупроқ шўрланишини, эрозиясини камайтириш, тупроқ намлигини сақлаш, микроорганизмлар ва чувалчанглар миқдорини қўпайтириш, тупроқдаги биохилма-хилликни ошириш, карбонат ангидрид газларини чиқишини камайтириш, ёнилғи мойлаш материаллари сарфини қисқартириш, фермер хўжалиги даромадини кўтариш.

Ерларнинг деградациясини асосий сабаблари: деградациянинг асосий омиллари – ерга интенсив экин экиш, ерларнинг мелеоратив ҳолатини ўзгариши, алмашлаб экишга риоя қиласлик. Тупроқ муҳофазаловчи технологиясини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилганда тупроққа ишлов бериш анча камаяди, алмашлаб экишга, мульчалашга амал қилинади, тупроқ устки қатлами ҳимояланади ҳамда минерал ўғитларнинг меъёри камаяди, органик ва органоминерал ўғитларни қўллаш ҳисобига тупроқнинг сифат кўрсаткичлари анча яхшиланади.

Ушбу технологиянинг асосий техник функциялари: тупроққа ишлов бериш сонини анча кисқартиради, тупроқнинг устки қатламини химоялаш-мульчалаш ва алмашлаб экишга риоя қилиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклайди.

Лалмикор деҳқончиликда ушбу технологияни қўллаш орқали кузги буғдой ва дуккакли экинлар этиштирилади.

Сақловчи чоралар: Ушбу технология сув, тупрок ва энергетик ресурсларни муҳофаза қиласди.

Антрапоген мухит

Ердан фойдаланувчи: фермер хўжалиги
Ерга эгалик ҳуқуқи: узоқ муддатли ижара

Технологияни аниқланиши: ресурстежамкор технология-ёнилғи-энергетик ресурсларни камайтиришга йўналтирилган, технология тупроқ унумдорлигини яхшилаш имконини беради (гумусни, тупроқ микроорганизмларини, ёмғир чувалчангларини кўпайтиради, шўрланишни камайтиради).

Таклиф этилаётган технология фермер хўжаликлари даромадларини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалик экинларини этиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Технологиянинг қисқача мазмуни. Ресурстежамкор технологиянинг асосий моҳияти – тупроқка минимал таъсир кўрсатиш, доимий ўсимлик қоплами ёки мульчалаш орқали тупроқ устки қатламини химоялаш ва мақбул алмашлаб экиш ҳисобланади.

Ресурс тежовчи технологияни қўллашдан олдин фермер хўжаликлари танланадиган майдоннинг тупроқ таркиби тафсилотларини таҳлил қилишлари керак. Дала майдонини тайёрлашда ернинг ҳайдов ости қатламини чукур юмшатувчи мослама билан юмшатиш лозим. Бу ўсимликларнинг илдиз тизимини ривожланишини яхшилайди ва озуқа элементларидан фойдаланишга имкон яратади.

Тупроқнинг устки қатламини текислаш учун лазерли текислаш тавсия қилинади, яъни дала майдонларини текислаш ва хариталар тузиш учун маҳсус лазерли мосламалар қўлланилади.

Ғўза-ғалла алмашлаб экишда тупроқга ишлов беришнинг тайёргарлик ишларини ўтказгандан сўнг тупроқнинг органик моддасини бир текисда тақсимланиши учун кузги буғдой билан бошлаш таклиф этилади.

Технологияни бошланғич босқичида экиш эгатлаб сугоришни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Ҳосилни йиғиб олгандан сўнг тупроқ қопламини ўсимлик қолдиқлари билан таъминлаш учун биомассани далада қолдириш керак.

Экин экиш ишлов берилмаган тупроқларнинг пуштасига маҳсус сеялкалар ёрдамида ўтказилади.

Анъанавий усулдан ресурстежамкор технологияга секин-аста ўтишни ердан фойдаланувчилар – фермерларга дала иш жараёнларини кетма-кетлигини дала шароитида кўрсатиш учун семинарлар ва дала хизмат сафарларини ташкил қилиш таклиф этилади. Бу технологияни тарғиб этишнинг яна бир элементи – фермерлар учун ўқув курсларини ташкил қилиш ҳисобланади.

Хозирги кунда республикада лалмикор ерларда донли-дуккакли экинлар 300 минг гектардан кўпроқ майдонда икки муддатда: куз ва баҳорда экилади. Кузда экилган дондан баҳордагига қараганда кўпроқ ҳосил олинад, шунинг учун 85-90 % донни кузда экилади.

Тупроқ муҳофазаловчи, курғочил шароитда, намни сақлайдиган технологиялардан бири – бизнинг деҳқончилик учун янги, лекин бутун дунёда кенг қўлланилаётган, тупроқга ишлов бермасдан тўғридан - тўғри экинларни экишdir. Бу технология ресурстежамкор, тупроқ унумдорлигини оширувчи ҳисобланади.

Бундай усул билан экинларни экиш, айниқса буғдой, мош, третикале, жўхори, кунгабоқар, соя, кунжут ва бошқа шу кабиларни экиш самарали экиш самарали бўлиб, улар яхши ўсиб, ривожланади.

Агроном олим А.Нурбеков ИКАРДА лойиҳалари доирасида республикамиз лалми ерларида 600 га, сугориладиган ерларда 100 гектар майдонда ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказди. Изланишлар натижалари бўйича кузги буғдойни лалмикор ерларда фермер хўжаликларида етиширишда ресурстежамкор технологияни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Бу технологияни қўллашда донли экинлар уруғи маҳсус сеялкадан фойдаланиб ишлов берилмаган ёки жуда кам ишлов берилган (экиш чуқурлигигача) юмшатилган тупроқга экиласди. Бу эса, тупроқга механик таъсир қилишни, уни зичлашишини камайтиради. Шунинг билан бирга энергетик материал, меҳнат учун сарфлар камаяди. Донли экинларни тўғридан – тўғри, тупроқга ишлов бермасдан экишда экишда Бразилияда ишлаб чиқарилган FANKHAUSER сеялкасидан фойдаланилган.

Лалми кузги буғдой экинида бу технологияни қўллаш иқтисодий самарадорлиги Қамаши туманидаги “Анварбек Жабборов” фермер хўжалиги даласида 100,0 га майдонда ўтказилган тадқиқотлар асосида аниқланган. Шунингдек, 2014 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида Ёртепа - Наврӯз массиви “Намир Аллаёров” фермер хўжалигидаги 3 га майдонда ресурстежамкор технологияни синаш ишлари арпа ва нўхат экинларида олиб борилди.

Маълумотларга кўра, республикада экин экиласдан фойдаланиб асосий қисмида органик модда миқдори паст кўрсаткичдадир. Ҳозирги вактда тупроқ органик моддаси миқдорини яхшиловчи бир канча усувлар мавжуд. Булардан бири мульчалаш, яъни тупроқнинг устки қатламини ҳимоялаш, дуккакли ва донли экинлар, ўсимлик қолдиқларини тупроқ юзасида қолдириш ҳисобланади.

Маълумки, алмашлаб экишни қўлламасдан интенсив экин экиш тупроқ кўрсаткичларини ёмонлашувига олиб келади. Бу масалани алмашлаб экишнинг мақбул келадиган усулини тадбиқ этиш орқали ечиш мумкин бўлади.

Лалмикор ва деградацияга учраган тупроқлар учун қуидаги агротехнология таклиф этилади: унумдорлиги паст ерларда (бонитет бали 40 дан паст) дала шароитида республикада мавжуд иккиламчи ресурслардан фойдаланиш (паст навли фосфоритлар, ноанъанавий агрорудалар, ҳар хил чиқиндиilar); фермер хўжалиги ерларида биотехнологик усувларни тадбиқ этиш орқали янги органоминерал ўғитлар олиш. Органоминерал ўғитлар гўнг ва паст навли тошқўмир фосфоритлари асосида 4 ой давомида 9:1 нисбатда компостлаш йўли билан тайёрланади. Бошқа органоминерал ўғитлар Ангрен паст навли кўмири ва Марказий Қизилқум фосфорит уни асосида тайёрланади. Ушбу ўғитлар фермер хўжалиги шароитида тажрибада синалган. Таклиф этилаётган технологияни қўллаш ресурстежамкор ҳисобланади ва экологик муаммоларни ҳал қиласди. Бу технологияни тадбиқ этганда тупроқ унумдорлиги тикланади ва яхшиланади, йилдан йилга ундаги органик модда ва озиқа моддаларининг миқдори ортади, минерал ўғитларга кетадиган харажатларни 30-40% ва ундан кўпроқ, органик ўғит сарфини 3-4 марта камайтириш имконини беради. Тадқиқотлар натижасига кўра, пахта хом ашёсидан 3-5 ц/га, кузги буғдойдан 10-12 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий фойда, %:

Ҳосилдорлик – 10% гача ортади, 20% гача сугориш сувига бўлган талаб камаяди.

Фермер хўжаликлари даромади – 30% гача ошади, харажатлар – 20% камаяди.

Ишчи кучи – 50% гача камаяди.

Бошқалар – ёнилғи мойлаш материаллари – 50% ва уруғлик – 30% тежалади.

Экологик самара:

Тупроқ намлигини ортиши – 40% гача;

Парланишни камайиши – 30% гача;

Тупроқ устки қисмини яхшиланиши – 20% гача;

Тупроқ ювилишларини камайиши – 10% гача;

Биомассани кўпайиши	– 15-20% гача
Тупроқ органик моддасини кўпайиши	– 15-20% гача
Қатқалоқ ҳосил бўлишини камайиши	– 29% гача
Тупроқ зичлигини камайиши	– 20-25% гача.

Асосий афзаликлари: экин экишнинг кам харажатлиги ва тупроқ экологиясини яхшиланиши.

Асосий камчиликлари: экинлар ҳосилдорлигини аста секин кўтарилиши ва бошланғич босқичда гербицид харажатлари.

Янги технологиялар ва қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг пировард қўрсаткичларини яхшилашга, энг аввало экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат харажатларини кисқартириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш хисобидан фойданинг ўсишига қўрсатадиган таъсири бўйича амалга оширилади.

Иқтисодий баҳолашда техника ва технологияларнинг умумий ва қиёсий самарадорлиги аниқланади. Умумий самарадорлик янги технология, машина ва ускуналарни қўллашнинг мақсадга мувофиқ эканлигини қўрсатади, қиёсий самарадорлик эса амалда фойдаланилаётганига нисбатан энг самарали бўлган янги техник восита ва технологияларнинг қайси вариантларини қўллаш лозимлигини аниқлаш имконини беради.

Қашқадарё вилояти Қамаши тумани “Анвар Жабборов” фермер хўжалигига ўтказилган тадқикот натижаларига кўра кузги буғдойни етиштиришнинг ресурстежамкор технологиялари (ноллик)ни жорий этишдан олинган амалдаги иқтисодий самара аниқланган. Самарадорликни хисоблаш учун бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва меъёрий-технологик харита маълумотларидан фойдаланилган.

Таққослаш учун база сифатида донли экинларни ўстиришнинг ҳайдашга асосланган анъанавий технологияси танлаб олинди. Ноллик технологияда донли экинларнинг уруғлари ишлов берилмаган ёки салгина (экишнинг чуқурлиги даражасида) юмшатилган тупроққа маҳсус сеялка ёрдамида экилди. Бу комбинациялашган агрегатларни қўллаш технологик операцияларнинг уйғунлаштирилиши туфайли тупроққа ўтказиладиган механик таъсирини ва унинг зичлашувини камайтиради. Бунда донли экинларни етиштиришдаги энергетик, моддий, меҳнат харажатлари кисқаради.

Тупроққа ноллик ишлов беришга қўйилган агротехник талаблар уни турлича тупроқ-иқлим шароитларида ўтказишнинг сифатини қаноатлантирадиган машина ва ускуналарнинг яратилишини тақозо этади. Ушбу вазиятда ҳисоб-китоблар тадқиқ этилаётган тумандаги машина-трактор паркининг машина-технологик мажмуаларидан фойдаланилганлигини инобатга олган ҳолда бажарилди. Ушбу парк агротехник тадбирлар бўйича механизациялашга оид хизматни амалга оширади.

Кузги буғдойни етиштириш технологияларининг варианларида тупроққа асосий ва экиндан олдинги ишлов бериш ҳамда экишнинг ҳар хил усуллари кўзда тутилган. Экинларни парвариш қилиш, кимёлаштириш воситаларини қўллаш, донни йиғиб олиш ва ҳосилнинг дондан ташқари қисмларига ишлов беришни барча технологиялар учун бир хил бўлиб қолаверади. Фермер хўжалигига кузги буғдойни етиштириш учун зарур технологик операциялар, агрегатлар худуд шароитининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек бир хил турдаги ишларни бажаришда дон етиштириш ва уни йиғиб олишнинг унификацияланган усулларини, унумдорликни ошириш, йиғув машиналарининг тупроққа зарарли таъсирини камайтириш ҳамда 2011-2016 йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мажмуавий механизациялаштириш учун машина ва технологиялар тизимининг техникавий даражасини юксалтиришни ҳисобга олган ҳолда белгиланган. Эксплуатация харажатлари технологик жараёнларни асосий машиналар ёрдамида бажариш учун ҳисоблаб чиқилган бўлиб, улар 12.10-жадвалда келтирилган.

**Кузги буғдой етиштиришнинг эксплуатация харажатлари
(1 га майдонга ҳисобланган)***

№	Иш тuri	Технологиялар			
		анъанавий		ноллик	
		сўм	%	сўм	%
1	Тупроққа асосий ишлов бериш	50000	27.7	-	-
2	Экишдан олдинги ишлар ва экиш	20000	11.1	20000	17.4
3	Экинларни парваришилаш	30000	16.6	15000	13.0
4	Ҳосилни йиғиштириб олиш	80000	44.4	80000	69.5
Жами харажатлар		180000	100	115000	100
5	Ёнилғи-мойлаш материаллари	177190		77978	
Жами эксплуатация харажатлари		357 190		192 978	

*2014 йилги маълумотлар асосида ҳисобланган

Донли экинларни етиштиришнинг технологик операцияларини, ресурс ва меҳнат харажатларини акс эттирувчи асосий ҳужжат меъёрий-технологик хариталар ҳисобланади. Шу хариталар асосида эксплуатация харажатлари ҳисоблаб чиқилади, улар донли экинларни етиштириш таннархининг мажмуавий моддаси бўлиб, харажатлар таркибида 30-40 фоизни ташкил қиласди.

Меҳнат ва ёнилғи бўйича эксплуатация харажатлари технологик харита асосида кузги буғдойни етиштиришнинг барча технологик операцияларини бажаришни инобатга олган ҳолда туман МТПнинг механизацияластирилган хизматларига келишилган нархлар асосида ҳисобланган.

12.10-жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича кузги буғдойни етиштириш ва йиғиб олиш учун 1 га экин майдонига энг юқори эксплуатация харажатлари анъанавий технологияни қўллашда 357190 минг сўм, ноллик технологияда 192978 минг сўмга teng бўлган.

Бунга тупроққа ишлов бериш операцияларининг қисқариши натижасида эришилган бўлиб, улар 27.7 фоизни ташкил қиласди.

Махсус харажатлар иккала технология учун ўзгармас бўлиб қолади. Бошқа харажатлар тўғри харажатларнинг 2 фоизи ҳисобида олинган бўлиб, улар анъанавий технологияда 3600 сўмни, ноллик технологияда 2300 сўмни ташкил қиласди. Лалми ерларга кузги буғдойни етиштиришда 50-60 кг. азотли, 40-50 кг. фосфорли ўғитлар берилади.

Суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда ўсимликларни бегона ўтлардан ҳимоя қилиш учун энг самарали гербицидлардан бири 75 фоизли “Гранстар” бўлиб, 1 га майдонга 10 граммдан 20 граммгача қўлланилади.

Технологияларни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари 12.11-жадвалда келтирилган. Кузги буғдойни ноллик технология бўйича етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари анъанавий технологияга нисбатан юқорироқ эканлиги ресурстежамкор технологияларни қўллашнинг фойдалилигидан далолат беради. Технологияларни иқтисодий баҳолаш учун кузги буғдойни етиштиришнинг тўла таннархи, фойда, рентабеллик ҳамда қўшимча кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилган. Таннарҳдаги тафовутлар фақатгина тупроққа ишлов бериш харажатларининг ўзгариши билан шартланган, уруғлик, ўғитлар харажатлари бир хил деб олинди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига харажатлар биринчи ва иккинчи йиллар учун ноллик технология бўйича икки баравар кўпроқ қўлланилади. Қиёсий иқтисодий баҳолашда базавий технология сифатида анъанавий технология танлаб олинди. Асосий иқтисодий кўрсаткич бўлган фойданинг ўсиши ноллик технологияда қуйидагича:

$$ИС_n = \Phi_a - \Phi_a = 331995 - 48992,3 = 380987,0 \text{ сүм}$$

бунда:

$ИС_n$ - ноллик технологиядаги иқтисодий самара;

Φ_a , Φ_a – мос равища анъанавий ва ноллик технологияда олинган фойда, сүм.

Фойданинг ўсганлиги ҳақидаги маълумотлар фермер хўжалигига кузги буғдойни ноллик технологияни қўллаган ҳолда етиштириш иқтисодий жиҳатдан нафлироқ эканлигини қўрсатмоқда (12.11-жадвал).

12.11-жадвал

1 гектар ер майдонида кузги буғдой етиштириш технологияларини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Технологиялар	
			анъанавий	ноллик
1	Ҳосилдорлик	ц/га	10,0	15,0
2	Ишлаб чиқариш ҳажми	т	1,0	1,5

Ишлаб чиқариш харажатлари

3	Меҳнат харажатлари		140000,0	140000,0
4	Уруғ	сўм	110110,0	110110,0
5	Минерал ўғитлар	сўм	27198,3	27198,3
6	Ўсимликларни ҳимоя килиш харажатлари	сўм	8153,6	16307,2
7	Эксплуатация харажатлар	сўм	180000,0	115000,0
8	Ёқилги харажатлари	сўм	177190,4	77978,9
9	Бошқа харажатлар	сўм	3600,0	2300,0
10	Жами харажатлар	сўм	646252,3	488894,4
11	Маҳсулот таннархи	сўм	646252,3	325929,6
12	Реализация нархи	сўм/т	447260,0	447260,0
13	Маҳсулот қиймати	сўм	447260,0	670890,0
14	Фойда	сўм	-48992,3	331995,6
15	Иқтисодий самара	сўм		380987,8
16	Рентабеллик	%	-7,6	67,9

Кўшимча кўрсаткичлар

16	1 га учун меҳнат харажатлари	киши/кун	1,7	1,23
		сўм	29240	20292
17	1 га учун меҳнат харажатлари	киши/соат	0,24	0,18
		сўм	4177	2898
18	1 ц учун меҳнат харажатлари	киши/соат-т	0,023	0,011
19	Меҳнат унумдорлиги	сўм/киши-соат	107,1	231,4
20	Ёқилги сарфи	л/га	84	37
21	Қопланиш муддати	йил		5,03

Кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги анъанавий технологияга нисбатан 5 ц/га юқорироқ, доннинг таннархи ноллик технология бўйича 2.3 баробар пастроқ. FANKHAUSER сеялканинг қопланиш муддати баланс қийматидан ҳамда механизациялаштирилган ишларни бажаришга кетган эксплуатация харажатларининг илгари қўлланилган машиналарга нисбатан пасайиши суммаси ва амортизация ажратмаларидан келиб чиқкан ҳолда ҳисоблаб чиқилган ва қопланиш муддати 5,03 йилни ташкил этди.

Ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлардан келиб чиқкан ҳолда буғдойни лалми ерларда ҳосилдорлиги 20 ц/гадан ортиқ бўлган шароитда етиштириш тавсия этилади.

Буғдой етиштиришда тупроққа ноллик ишлов бериш технологиясидан фойдаланилганда ҳосилдорлик 15 ц/га бўлиб, рентабеллик 67,9 фоизни ташкил қиласди, анъанавий технологияда эса ҳосилдорлик 10 ц/га бўлиб, рентабеллик -7,6 фоизни ташкил қиласди.

Иқтисодий баҳолашнинг меҳнат ҳамда ёнилғи харажатларини ҳам ўз ичига олувчи натижалари ноллик технологиянинг афзаллигини кўрсатди.

Лалми ерларда буғдой етиштириш бўйича технологик операцияларни бажаришга сарфланган меҳнат харажатлари тупроққа анъанавий ва ноллик ишлов бериш учун тузилган технологик харита асосида ҳисоблаб чиқилди.

1га экин майдонига тўғри келадиган меҳнат харажатлари ноллик технологияда 0.18 киши/соатни, анъанавий технологияда 0.24 киши/соатни ташкил қиласди. 1тонна маҳсулотга меҳнат харажатлари ноллик технологияда анъанавий технологияга нисбатан анча камроқ бўлиб, мос ҳолда 0.11 ва 0.23 киши/соатга тенг бўлди.

Ноллик технологияда ёнилғи харажатлари 37,02 л/га ни ташкил этган ҳолда анъанавий технологияга нисбатан 2.3 баравар кам бўлди, яъни анъанавий технологияда 84.12 л/га бўлди.

Ноллик технология меҳнат унумдорлигининг юқори эканлиги билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткич кузги буғдойни етиштиришнинг анъанавий технологиясига нисбатан 2 баробар юқори, шунингдек энергия сифими ҳам 3 баробар пастдир. [78]

Мавжуд худудий шароитларда тупроққа ноллик ишлов беришга асосланган ресурстежамкор технологиядан фойдаланиш самаралироқ бўлиб ҳисобланади.



12.4. Тоғли худудларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги

Хандон писта навлари плантацияларини барпо этиш орқали арид шароитидаги ерларни яхшилаш

Технологиянинг таърифи: Ернинг унумдорлик функцияларини ошириш, тоғолди арид зонасининг ландшафтини тиклаш ва деградациялашувиning олдини олиш учун тоғ ён-бағирларининг кияликларида хандонписта плантацияларини яратиш.

Технологиянинг қисқача баёни: Ўзбекистонда адир ерлар 400000 гектарга яқин майдонни ташкил қиласи, улардан яйлов ёки лалми экинзорлар сифатида фойдаланилади. Ёғинлар билан таъминланганлик даражаси паст бўлгани сабабли лалми ерлардаги ҳосилдорлик ҳар доим ҳам харажатларни оқлай олмайди, яйлов эса қайта-қайта ўтлатиш туфайли издан чиқиб кетган ва деградациялашган. Тоғолди ва паст тоғолди арид зоналари ландшафтини тиклашни гоятда қурғоқчил шароитда униб чиқиши ва мева бериш хусусиятига эга бўлган хандонписта дараҳтининг кўчатларини экиш йўли билан ошириш мумкин.

Хандон писта етиштириш технологияси анъанавий ҳолда тупроқни тайёрлаш (ҳайдаш. чизеллаш) дан бошланади, экишдан олдин 6x8 м схемаси бўйича (экиш зичлиги 208 дона/га) экиладиган жойларга қозиқлар қоқиб чиқилади. Ҳайвонларга ем бўлмаслиги учун плантациялар атрофига наъматак экилади ва тиканли сим билан ўраб қўйилади. 2-3 йилдан сўнг наъматакнинг ўзи тиканли тўсиққа айланади, сим эса бошқа участкалар учун ишлатилади. Экишдан кейинги суғориш битта ўсимликка 1,5-2 л сув ҳисобида ўтказилади ва ёзнинг уч ойи мобайнида суғоришлар ойига 3-5 марта пластик идиш-баклажкалардан примитив усулда томчилатиб амалга оширилади. Ёғинлар билан яrim таъминланган (300-500 мм/йил) лалми ерлар учун суғориш фақатгина дастлабки икки йил ичida ўтказилади. Плантациялар қатор ораларида биринчи 8 йилликда ҳайдаладиган қурғоқчиликка чидамли экинлар (сафлор, нўхат, беда) етиштирилиб, улар маълум бир даражада дастлабки харажатларни қоплайди. Киритиладиган минерал ўғитлар миқдори аммиакли селитра учун 290 кг/га (N 33-34,5%) ни ва суперфосфат учун 220 кг/га (P 45%) ни ташкил қиласи. Экилгандан сўнгги 3-4-йилда мева беришини тезлаштириш учун хандонписта кўчати танланган нав билан пайванд қилинади.

Сим тўсиқ атрофига экилган наъматак эса 20-25 йил давомида мева бериши баробарида қўшимча даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Узоқ муддатли истиқболда хандон писта борасидаги боғдорчилик гоятда фойдали бўлади, чунки боғда ўсган хандон пистанинг ҳосилдорлиги 10 ц/га атрофида бўлиб, ҳаёт даври эса 800 йилдан ортиқдир.



12.6-расм. Лалми ерларнинг бир қисмидаги хандон пистаси боғнинг асосини қуриш
(Қозиқлар билан экиладиган кўчатларинг ўрни белгилаб қўйилган)



12.7-расм. Кўчатларни пластик бутилкадан суғориш

Икки йилдан сўнг суғориш тўхтатилади ва дараҳтлар ўзининг табиий намлиги хисобидан озиқлана бошлайди. [86]

Жойлашган ўрни: Жиззах вилояти, Фориш тумани.

Технология қўлланиладиган майдон: 42 га.

Аралашув босқичи: юмшатиш/ерларнинг деградациялашувини қисқартириш

Ердан фойдаланишдаги бош муаммолар ва ер даградациялашувининг асосий сабаблари:	Мазкур технологиянинг асосий техникавий функциялари:
Табиий ёғин сувлари билан кам таъминланганлик, юзада жойлашган сув манбаларининг мавжуд эмаслиги, ўсиб бораётган антропоген юклама ва экологик меъёрларни бузган ҳолда асосланмаган ердан фойдаланиш усуллари тоғолди ерларини сахроларга айланиб боришига олиб келади.	Ер қопламининг яхшиланиши, органик мода ва озуқавий элементларнинг кўпайиши, тупроқ унумдорлигининг ошиши.
Фойдаланилаётган ернинг тури	Тежамкорлик чора-тадбирлари
Аралаш ерлар. Агропасторализм- ҳайдов ерлар ва яйлов ерлар	Вегетатив чора-тадбирлар: В 1: Дараҳт ва буталар билан қопланиши. Бошқарув чора-тадбирлари. Б 1: Фойдаланилаётган ер типини ўзгартириш.

Атроф-мухит

Табиий муҳит	Антропоген муҳит
<p>Ўртча йиллик ёғин миқдори: 250-500 мм. Вертикал зоналаштириш: дengиз сатҳидан 100-500 м баландлиқда. Ландшафт: тоғ ён-бағирлари қиялиги 8-16%. Тупроқ унумдорлиги: паст. Ҳайдаладиган майдондаги гумус миқдори (1 %дан кам). Тупроқнинг табиий дренаж-ланганлиги: ўрта.</p>	<p>Ер майдонининг миқдори: 15-50 га. Ердан фойдаланувчи: фермерлар. Ерга мулкчилик ҳуқуқи: давлат мулки, ижара. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи: СИУ лар орқали Бозорга йўналтирилганлик: аралаш хўжалик (ўз-ўзини таъминлаш ва тижорат учун).</p>

Баҳолаш

Технологиянинг таъсири	
Асосий афзалликлари	Асосий камчиликлари:
<ul style="list-style-type: none"> ➤ юқори рентабеллик (18 йиллик фаолияти давомида 500-600 %), яъни сарфланган ҳар бир сўм келтирган фойда 5-6 сўмни ташкил қилган; ➤ Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоголди ерлари экотизимларининг барқарорлиги нуқтаи назаридан хандонписта бўйича боғдорчилик-ердан фойдаланишининг чорвачилик ёки лалми экинзорларга нисбатан мақбулроқ усули ҳисобланади; ➤ хандонписта плантацияларига қўйилган маблағлар фермернинг ва унинг авлодларнининг бутун умри мобайнила фойда келтиради, чунки хандон пистанинг ҳаёт давомийлиги 1000 йилдан ортиқ. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ наф келтира бошлиши кутиладиган даврнинг узоқлиги (10 йилгача); ➤ узок муддатли истиқболга маблағ қўйиш учун фермернинг иқтисодий даражасининг етарли эмаслиги.

Танлаб олинган хандон писта шаклларидан саноат плантацияларини барпо этиш ўрмонзорлар махсулдорлигини ва ўз навбатида иқтисодий самарадорликни оширади. Ҳар бир шаклнинг хосилдорлиги ҳар хил бўлганлиги учун улардан олинадиган иқтисодий самара ҳам турлича бўлади. Иқтисодий самарадорлик қўшимча этиширилган махсулотдан олинадиган даромад ва унга кетган харажатлар миқдори бўйича аниқланди.

Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаб чиқишида асосий харажатлар сифатида пайвандуст ва пайвандтагларни тайёрлаш ҳамда пайванд қилишга кетган харажатлар ҳисобга олинди. Қолган харажатлар (парваришлаш ва агротехник тадбирлар) бир хил бўлгани учун ҳисобга олинмади.

Лалмикор шароитларда писта плантацияларини барпо этишнинг мақбул экиш схемаси 8x6 м ҳисобланади. Бунда бир гектар майдонга жами 192 та дараҳт жойлашади. Шундан, 7 та уруғчи дараҳтга 1 та чангчи дараҳт жойлаштирилса, жами 168 та ҳосил берадиган уруғчи дараҳт бўлади.

Соф фойда қўшимча ҳосилни реализация қилишдан олинади. Инновациянинг иқтисодий самарадорлик натижалари 12.12-жадвалда келтирилган.

Инновациянинг иқтисодий самарадорлик натижалари

Кўрсаткичлар	Миқдори ва қиймати
1 туп дарахтнинг ҳосили, кг	1,7
1 гектардан олинадиган ҳосил, кг	286
1 кг. хандон писта мевасининг нархи, сўм	30000
1 гектардан олинадиган даромад	8 580 000
Пистазорлар ҳосилга киргунча қилинадиган жами харажат, сўм	2 200 000
Соф фойда, сўм	6 380 000

**12.5. Чўл ва яйлов худудларда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий
самарадорлиги**

1. Ўзбекистоннинг сахро худудларида яйловларни ротациялаш

Технологиянинг таърифи: Чорва молларини ўтлатиш схемасини такомиллаштириш яйлов ўсимликларининг тикланишини ҳамда яйловларга бўлган меъёрий юкламага риоя қилишни таъминлайди.

Технологиянинг қисқача баёни: Ўзбекистонда яйлов ерлар муддатсиз асосда ширкатларга ёки узоқ муддатли ижарага фермер хўжаликларига берилган. Аҳоли ширкатнинг яйловларини ўзининг шахссиз чорвасини ўтлатиш учун фойдаланади, айрим ҳолларда аҳоли чорва молларининг сони ширкат подасидаги моллар сонидан ортиб кетади. Чорва моллари бутун йил давомида бита яйловда боқиласди ва айнин бита йўналиш бўйлаб қайта-қайта ўтлатиш натижасида яйловнинг деградациялашуви юз беради.



12.9-расм. Кўргон қошидаги яйловдан ажратилган участкадаги қўй подаси

Анъанавий ёндашувларга асосланган ушбу технология яйловларнинг деградациялашувини тўхтатишини ва яйлов ўсимликларининг ўз-ўзини тиклаши учун шароит яратишни мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун 800 бош чорва молларидан ташкил топган ҳар бир пода учун иккита суғориш манбаи ажратилган. Мазкур манбалар атрофидаги 7850 га майдон диаметри бўйича 2 секторга бўлинган. Ҳар бир сектор ўз навбатида 3 та ротацион участкага бўлиб қўйилган. Яйловларнинг мавжуд ҳосилдорлиги шароитида бир сектор 800 бош қўйни 90 кун давомида, яъни бутун баҳор озуқа билан таъминлайди. Ёзда қўй подаси иккинчи секторга, кузда эса иккинчи сувлоққа кўчирилади. У

ерда қўйлар ротацион участкалар бўйлаб шундай кетма-кетлиқда, яъни кузда биринчи секторда, қишида эса иккинчи секторда боқилади. Ротациялаш усулида боқишида участкалар режали тарзда дам олади ва ўсимликларнинг куч-қувватини тиклаш ҳамда ўсиши учун имкон яратилади.

Хусусий мулкдорлар яйловдан фойдаланувчилар комиссияси рухсати билан ажратилган яйловларда боқиши учун қатта ёшли чорва молларини 120-150 бошли, ёш молларни эса 150-200 бошли гуруҳларга бирлаштирадилар. Комиссия чорва молларнинг эгаларининг ширкатлар ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларини тартибга солади, мониторингини олиб боради ва яйловларнинг озуқа сифимини баҳолайди. Мониторинг натижалари асосида ортиқча ўтлатишнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир мавсумда молларнинг сонига тузатишлар киритилади. Дастлабки босқичда яйловдан фойдаланувчилар комиссия қишлоқ фуқаролар йигинининг топшириғи бўйича ишлайди, кейинчалик эса мол эгаларининг бадал пуллари хисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Жойлашув ўрни: Бухоро вилояти Ромитан тумани.

Технология қўлланиладиган майдон: 157 кв.км.

Аralашув босқичи: ернинг деградациялашувини юмшатиш/пасайтириш қисқартириш

Ердан фойдаланишдаги бош муаммолар ва ергаградациялашувининг асосий сабаблари:	Мазкур технологиянинг асосий техникавий функциялари:
Табиий иқлим омиллари ва яйловлардан нооқилона фойдаланиш туфайли чўл экотизимларининг заифлиги. Яйлов оборотининг мавжуд эмаслиги, яйловларнинг озуқа сифими ва йўл қўйилиши мумкин бўлган юкламасини инобатга олмаган ҳолда чекланган худудда бутун йил давомида мол боқиши ерларнинг деградациялашуви жараёнларининг ривожланишига олиб келади.	Ер қопламининг яхшиланиши, биохилма-хилликнинг ошиши

Фойдаланилаётган ер типи	Тежамкорлик чора-тадбирлари
Яйлов ерлар. Экстенсив яйлов ерлар	Бошқарув чора-тадбирлари. Бошқарувни/интенсивлик даражасини ўзгартириш

Атроф-муҳит

Табиий муҳит	Антрапоген муҳит
Ўртacha йиллик ёғин микдори: <250 мм. Вертикал зоналаштириш: денгиз сатҳидан 100-500 м баландлиқда. Ландшафт: текисликлар қиялиги ясси (0-2 %). Тупроқ унумдорлиги: паст. Ҳайдаладиган майдондаги гумус микдори <1 %. Тупроқнинг табиий дренаж-ланганлиги: ўрта.	Ер майдонининг микдори: 100-500 га. Ердан фойдаланувчи: ширкат ва фермер хўжаликлари. Ерга мулкчилик ҳуқуқи: давлат мулки, узок муддатли ижара. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи: СИУ лар орқали Бозорга йўналтирилганлик: аралаш хўжалик (ўз-ўзини таъминлаш ва тижорат учун).

Баҳолаш

Технологиянинг таъсири	
Асосий афзалликлари	Асосий камчиликлари:
<ul style="list-style-type: none"> ➤ чорвадорлар маҳаллий ҳамжамиятининг эҳтиёжлари билан яйловларнинг ўз-ўзини тиклашга бўлган эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш; ➤ -маҳаллий чорвадорланинг тажрибасига асосланган, маҳаллий меҳнат ресурслари, яъни подани ротациялаш қоидалари бўйича боқишиш –ўтлатиш техникасини ўзлаштирган чўпонлардан ҳамда мавжуд инфратузилма-моллар сугориладиган ҳудудлардан фойдаланилади. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ мол сугориладиган кудуқларни тиклаш учун бошланғич маблағларни талаб қиласи; ➤ аҳолининг ер деградациялашувининг бирламчи сабабларидан хабардорлик даражасининг ва экологик таълим савиясининг етарли даражада эмаслиги; ➤ яйлов обороти схемасини тузиш учун билимларнинг етарли эмаслиги.

Технологиянинг эътироф этилиши/қабул қилиниши: Технология “Қорақалпогистонда ва Кизилқум чўлларида деградациялашган ерлар экотизимининг барқарорлигига эришиш” лойихаси (БМТД-ГЭФ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2008-2011 йилларда Марказий Осиё давлатлари Ер ресурсларини бошқариш лойихаси доирасида ишлаб чиқилган. Маҳаллий аҳоли томонидан ижобий қабул қилинган, чунки у чекланган табиий ресурслар шароитида чорва моллари учун озуқа баланси билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. [17]



Тоғ олди яйловлар



Кумли яйловлар

2. Турли зот ва зотдорликдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш

Қорамолчиликда сифатли сут ва сут маҳсулотларини етиштириш ва уни инновацион техника ҳамда технологиялар асосида ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликга эришиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир озиқа бирлигига қилинган харажат 2014 йилда 1050 сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бошқа хўжаликларнинг кўрсаткичидан анча пастдир, чунки ҳайвонлар истеъмол қилган озиқаларнинг асосий қисми хўжаликнинг ўзида етиштирилган. Фақатгина пахта шелухаси ва пахта широти Каттақўргон мой комбинатидан шартнома асосида сотиб олинган. Озуқа учун қилинган харажат, жами қилинган харажатни 70,0 фоизига тенг бўлган (12.13-жадвал).

Ҳар бир бош сигирга қилинган жами харажат I (I) гурухлардаги соғ зотли сигирларда 4970,6 минг сўм бўлган.

Бу эса унинг тенгқурлари I (II), II (I) ва II (II) гурухлардаги сигирларга қилинган харажатлардан тегишлича: 148,3 минг сўм ёки 3,0 фоиз, 249,1 минг сўм ёки 5,0 фоиз ва 349,4 минг сўм ёки 0,7 фоиз камдир. Бу кўрсаткич бўйича I (II)-II (I), I (II)-II (II) ва II (I)-II (II) гурухлар орасидаги фарқ охиргилари фойдасига мутаносиб равища: 100,8 минг сўм ёки 2,0 фоиз, 201,1 минг сўм ёки 3,9 фоиз ва 100,3 минг сўм ёки 1,9 фоизга тенг бўлган.

Сарфланган озуқаларнинг қиймати ҳам I (I) гурухдаги сигирларда, ўзининг тенгқурлари I (II), II (I) ва II (II) гурухлардаги ҳайвонларга қараганда шунга мос равища: 151,9 минг сўм ёки 4,4 фоиз, 222,5 минг сўм ёки 6,5 фоиз ва 292,7 минг сўм ёки 8,5 фоизга кам бўлган. Озуқага кетган харажатлар, I (II)-II (I), I (II)-II (II) ва II (I)-II (II) гурухлар орасидаги фарқ охирги гурухлардаги сигирлар фойдасига мутаносиб равища: 67,6 минг сўм ёки 1,9 фоиз, 140,8 минг сўм ёки 3,9 фоиз ва 70,2 минг сўм ёки 1,9 фоизни ташкил қилган.

Маълумки, Самарқанд вилояти учун сутнинг ёғлилик даражаси стандарт кўрсаткич 3,7 фоизга тенгдир. Сигирларни сутини ёғлилик даражаси стандарт кўрсаткичдан юқори бўлган. Шунинг учун ҳам базис ёғлиликдаги сут миқдори юқори бўлган. Бунда (II) гурухдаги сигирлар ўз тенгқурларини мутаносиб равища: 621,8 кг ёки 18,8 фоиз, 269,9 кг ёки 7,4 фоиз ва 294,3 кг ёки 8,1 фоиз ортда қолдирган. Ушбу кўрсаткич бўйича, I (I)-I (II), I (I)-II (I) ва I (II)-II (I) гурухлардаги сигирларнинг фарқи охирги гурухлар фойдасига шунга мос равища: 351,9 кг ёки 10,7 фоиз, 327,5 кг ёки 9,9 фоизга тенг бўлган ва аксинча I (II) гурухдаги тенгқурларини кўрсаткичидан 24,4 ёки 0,7 фоиз кам бўлган.

Чорвачилик борасида олиб бориладиган ҳар кандай тадқиқотларда маҳсулотнинг таннархи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Биз 1 ц сутнинг таннархини ҳисоблаб чиқдик. Ушбу кўрсаткич бўйича, соғф зотлига қараганда (150,7 ва 142,0 минг сўм) чатишма ҳайвонлар (144,0 ва 135,7 минг сўм), 1-лактацияга қараганда (150,7 ва 144,0 минг сўм), 2-лактациядаги (142,0 ва 135,7 минг сўм) сигирлар ижобий кўрсаткичга эришишган.

Бошқача қилиб айтганда, 1 ц. маҳсулотга сарфланган харажат уларда анча кам бўлган. Бу эса иқтисодий самарадорликни юқори бўлишидан далолат беради. Хўжаликда 1 ц. сутнинг харид нархи 180,0 минг сўмни ташкил қилган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сутнинг асосий қисми корхонадаги сутни қайта ишлайдиган цехга олиб келинган ва ундан 8-9 хил тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган. 1 бош сигирдан соғиб олинган сутни сотишдан олинган ялпи даромад, II (II) гурухдаги сигирларда энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, улар бу кўрсаткич бўйича ўз тенгқурлари, I (I), I (II) ва II (I) гурухлардаги сигирларни шунга мос равища: 1119,3 минг сўм ёки 18,9 фоиз, 431,9 минг сўм ёки 6,5 фоиз ва 529,8 минг сўм ёки 8,1 фоиз ортда қолдирган. Ушбу кўрсаткич бўйича I (I)-I (II), I (I)-II (I) ва I (II)-II (I) гурухлардаги сигирларнинг фарқи охирги гурухлар фойдасига тегишлича: 687,4 минг сўм ёки 11,6 фоиз, 589,5 минг сўм ёки 9,9 фоизга тенг бўлган. Аммо, охирги гурухларни фарқи, биринчиси фойдасига 97,9 минг сўм ёки 1,5 фоизни ташкил қилган.

Охирги вақтларда соғин сигирларни сутини иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаганда, улардан олинган авлодни ҳам қийматини қўшиш одат тусига кирган. Сигирларнинг жами маҳсулот қиймати ҳам II (II) гурухдаги чатишма ҳайвонларда юқори бўлиб, 7132,4 минг сўмни ташкил қилган. Бу эса унинг тенгқурлари, I (I), I (II), II (I) гурухдаги сигирлар кўрсаткичидан мутаносиб равища: 1119,3 минг сўм ёки 18,6 фоиз, 431,9 минг сўм ёки 6,5 фоиз ва 519,5 минг сўм ёки 7,9 фоиз зиёд бўлган. Чорвачиликда ҳайвонларни тури, зоти, зотдорлиги, ёши, жинси ва маҳсулдорлик йўналишидан катъий назар, иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинганда олинган соғ фойданинг миқдори муҳим ҳисобланади. Чунки, айнан шу кўрсаткич ҳайвонларни маҳсулдорлигини иқтисодий самарадорлигини бевосита ифодалайдиган кўрсаткичdir. Барча гурухлардаги сигирларда бу кўрсаткич юқори даражада бўлган. Хусусан, тажрибадаги I (I) гурух сигирларининг соғ фойдаси 1042,5 минг сўмни ташкил қилган. Бу эса уларнинг тенгқурлари, I (II), II (I) ва II (II) гурухлардаги сигирлар кўрсаткичидан шунга мос равища: 539,1 минг сўм ёки 5,2 фоиз, 350,4 минг сўм ёки 3,4 фоиз ва 769,9 минг сўм ёки 7,4 фоиз

камдир. Соф фойда кўрсаткичи бўйича маълум даражада лактация кесимида фарқ аниqlанган. Бунда биринчи лактациядаги сигирларга қараганда иккинчи лактациядаги сигирлар устиворлик қилишган. Иқтисодий самарадорлик 20,1-34,1 фоиз оралиғида бўлган. [70]

12.13-жадвал

Инновацияларни қўллашнинг самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Гурӯҳлар			
	I		II	
	I-лактация	II-лактация	I-лактация	II-лактация
Тажриба давомида жами сарфланган озуқа, озуқа бирлиги	3267,9	3412,6	3479,8	3546,7
Лактация давомида олинган сут микдори, кг	3263,1	3604,6	3606,4	3878,3
Ҳар бир бош сигирга сарфланган жами харажатлар, минг сўм	4970,6	5118,9	5219,7	5320,0
Шу жумладан озуқага сарфланган харажатлар, минг сўм	3431,3	3583,2	3653,8	3724,0
Базис ёғлиқдаги бир бош сигирдан соғиб олинган сут, кг	3298,4	3650,3	3625,9	3920,2
1 ц. сутнинг таннахси, минг ўм	150,7	142,0	144,0	135,7
1 ц. сутнинг харид нархи, минг сўм	180,0	180,0	180,0	180,0
Ҳар бир бош сигирдан соғиб олинган сутнинг қиймати, минг сўм	5937,1	6624,5	6526,6	7056,4
Ҳар бир бош сигирдан олинган жами маҳсулотнинг қиймати, минг сўм	6013,1	6700,5	6612,6	7132,4
Олинган соф фойда, минг сўм	1042,5	1581,6	1392,9	1812,4
Рентабеллик даражаси, %	20,1	30,9	26,7	34,1



Шундай қилиб, генетик келиб чиқиши ва лактациясининг сонидан қатъий назар сигирларнинг иқтисодий кўрсаткичлари талаб даражасида бўлган. Бунда чатишма ҳайвонлар, соф зотли ва иккинчи лактациядаги сигирлар биринчи лактациядаги tengkurlariga нисбатан ижобий кўрсаткичларга эришишган.

12.6. Боғдорчилик ва сабзавотчилиқда инновацион технологиялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги

1. Сабзавот-полизчилиқда инновацион технологияларни жорий этиш имкониятлари

Мамлакатимизда сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш, уларни жойларда модернизация қилиш, худудларда инновацион техника ва технологияларни жорий этиш, сув танқислиги муаммоларини ечимини ҳал қилишда замонавий ва хориж тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, томчилатиб суғориш тизимини чет эл компаниялари билан қўшма корхоналар тузиш йўли орқали амалга ошириш, етиштирилган маҳсулотларни сублимация қилиш - сабзавотчилик тараққиётини таъминлаб, иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятларини беради.



Илмий-амалий изланишлар шуни кўрсатадики, мавжуд маҳаллий ва хориждан импорт қилинган сабзавот-полиз экинлари навлари учун шароитлар яратиш натижасида мамлакатимизда анча ижобий ўзгаришларга эришилди.

Сабзавот ва полиз экинлари майдонларининг мелиоратив ҳолати ва тупроқ унумдорлигини ошириб бориш имкониятлари ички ва хорижий инвестициялар орқали инновацион техника ва технологияларни жорий этиш амалга оширилмоқда. Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикамиз худудларида фаолият кўрсатиб келаётган сабзавот ва полизчилик йўналишида 138 минг 54 гектарга эга бўлган 5 минг 394 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатди. Уларнинг ҳар бирига ўртача 25,6 гектар ер тўғри келди.

Жанубий Кореяning Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестицияси 5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Хорижий инвестицияларнинг 7-8 фоизи сабзавотчилик ва полизчилик тармоғини ривожлантириш учун ишлатилмоқда.

2014 йили Ўзбекистондаги фермер хўжаликларининг 484 таси 21857 гектар майдонда сабзавотчилик қиласди. Шунингдек, 2014 йилда 58та фермер хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, 5та фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайta ишлаш, 17та фермер хўжалигида музлатгичли омборхоналар ҳамда 4418 та фермер хўжалигида сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 549,8 миллиард сўм, шундан 144 миллиард 970 минг сўм банк кредитлари ва 404 миллиард 840 миллион сўм (103,2 фоиз) фермер хўжаликларининг ўз маблағлари йўналтирилди. Амалга оширилган инновацион лойиҳалар натижасида қишлоқ жойларда 75 минг 900 та янги иш ўринлари яратилди. Биз биламизки, захирани бунёд қилиш учун мамлакатимизда яшаётган аҳоли сони ва уларни йил давомида озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилган Давлат дастури қабул қилинган. Ушбу дастурни тайёрлашда илмий-тиббий тавсияларга таянилади. Ушбу тавсияларга асосланиб ҳисоб қисак, мамлакатимиз аҳолиси 31,5 миллион кишини ташкил қиласди.

Маҳсулотларни сублимация қилиш-сабзавотчилик тараққиётини таъминлаб, иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятларини беради.

Ахолимизни сабзавот маҳсулотлари билан йил давомида таъминлашимиз учун 3 миллион 568 минг 950 тонна сабзавот таёrlашимиз керак бўлади. Агар 10 фоиз захирага ҳам сақласак (356 минг 895 тонна) 3 миллион 925 минг 845 тонна тайёрласак, халқимизни витаминли сабзавотларга бўлган йиллик

талабини қондирған бўламиз. Полиз маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳам шундай ҳисоб - китоб қилинади: тайёрланади. З миллион 102 минг 750 тонна, 10 фоизли захира билан (310 минг 275 тонна) З миллион 413 минг 25 тонна полиз маҳсулотлари тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабзавотчиликда 2014 йилда ҳосилдорлик 257,2 ц/га бўлди. Режадагига нисбатан 47 ц/га ёки режа 122,7 фоизга ёки 22,7 фоизга ортиғи билан бажарилди. Полизчиликда 2014 йил режасида ҳосилдорлик 249,0 ц/га этиб белгиланган бўлиб, ҳақиқатда эса 270,0 ц/га ҳосил олинди. Режадагига нисбатан 21 ц/га ёки режа 108,4 фоизга ёки 8,4 фоизга ортиғи билан бажарилди. Сабзавотчиликда, ушбу ялпи ҳосилни етиштириш ва реализация қилиш учун сарфланган жами ҳаражатлар миқдори, яъни тўлиқ таннархи режадаги 508 миллиард 423 миллион сўм ўрнига, ҳақиқатда 531 миллиард 859 миллион сўмга тенг бўлди. Режадагига нисбатан 23 миллион 436 минг сўмга ёки 104,6 фоизга ёки 4,6 фоизга ялпи маҳсулот таннархи ошиб кетди. Полизчиликда, ушбу ялпи ҳосилни етиштириш ва реализация қилиш учун сарфланган жами ҳаражатлар миқдори, яъни тўлиқ таннархи ҳақиқатда 37 миллиард 330 миллион сўмга тенг бўлди. Бизнес режадагига нисбатан 1 миллион 768 минг сўмга ёки 105,0 фоизга ёки 5,0 фоизга ялпи маҳсулот таннархи ошиб кетди.

Сабзавотчиликда 2014 йилда ялпи пул тушуми 705 миллиард 596 миллион сўм бўлди. Бизнес-режага нисбатан 43 миллиард 126 миллион сўмга ёки 106,5 фоизга ёки 6,5 фоизга пул тушуми кўп бўлди. Полизчиликда 2014 йилда ялпи пул тушуми 48 миллиард 586 миллион сўм бўлди. Бизнес режага нисбатан 2 миллиард 949 миллион сўмга ёки 106,5 фоизга ёки 6,5 фоизга пул тушуми кўп бўлди. Сабзавотчилик ва полизчиликдаги натижа бир хил бўлиб чиқди. 2014 йилда сабзавот маҳсулотларини сотишдан олинган фойда миқдори 173 миллиард 737 миллион сўм олинди. 2014 йилда сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва сотиш-экспорт натижасида иқтисодий самарадорликнинг якуний категорияси бўлмиш рентабеллик даражаси 32,7 фоизни ташкил этди. Бу бизнес режага нисбатан 2,4 пунктга юқори бўлди. 2014 йилда полизчилик тармоғидаги рентабеллик даражаси 30,2 фоизни ташкил этди.

Тармоқни модернизациялаш, жойларда инновацион техника ва технологияларни хориж компаниялари билан ҳамкорликдаги тузилаётган корхоналар фаолиятини амалга оширилиши, сабзавотчилик ва полизчилик тармоғини модернизация қилиш, инновацион техника ва технологияларни жорий этиш учун хориж компаниялари иштирокидаги, жумладан Жанубий Корея мамлакати билан сув танқислигини ҳисобга олиб, томчилатиб, туманлатиб сугориш моделини жорий этиш бўйича Кўшма корхоналарни тузишини кўпайтириш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланишига имкон яратмоқда. [84]

2. Мамлакатимизда интенсив боғларни ривожлантириш омиллари

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, уларнинг сифатини яхшилаш, шунинг баробарида, мевали дараҳт кўчатлари турини кўпайтириш орқали интенсив боғлар барпо этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида Юртбошимиз таъкидлаганидек, 2010–2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан меваларнинг сархил навларининг 6 миллиондан зиёд кўчатлари олиб келинди.



Бундай боғларнинг кўплаб афзаликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дараҳт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4–5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дараҳт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлади.

Интенсив боғлардаги пакана ва ярим пакана дараҳтларнинг танаси кичик бўлганлиги боис уларга ёруғлик тушиши, ҳаво айланиши яхши бўлганлиги учун мевасининг сифати ва таъми яхши бўлади. Қолаверса, бундай боғларга ишлов бериш жуда қулай, мевасини териш ҳам осон. Айниқса симбағазга олинган боғларда нарвон ишлатмасдан ҳосил терилади. Бунда иш унумли, юқори бўлиши билан бирга терилган мевалар келгусида яхши сақланади.

Юртимизнинг турли ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитида пакана пайвандтагларга уланган кўчатларнинг турлари ва навларига қараб, парвариш ишларини олиб бориш талаб этилади.

Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томондан ўрганилган тажрибалари асосида республикамиизда интенсив мевали боғларни барпо этиш бўйича қўйидагилар тавсия қилинади:

Кўчат экиш учун майдонни тайёрлаш

Кўчат экиш учун танланган майдон кузда 50–60 см чуқурликда ҳайдалган бўлиши керак.

Пакана (карлик) **М-9 пайвандтагга** уланган **олма** **кўчатлари** 3,5 x 2,5 м оралиқда экилса 1 гектарда 1142 туп, 3,5 x 3 м оралиқда экилганда эса 952 туп, **нок** **кўчатлари** 3,5 x 2 м оралиқда экилганда 1428 туп, ўрта ўсуви навлар 3,5 x 2,5 м оралиқда экилганда эса 1142 туп ниҳол бўлади.

Ярим пакана **ММ-106** пайвандтагга уланган ўрта ўсуви кўчатлардан **олма** 6 x 4 м оралиқда экилса 1 гектарда 416 туп, 6 x 5 м оралиқда экилса 333 туп, **нок** 5 x 3 м оралиқда экилса 666 туп, 5 x 4 м оралиқда экилганда эса 500 туп ниҳол бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган **пакана** (карлик) **М-9 пайвантагда** ўстириладаиган олма навларидан – Голд Спур, Джонаред, Кинг Девид, Рояль ред Делишес, Старк Эрлист, Нафис навларини экиш тавсия этилади. Бу мевали дараҳтларнинг бўйи 2–3 метрни ташкил этади.

Ярим панака ММ-106-пайвантагда ўстириладаиган олма навларидан –Боравинка Ташкентская, Голден Делишес, Джонарет, Кинг Девид, Корей, Пармен Зимний Золотой, Первенец Самарканда, Ренет Симиренко, Рояль ред Делишес, Старк Эрлист навлари тавсия этилади. Бу навлар дараҳтларини бўйи 3–4 м. гача етади.

Кўчат экии

Кўчатларни ўтқазиш олдидан чуқурлиги ва кенглиги 60 x 60 см бўлган чуқурчалар ковланади. Уларни қазища устки 20–25 см қатламдаги тупрғи бир томонига, қолган қисмидаги тупроқни эса иккинчи томонга олиб қўйилади. Кўчат ўтқазишдан олдин чуқурга 350–400 г фосфорли, 30–40 г, калий ўғити ҳамда 8–10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади.

Кўчатни экишдан олдин алоҳида тайёрланган шатмоқقا (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда қаймоқсимон қилиб тайёрланади) ботириб олиб экилади. Кўчат чуқурчага қўйилиб, олдин олинган тупроқ чуқур тагига ташланади. Илдиз пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида бўлиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурчага сув қўйилса, тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади.

Юртимизнинг иқлим шароити паст бўйли пайвандтагга уланган мевали боғларни барпо қилиш учун жуда қулай. Интенсив боғларнинг ҳосилдорлигини оширишда тупрокни доим озиқлантириб туришга ҳам аҳамият қаратиш зарур. Бунинг учун ҳар йили гектарига 30–40 тонна чиринди ҳамда соғ холда 240–260 кг азот, 120–150 кг фосфор ва 60–70 кг калий солиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, янги экилган кўчатларни дастлабки даврда сув билан таъминлашга катта эътибор бериш керак. Кўчатлар тўлиқ тутиб кетиши учун (агар томчилатиб суғориш технологияси ўрнатилмаган бўлса) улар атрофини айлана шаклида ариқ олиб суғориш лозим. Мевали дaraohтлар қишида тиним даврига киргани боис, сентябрь ойининг иккинчи ярмидан суғориш тавсия этилмайди. Октябрь-ноябрь ойларида кўчатларнинг қатор оралиғи чопилиб, юмшатилади. Бегона ўтлардан тозаланади. Боиси, бу даврда тупроқда намлик даражаси яхши сақланади.

Ушбу агротехник жараёнлар ўз вақтида тўлиқ ва сифатли ўtkазилса, янги экилган пакана ва ярим пакана дaraohтлар иккинчи-учинчи йилдан бошлаб ҳосилга кира бошлайди. Жумладан, иккинчи йилда гектаридан 2–5 т, учинчи йилда 5–10 т ҳосил олиш мумкин. 4–5-йилга бориб бу кўрсаткич гектарида 40–50 тоннага етади.

Вегетация даврида кўчатларнинг атрофи қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун юмшатиб турилади. Тупроқ шароитига қараб 10–12 мартадан 16–20 марта гача сув берилади. Ҳар суғоришдан сўнг ер юмшатилади.

Янги экилган кўчатларни дастлабки даврида сув билан таъминлашга катта эътибор бериш зарур. Кўчатлар тўлиқ кўкариб кетиши учун томчилатиб суғориш яхши натижа беради (30–40 фоиз сув тежалади).

Юртимиз шароитида пакана пайвандтагда экилган интенсив боғларда кўчатларга 60 см юқоридан кесилиб, шакл берилади.

Четдан келтирилаётган кўчатларни веретино шаклида, яъни асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилади, яъни шохлатилади. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохидаги штамби учун 50 см қолдирилиб, ундан юқорисига 8–10 кўз қолдирилиб, ундан сўнг яна шип 3 та кўз қолдирилиб, ортиқчаси кесилади.

Ўғитлаш ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмida ҳар бир кўчат атрофига 100–120 г. дан азотли ўғит солинади. Иккинчи маротаба июнь ойида азотли ўғит яна шунча миқдорда солинади.

Томчилатиб суғориладиган боғларда барча минерал озуқаларни сув орқали томчилатиб бериш мақсадга мувофиқ. Бунда ўғитни ўзлаштириш самарадорлиги ортади.

Биринчи йили ёш кўчатлар қишига яхши тайёрланиши боис сентябрь ойининг иккинчи ярмидан суғориш тавсия этилмайди.

Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда кўчатларнинг қатор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади.

Кузда гектарига 90 кг фосфорли, 45 кг калийли ўғит ва 20 т гўнг солиниб чопилади.

Бир сўз билан айтганда, янги усуладаги ресурстежамкор интенсив мевали боғларни барпо этиш республикамиз боғдорчилигини ривожлантиришга, янги истиқболли навлар ҳосилдорлигининг янада ортиши эса мева ва узум маҳсулотларининг кўпайишига, пировардида аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қиласи.

Сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни жорий этиш

Дунёning қўпгина қисмида, қолаверса, минтақамизда, жумладан, мамлакатимизда ҳам сув ресурсларига бўлган талаб ортаётганилиги билан бирга, сувнинг тақчиллиги ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. 2000 йилгача кам сувли мавсум ҳар 6-8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охирги йилларда бу жараён ҳар 3-4 йилда такрорланмоқда. Бунда сув тақчиллигини, айниқса, дарёларнинг қуи қисмида ҳамда канал ва бошқа сув манбаларидан узоқда жойлашган истеъмолчилари чуқур хис этмоқдалар. Республикаизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш асосида суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш, бу борада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда ички бозорни тўлдириш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда сувдан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича кейинги йилларда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сувни тежашнинг бир қанча турлари ёрдамида босқичма-босқич зарур бўлган тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили 5 минг км. дан ортиқ суғориш, 12 минг км коллектор-дренаж, 50 минг км ариқ тармоқлари тозаланаётган бўлса, 200 км. дан ортиқ каналлар, 30 км лоток ва 500 км коллектор тармоқлари, 400 дан ортиқ гидротехник иншоотлар ва бошқа кўпгина объектлар реконструкция қилинмоқда ва қурилмоқда.



Шу билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиниши ҳам сувни тежалашига ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида пахта, шоли каби сувни кўп талаб қилувчи экинлар қисқартирилиб, ўрнига бошоқли дон, сабзавот-полиз экинлари ва боғ-узумзорлар майдони кенгайтирилди. Жумладан, 80 йилларга нисбатан пахта майдонлари қарийб 50 фоизга, шоли майдонлари эса 75 фоизга қисқартирилди.

Бажарилган ишлар натижасида сувни тезкор бошқариш ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли етказиб бериш имконияти яратилмоқда ҳамда суғориш тармоқларидағи техник йўқотилиши ва фильтрацияси камайишига эришилмоқда.

Жумладан, бугунги кунга келиб Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўналишидаги давлат сиёсатининг натижаси ўлароқ фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори 80-йилларга нисбатан 20 фоизга камайишига эришилди.

Сув манбаларидан 1 гектар суғориладиган майдонга 90-йилларда 18 минг м³/га ишлатилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 40 фоизга камайди.

Экинларни суғоришида сувдан тежамли фойдаланиш тадбирлари орасида бир қатор ташкилий жиҳатлари борки уларга амал қилиш сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қиласи.

Жумладан, фермерлар орасида сувни навбатма-навбат ишлатишни ташкил қилиш, бунда сувни аввал битта далага, кейин эса бошқасига узатилиши натижасида каналдаги сув исрофи 10-20 % га, дала ўқариқларидаги сув исрофи эса 30-35% гача камаяди;

- суғориши ариқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш, бетон ва нов ариқларнинг синган, ёрилган ва тешилган жойларини таъмирлаш тадбирлари ҳам далада сув таъминотини яхшилайди;
- фермер хўжаликларининг сувни олиш қулоқларини сувни бошқариш ва ўлчаш иншоотлари билан жиҳозлаш ишлари сувни адолатли тақсимлаш имконини беради;
- эрта баҳорда ёки экиш олдидан ўтказилган нам тўпловчи суғоришилар ғўзаларни биринчи суғоришсиз бир текис ундириб олишга тўлиқ имкон беради;
- сувнинг қатъий ҳисоб-китобининг жорий этилиши ундан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Шу билан бирга:

- суғориладиган ерларни текислаш, ер майдонининг нишаблигига қараб эгатларни қисқа олиш (50-60 м);
- эгат оралатиб суғориши (20-25 фоиз сув тежалади);
- сувчилар сонини қўпайтириш ва ҳар 8-10 л/с сувга биттадан сувчи жалб этиш, тунги суғоришиларини ташкил этиш;
- Суғоришини шарбат оқизиб ташкил этиш ва қатор орасига ўз вақтида ишлов бериш, сувни ташлама ва зовурга беҳуда ташлаб қўйиш, кўллатиб ва захлатиб суғоришига йўл қўймаслик ҳам ўз самарасини беради.

Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларнинг бир қанча турлари қўлланилиб, улар қуидагилар:

1. Эгатга плёнка тўшаб суғориши;
2. Ўқариқлар ўрнига эгилувчан пленкали қувурлардан фойдаланиш;
3. Тупроқ остидан суғориши технологиясини қўллаш, далага сув бериш миқдори 25–30 фоизгача камаяди, эгат олинмайди;
4. Ёмғирлатиб суғориши (бунда асосан бир йиллик экинлар суғорилади).
5. Томчилатиб суғориши.

Ушбу сув тежовчи технологиялар ичida томчилатиб суғориши алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу технология бошқа суғориши усууларидан фарқли жиҳатлари:

- юқори самарадорлиги, яъни сув ресурслари танқислиги шароитида кам сув сарфлаб барқарор юқори ҳосил олиш имконини берishi;
- тупроқнинг намлиги ва уни яратиш учун берилаётган сувни бошқариш мумкинлиги, яъни сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текис тақсимланиши;
- экин илдизи ривожланадиган тупроқ қатламида ўсимлик учун мақбул бўлган сув-физик муҳит яратилиши.

Томчилатиб суғоришида қуидагилар ҳисобига сув тежалади

- суғориши режимини ўсимликнинг сувга бўлган талабига мослиги;
- тупроқдан буғланадиган сувнинг камлиги;
- сувнинг дала бўйлаб тарқалмаслиги ва тупроқка сингиб кетмаслиги;
- сув оқавага ташланмаслиги.

Томчилатиб суғориши натижасида бошқа суғориши усууларига нисбатан 20 фоиздан 60 фоизгача сув тежалади.



Томчилатиб суғоришда сув ўсимликка шланглар воситасида етказиб берилганилиги учун дала тупроғи қотмайды, натижада тупроқни юмшатишга (культивация) ва ариқ олишга ҳожат қолмайды. Тупроғи қотмаган майдон эса мавсум охирда осон ҳайдалади.

Үғит сув билан бирга берилганилиги боис, үғитлаш учун техника ишлатишнинг зарурияти йўқолади.

Томчилатиб суғориш тизимини қуриш учун сув насоси, фильтр ҳовуз-тиндиргич, үғитловчи мослама, магистрал ва тарқатувчи қувурлар, суғориш шланглари, томизгичлар, ёрдамчи ва ўловчи кисмлар керак бўлади. Бундан ташқари қурилиш ишлари ва лойихани тузиш харажатлар киритилади.

2013–2014 йилларда ўтказилган тадқиқот ишларига асосан бир гектар майдонга ўртача 6–7 млн сўм атрофида маблағ сарфланади.

Республикамизда ушбу технология учун талаб этиладиган 95 фоиз жиҳоз ва анжомлари чиқарилади. Бундан 5–6 йил бурун мамлакатимиз шароитида томчилатиб суғориш тизимининг баъзи қисмларини ишлаб чиқарувчи биргина Санипласт қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бундай корхоналар сони бир қадар кўпайди.

Агар сув насоси “Сувмаш” заводида тайёрланса, фильтр, ҳар хил диаметрдаги пластик қувурлар, шлангалар, ёрдамчи ва уловчи қисмлар “Шўртангазкимё”, “Махсусполимер”, “Жиззахпластмасса” ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқилмоқда. Энг асосийси авваллари тўлиқ четдан келтирилган томизгичлар (капельнициалар) эндиликда ўзимизда “Пипелайн технологис” (Тошкент ш.), “Агропласт монтаж сервис” (Наманган вилояти) корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланишининг самарадорлигини оширишда суғоришнинг сувни тежайдиган илғор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбарияти томонидан ушбу йўналишни ривожлантириш қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 21 апрелдаги “2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 2013–2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усууллари жорий этилиши белгиланган.

Ушбу Қарорнинг ижросини таъминлаш ҳамда сувни тежайдиган замонавий суғориш усуулларни жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш тадбирлари Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида белгиланган имтиёзларда кўзда тутилган.

Ушбу қарорда томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тежалган сув ресурсларидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳукуқи берилиши белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 367-моддасига киритилган ўзгартиришларга асосан юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғорищдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга ягона ер солиги тўлашдан озод этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги 176-сонли қарорига асосан томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ҳар йили тасдиқланадиган Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш Давлат дастурлари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, ҳудудий манзилли дастурни шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қарорлари билан тегишли равища ҳудудий ва туман ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринbosарлари ҳудудий ишчи гурух раҳбари этиб тайинланган. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси бошлиғи эса ҳудудий ишчи гурух раҳбарининг ўринbosари ҳисобланади.

Шунингдек, ҳудудий ишчи гурух таркибига тижорат банкларининг вилоят бўлинмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий Фермерлар кенгаши раислари, ирригация тизимлари

хавза бошқармаси раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари, электр тармоғи ҳудудий ташкилоти бошлиқлари киритилган.

Иrrигация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳудудий ишчи гурухнинг ишчи органи ҳисобланади.

Худди шундай туманларда ҳам туман ишчи гурухлари ташкил этилган бўлиб, туман ҳокими – ишчи гуруҳ раҳбари этиб белгиланган. Шунингдек, гуруҳ таркибига тижорат банкларининг туман бўлинмалари раҳбарлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимни бошлиғи, туман Фермерлар кенгаши раиси, ирригация тизими бошқармаси раҳбари, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимни бошлиғи, электр тармоғи туман ташкилоти бошлиғи ҳамда бошқа манбаатдор ташкилотларнинг раҳбарлари киритилган.

Ушбу ҳудудий ва туман ишчи гурухлари томонидан томчилатиб сугориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа сугориш технологияларини жорий этишнинг ҳар йилги ҳудудий манзилли дастури қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг номлари, уларнинг жойлашган жойи, томчилатиб сугориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа сугориш технологияларини жорий этиш майдонлари, қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, дастлабки қиймати ва молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолдаги лойиҳалар рўйхатидан иборат бўлган ҳудудий манзилли дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Вазирлик томонидан жойлардан олинган ҳудудий манзилли дастурлар умумлаштирилиб, Давлат дастури лойиҳаси тайёрланади.

Ушбу давлат дастури лойиҳаси Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси Кенгаши аъзолари ҳисобланган вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан келишилиб, кўриб чиқиши ва тасдиқлаш учун Жамғарма Кенгашига тақдим этилади.

Бундан ташқари, томчилатиб сугориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа сугориш технологияларини жорий қилиш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳамда ушбу технологияни жорий қилиш бўйича мавжуд тавсияларни таҳлил қилиш, томчилатиб сугориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа сугориш технологияларини жорий қилиш бўйича вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун тавсиялар тайёрлаш ва жойларга етказиш мақсадида Ирригация ва сув муаммолари илмий-текшириш институти қошида юридик шахс мақомидаги сугориш технологиялари бўйича консалтинг маркази ташкил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳудудий ишчи гурухлар томонидан томчилатиб сугориш ва бошқа сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этиш бўйича тасдиқланган ҳудудий манзилли дастурлари умумлаштирилиб, 2015 йилда томчилатиб, эгатга плёнка тўшаб ҳамда кўчма эгилувчан қувурлар орқали сугориш усууларини жорий қилиш бўйича ҳудудий Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу Давлат дастури 2015 йилнинг 13 марта Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғарма кенгашининг 01-03/1-250-сонли йиғилиш баёнига асосан тасдиқланди.

Давлат дастурига киритилган томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш лойиҳаларни амалга оширишда фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларига Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармасининг кредит линияси ҳисобидан республика бўйича 10 млрд сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар тижорат банклари орқали йиллик 6 фоизлик имтиёзли кредит сифатида тақдим қилиниши белгиланган.

Бугунги кунда 2015 йил Давлат дастурига киритилган ҳар бир лойиҳани таҳлил қилиб, жорий қиладиган майдонларда томчилатиб сугориш тизими лойиҳасини ишлаб чиқиши ҳамда қурувчи пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиниши, бунинг учун давлат томонидан яратилаётган қулайликлардан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиласди. [93]

4. Картошка навларини ўстиришда тежамкор инновацион технологиялар

Республикамиизда картошкачилиқда ҳосилдорликнинг нисбатан пастлиги, маҳаллий ноқулай шароитларга мос навлар уруғлик материалларининг етишмаслиги, уларнинг навдорлик ва экиш сифатлари бўйича стандарт талабларига жавоб берадиган уруғ олиш технологияси усул ва йўлларини мукаммал даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳисобланади.

Маълумки, ҳар йили умумий ҳосилнинг 25-30 % и уруғ учун қолдирилади. Уларнинг кўпайиш коэффициенти 4-5 ни ташкил этади. Шунинг учун эртаги картошка етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан қисқа муддатда мўл ҳосил берадиган навларни тўғри танлаб, юқори сифатли уруғлик материалларни жадал кўпайтириш йўлларини ишлаб чиқиш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани “Абдуқаҳхор агросервис” фермер хўжалиги шароитида олиб борилди. Тажриба участкасининг тупроғи қадимдан суғориладиган тук тусли бўз тупроқ бўлиб, механик таркиби қумоқ.

Тадқиқот объекти қилиб, картошканинг Голландия, Германиядан келтирилган ва Ўзбекистонда яратилган навлар тўплами олинди: Ҳар бир нав бўйича ўсимлик ўсадиган бўлакнинг майдони – 28м² бўлиб, такрорлар сони 3 та бўлди. Синалган картошка навларидан ўсимта чиқимини аниқлаш мақсадида вазни 30-50, 50-80 ва 80-100 граммлик 1-репродукция уруғлик туганаклари ўрганилди. Ўрганилган навларнинг нишлатилган уруғлик туганаклари кўчатхонага бир қават экилиб, усти 6-7 см қалинликдаги қора қум билан кўмилиб, 18-25 кун ўтгач ўсиб чиқкан. 12-15 см узунликдаги синдириб олинган ўсимталар энг юқори (96,5 %) тутувчанликка эга экан. Чунки, бундай ўсимталар поясининг йўғонлиги 5-8 миллиметрни, чинбарглар сони 3-5 тани, поянинг ердан чиқкан қисми массаси 10-14 граммни, илдиз массаси 0,6-1,0 граммни, ўсимта таркибидаги намлик 89-92 % ни, умумий узунлигининг 65-75 % и яшил ранга кирганлиги, механик хусусияти қайишқоқлиги билан характерланди.

Туганаклардан олинган 12-15 см узунликдаги ўсимталар март ойининг биринчи ўн кунлигига 70x20 см схемада ҳар бир уяга 2 тадан экилди. Ўсимталар экилгач, дарҳол суғорилди. Ўғитлаш меъёри 20 т/га ярим чириган гўнг ва N150, P120, K75 кг/га минерал ўғитлар солиниб умумқабул қилинган агротавсиялар асосида парвариш амалга оширилди.

Картошка навларини ўсимталаридан ўстириш бўйича тажрибалардан олинган маълумотларнинг кўрсатишича, туганаклардан ўсимта чиқими унинг вазнига боғлиқ экан. Картошканинг вазни 50-80 граммлик уруғлик туганаклар экилганда ўртacha Ликария навидан 3,1 дона, Белуга навидан 3,5 дона, Аладин навидан 4,1 дона, Делфин навидан 4,8 дона, Яроқли -2010 навидан 4,0 дона, Альтаир навидан 4,7 дона, Ред Скарлет навидан 4,4 дона, Кондор навидан 4,1 дона, Аринда навидан 4,5 дона, Арнова навидан 4,8 дона ўсимталар олинганлиги қайд этилди.

Ўрганилган навлар ичida ўсимталарининг тутувчанлиги 84,5 дан 96,5 фоизгача ўзгарди. Энг юқори ўсимталар тутувчанлиги Ред Скарлет (96,5 %), Делфин (96,2 %), Альтаир (95,3 %), Арнова(95,1 %) навларида кузатилди.

Шуни таъкидлаш мумкинки, тезпишар навларга нисбатан ўртатезпишар ва ўртатезпишар навлар ўсимтасининг дала тутувчанлиги ўртacha 1,5-2,4 % юқори бўлиши аникланди. Шунга мувофиқ, майдон бирлигидаги хақиқий ўсимталар қалинлиги ҳам тезпишар навларда 116-137, ўртатезпишар навларда - 122-138, ўртатезпишар навларда эса 118-137 минг донани ташкил этди. Картошка навлари ўсимтасидан ўтқазилгандан палак сарғайишгача ўсув даври 86-96 қунни ташкил этди.

Үрганилган навлар ичида ўсув даври бошида (25-28.04) баланд бўйли ўсимликлар Арнова (23,2 см), Делфин (22,1 см), Аринда (21,7 см), Альтаир (21,3 см), Аладин (21,2 см), Яроқли -2010 (20,8 см), Ред Скарлет (20,5 см), Кондор (19,5 см), навларида қайд қилиниб, ушбу қонуният ўсув даври охиригача сақланиб қолди.

Синалган барча навларнинг жадал ўсиши 5-8 майдан 5-8 июнгача кузатилди. Энг баланд бўйли ўсимликлар - Арнова (89,2 см), Кондор (89,1 см), Ред Скарлет (88,6 см), Аринда (87,5 см), Яроқли - 2010 (86,3 см), Делфин (85,7 см) бўлди.

Энг баргланган ўсимликлари Арнова (23,0 дона), Аринда (21,5 дона) Ред Скарлет (20,6 дона), Делфин (20,5 дона), Яроқли -2010 (20,3 дона), Кондор (17,4 дона), кабиларда кузатилди. Ушбу устунлик ўсув даври охиригача сақланди.

12.14-жадвал

Картошка навлари ўсимталардан ўстирилганда ҳосилдорлиги ва товарлилиги

Т/р	Нав номи	Ўсимта чиқими, дона	Ўсимта-ларнинг тутувчанлиги, %	Такрорлар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртacha, ҳосилдорлик, т/га	Шу жумладан товар ҳосил	
				1	2	3		т/га	%
1.	Ликария	3,1	91,5	21,1	23,2	20,8	21,7	20,3	93,6
2.	Белуга	3,5	84,5	19,6	20,7	17,9	19,4	17,6	90,8
3.	Аладин	4,1	93,5	23,5	26,1	23,9	24,5	22,7	92,2
4.	Делфин	4,8	96,2	22,8	24,3	22,2	23,1	22,1	95,5
5.	Яроқли-2010	4,0	94,2	23,6	22,9	24,0	23,5	22,4	95,3
6.	Альтаир	4,7	95,3	24,2	25,0	23,7	24,2	21,6	89,1
7.	Ред Скарлет	4,4	96,5	23,4	24,6	22,8	23,8	22,9	96,5
8.	Кондор	4,1	93,7	24,9	22,5	24,1	23,7	23,0	97,0
9.	Аринда	5,1	92,2	22,9	24,3	22,1	23,1	22,1	96,0
10.	Арнова	5,4	95,1	24,1	24,7	22,9	23,9	23,0	96,3

Энг бақувват палакли ўсимликлар Арнова (342,4 г), Аринда (330,9 г), Кондор (326,4 г), Делфин (319,4 г), Яроқли -2010 (248,2 г), Ред Скарлет (226,1 грамм), навларида кузатилди. Энг юқори маҳсулдорлик үрганилган навларда Ред Скарлет (582,5 г), Арнова (581,5 г), Аладин (562,4 г), Кондор (520,3 г), Альтаир (516,8 г), каби навларда қайд қилинди.

Картошка навларии туганаксиз ўсимталаридан ўстириш уруғлик туганак сарфини 2-3 баробар тежаб, уруғлик туганак 3-4 маротаба арzonлаштиради. Картошкани ўсимталардан ўстириш Ред скарлет, Аладин, Альтаир, Кондор, Арнова, Аринда навларидан гектаридан 20,3 -23,0 тонна товар ҳосил олишни таъминлар экан (12.14-жадвал), туганаклардан ўсимта чиқими унинг вазнига боғлиқ экан. Картошканинг вазни 50-80 граммлик уруғлик туганаклар экилганда ўртacha Ликария навидан 3,1 дона, Белуга навидан 3,5 дона, Аладин навидан 4,1 дона, Делфин навидан 4,8 дона, Яроқли -2010 навидан 4,0 дона, Альтаир навидан 4,7 дона, Ред Скарлет навидан 4,4 дона, Кондор навидан 4,1 дона, Аринда навидан 4,5 дона, Арнова навидан 4,8 дона ўсимталар олинганлиги қайд этилди. Ўсимталарининг тутувчанлиги 84,5 дан 96,5 фоизгача ўзгарди. Энг юқори ўсимталар тутувчанлиги Ред Скарлет (96,5%), Делфин (96,2 %), Альтаир (95,3%), Арнова (95,1%), навларида кузатилди. [85]

Мавзу бўйича саволлар ва топшириқлар:



1. Агроэкотизим тушунчасига таъриф беринг.
2. Ер деградацияси нима?
3. Сугориладиган ерларда қўлланадиган инновацион технологиялар мисол келтиринг.
4. Лалми ерларда қўлланадиган инновацион технологиялар мисол келтиринг.
5. Тоғли ҳудудларда инновацион технологиялар мисол келтиринг.
6. Чўл ва яйлов ҳудудларда инновацион технологиялар мисол келтиринг.
7. Инновацион технологияларни баҳолаш кўрсаткичлари.
8. Самара ва самарадорлик тушунчаси.
9. Инновацияларни жалб этиш эвазига олинган ялпи фойда кандай аниқланади?
10. Инновацияларни қоплаш муддати кандай аниқланади?
11. Рентабеллик даражаси кандай аниқланади?

КЕЙСЛАР, ТОПШИРИҚЛАР, ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР ВА ТЕСТЛАР

1. Вазиятли масала

Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда картошка экин майдонларининг тақсимоти ва ҳосилдорлик даражаси ҳакида қуидаги маълумотлар берилган:

	Картошка майдони, га	Картошка ҳосилдорлиги, ц/га
Қорақалпоғистон Республикаси	4925	80
Андижон	10498	220,9
Бухоро	6473,5	243,3
Жиззах	2822,9	179,6
Қашқадарё	8090	173,3
Навоий	2123,3	274,1
Наманган	9956,8	208,2
Самарқанд	17392,4	276,5
Сурхондарё	9253,6	188,9
Сирдарё	2627,8	138,9
Тошкент	14488	232,4
Фарғона	10160,4	230,7
Хоразм	5770,1	176,6

Берилган маълумотлар асосида ҳосилдорликнинг ўртача даражаси ва вариация кўрсаткичларини хисобланг, хулоса қилинг.

Ечими:

- картошканинг ўртача ҳосилдорлиги даражаси $\bar{X} = \frac{\sum Xf}{\sum f}$ (ўртача тортилган арифметик) формуласи билан;
- ўртача квадратик тафовут $\sigma = \sqrt{\frac{\sum (X - \bar{X})^2 f}{\sum f}}$ формуласи билан;
- вариация коэффициенти эса $v = \frac{\sigma}{\bar{X}} \times 100$ формуласи билан аниqlанади.

Хисоб-китоб ишларини осонроқ бўлиши учун ёрдамчи жадвалдан фойдаланамиз:

	Картошка майдони, га	Картошка ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи ҳосил, ц	$X - \bar{X}$	$(X - \bar{X})^2$	$(X - \bar{X})^2 f$
	f	X	Xf			
Қорақалпоғистон Республикаси	4925	80	394000	-130,7	17082,5	84131263,3
Андижон	10497,96	220,9	2319000	10,2	104,0	1092208,1
Бухоро	6473,49	243,3	1575000	32,6	1062,8	6879765,7
Жиззах	2822,94	179,6	507000	-31,1	967,2	2730375,7
Қашқадарё	8090,017	173,3	1402000	-37,4	1398,8	11315992,6

	Картошка майдони, га	Картошка хосилдорлиги, ц/га	Ялпи хосил, ц	$X - \bar{X}$	$(X - \bar{X})^2$	$(X - \bar{X})^2 f$
	f	X	Xf			
Навоий	2123,313	274,1	582000	63,4	4019,6	8534782,6
Наманган	9956,772	208,2	2073000	-2,5	6,3	62229,8
Самарқанд	17392,41	276,5	4809000	65,8	4329,6	75302852,7
Сурхондарё	9253,573	188,9	1748000	-21,8	475,2	4397668,2
Сирдарё	2627,79	138,9	365000	-71,8	5155,2	13546887,0
Тошкент	14487,95	232,4	3367000	21,7	470,9	6822231,6
Фарғона	10160,38	230,7	2344000	20	400,0	4064152,6
Хоразм	5770,102	176,6	1019000	-34,1	1162,8	6709532,2
Жами	106805,9		22504000			225589942

Демак, мамлакатимизда картошканинг ўртача хосилдорлиги 2013 йилда $\bar{X} = \frac{\sum Xf}{\sum f} = \frac{22504000 \text{ц}}{106805,9 \text{га}} = 210,7 \text{ц/га}$ ни ташкил этган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича картошка хосилдорлигини ўртача даражалари мамлакатимиз бўйича ўртача хосилдорликдан

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (X - \bar{X})^2 f}{\sum f}} = \sqrt{\frac{225589942}{106805,9}} = \pm 45,96 \text{ц/га}$$

га ўртача тафовутда экан.

Вариация коэффициенти қиймати фоизда ифодаланган бўлиб, у “0” билан “100” орасида ётади. У “0” га қанчалик яқинлашса, ўзгарувчанлик шунча кучсиз ва қанчалик “100” га яқинлашса, шунчалик ўзгарувчанликнинг кучлилигидан далолат беради. Бу кўрсаткич 30%дан юқори бўлса тўплам бирликлари тарқоқ ва улар учун ҳисобланган ўртача ҳақиқий маъно касб этмайди.

Бизнинг мисолимизда вариация коэффициенти $v = \frac{\sigma}{\bar{X}} \times 100 = \frac{45,96}{210,7} \times 100 = 21,8\%$ ни ташкил этди.

Бундан хulosса қилиб айтиш мумкинки, картошканинг ўртача хосилдорлиги ҳақиқий маъно касб этади, яъни тўпламга реал баҳо беради.

2. Вазиятли масала

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2005-2014 йилларда етиштирилган дон маҳсулотлари ялпи ҳосили ҳақида маълумотлар берилган:

Ўзбекистон Республикасида етиштирилган дон маҳсулотлари ялпи ҳосили динамикаси.

Йиллар	Дон маҳсулотлари ялпи ҳосили, минг тонна ҳисобида
2005 йил	6401,8
2006 йил	6546,7
2007 йил	6643,1
2008 йил	6621,6
2009 йил	7293,1
2010 йил	7404,0

Йиллар	Дон маҳсулотлари ялпи ҳосили, минг тонна хисобида
2011 йил	7140,1
2012 йил	7515,2
2013 йил	7807,8
2014 йил	8050,5

Берилган маълумотлар асосида 2015-2022 йиллар учун дон маҳсулотлари ялпи ҳосилини башорат килинг.

Ечими.

Динамиканинг бундай типи доимий мутлақ ўзгаришларга хосдир.

$$\Delta Y \approx \text{const}$$

Бундай шароитда динамика қатори қўйидаги тенглама билан текисланади:

$$y_t = a_0 + a_1 t$$

бу ерда: a_0 , a_1 – тенглама параметрлари;

t - вақт белгиси.

a_1 – параметр регрессия коэффициенти бўлиб ривожланиш йўналишини аниқлади. Агар $a_1 > 0$ бўлса динамика қаторининг ҳадлари бир текисда ўсиб боради, агар $a_1 < 0$ бўлса улар камайиб боради.

a_0 ва a_1 параметрларни аниқлаш учун қўйидаги тенгламалар тизимини очиш керак:

$$\begin{cases} n a_0 + a_1 \sum t = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum t y \end{cases}$$

Жадвал маълумотлари асосида аналитик текислашни амалга оширамиз. Вақт кўрсаткичларини қўйидагича белгилаш керакки, $\sum t = 0$ бўлсин. Бу ҳисоб-китобни анча осонлаштиради ва параметрлар қўйидагича аниқланади:

$$a_0 = \frac{\sum y}{n} \quad a_1 = \frac{\sum yt}{\sum t^2}.$$

Тенгламадаги параметрларни аниқлаш учун ёрдамчи жадвалдан фойдаланамиз:

Йиллар	Дон маҳсулотлари ялпи ҳосили, минг тонна	t	t^2	ty	$y_t = 7142,4 + 155t$
	y				
2005 йил	6401,8	-5	25	-32009	6367,4
2006 йил	6546,7	-4	16	-26186,8	6522,4
2007 йил	6643,1	-3	9	-19929,3	6677,4
2008 йил	6621,6	-2	4	-13243,2	6832,4
2009 йил	7293,1	-1	1	-7293,1	6987,4
2010 йил	7404	1	1	7404	7297,4
2011 йил	7140,1	2	4	14280,2	7452,4
2012 йил	7515,2	3	9	22545,6	7607,4
2013 йил	7807,8	4	16	31231,2	7762,4
2014 йил	8050,5	5	25	40252,5	7917,4
Жами	71424	0	110	17052,1	71424

Жадвал маълумотлари асосида a_0 ва a_1 параметрлар қийматини ҳисоблаймиз.

$$a_0 = \frac{\sum y}{n} = \frac{71424}{10} = 7142,4 ; a_1 = \frac{\sum yt}{\sum t^2} = \frac{17052,1}{110} = 155$$

Энди олинган қийматларни ўз ўрнига қўйсак, тенглама қўйидаги кўринишга келади: $y_t = 7142,4 + 155t$

t нинг ўрнига аниқ қийматларни қўйиб, y_t нинг кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Биз 2005-2014 йилларга берилган динамика қаторининг ҳадларини аналитик текисладик, энди шу қаторни давом эттириш мумкин, яъни t ошиб бораверади. Уни қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

Йиллар	t	Дон маҳсулотлари ялпи ҳосили башорати, млн.тонна $y_t = 7142,4 + 155t$
2015 йил	6	8072,4
2016 йил	7	8227,4
2017 йил	8	8382,4
2018 йил	9	8537,4
2019 йил	10	8692,4
2020 йил	11	8847,4
2021 йил	12	9002,4
2022 йил	13	9157,4

Ҳисоб – китоб натижалари асосида маълумотларни, яъни мамлакатимизда дон маҳсулотлари ялпи ҳосили динамикаси ва истиқболдаги ҳажмини башоратини графикда тасвирлаймиз. Графиклар замонавий статистиканинг илмий ўрганиш қуролларидан бири ҳисобланади.

Графиклар ўқувчининг диққатини ўзига тез жалб этиш билан бирга маълумотларни эсда саклаш ва тасаввур қилишга замин яратади. Улар кўриш ва тушуниш қийин бўлган айрим қонуниятларни аниқлашда ва тасвирлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ўқувчи учун график тасвир орқали статистик кўрсаткичларни тушуниш ва ўрганиш статистик жадваллардан кўра анча қулайдир: миқдорий кўринишга нисбатан графикда тасвир таассуроти юқори бўлади; статистик кузатув натижалари тезроқ ва осонроқ тушунилади ҳамда умумлаштирилади; ходиса ва жарёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни вақт бўйича ўзгариши яққол кўриниб туради; статистик-иктисодий қонуниятларни аниқлаш ва аниқланган қонуниятларни кўриш ва текшириш имконияти туғилади.

**Ўзбекистон Республикасида дон маҳсулотлари ялпи
хосилини 2022 йилгача динамикаси (башорат)**



3. Кейс

Жон бошига түғри келадиган даромад ва гүшт маҳсулотлари истеъмоли ҳақида қуидаги маълумотлар берилган:

Оилалар номери	Жон бошига түғри келган	
	даромад, доллар (X)	гүшт истеъмоли, кг (Y)
1	860	28
2	880	33
3	950	31
4	1140	30
5	1220	36
6	1430	34

Берилган маълумотлар асосида:

1. Регрессия тенгламасини тузинг.
2. Корреляция коэффициентини хисобланг.
3. Эластиックлинг назарий коэффициентини хисобланг.

Ечими: Жон бошига түғри келган даромад билан гүшт истеъмоли ўртасидаги боғланиш чизиқли бўлиб, қўйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$Y_x = a_0 + a_1 X$$

бу ерда: Y_x – жон бошига түғри келган гүшт истеъмоли.

X – жон бошига түғри келган даромад.

a_0, a_1 - регрессия тенгламаси параметрлари.

Регрессия тенгламасини аниқлаш учун ёрдамчи жадвални тузамиз:

Оилалар номери	Жон бошига түғри келган даромад, доллар (X)		Жон бошига түғри келган гүшт истеъмоли, кг (Y)		Жорий давр учун		
	базис давр	жорий давр	базис давр	жорий давр	XY	X^2	Y^2
1	800	860	26	28	24080	739600	784
2	900	880	28	33	29040	774400	1089
3	1000	950	29	31	29450	902500	961
4	1100	1140	33	30	34200	1299600	900
5	1200	1220	32	36	43920	1488400	1296
6	1300	1430	35	34	48620	2044900	1156
Жами	6300	6480	183	192	209310	7249400	6186
Ўртacha	1050	1080	30,5	32	34885	1208233,3	1031

a_0, a_1 параметрларни аниқлаш учун нормал чизиқли тенгламалар системасидан фойдаланамиз:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum X = \sum Y \\ a_0 \sum X + a_1 \sum X^2 = \sum XY \end{cases}$$

Агар формулаларга маълумотларни қўйсак:

$$\begin{cases} 6a_0 + 6480a_1 = 192 \\ 6480a_0 + 7249400a_1 = 209310 \end{cases}$$

тенгламалар системаси ҳосил бўлади. Биринчи тенгламанинг ҳар бир ҳадини 6 га, иккинчи тенгламани эса 6480 га бўламиз.

$$\begin{cases} a_0 + 1080a_1 = 32 \\ a_0 + 1118,7a_1 = 32,3 \end{cases}$$

Иккинчи тенгламадан биринчи тенгламани айрамиз.

$$38,7a_1 = 0,3$$

бу ерда: $a_1 = 0,3 : 38,7 = 0,0077$

a_1 қийматини 1-тенгламага қўйиб a_0 ни аниқлаймиз.

$$a_0 + 1080 \times 0,0077 = 32$$

$$a_0 = 32 - 8,316 = 23,684$$

Корреляцион алоқа тенгламаси қўйидаги қўринишга эга бўлади:

$$Y_x = 23,684 + 0,0077X$$

Демак, жон бошига тўғри келадиган даромадни 1 долларга ошиши гўшт истеъмолини 7,7 граммга ошишига олиб келади.

Белгилар ўртасидаги боғланиш тўғри чизиқли бўлса, у ҳолда корреляцион боғланиш зичлигини аниқлаш учун корреляция коэффициентини ҳисоблаш учун энг қулай формула қўйидаги ҳисобланади:

$$r = \frac{n \sum XY - \sum X \sum Y}{\sqrt{[n \sum X^2 - (\sum X)^2] \times [n \sum Y^2 - (\sum Y)^2]}}$$

r - қиймати - 1 дан + 1 гача ўзгариб корреляцион боғланишнинг зичлигини ва йўналишини кўрсатади. Корреляция коэффициенти 1 га яқинлашса боғланиш шунчалик зич бўлади. Агар $r=1$ бўлса боғланиш функционал, $r=0$ бўлса боғланиш бўлмайди. Корреляция коэффициенти мусбат ишора билан чиқса боғланиш тўғри, манфий ишора билан чиқса боғланиш тескари бўлади.

Чеддок шкаласи

Боғланиш зичлиги	0,1-0,3	0,3-0,5	0,5-0,7	0,7-0,9	0,9-0,99
Боғланиш кучи	бўш	ўртамиёна	сезиларли	юқори	жуда ҳам юқори

Мисолимизда:

$$r = \frac{6 \times 209310 - 6480 \times 192}{\sqrt{(6 \times 7249400 - 6480^2) \times (6 \times 6186 - 192^2)}} = \frac{1255860 - 1244160}{\sqrt{(43496400 - 41990400) \times (37116 - 36864)}} = \\ = \frac{11700}{\sqrt{1506000 \times 252}} = \frac{11700}{1227,2 \times 15,87} = \frac{11700}{19475,7} = 0,6$$

Демак, жон бошига даромад билан гўшт истеъмоли орасидаги боғланиш тўғри ва сезиларли.

Назарий эластиклик коэффициенти истеъмолнинг даромадга боғлиқлиги боғланишнинг чизиқли шаклида қуйидагича ҳисобланади: $E = a_1 \times \bar{X} : \bar{Y} = 0,0077 \times 1080 : 32 = 0,26$

Назарий эластиклик коэффициентини кўрсатишича, агар даромад 1%га ортса гўшт маҳсулотларининг истеъмоли 0,26%га ортади.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН МАСАЛАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда сабзавот экин майдонларининг тақсимоти ва хосилдорлик даражаси ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Худудлар	Сабзавот майдони, га	Сабзавот хосилдорлиги, ц/га
Қорақалпоғистон Республикаси	11586,2	174
Андижон	42065,0	292,5
Бухоро	18603,1	257
Жиззах	15191,7	203,4
Қашқадарё	17167,7	252,8
Навоий	7451,1	271,1
Наманган	21305,2	269,7
Самарқанд	37150,7	363,6
Сурхондарё	32707,4	210,9
Сирдарё	9205,3	269,3
Тошкент	63191,0	271,7
Фарғона	22632,9	282,2
Хоразм	19568,5	241

Берилган маълумотлар асосида хосилдорликнинг ўртача даражаси ва вариация кўрсаткичларини ҳисобланг, хулоса қилинг.

2. Фермер хўжаликларида сигирлар бош сони ва сут маҳсулдорлиги ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

Фермер хўжаликлари тартиб рақами	Сигирлар бош сони, бош	Бир бош сигирдан соғиб олинган сут, ц/бош
1	62	33,4
2	55	28,6
3	70	30,3
4	120	33,4
5	45	28,5
6	33	31,0
7	85	32,5
8	77	34,4
9	68	30,2
10	24	35,2

Фермер хұжаликлари тартиб рақами	Сигирлар бош сони, бош	Бир бош сигирдан соғиб олинган сут, ц/бош
11	154	36,2
12	46	29,6
13	58	34,5
14	74	38,0
15	100	25,4

Берилған маълумотлар асосида сут маҳсулдорлигининг ўртача даражаси ва вариация кўрсаткичларини ҳисобланг, хулоса қилинг.

3. Кўйидаги жадвалда “А” туманида 2005-2014 йилларда етиштирилган сут маҳсулоти ҳақида маълумотлар берилган:

“А” туманида етиштирилган сут маҳсулоти динамикаси

Йиллар	Етиштирилган сут маҳсулоти ҳажми, минг тонна ҳисобида
2006 йил	46,4
2007 йил	48,8
2008 йил	56,2
2009 йил	50,3
2010 йил	52,8
2011 йил	55,5
2012 йил	43,6
2013 йил	52,1
2014 йил	53,7

Берилған маълумотлар асосида 2015-2020 йиллар учун сут етиштириш динамикасини башорат қилинг.

4. Кўйидаги жадвалда “В” туманида 2005-2014 йилларда етиштирилган гўшт маҳсулоти ҳақида маълумотлар берилган:

“В” туманида етиштирилган гўшт маҳсулоти динамикаси

Йиллар	Етиштирилган гўшт маҳсулоти ҳажми, минг тонна ҳисобида
2007 йил	11,6
2008 йил	14,2
2009 йил	9,8
2010 йил	12,1
2011 йил	10,5
2012 йил	8,7
2013 йил	14,2
2014 йил	13,1

Берилган маълумотлар асосида 2015-2020 йиллар учун гўшт етиштириш динамикасини башорат қилинг.

5. Жон бошига тўғри келадиган даромад ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли ҳақида қўйидаги маълумотлар берилган:

Оилалар номери	Жон бошига тўғри келган	
	даромад, доллар (X)	гўшт истеъмоли, кг (Y)
1	600	25
2	700	27
3	800	26
4	900	28
5	1000	29
6	1100	33
7	1200	32
8	1300	35

Берилган маълумотлар асосида:

1. Регрессия тенгламасини тузинг.
2. Корреляция коэффициентини ҳисобланг.
3. Эластиックлинг назарий коэффициентини ҳисобланг.

6. Жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад ва сут маҳсулотлари истеъмоли ҳақида қўйидаги маълумотлар берилган:

Оилалар номери	Жон бошига тўғри келган	
	даромад, доллар (X)	сут истеъмоли, кг (Y)
1	55 гача	8
2	55-65	10
3	65-75	9
4	75-85	12
5	85-95	14
6	95-105	11
7	105-115	14
8	115 дан кўп	13

Берилган маълумотлар асосида:

1. Регрессия тенгламасини тузинг.
2. Корреляция коэффициентини ҳисобланг.
3. Эластиックлинг назарий коэффициентини ҳисобланг.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда аҳоли сони ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши тўғрисида қўйидаги маълумотлар келтирилган:

Худудлар	Аҳоли сони (минг киши)	Сут (минг тонна)	Тухум (млн. дона)
Қорақалпоғистон Республикаси	1736,5	201,9	58,3
Андижон	2805,5	598,4	242,9
Бухоро	1756,4	580,1	195,7
Жиззах	1226,8	367,0	118,0
Қашқадарё	2895,3	720,6	220,0
Навоий	901,1	294,1	165,2
Наманган	2504,1	422,3	121,8
Самарқанд	3445,6	862,5	683,7
Сурхондарё	2308,3	567,6	171,7
Сирдарё	763,8	219,8	60,6
Тошкент	2725,9	608,1	958,3
Фарғона	3386,5	650,1	196,1
Хоразм	1684,1	673,8	249,3
Жами	30492,8	6 766,3	3 441,6
Изоҳ: 1 кишига йиллик меъёр		156,3 кг	295 дона

Аниқланг (барча худудлар ва республика учун):

1. Жон бошига тўғри келган чорвачилик маҳсулотларини.
2. Чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни.
3. Йиллик талабни қондирилиш даражасини.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда аҳоли сони ҳамда сабзавот ва картошка маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Худудлар	Аҳоли сони, йил охирига (минг киши)	Сабзавот, минг тонна	Картошка, минг тонна
Қорақалпоғистон Республикаси	1736,5	201,6	39,4
Андижон	2805,5	1230,4	231,9
Бухоро	1756,4	478,1	157,5
Жиззах	1226,8	309,0	50,7
Қашқадарё	2895,3	434,0	140,2
Навоий	901,1	202,0	58,2
Наманган	2504,1	574,6	207,3
Самарқанд	3445,6	1350,8	480,9
Сурхондарё	2308,3	689,8	174,8
Сирдарё	763,8	247,9	36,5
Тошкент	2725,9	1716,9	336,7
Фарғона	3386,5	638,7	234,4
Хоразм	1684,1	471,6	101,9
Жами	30492,8	8518,4	2250,4
Изоҳ: 1 кишига йиллик меъёр		109,2кг	54,6кг

Аниқланг (барча худудлар ва республика учун):

1. Жон бошига тўғри келган сабзавот ва картошка маҳсулотларини.
2. Сабзавот ва картошка маҳсулотларига бўлган талабни.
3. Йиллик талабни қондирилиш даражасини.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда аҳоли сони ҳамда полиз ва мева маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши тўғрисида қўйидаги маълумотлар келтирилган:

Худудлар	Аҳоли сони, йил охирига (минг киши)	Полиз, минг тонна	Мева, минг тонна
Қорақалпоғистон Республикаси	1736,5	98,8	33,1
Андижон	2805,5	86,1	478,1
Бухоро	1756,4	104,4	198,8
Жizzах	1226,8	210,8	72,8
Қашқадарё	2895,3	121,6	96,6
Навоий	901,1	56,2	86,0
Наманган	2504,1	63,4	182,0
Самарқанд	3445,6	89,7	300,7
Сурхондарё	2308,3	150,0	119,1
Сирдарё	763,8	265,5	26,0
Тошкент	2725,9	132,5	173,1
Фарғона	3386,5	60,2	348,1
Хоразм	1684,1	119,1	146,7
Жами	30492,8	1558,3	2261,1
Изоҳ: 1 кишига йиллик меъёри		45,6кг	65,9кг

Аниқланг (барча худудлар ва республика учун) :

1. Жон бошига тўғри келган полиз ва мева маҳсулотларини.
2. Полиз ва мева маҳсулотларига бўлган талабни.
3. Йиллик талабни қондирилиш даражасини.

10. Вилоят бўйича қўйидаги шартли маълумотлар берилган:

Маҳсулот турлари	Аҳоли жон бошига рационал истеъмол ҳажми, кг	Амалда жон бошига тўғри келадиган истеъмол, кг	
		2013 йил	2014 йил
Гўшт	40,0	35,0	27,5
Сут ва сут маҳсулотлари	140,0	131,2	128,3
Картошка	50,4	84,1	71,5
Мева	56,4	44,8	55,8
Сабзавот	246,4	284,1	275,2

Шу маҳсулотлар бўйича аҳоли истеъмолини қондирииш даражасини аниқланг ва хulosалар чиқаринг.

11. Аҳоли жон бошига даромад 30%га, мева-сабзавотлар истеъмоли эса 25%га ортган. Аҳолининг мева-сабзавотлар истеъмоли ва унинг даромадлари орасидаги эластиклик коэффициентини ҳисобланг ва хulosса қилинг.

12. Аҳоли жон бошига даромад 20%га, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли эса 15%га ортган. Аҳолининг сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли ва унинг даромадлари орасидаги эластиклик коэффициентини ҳисобланг ва хulosса қилинг.

13. Аҳоли жон бошига даромад 40%га, гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли эса 10%га ортган. Аҳолининг гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли ва унинг даромадлари орасидаги эластиклик коэффициентини ҳисобланг ва хulosса қилинг.

14. Қуидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида жон бошига тўғри келадиган асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмоли хақида маълумотлар берилган:

Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (жон бошига, килограмм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	1991	2001	2010	2011
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	158
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	39
Сут маҳсулотлари	183	162	239	242
Тухум (дона)	97	47	138	140
Сабзавот ва полиз экинлари	107	128	238	241
Картошка	29	36	45	47
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	13
Шакар	12	16	17	18
Мева, жумладан, узум	23	42	83	85

Берилган маълумотлар асосида:

1. Маҳсулот турлари бўйича 1991 йилга нисбатан мутлақ ўзгаришини аниqlанг.
2. Маҳсулот турлари бўйича 1991 йилга нисбатан ўсиш суръатини (фоизда) ҳисобланг.
3. Ҳисобланилган кўрсаткичларни жадвалда ифодаланг.
4. Ўсиш суръатларини график (гистограмма) кўринишида акс эттиринг.

15. Куйидаги жадвалда мамлакатимизда балиқ етиштириш ҳақида маълумотлар берилган:

Республикада 2011-2012 йилларда овланган балиқлар тўғрисида маълумот, тонна

№	Вилоятлар	жами	2011 йил		2012 йил		
			шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
			сунъий сув ҳавзала- ридан	табиий сув ҳавза- ларидан		сунъий сув ҳавза- ларидан	табиий сув ҳавза- ларидан
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1015,0	64,5	950,5	1895,7	606,7	1289,0
2	Андижон	725,0	725,0	0	1212,0	1212,0	0
3	Бухоро	569,0	356,0	213,0	870,0	671,0	199,0
4	Жиззах	2921,0	350,0	2571,0	4550,0	623,0	3927,0
5	Қашқадарё	900,0	606,8	293,2	1679,0	1487,0	192,0
6	Навоий	1345,0	109	1236,0	2197,0	519,0	1678,0
7	Наманганд	667,0	667,0	0	1146,0	1146,0	0,0
8	Самарқанд	388,3	370,9	17,4	594,0	565,0	29,0
9	Сурхондарё	456,3	347,5	108,8	854,8	480,9	373,9
10	Сирдарё	601,0	601,0	0	319,9	286,8	33,1
11	Тошкент	3393,0	3393,0	0	4850,7	4850,7	0
12	Фарғона	993,0	993,0	0	1844,0	1770,0	74,0
13	Хоразм	2078,0	1678,0	400,0	3872,0	1005,0	2867,0
Жами		16051,6	10261,7	5789,9	25885,1	15223,1	10662,0

Берилган маълумотлар асосида аниқланг:

1. Ҳар иккала йил учун сунъий ва табиий сув ҳавзаларидан овланган балиқлар салмоғини.
2. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг балиқ етиштириш бўйича ҳиссасини.
3. Балиқ ишлаб чиқариш бўйича ўсиш суръати ва қўшимча ўсиш суръатларини.

ТЕСТЛАР

1. Аграп соҳа корхоналари даромадлигини оширишга қаратилган давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишнинг қандай усуслари мавжуд?

- a) қишлоқ ижтимоий ривожланишига субсидиялар
- b) ЁММ га субсидиялар
- c) минерал ўғит сотиб олишга субсидиялар
- d) ишлаб чиқарувчилар нархларига субсидиялар

2. Қишлоқ ижтимоий ривожланишининг қайси чора-тадбирлари кўпроқ бозор томонидан тартибга солинади:

- a) автомобиль йўлларини модернизациялаш
- b) савдо хизматини ривожлантириш
- c) тиббий таъминотни ривожлантириш
- d) таълимни ривожлантириш

3. Агросаноат мажмуасини давлат томонидан тартибга солишнинг тамойилларига қўйидагилар киритилиди:

- a) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари протекционизми
- b) асосан иқтисодий усуслар билан давлат томнидан иқтисодиётни тартибга солиш
- c) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий ва моддий қўллаб-куватлаш
- d) юқоридагиларининг барчаси

4. Харид интервенциялари мақсадга мувофиқ, агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эркин нархлар:

- a) ўтган даврга нисбатан паст бўлса
- b) кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни олиб бориш учун даромад олиш имконини бермаса
- c) ўтган даврга нисбатан юқори бўлса
- d) инфляция таъсирига учраса

5. Қишлоқ жойларида давлатнинг ижтимоий сиёсати қўйидагилар кирмайди:

- a) қишлоқ аҳолиси бандлик ва даромадлар даражасини ошириш
- b) қишлоқ аҳоли жойлари инфратузилмасини такомиллаштириш
- c) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари харажатларини компенсациялаш
- d) таълимни ривожлантириш

6. Аграп протекционизмнинг қайси шакли ички иқтисодий фаолиятга киради:

- a) озиқ овқат маҳсулотларини олиб киришга эмбарго
- b) импорт товарлари учун бож тўловларини ошириш
- c) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг солиқ тўлашда имтиёзи
- d) озиқ овқат маҳсулотларини олиб киришга квоталар

7. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фаолиятида табиатни муҳофаза қи лиш тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган дастурлар қайси дастурларга тегишли:

- a) тармоқлараро
- b) тармоқ
- c) товар
- d) функционал

8. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари харид нархларини мувозанатли нархдан юқори ўрнатишдан ким ютади:

- a) истеъмолчи
- b) давлат
- c) ишлаб чиқарувчи
- d) истеъмолчи ва давлат

9. Давлатни тартибга солишнинг қайси усули ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, қишлоқ хўжалигига ресурслар ортиқча тақсимланишини рағбатлантиради:

- a) ишлаб чиқариш квоталари
- b) мувозанатли нархдан паст нархларни қайд этиш
- c) мувозанатли нархдан юқори нархларни қайд этиш
- d) истеъмолчи учун товар солиғи

10. Меваларга нарх бўйича талаб эластиклиги 2,8. Янги солик ўрнатилди. Солиқнинг асосий қисмини ким тўлайди:

- a) ишлаб чиқарувчи
- b) солик иккига тақсимланади
- c) истеъмолчи
- d) маълумот жавоб учун тўлиқ эмас

11. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги қайси чора-тадбири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари шароитини яхшиламайди:

- a) ер солигини пасайтириш
- b) харид нархларини мувозанатли нархдан юқори ушлаб туриш
- c) ишлаб чиқаришга квоталар ўрнатиш
- d) кредитлар бўйича имтиёзли ставкалар

12. Давлатнинг қишлоқ хўжалигини тартибга солишдаги қайси воситаси ишлаб чиқариш рентабеллигига бевосита таъсир кўрсатмайди:

- a) кредитлар бўйича имтиёзли ставкалар
- b) қишлоқ жойларида йўл қурилиши
- c) харид нархларини ошириш
- d) солик тўловларини пасайтириш

13. Ижтимоий сиёсатнинг устуворлиги:

- a) тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти
- b) қўшимча фойда олиш
- c) ишлаб чиқариш энергия сифимининг пасайиши
- d) бозорда товарларни сотиш

14. Аграр протекционизми тамойилига кирмайди:

- a) маҳсулотга импорт божлари
- b) экспорт божлари
- c) қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри субсидиялар
- d) аграр фанини ривожлантириш

15. Нархларни ушлаб туриш мақсадида ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларинининг давлат хариди-бу:

- a) товар интервенцияси
- b) квоталаш
- c) эмбарго
- d) харид интервенцияси

16. Жаҳон бозорлари конъюнктурасидан қатъий назар аҳолини илмий асосланган параметрлар (таклиф)да озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланган ва тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни сақлаб туриш учун шароитлар яратилган иқтисодиётнинг ҳолати, бу-

- a) озиқ-овқат хавфсизлиги
- b) ижтимоий хавфсизлик
- c) иқтисодий барқарорлик
- d) манзилли қувватлаш

17. Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш, техник кўмак ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатиш, жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари бўйича статистик маълумот ва башоратлар тайёрлаш мақсади бўлган БМТ нинг маҳсус муассасаси, халқаро ташкилот-бу:

- a) МАГАТЭ
- b) ФАО
- c) ЮНКТАД
- d) ИМБТ

18. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартларини белгиланг:

- a) ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (етарли миқдорда унинг таклифи);
- b) аҳоли барча итимоий тоифалари, шу жумладан кам тамиланган аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишининг иқтисодий эзҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);
- c) меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.
- d) юқоридагиларининг барчаси

17. Қайси субъектлар миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш билан шуғулланади:

- a) уй хўжаликлари
- b) маҳаллалар
- c) ҳукумат ва қонун чиқарувчи органлар
- d) худудлараро тузилмалар

20. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосига тамойилли муносабатига кўра жаҳон мамлакатларини шартли равишда бўлиш мумкин:

- a) импортга йўналтирилган
- b) маҳсулот экспорт килувчи
- c) ўзининг ишлаб чиқариши билан ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи

d) барча жавоблар түғри

21. Аграр сиёсатнинг озиқ-овқат жиҳати белгилайди:

- a) ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлариға физиологик ва тўловга қобил талаб чегарасини
- b) ўзининг ишлаб чиқариши билан ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи
- c) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариға ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги нисбат
- d) қишлоқ хўжалиги ва мамлакат ишлаб чиқарувчилари иш ҳақи даражалари ўртасидаги нисбат

22. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг ер ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлиги, ишлаб чиқариш рентабеллиги, иш ҳақи, қишлоқ хўжалиигига дотациялар тегишли:

- a) ташқи савдо жиҳатига
- b) агросаноат жиҳатига
- c) озиқ-овқат жиҳатига
- d) қишлоқ хўжалиги жиҳатига

23. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва оптимал экспорт учун етарли озиқ-овқат ресурслари баланси уларнинг шаклланиши ва харажати йўналиши бўйича қуидаги меъёрларда бўлиши керак:

- a) озиқ-овқат мақсадларида ички ишлаб чиқариши – 80-85%
- b) импорт – 15-20%
- c) экспорт – 15-20%
- d) барча жавоблар түғри

24. Озиқ-овқат маҳсулотлари жаҳон бозорида қайси мамлакатлар гурухи учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг қулай табиий-иктисодий шароитлари мавжуд:

- a) ўзининг ишлаб чиқариши билан ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи мамлакатлар учун
- b) маҳсулот экспорт қилувчи мамлакатлар учун
- c) импортга йўналтирилган мамлакатлар учун
- d) чемпион мамлакатлар

25. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси марказида туради:

- a) истеъмолдаги эҳтиёжлари билан инсон
- b) давлат иқтисодиёти
- c) четга озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш
- d) четдан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш

26. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади нимадан иборат:

- a) ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш
- b) ички таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш
- c) ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш
- d) қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш

27. Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор қўлланилган:

- a) 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида
- b) 1976 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммитида
- c) 1996 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммитида
- d) 2001 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммитида

28. Аграр сиёsatнинг қайси жиҳати мамлакат аграр салоҳиятини аниқлайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳолатини тавсифлайди:

- a) озиқ-овқат
- b) қишлоқ хўжалиги
- c) агросаноат
- d) ташқи савдо

29. Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид деганда нима тушунилади:

- a) озиқ-овқат бозорида истеъмолчилар учун ноқулай вазият ўзгаришларига олиб келадиган шартшароит ва омиллар мажмуи
- b) вақтинчалик озиқ-овқат мустақиллиги
- c) сурункали озиқ-овқат мустақиллиги
- d) ички нархларнинг жаҳон нархларидан ошиб кетиши

30. Аграр сиёsat -бу:

- a) таъсир кўрсатиш соҳаси қишлоқ хўжалиги бўлган иқтисодий сиёsatнинг таркибий қисми;
- b) иқтисодий тизим, иқтисодий таркиб
- c) қишлоқ жойларида аҳоли ва қишлоқ хўжалигига бораётган жараёнларни белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар;
- d) ерга эгалик ҳуқуқи

31. Аграр таркиб – бу:

- a) қишлоқ хўжалигининг табиий, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиши натижаси;
- b) аграр қонунчилиги тақозо этган аграр соҳадаги иқтисодий, техник ва ижтимоий унсурларнинг ўзаро нисбати;
- c) абсолют ва нисбий кўрсаткичлар мажмуи;
- d) давлат ва ижтимоий тадбирлар тизими.

32. Аграр қонунчилик –бу:

- a) қишлоқ жойларида аҳоли ва қишлоқ хўжалигига бораётган жараёнларни белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар;
- b) иқтисодий қонунлар;
- c) аграр ишлаб чиқариши соҳасида давлатнинг мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими;
- d) ерга бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш.

33. Аграр сиёsatнинг асосий вазифалари:

- a) иқтисодий ҳаққоний нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; қишлоқ хўжалигининг даромадлар умумий динамикасида иштироки; атроф-муҳитни сақлаш муаммосини ҳал қилиш;
- b) аграр қонунчиликка таъсир кўрсатиш;

- c) мулк ҳуқуқи бўйича муносабатларни тартибга солиш;
- d) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш.

34. Озиқ-овқатхавфсизлигига қандай таҳдидлар таъсир кўрсатади:

- a) ташқи ва ички;
- b) ички;
- c) ташқи;
- d) сиёсий.

35. Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларнинг ташқи шарт-шароитлари қандай омилга боғлик:

- a) иқтисодиётнинг очиқлигига;
- b) мамлакат иқтисодиёти доирасида ҳосил бўладиган ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзгаришларига;
- c) сиёсий омилларга;
- d) барча жавоблар тўғри.

36. Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларнинг ички шарт-шароитлари қандай омилга боғлик:

- a) мамлакат иқтисодиёти доирасида ҳосил бўладиган ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзгаришларига;
- b) иқтисодиётнинг очиқлигига;
- c) сиёсий омилларга;
- d) барча жавоблар тўғри.

37. Фанни ўрганиш услублари:

- a) илмий абстракция усули, таҳлил ва жамлаш усули, индукция ва дедукция усули;
- b) тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги усули;
- c) математик ва статистика усули;
- d) барча жавоблар тўғри.

38. Аграр иқтисодиёт –бу:

- a) озиқ-овқат маҳсулотларини ва қайта ишлаш тармоқлари учун айрим хомашё турларини ишлаб чиқариш;
- b) халқ хўжалиги тармоқлари мажмуи;
- c) саноат тармоқлари йигиндиси;
- d) барча жавоблар тўғри.

39. Аграр иқтисодиётни ривожлантириш тамойиллари:

- a) ривожланиш эволюцияси тамойили, бозорлар аграр иқтисодиёти тамойили;
- b) бозорни тартибга солишини давлат билан мувофиқлаштириш, қишлоқ меҳнаткашлари ижтимоий жавобгарлиги ва манфаатларини ҳисобга олиб қўшиб олиб бориш тамойили;
- c) кўп укладлилик тамойили;
- d) барча жавоблар тўғри.

40. Аграр стратегия – бу:

- a) аграр сиёсатнинг узок муддатга мўлжалланган йўналиши;
- b) мамлакат АСМ ни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини башоратлаш;
- c) аграр муносабатларни ташкил этишнинг тамойиллари;

d) барча жавоблар тўғри.

41. Аграр тактика – бу:

- a) агросаноат ишлаб чиқаришининг аниқ вазифаларини бажаришга қаратилган йўналиши, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган аҳоли эҳтиёжларини қондирилиши
- b) аграр муносабатларни ташкил этишнинг тамойиллари;
- c) мамлакат АСМ ни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини башоратлаш;
- d) аграр сиёсатнинг узқ муддатга мўлжалланган йўналиши.

42. Давлат тасарруфидан чиқариш – бу:

- a) давлат мулкини нодавлат мулк шаклларига айлантириш;
- b) давлат мулкини хусусий мулк шаклига айлантириш;
- c) давлат мулкини жамоа мулк шаклига айлантириш
- d) олий шакл.

43. Хусусийлаштириш – бу:

- a) давлат мулкини хусусий мулк шаклига айлантириш;
- b) давлат мулкини жамоа мулк шаклига айлантириш;
- c) олий шакл;
- d) аграр муносабатларни ташкил этишнинг тамойиллари.

44. Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид деганда нима тушунилади:

- a) озиқ-овқат бозорида истеъмолчилар учун ноқулай вазият ўзгаришларига олиб келадиган шарт-шароит ва омиллар мажмуи.
- b) озиқ-овқат маҳсулотларини ва қайта ишлаш тармоқлари учун айрим хомашё турларини ишлаб чиқариш;
- c) озиқ-овқатнинг моддий таъминоти озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлиши;
- d) барча жавоблар тўғри.

45. Ўзбекистон учун озиқ-овқат хавфсизлигининг стратегияси ҳисобланади:

- a) озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатда ишлаб чиқариш
- b) озиқ-овқат маҳсулотларини импорти
- c) озиқ-овқат маҳсулотларини экспорти
- d) шакар захирасини яратиш

46. Озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси етарли ҳисобланади, агар захирада:

- a) йиллик дон истеъмолининг 17% дан кам бўлмаган миқдори
- b) йиллик дон истеъмолининг 10 % дан кам бўлмаган миқдори
- c) йиллик картошка истеъмолининг 20 % дан кам бўлмаган миқдори
- d) а ва b жавоблар тўғри

47. Жаҳон захираларининг критик даражага тушиб қолиши натижасида доннинг нархи:

- a) ошади
- b) пасаяди
- c) 15% га ошади

d) ўзгармай қолади

48. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши бўлиши керак:

- a) 20% ва ундан юқори
- b) 30% ва ундан юқори
- c) 50% ва ундан юқори
- d) 85% ва ундан юқори

49. Озиқ-овқат хавфсизлигининг қандай даражалари фарқланади:

- a) 3
- b) 5
- c) 7
- d) 15

50. Ҳимоянинг номинал коэффициенти -бу:

- a) ички нархларнинг хаҳон нархларига нисбати
- b) жаҳон нархларининг ички нархларга нисбати
- c) жаҳон ва ички нархлар йигиндиси
- d) жаҳон ва ички нархлар қўпайтмаси

51. Давлат ҳимоя коэффициентининг қайси номинал миқдорида ўзининг қишлоқ ҳўжалигини ҳимоя қилади:

- a) 1,2 дан кам бўлса
- b) 1,2 дан юқори бўлса
- c) 0,8 дан 1,2 гача
- d) 0 га teng бўлса.

52. Озиқ-овқатнинг моддий таъминоти нима:

- a) озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлиши;
- b) барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби этиши;
- c) маданият ёки диндан қатъий назар, бутун аҳоли вдолатли равишда озиқ-овқат билан таъминланиши;
- d) барча жавоблар тўғри.

53. Озиқ-овқатнинг иқтисодий имконияти нима:

- a) барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби этиши;
- b) озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлиши;
- c) маданият ёки диндан қатъий назар, бутун аҳоли вдолатли равишда озиқ-овқат билан таъминланиши;
- d) барча жавоблар тўғри.

54. Озиқ-овқатнинг ижтимоий имконияти нима:

- a) маданият ёки диндан қатъий назар, бутун аҳоли адолатли равишда озиқ-овқат билан таъминланиши;
- b) барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга курби этиши;
- c) озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлиши;
- d) барча жавоблар тўғри.

55. ФАО ҳисоб-китобларига қўра йод ва темир моддаси танқислиги сурункали қониқарсиз озиқланишни кучайтириб, мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотини неча фоизга камайишига сабаб бўлади:

- a) 2 %дан 4 % гача;
- b) 1 %дан 3 % гача;
- c) 5 %дан 10 % гача;
- d) 4 %дан 8 % гача.

56. ФАО ҳисоб-китобларига қўра қониқарсиз озиқланиш туфайли ўсишда қолоқлик ва озуқа моддалар етишмовчилиги натижасида вояга етган аҳолининг меҳнат унумдорлиги мамлакат ялпи ички маҳсулотини неча фоизга камайишига сабаб бўлади

- a) 2 %дан 4 % гача;
- b) 1 %дан 3 % гача;
- c) 5 %дан 10 % гача;
- d) 4 %дан 8 % гача.

57. ФАО ҳисоб-китобларига қўра туғилишда кам вазн, энергия ва оқсил етишмаслиги ҳамда ҳаётий зарур витаминлар ва минерал моддаларнинг йўқлиги сабабли инсон ҳаёти давомида жисмоний ва ўрганиш қобилиятининг қисқариши туфайли меҳнат унумдорлиги пасайиши мамлакат ялпи ички маҳсулотини неча фоизга камайишига сабаб бўлади:

- a) 5 %дан 10 % гача;
- b) 1 %дан 3 % гача;
- c) 2 %дан 4 % гача;
- d) 4 %дан 8 % гача.

58. ФАО тадқиқотларига қўра оқсил истеъмолининг бир фоизга ошиши узок муддат давомида ялпи ички маҳсулотни неча фоизга ўсишини таъминлади:

- a) 0,5 % га;
- b) 1 % га;
- c) 2 % га;
- d) 4 %га.

59. Ўзбекистонда аграр соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласига эътибор қаратилишининг сабаби:

- a) аҳолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш;
- b) маданият ёки диндан қатъий назар, бутун аҳоли адолатли равишда озиқ-овқат билан таъминланиши;

- c) барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби етиши;
- d) инфратузилмани ривожлантириш.

60. Мустақиллик йилларида республика аграр тармоғида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг барқарор ўсиб бориши таъминланишининг сабаби:

- a) қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги қатор Давлат дастурлари, қонцепция ва чора-тадбирлар мажмуининг ҳаётга тадбик этиш натижасида;
- b) таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш натижасида;
- c) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг амалга оширилганлиги, уруғ ва чорва моллари зотларининг яхшиланиши натижасида;
- d) барча жавоблар тўғри.

61. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) даги улуши камайишининг сабаби:

- a) саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши натижасида;
- b) қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш натижасида;
- c) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш натижасида;
- d) уруғ ва чорва моллари зотларининг яхшиланиши, агротехнологик тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши натижасида.

62. 2001 йилда Озиқ-овқат хавфсизлиги ғоясига моддий ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси нечинчи йилда қўшилди:

- a) 2001 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида;
- b) 1976 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммитида;
- c) 1996 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммитида;
- d) 1974 йилда Жаҳон Озиқ-овқат хавфсизлиги саммитида.

63. Давлат ва давлатаро даражада озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади нимадан иборат:

- a) иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини мувозанатлаштириш;
- b) аҳолининг барча гуруҳлари озиқ-овқатларни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ истеъмол қилинишини кафолатлайдиган даражадаги даромадар билан таъминлаш;
- c) озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, ассортименти, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлаш;
- d) меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.

64. Минтақавий даражадаги озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади нимадан иборат:

- a) аҳолининг барча гуруҳлари озиқ-овқатларни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ истеъмол қилинишини кафолатлайдиган даражадаги даромадар билан таъминлаш;
- b) иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини мувозанатлаштириш;
- c) озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, ассортименти, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлаш;

d) меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.

65. Аҳолининг ижтимоий гурухлари (оилалар) даражасида озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади нимадан иборат:

- a) озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, ассортименти, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлаш;
- b) аҳолининг барча гурухлари озиқ-овқатларни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ истеъмол қилинишини кафолатлайдиган даражадаги даромадар билан таъминлаш;
- c) иқтисодиётнинг барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини мувозанатлаштириш;
- d) меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.

66. Озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир қўрсатувчи омилларни белгиланг:

- a) аграр секторнинг ҳолати, мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазият;
- b) савдодаги тўсиқлар;
- c) жаҳон бозорининг нархлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги тебранишлар, маҳаллий, ҳарбий низолар;
- d) юқоридагиларнинг барчаси.

67. Таҳдид-бу:

- a) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларини олишидаги тегишли таҳликаларга сабаб бўлувчи таъсири;
- b) аграр секторнинг ҳолати, мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазият;
- c) жаҳон бозорининг нархлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги тебранишлар, маҳаллий, ҳарбий низолар;
- d) савдодаги тўсиқлар.

68. Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишларини қўрсатинг:

- a) мулк, молия-кредит ва нарх-наво, таркибий, ташқи иқтисодий, ижтимоий ва институционал;
- b) аграр ислоҳотлар, истеъмол бозорларини барқарорлаштириш;
- c) қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш ва ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- d) бошқариш тизимини ислоҳ қилиш;
- e) бозор инфратузилмасини яратиш ислоҳотлари.

69. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига ислоҳотларга таъсир қўрсатган объектив омилларни қўрсатинг:

- a) қишлоқ хўжалигини табиий-иклим шароити, ишлаб чиқаришнинг катта меҳнат сиғимиға эга эканлиги;
- b) ишлаб чиқарувчилар, раҳбарлар, истеъмолчилар
- c) корхона ҳажми йириклашувининг технологик самараси, иқтисодий (талаб, нарх), техник ривожланиш, сиёсий ўзгаришлар;
- d) бозор муносабатларининг тўла ривожланмаганлиги ва аграр соҳа фаолиятини ташкил қилиш жараёнига давлатнинг аралашувининг зарурлиги;

е) юқоридагиларнинг барчаси.

70. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларга таъсир кўрсатган субъектив омилларни кўрсатинг:

- а) ишлаб чиқарувчилар, раҳбарлар, истеъмолчилар;
- б) қишлоқ хўжалигини табиий-иклим шароити, ишлаб чиқаришнинг катта меҳнат сифимиға эга эканлиги\$
- с) корхона ҳажми йириклишувининг технологик самараси, иқтисодий (талағ, нарх), техник ривожланиш, сиёсий ўзгаришлар;
- д) бозор муносабатларининг тўла ривожланмаганлиги ва аграр соҳа фаолиятини ташкил қилиш жараёнига давлатнинг аралашувининг зарурлиги;
- е) юқоридагиларнинг барчаси.

71. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларга таъсир кўрсатган умумий омилларни кўрсатинг:

- а) корхона ҳажми йириклишувининг технологик самараси, иқтисодий (талағ, нарх), техник ривожланиш, сиёсий ўзгаришлар;
- б) қишлоқ хўжалигини табиий-иклим шароити, ишлаб чиқаришнинг катта меҳнат сифимиға эга эканлиги;
- с) ишлаб чиқарувчилар, раҳбарлар, истеъмолчилар;
- д) бозор муносабатларининг тўла ривожланмаганлиги ва аграр соҳа фаолиятини ташкил қилиш жараёнига давлат аралашувининг зарурлиги;
- е) юқоридагиларнинг барчаси.

72. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади:

- а) аҳолига керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати учун хом ашё етказиб беришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш;
- б) истеъмол бозорларини барқарорлаштириш;
- с) аграр тармоқ самарадорлигини таъминлаш ва унинг аста-секинлик билан мамлакат иқтисодиётининг барқарор бўлишидаги ҳиссасини оширишга эришиш;
- д) қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммоларини мувваффақиятли ҳал қилиш имкониятларини шакллантириш;
- е) барча жавоблар тўғри.

73. Ривожланган мамлакатлар аграр тармоғининг ўзига хос умумий томонларини кўрсатинг:

- а) ривожланиши юқори унумдорликка эга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, юқори сифатли қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришига асосланади;
- б) аграр иқтисодиёт юқори даражада такомиллашган агросаноат интеграциясига бирлашганлиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида капитал сифимининг пасайиб меҳнат унумдорлигининг ошаётганлиги;
- с) аграр иқтисодиёт ривожланиши илмий ҳажм юқори бўлган технологиялар, биотехнология ва информатика каби юқори унумли ва экологик тоза технологияларга асосланган;
- д) ишлаб чиқарувчилар капитал қўйилмалари унумдорлигини оширишда ишлаб чиқаришдаги моддий-техник элементларнинг роли пасайиб, уларнинг ўрнига биологик омилларнинг кўпроқ рол ўйнаётганлиги;
- е) барча жавоблар тўғри.

74. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсат шартларини кўрсатинг

- а) аграр иқтисодиётда ривожланган АСМ тизимининг мавжудлиги;
- б) ишлаб чиқаришнинг фермерлик тизимида ташкил қилинганини;
- с) давлат томонидан тартибга солиш тизими ишлаб чиқилганини;
- д) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илмий-техника ютуқларини тижорат асосида жорий қилиш ва илмий ишларни мукаммал ташкил қилишнинг юқори натижавийлиги;
- е) барча жавоблар тўғри.

75. Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатининг асосий йўналишларига нималар киради:

- а) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари даромадларини кафолатланган баҳолар, фермерларга кредит хизматини кўрсатиш орқали қўллаб-кувватлаб туриш;
- б) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфраструктурасини қуриш ва ривожлантириб бориш, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импортини тартибга солиш;
- с) қишлоқ хўжалиги ўқиши, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ қилишини ташкил қилиш ва молиялаштириш;
- д) ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, озиқ-овқатлар сифати ва атроф-муҳитнинг ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш;
- е) барча жавоблар тўғри.

76. Японияда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг даражаси камайишининг асосий сабабларини кўрсатинг:

- а) ишловчиларнинг паст самарали ва кўп меҳнат талаб қилувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланишни хоҳламай, ўзларини бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритишига ўтиб кетишганликлари;
- б) давлат миқёсида юқори самара берайтган саноат, электроника ва шу каби ишлаб чиқаришни қўллаб-кувватлаш сиёсатлари натижасида бу корхоналарнинг кўпайиши ҳамда уларнинг корхона қурилиши эвазига қишлоқ хўжалик ерларининг камайиб кетиши ва янги ерлар очиш имкониятининг йўқлиги;
- с) аграр сиёсатнинг қиммат ишлаб чиқариш ўрнига арzon маҳсулотлар сотиб олишга қаратилганини;
- д) мамлакат аҳолисининг табиий кўпайиши ва бунинг натижасида истеъмол даражасининг ошиши;
- е) барча жавоблар тўғри.

77. Мамлакатимизда ерга бўлган давлат мулкчилигининг зарурлиги нима билан изоҳланади:

- а) тарихий ҳамда ижтимоий-иктисодий омиллар, мураккаб ирригация иншоотлари ва суғорма дехқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари билан;
- б) мамлакат аҳолисининг табиий кўпайиши ва бунинг натижасида истеъмол даражасининг ошиши билан;
- с) иқтисодиёт аграр секторининг бекарор фаолият кўрсатиши билан;
- д) аграр сиёсатнинг қиммат ишлаб чиқариш ўрнига арzon маҳсулотлар сотиб олишга қаратилганини билан;
- е) тўғри жавоб йўқ.

78. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таклифи нуқтаи назаридан бозор вазиятига ва озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилни кўрсатинг:

- a) иқтисодиёт аграр секторининг беқарор фаолият кўрсатиши;
- b) мамлакат аҳолисининг табиий кўпайиши ва бунинг натижасида истеъмол даражасининг ошиши;
- c) суғорма дәхқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари;
- d) ерга бўлган давлат мулкчилиги;
- e) тўғри жавоб йўқ.

79. Иқтисодий хавфсизлик-бу:

- a) иқтисодиёт, аҳолининг нормал ҳаёти ва фаолиятини, жумладан иш билан бандлиги, иқтисодий жиҳатдан ўсиш имкониятини таъминловчи ривожланиш даражасида сақлашни билдиради;
- b) миллий иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондириш ва нормал иқтисодий ривожланишни таъминлаш қобилияти. Бу ташқи ва ички иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, табиий ва техноген__ бекарорлаштирувчи таъсирлар чоғида юксак даражадаги барқарорликни сақлаш қобилиятидир;
- c) миллий иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондириш ва нормал иқтисодий ривожланишни таъминлаш қобилияти;
- d) ташқи ва ички иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, табиий ва техноген__ бекарорлаштирувчи таъсирлар чоғида юксак даражадаги барқарорликни сақлаш қобилияти;
- e) барча жавоблар тўғри.

80. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари

- a) ишлаб чиқаришда биологик қонунларнинг амал қилиши;
- b) асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаради.
- c) қишлоқ хўжалигида ернинг асасий ишлаб чиқариш воситаси эканлиги;
- d) иш даври билан ишлаб чиқариш даврининг мос келмаслиги, ишлаб чиқаришнинг даврийлиги.
- e) юқоридагиларнинг барчаси.

81. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ресурслари-бу:

- a) ер фонди ва тадбиркорлар;
- b) ер фонди, капитал ва меҳнат ресурслари;
- c) ер фонди, меҳнат ресурслари, капитал ресурслар, тадбиркорлар;
- d) тадбиркорлар ва меҳнат ресурслари.
- e) тўғри жавоб йўқ.

82. Қишлоқ хўжалигида ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзига хос хусусиятлари:

- a) чекланган, унумдорлиги турлича, қийматга эга эмас.
- b) ер фонди- табиат маҳсули.
- c) унумдорлиги турлича;
- d) қийматга эга эмас
- e) юқоридагиларнинг барчаси.

83. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни нималар билан ифодаланади?

- a) ялпи ички маҳсулотдаги, асосий капитали, меҳнат ресурсларидағи ва валюта тушумидаги салмоғи билан;
- b) аҳолининг қанча қисми қишлоқ жойларда яшаши билан;
- c) мамлакат аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши билан;
- d) ижтимоий масалаларни ҳал этиши билан;
- e) юқоридагиларнинг барчаси.

84. Фаннинг предмети:

- a) аграр ислоҳотларнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири самарасини ва озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий муаммоларини ҳал этишда, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича муқобил қарорлар қабул қилишда кўлланиладиган усул ва воситаларни ўрганади;
- b). мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр ислоҳотлар, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ саноатнинг иқтисодий муаммоларини, саноатнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири самарасини ўрганади;
- c). аграр ислоҳотларнинг, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади;
- d) аграр ислоҳотларнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири самарасини ва озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий муаммоларини ҳал этишда объектив иқтисодий қонунлар амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади;
- e) тўғри жавоб йўқ.

ГЛОССАРИЙ

A

Аграр иқтисодиёт - бу озиқ-овқат маҳсулотларини ва қайта ишлаш тармоқлари учун айрим хомашё турларини ишлаб чиқариш, ахолининг озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлашга қаратилган иқтисодий тизим.

Аграр иқтисодиётни ривожлантириши тамойиллари - бу ривожланиш эволюцияси тамойили, бозорлар аграр иқтисодиёти тамойили, бозорни тартибга солишни давлат билан мувофиқлаштириш, кўп укладлилик тамойили, қишлоқ меҳнаткашлари ижтимоий жавобгарлиги ва манфаатларини ҳисобга олиб қўшиб олиб бориш тамойили.

Аграр ислоҳотлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги фанининг предмети - аграр ислоҳотларнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири самарасини ва озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий муаммоларини ҳал этишда, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича муқобил қарорлар қабул қилишда қўлланиладиган усул ва воситаларни ўрганади.

Аграр муносабатлар- аграр соҳада ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар.

Қишлоқ хўжалигига тақрор ишлаб чиқаришнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудотлар – ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади. Бунда ер меҳнат қуроли ва меҳнат предмети сифатида қатнашади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида у ейилмайди, эскирмайди. Аксинча, агар ундан тўғри фойдаланилса, унинг унумдорлиги ошиб боради.

Аграр қонунчилик - бу аграр ишлаб чиқариши соҳасида давлатнинг мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими.

Аграр сиёсат - бозор ислоҳотларининг таркибий қисми бўлиб, аграр ислоҳотлар асосида амалга оширилади. Бу сиёсат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, агросаноат мажмуи (АСМ) бошқа тармоқларининг самарали ривожланиши ва қишлоқ жойларидағи муносабатларнинг бошқаруви борасида илмий қарашларнинг, ғоя ва мақсадларнинг сиёсий ва амалий воситаларининг йиғиндисидир. Қишлоқ хўжалиги АСМ моддий ва маданий ривожланиш асоси ҳисобланади. Бу соҳаларнинг ривожланиши ижтимоий асоснинг мустаҳкамланишига, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги муносабатларнинг чуқурлашувига, фарқнинг йўқолишига ижтимоий бирликнинг вужудга келишига асос бўлади. Аграр сиёсат аграр ислоҳотларнинг ҳар бир босқичида бўлаётган ўзгаришлар асосида шаклланмоқда. Унинг асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ёритилган. Аграр сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга, яъни қишлоқ хўжалигини малакали ишчилар, юкори унумли техника билан таъминлашга қаратилган.

Аграр сиёсатнинг асосий вазифалари - иқтисодий ҳаққоний нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш; қишлоқ хўжалигининг даромадлар умумий динамикасида иштироки; атроф-муҳитни сақлаш муаммосини ҳал қилиш.

Аграр сиёсатнинг қишлоқ хўжалиги жиҳати - бу мамлакат аграр салоҳияти ва ишлаб чиқаришнинг ҳолатининг тавсифланиши

Аграр сиёсатнинг озиқ-овқат жиҳати - бу ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотларига физиологик ва тўловга қобил талаб чегарасини белгиланишидир.

Аграр стратегия - бу аграр сиёсатнинг узоқ муддатга мўлжалланган йўналиши, мамлакат АСМ ни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини башоратлаш, аграр муносабатларни ташкил этишининг тамойиллари ва озиқ-оват маҳсулотларига бўлган аҳоли эҳтиёжларини қондирилишининг узоқ муддатга мўлжалланган йўналиши.

Аграр тактика - бу агросаноат ишлаб чиқаришининг аниқ вазифаларини бажаришга қаратилган йўналиши, озиқ-оват маҳсулотларига бўлган аҳоли эҳтиёжларини қондирилиши.

Аграр маркиб - бу абсолют ва нисбий кўрсаткичлар мажмуи.

Агрегатопоника - бу экинларни намликни унча кўп талаб қилмайдиган гранулланган қаттик, ноозик субстратларида ўстиришдир. Субстрат ва илдиз вақти-вақтида озиқ эритмасига шимдириб турилади.

Агробизнес – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиши шакли.

Агромаслаҳатчи – бу зарурый малакага эга, агросаноат мажмуаси соҳасида ахборот-маслаҳат фаолиятини юритиш учун аттестациядан ўтган ва бу фаолият билан профессионал шуғулланувчи шахсадир.

Агромелиоратив тадбирлар – ер текислаш, дараҳт ўтказиш, алмашлаб экиши жорий қилиш, шудгорлаш, юмшатиш, қатор ораларига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш, шўр ювиш ишлари мажмуасидир.

Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариши алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикши жараёни.

Агросаноат мажмуаси (ACM) – бу иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигини зарур ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни саклаш, қайта ишлаш, истеъмолчига етказиб билан шуғулланувчи тармоқлар мажмуидир.

Айланма активлар – корхоналар ва ташкилотларнинг бухгалтерлик баланси актив қисмida акс эттириладиган меъёрга солинувчан ва меъёрга солинмайдиган айланма маблағлар.

Айланма ишлаб чиқариши воситалари – ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини маҳсулотларга бир иш даврида тўлиғи билан ўтказадиган, асл табиий ҳолатдаги кўринишларини ўзгартирувчи ишлаб чиқариш воситаларидир. Булар уруғлик, ёнилғи-мойлаш ашёлари, кимёвий воситалар, ем-хашак, арzon баҳоли тез эскирувчи буюмлар, жорий валюта ҳисобидаги, кассадаги маблағлар ва бошқалардир.

Айропоника – ўсимликларни субстратсиз ўстириш бўлиб унда илдиз системаси маҳсус токчалардаги қоронғилаштирилган, ҳаволи бўшлиқда бўлади. Ўсимлик илдизи вақти-вақтида (12-15 минутда) 10-15 секунд давомида автоматик тарзда озиқ эритмаси билан пуркалади. Айропоникада субстратларни келтириш, тайёрлаш ва кейинги ишлов беришга эҳтиёж қолмайди ҳамда ўсимликнинг нематода касаллиги билан заарланиши истисно қилинади.

Алколоидлар – ҳайвон ва инсон организмига кучли физиологик таъсир кўрсатувчи азотли ўсимлик моддаси. Сабзавот ва меваларда бундай бирикмалар кам учрайди. Картошка алколоидисалолонин ва бодом алколоиди-амигдалинлар мавжуд. Алколоидларга шунингдек, қаҳва донларида кофеин шаклида бўлиб, унинг миқдори донларида 1,5 фоиз, баргларида 5 фоиз ҳамда теопромин-какао донларида ўртacha 1,8 фоиз бўлади. Алколоидлар ҳаяжонни ва юрак фаолиятини кучайтиради, бундай ҳолат чой, қаҳва, какаонинг инсон организмига таъсирида сезилади. Алколоидларга тамаки никотини ҳам киради ва у асаб тизимида таъсир этувчи кучли заҳар ҳисобланади.

Алмашлаб экиши – экинларни вақт (йиллар бўйича) ва бўшлиқда (далаларда) маълум муддатда амалга ошириладиган илмий асосланган навбатлаб турилиши тушунилади. Алмашлаб экишининг асосий вазифаси ерларнинг унумдорлигини тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш, ерларни турли зааркунандалар, касаллик қўзғатувчилардан тозалаш, ёввойи ўтлардан холи қилиш, маҳсулот таннархини камайтирган ҳолда экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлашdir.

Амортизация – асосий фондлар қийматини улар воситасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар таннархига аста-секин ўтказиш ҳамда эскирган асосий фондларнинг ўрнини кейинчалик қоплаш мақсадида пул маблағларини тўплаб бориши.

Амортизация фонди – эскирган асосий фондларнинг ўрнини кейинчалик қоплаш мақсадида пул маблағларини түплаб боришга мўлжалланган фонд.

Аннуитет – 1) муддатли давлат қарзи турларидан бири. У асосий қарзни унга тўланадиган фоизи билан аста-секин қайтариш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили кредиторларга муайян даромад келтиради; 2) мунтазам келиб тушувчи тўловлар.

Антимонопол сиёсат – иқтисодиётни монополия (якка ҳукмронлик)дан халос этиш ва монополияларни чеклаб қўйишга йўналтирилган давлат сиёсати.

Антропоген туз тўпланиши – шўр ерларни меъёридан ортиқча сугориш, сугориш тармоқларидан фильтрланаётган сувлар эвазига минераллашган сизот сувларининг кўтарилишидан ҳамда шўр сувлар билан экинларни сугориш оқибатида тўпланаётган тузлар.

Асосий (технологик) операция – қайта ишланадиган материал, маҳсулот ёки муҳитга бўлган таъсирни назарда тутади ва муайян ишлаб чиқариш обьекти, ускуна ва бажарувчилар билан тавсифланади.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари – ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, ўзининг қийматини маҳсулот қийматига қисман ўтказадиган, ташқи кўринишини ўзгартирмайдиган ишлаб чиқариш воси-таларига айтилади. Қишлоқ хўжалигига бинолар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, сугориш иншоотлари, асбоб-ускуналар ва куч машиналари, тракторлар, транспорт воситалари, иш ҳайвонлари, сут берувчи қорамоллар кўп йиллик дараҳтлар, ерни ишлаш учун қилинадиган сарф-харажатлар киради.

Ассимиляцион ва сурувчи юзаларнинг кўпайиши (ўсии) фазаси – бу бир йиллик экинларда шу даврнинг биринчи ва ягона фазаси бўлиб, ғунча ва тук гуллар кўриниши, икки йилликларда эса жамғарма қисмлар шакллана бошлиши билан чекланади. Бу пайтда фотосинтез жадал боради.

Ассимляция – моддалар алмашинуви жараёни бўлиб организмга ташқи муҳитдан кирадиган моддаларнинг шу организмга хос тарзда ўзлаштирилиши.

Ахборот – янгилик элементи, қабул қилувчи учун қарорлар қабул қилиш учун фойдаланиладиган маълумотлар, билимлар, хабарлар.

Ахборот тизими – бошқарув тизимида қўлланадиган маълумотларни йиғиши, сақлаш, тўплаш, излаш ва узатиш тизими.

Ахборот-маслаҳат маркази - одатда юридик шахс бўлиб, унда муайян фаолият соҳасида чуқур билим ва кўнікмаларга, ҳамда ахборот ресурслари, воситалари ва уларни истеъмолчигача етказиш услубларига эга бўлган, маҳсус тайёрланган маслаҳатчилар фаолият юритади.

Ахборот-маслаҳат хизмати - бу хўжалик юритиш субъектларига турли ахборотни етказиш ва уларга ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши ва қишлоқ худудлари мустаҳкам ривожланишини таъминловчи хўжалик юритиш услубларини ўргатиш каби мақсадларини кўзлаган ҳолда, илмий, таълим, бозор ва агросаноат мажмуасининг бошқа ташкилотлари билан фаол ўзаро фаолият юритадиган ихтисослашган кўп даражали тузилмадир.

Аҳолининг ижтимоий гуруҳлари (оиласалар) даражасида озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади - озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг миқдори, ассортименти, сифати бўйича рационал меъёрларга мувофиқ овқатланишини таъминлашdir.

B

Баланс – мувозанат, муттасил ўзгариб турувчи ҳодиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Иқтисодиётда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, мақсадга мувофиқ ривожланишини таъминлашдаги зарурий нисбатлар. Иқтисодиёт соҳалари, моддий, тармоқлараро тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёнилғи-энергетика, фойда, асосий фондлар қиймати баланслари, аҳоли пул даромадлари ва хара-жатлари ва бошқа баланслар мавжуд.

Бартер – бартер келишув-пулсиз бевосита товар айирбошлаш. Кўпроқ ривожланмаган товар муносабатлари даври учун хос бўлган келишув. Ҳозирги замон бартер келишувининг аниқ шакллари валютасиз айирбошлаш, компенсацияли келишувлар, турли хил клиринглар. Бартер ҳозирги шароитда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Боҷхона декларацияси – чегарадан ўтказилаётган юқ ҳақидаги маълумотдан иборат ҳужжат.

Брокер – 1) қимматли қоғоз, мол ва валюта биржаларида битим тузиш пайтида воситачилик билан шуғулланувчи шахс ёки фирма; 2) турли хил биржаларда олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиласи. У бозор конъюнктурасини ҳамда битим тузиш юридик қоидаларини яхши биладиган айрим шахс ёки маълум бир биржада рўйхатда турадиган брокерлик фирмаси ҳисобланади. Улар биржаларда сотувчилар ва харидорлар (мижозлар) ўртасида товарлар, қимматбаҳо коғозлар, валюта ва бошқа ноёб нарсалар билан олди-сотди қилишга ёрдам берадилар. Брокерлар одатда мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик битимлари асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади. Воситачилик қилгани учун олди-сотдининг муайян фоизи миқдорида ҳақ олади. Одатда бу ҳақ тузилган битимнинг 3-4 фоизини ташкил қиласи. Агар мижоз учун фойдали битим тузилса, брокер тежаб қолинган маблағнинг келишилган шартномадаги қисмини олади. Брокерлар бевосита товарларни кўрмай битимлар тузади ва товарни тўғри харидорга жўнатади, томонларнинг таклифлари ҳам брокерлар орқали ўтади.

Бизнес – 1) соҳибкорлик тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш. 2) бизнес – товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир.

Бизнес реже – қатъий ҳисоб-китобларга асосланган ҳужжат бўлиб, мавжуд бозорлар ҳолатини яхши таҳлил қилиб ўз мақсадини аниқ, равshan кўз олдига келтира биладиган фермер ҳўжаликлари раҳбарлари томонидан мустақил равища ёки мутахасислар ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқиласи.

Биологик иситиши – органик материалларни микроорганизмлар ёрдамида чириши оқибатида чиқарадиган иссиқлик билан иситиш. Ҳимоя қилинган жойда фойдаланилади.

Биотип – бир хил ирсиятга эга бўлган, биологик хусусияти, морфологик ва ҳўжалик белгилари бир-бирига ўхшаш ўсимликлар йиғиндиси.

Биржаси – (лотинча ҳамён дегани) бозор муносабатларининг муҳим таркиби бўлиб, унинг асосий вазифаси моддий-техника таъминотининг қайта тақсимлаш органлари (моддий базасини сақлаб қолган ҳолда) хизматини ўз зиммасига олиб, бозор муносабатларининг меъёри ишлаб туришини таъминлашдан иборат. Биржалар ташкил қилинган соҳасига караб бир неча хил бўлади: стандартлар ёки намуналар асосида савдо қилинадиган оммавий товар-ларнинг мунтазам улгуржи бозори-товар биржаси; қимматбаҳо коғозлар, олтин, чет эл валюталари бозори, фонд биржаси; ишловчилар ва корхоналар ўртасида воситачиликка ихтисослашган меҳнат биржаси ва ҳоказо.

Битимлар – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тиклаш, уларни ўзгартириш ва тўхтатишга йўналтирилган фаолият. Битимларнинг энг кўп тарқалган тури-шартнома. Турли товар ва хизматлар битим мавзуи бўлиши мумкин. Хайр-эҳсон характеристидаги битимларда ҳадя қилиш, текин ёрдам бериш кўзда тутилса, тижорат битимларида товарлар олди-сотдиси, хизматларни пулга ёки бошқа товарга айирбошлаш мўлжалланади.

Бошқаришининг маъмурий услублари – бошқарилаётган обьектга бевосита таъсир қилиш ва ижро этилиши учун мажбурий аҳамиятга эга тегишли ҳўжалик аҳволини бир хил ҳал этиш услуби.

Бошқариши мақсади – тизимнинг эришилиши лозим бўлган исталган, мумкин бўлган ва зарур аҳволи.

Бозор - товарларга талаблар, таклифлар ва нархлар шаклланадиган савдо муомаласи соҳаси.

Бозорни сегментлаши – бозорни бирон-бир белги бўйича алоҳида бўғинларга ажратиши.

Бозор инфратузилмаси – бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар: банклар, жумладан тижорат банклари, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташки савдо фирмалари, солик ундирувчи инспекция, тижорат ва сохибкорлик идоралари, воситачи фирмалар, савдо-сотик уюшмалари, концернлар, консорциумлар ва бошқалар киради. Бозор инфратузилмаси товар ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотик, молия-кредит ишларига, шерик топишга, иш қучи ёллашига кўмаклашади. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи тадбирларини амалга оширади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Бозор инфратузилмаси фақат давлат идоралари эмас, балки мустақил уюшма, ташкилот ёки фирмалардан иборат нодавлат ташкилотлари ҳам бўлиб, улар кўрсатаётган хизматлари учун ҳақ оладилар.

Бозор ислоҳотлари – бозор иқтисодиётини ва бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Бозор иқтисодиётига ўтиши даври – маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга ошириувчи тарихий давр.

Бозор мувозанати – бозордаги талаб ва таклифнинг микдоран ва таркиби жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиқкан бўлади. Талаб ва таклиф узоқ вақт бир-биридан ажралиб қолса, бозор ўзининг меъёридаги ҳолати, фаолиятини йўқотади. Бозор мувозанатида талаб ва таклиф мутлақ ва абадий эмас. Бундай мослик умуман олганда ҳамма товарларга нисбатан ва узоқ даврга хос бўлиши мумкин. Жузъий ва айrim товарларга нисбатан мосликнинг бузилиши муқар-пар, чунки эҳтиёжнинг юксалиши оқибатида янги талаб пайдо бўлади ва у дарҳол қондирilmайдi. Бозор мувозанати цивилизациялашган жамиятда бозорни тартибга солиш орқали юзага чиқади.

Бошқарув усули – бошлиқнинг масалалар ечимини, меҳнат ҳуқуқи регламентини аниқлашда ўз атрофидаги ишчиларга таъсир ўтказиш усули.

Буюртма – корхоналар, истеъмолчи ташкилотлар томонидан унда кўрсатилган товарни тегишли миқдорда, белгиланган манзилга белгиланган муддатда етказиб бериш учун бериладиган хужжат.

Бюджет – давлат, вилоят, шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромад ва харажатларининг пул хисоби. Бюджетнинг харажат қисми даромад қисмидан ортиқ бўлса, бюджетнинг тақчиллигини билдиради. Бюджет даромадининг харажатдан устунлиги ижобий қолдиқни ҳосил қиласди.

B

Вақт меъёри – меҳнатга маъсулият билан ёндашилган маълум бир меъёрий техник – ташкилий шарт-шароитлар бўлган ҳолатда маълум ҳажмдаги ишни бажаришга белгиланган вақт. Вақт меъёри якка тартибда ва жамоа учун бўлиши мумкин. Алоҳида якка тартибдаги вақт меъёри маълум бир касб эгаси учун тегишли. Жамоа учун вақт меъёри жамоа ишчилари учун маълум бир турдаги ишни бажариш учун тегишли. Масалан: баҳорги дала ишлари мажмуасини бажариш учун белгиланган вақт меъёри. Вақт меъёри кўрсаткичи хўжалик режаларини тузишда, топшириқларни амалга оширишда, моддий рағбатлантиришда қўлланилади. Илмий меъёрлар жонли меҳнатни иқтисод қилишда, меҳнат унумдорлигини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қиласди.

Воситачи – томонлар ўртасида шартно-малар, битимларга ёрдам берувчи, ишлаб чиқарувчилар ўртасида турувчи ва товарларнинг (ишлар ва хизматлар) ишлатилишига кўмаклашувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Г

Гастарбайтер – иқтисодиёти кам ривожланган мамлакатдан саноати ривожланган мамлакатга жалб этилган хорижий ишчи.

Гаров – бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров заколат, ипотека, шунингдек ҳуқуқ гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Генетика – селекция ва уруғчиликнинг назарий асоси. Генетика томонидан ўрганилаётган ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятлари селекция ишининг негизидир.

Генетиканинг ютуқлари селекция соҳасининг самарали ривожланиши учун алоҳида аҳамиятга эга.

Гигрофитлар – намгарчилик шароитида яшашга мослашган ўсимликлар.

Гидромелиоратив тадбирлар – коллектор, зовур тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни куриш ишлари мажмуасидир.

Гидромодул – бир гектар экин майдонига сувнинг литр/секунд ҳисобидаги солиштирма сарфи. Ерларни гидромодул жиҳатдан бўлиш натижасида ҳар бир гидромодул ҳудудида етиштириладиган экинлардан мўл ҳосил олиш учун сув миқдори ва сугориш муддати белгиланади.

Гиперинфляция – пул кўлами ўсишининг олдини олиш ва инфляция ўсишини тўхтатиши мақсадида муомаладаги пулни тез суръатда чиқариб олиш.

Гиперинфляция – 1) пулнинг нарх-навонинг саноқли даражада ўсиши билан намоён бўладиган қадрсизланиши ва харид қувватининг кескин тушиб кетиши;

2) ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши. Гиперинфляциянинг яна бир муҳим белгиси-корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли нима қилиб бўлса ҳам товар сотиб олиш мумкин бўлган, қадри юқори пул валюта йиға бошлайди. Гиперинфляция шароитида нарх-навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди, бартер авж олади, пул ўз вазифаларини бажармай қўяди. Гиперинфляция иқтисодий ҳалокат демакдир. Унинг олдини олиш учун шошилинч ҳолда инфляцияга қарши чоралар кўрилади.

Гомеостазис – иқтисодий тизимнинг мувозанатни сақлаб қолишга интилиши

Грант – 1) ҳақ тўланадиган ёки маблағ билан таъминланадиган илмий тадқикотлар учун берилган буюртма;

2) илмий тадқиқотларни, олимларни, адабиёт ва санъат асарларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида хайрия тартибида ажратиладиган пул маблағлари;

3) «Грант» атамаси инглизчадан ҳадя, инъом, хайр-саҳоват, эҳсон, дотация, субвенция, репарация маъноларини англатади. Молия статистикасида грантлар – қайтарилмайдиган, бегараз (қопланмайдиган), мажбурий бўлмаган (мунтазам бўлмаган, бир йўла субвенция, хайр-эҳсон, репарация туридаги) тушумлардир. Грантлар давлат бошқаруви секторининг бошқа муасссалари, миллий иқтисодиётнинг бошқа секторлари (резидентлар) ва хорижий давлатлар, хусусий кишилари ва жамоа ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар (норезидентлар) томонидан берилиши мумкин. Бу турдаги тушумлар давлат бюджети дефицитини камайтиради, аммо дефицитни молиялиштирамайди.

График – иш кўлами ва бажарилиш муддати аниқ кўрсатиб тузилган режа.

Д

Давитаминоз касаллиги – бу касалликка дучор бўлган бузоқлар рахит касаллигига учрайди, яъни суяқ тўқималарида туз жуда секин тўпланади, натижада суяклари деформацияланади. Катта хайронларда эса суяқ тўқималарида кальций ва фосфор камайиши натижасида остеомаляция ёки остеопороз, яъни суяқ тўқималарининг юмшаш ёки атрофияланиш касаллиги рўй бериши мумкин.

Дағал озиқлар – хашак (пичан), похол, чори түпон ва сомон асосий дағал озиқлар хисобланади. Айрим районларда дараҳтлар новдаси ва қуритилган сув ўтларидан дағал озиқ сифатида фойдаланилади. Баъзи бир саноат чиқиндилари – шелуха, кунгабоқар уруғининг пўчоги ва пўсти ҳам дағал озиқларга киради.

Давлат буюртмаси – Давлат томонидан муайян маҳсулот турини тайёрлаш ва уни истеъмолчига етказиб бериш, ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот характеридаги маълум ишни бажариш бўйича корхона ва хўжаликларга бериладиган топшириқ. У биринчи навбатда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни кафолатлайди. Давлат буюртмасини бажарувчи корхоналарга марказлашган давлат капитал маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа обьектларини ишга тушириш учун маблағ берилади. Бозор иқтисодиётiga ўтиш муносабати билан давлат буюрт-масининг ҳиссаси кескин камаяди. Аммо баъзи доираларда: мудофаа, фан соҳалари, соғлиқни сақлашнинг айрим тармоқлари, болалар истеъмол предметлари ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби соҳалар учун давлат буюртмаси сақланиб қолади. Қишлоқ хўжалигига фақат ғалла ва пахтага давлат буюртмаси мавжуд.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларини (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасида ягона бюджет тизими шакллантирилган. У икки буғинликдан иборат бўлиб, Давлат бюджети, республика бюджети, Қорақолпоғистон республикаси ва маҳаллий бюджетлар (вилоят, шаҳар, туман)ни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жам-ланади. Ўзбекистон Республикасида барча бўғинлардаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул килиш ва ижросини ҳисобга олиш миллий валютада – сўмда амалга оширилади.

Давлат ер кадастри – ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат қўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат мулки – асосий мулкчилик шаклларидан бири. Бозор иқтисодиётiga ўтиш муносабати билан иқтисодиётни демократиялаштириш, давлат мулки монополиясини тугатишни тақозо қилади. Давлат мулкининг ҳукмронлик доираси кескин қисқаради. Давлат мулки асосан жамоа мулкига ва хусусий мулкка айлантирилади.

Давлат сув кадастри – сувни миқдор ва сифат қўрсаткичларини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланишини қайд қилиш ва ҳисобга олиш маълумотларини ўз ичига олади.

Даромад – корхонанинг соғ фойдаси шакли, яъни маҳсулот ёки хизматларни сотишдан тушган умумий даромаднинг ундан барча харажатлар чиқарив ташлангандан кейинги қисми.

Даромадларни индексациялаш – даромадлар индексацияси-истеъмол буюмлари нархлари даражасининг ошишига мувоғик равишда турли аҳоли тоифаларининг номинал даромадларини мунтазам ўзгартириш (иш ҳақи, нафака, стипендия, пенсия ва бошқалар). Нарх-наво индекси тирикчилик учун зарур бўлган товарлар йиғиндиси – озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор товарлари, хизматлар бўйича ҳисобланади (қимматбаҳо буюмлар, автомашина, биллур ва яхши товарларга килинадиган харажатлар бу ҳисобга кирмайди). Биринчи навбатда, энг кам даромад ва даромади катъий бўлган аҳоли тоифалари даромади индексацияланади.

Деградация – иқтисодий тизим аҳволининг ёмонлашуви ва барбод бўлиши.

Дегрессия – миқдори камайиб бораётган даромадлар учун фоизни мутаносиб пасайтирган ҳолда солиқ солиши.

Дезигнация – 1) кредит берувчи шахслар имзолари;

2) бузилган моллар рўйхати.

Декларация – муайян ахборотдан таркиб топиб, маълум қоидаларни эълон қилувчи баёнот, хужжат.

Демократик бошқарув – иш регламентининг унуми ва ишчи-хизматчиларнинг қарорлар қабул қилишига асосланган бошқарув.

Демонетизация – кредит пули, банкнотлар ва чекларнинг кенг миқёсда қўлланилиши муносабати билан асл металлар (олтин ва қумуш)нинг пул вазифасини йўқотиши ёки уларнинг пул воситалари сифатида фойдаланишининг қисқариши.

Демонополизациялаш – ажратиш, бекор қилиш, иқтисодиётдаги монополия (танҳо хукмронликдан) эркин, тенг, хуқуқли, рақобатга асосланган соҳибкорлик фаолиятига қайтиш. Демонополизациялаш соғ-лом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадларида амалга оширилади. Демонополизациялаш икки йўл билан боради: йирик монопол мавқеидаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади; якка ҳоким корхона ёки бирлашмалар, компаниялар сақланган ҳолда улар билан рақобат қила оладиган параллел (бир хилдаги ёки бир-бирини ўрнини босувчи маҳсулот чиқарувчи) корхона ёки бирлашмалар ташкил этилади. Демонополизациялашда антимонопол органлар ва қонун-чилик муҳим аҳамиятга эга.

Демпинг – бозорда рақобатчиларни енгиб чиқиши мақсадида моллар ва хизматлар нархларини сунъий равища пасайтириш; молларни бошқа мамлакатда таннархидан арzon нархда сотиши.

Деноминация – валютани барқарорлаштириш ва ҳисоб-китобларни осонлаштириш мақсадида пул белгиларининг кўрсатилган қийматини йириклиштириш. Бунда эски пул белгилари янгиларига алмаштириб борилади, нарх-наво ва иш ҳақи шунга мувофиқ қайта ҳисобланади.

Дефицит – тақчиллик (товарлар ҳамда хизматлар тақчиллиги)-халқ истеъмол моллари ва хизматларнинг аҳоли талаб – эҳтиёжларини қондириш учун етишмаслиги, уларни етарли даражада ишлаб чиқармаслик, шунингдек сифатсиз ва кам турда бўлиши. Дефицит товарларнинг вақтинча эмас, балки муҳим равища, сурункали етишмай қолиши.

Дефлятор - мавжуд ва номинал ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги фарқлар кўрсаткичи. Мамлакат иқтисодиётидаги инфляциянинг умумий даражасини кўрсатади.

Дефляция – 1) ортиқча қофоз пулни муомаладан чиқариб олиш йўли билан пул кўламини камайтириш;

2) пул-кредит бозоридаги нарх-навонинг аста-секин пасайиши ёки кўтарилиши. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг ўсиши билан бирга содир бўлади.

Декон хўжалиги – оиласий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қиласди.

Диверсификация қилинаётган таваккалчилик – корхонанинг бозор ўзгаришларига нисбатан барқарор сиёсатини ташкил этиш мақсадида моддий зарар келтирадиган ҳолатларни турли соҳаларга тақсимлаш.

Диверсификациялаш – бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқаришларни бир пайтда хар томонлама ривожлантириш, маҳсулот турларини кенгайтириш.

Дивиденд – акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин, унинг даромадига айланган қисми. Ҳар йили фойда акционерлар ўртасида (солиқлар тўланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратмалар чиқарилиб, резервлар тўлдирилгач, облигациялар бўйича фоизлар ва директорларга бериладиган мукофот ҳақ тўлангандан сўнг) уларнинг қўлидаги акция миқдори (суммаси) ва турига қараб тақсимланади. Тақсимла-надиган ҳисса дивиденд массаси дейилади. Дивиденд ставкаси эса акционернинг акциялар номинал қийматларига кўра фоизларда ифодаланган даромадлари. Дивиденд миқдори оддий акциялар бўйича жамиятнинг ўша йилда кўрган фойдасига боғлиқ; имтиёзли акцияларнинг дивиденд миқдори акцияларнинг номинал қийматига қатъий фоиз ставкаси миқдорида олдиндан белгиланади. Энг юқори дивиденд олинганда

баъзан уларнинг бир қисми қўшимча чиқарилган бепул акциялар тарзида акционерларга тўланади. Дивидендинг энг кўп қисмини қўлида акцияларнинг асосий ҳиссасини тўплаган кишилар ва корпорациялар оладилар.

Дилер – 1) қимматли қоғозлар, моллар ва валюта олди-сотди битимларида воситачилик қилувчи шахс ёки фирма;

2) товар, фонд ва валюта биржаларида товарлар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматли нарсаларни харид қилувчилар ва сотувчилар ўртасида битимларни тузишда воситачилик фаолияти билан шуғулланадиган ва ўз номидан ва ҳисобидан ишлайдиган жисмоний ёки юридик шахс.

Дисконт – 1) қимматли қоғознинг амалдаги нархи билан қиймат қопланиши пайтидаги нархи ёки белгиланган қиймати ўртасидаги фарқ; молиявий воситани қиймат қопланиши пайтига қадар белгиланган қийматидан паст нархда харид қилиш;

2) валютанинг келгуси курси билан дархол етказиб берилган пайтдаги курси ўртасидаги фарқ;

3) турли муддатларда етказиб бериладиган бир турдаги молнинг нархлари ўртасидаги фарқ;

4) биржа битимларида мол сифати шартномада келишилганидан паст бўлганида, нархдан чегириш;

5) валюта битимларида расмий валюта курсидан пасайган ҳолда четга чиқиш.

Диссимиляция – моддалар алмашинуви жараёни бўлиб тана ҳужайралари таркибиغا кирадиган мураккаб органик моддаларнинг емирилишидир.

Дистрибьютор – товар, фонд ва валюта биржаларида товарлар, қимматли қоғозлар, валюта ҳамда бошқа қимматли нарсаларни харид қилувчилар ва сотувчилар ўртасида битимларни тузишда воситачилик фаолияти билан шуғулланадиган ва ўз ҳисобидан, бироқ ишлаб чиқарувчи компания номидан ишлайдиган жисмоний ёки юридик шахс.

Дифферент – молга буюртма бериш ва уни олиш пайтида юзага келадиган мол нархидаги фарқ.

Дотация – (ҳадя, эҳсон) давлат ёки маҳаллий бюджетдан қайтариб бермаслик шарти билан маблағ ажратиш; иқтисо-диётга бюджет орқали таъсир этиш восита-ларидан бири. Фаолияти умумдавлат аҳамиятига молик, лекин ўз даромади билан ҳаражатларини қоплай олмайдиган корхона ва ташкилотларга давлат дотация билан мадад беради. Дотация умумий ва мақсадли бўлади. Умумий дотация ажратилганда маблағ маҳаллий бюджетларга берилади, уни ишлатиш маҳаллий ҳокимият ихтиёрида ва унга марказ аралашмайди. Мақсадли дотация берилганда уни мўлжалланган мақсад учун сарфлаш мажбурий ва буни давлат назорат қиласи.

E

Е авитаминоз касаллиги – касалланишнинг ўзига хос белгилари-насл бериш қобилиятининг пасайиши (қисир қолишидир, шунинг учун ҳам бу витамин кўпайиш (урчиш) витамини деб айтилади. Е вита-мин табиий ўсимлик озиқларда жуда кўп бўлиши туфайли чорва молларида Е авитаминоз касаллиги нисбатан кам учрайди.

Ёввойи ҳайвонлар – табиий шароитда яшайдиган, одам фаолиятига боғлик бўлмаган ҳайвонлардир. Улар табиий танланиш натижасида келиб чиқсан. Ёввойи ҳайвонларнинг тури жуда кўп. Фақат сут эмизувчи ёввойи ҳайвонлар турининг ўзи 4500 га етади.

Ёмғирлатиб сугориши – маҳсус қурилмалар ва машиналар ёрдамида сунъий ёмғир тарзида ўсимликлар устидан пуркаб сугориши.

Ёпиқ эмиссия – қимматли қоғозларни чекланган доирада муомалага чиқариш ер кадастри ер майдонларининг баҳолари ва ўртacha даромадлилиги ҳақидаги маълумот-лардан иборат рўйхат. Ер солигини ҳисоблашда фойдаланилади.

Ер мониторинги – ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Ер олди-сотди бўладиган жамиятда унинг баҳосига ернинг ҳосилдорлиги, қазилмалар бойлигидан ташқари унинг иқлими, қайси географик минтақада бўлиши, унинг экологик ҳолати ҳам таъсир қиласи. Иқлими яхши, табиати бой, экологик тоза, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланган ерлар баҳоси ғоят юқори бўлади. Экологик танглик шароитида тоза ерлар қиммат туради. Йирик шаҳарларда ернинг баҳоси ғоят юқори юради, чунки ер танқислиги мавжуд бўлади. Ернинг баҳоси унга бўлган талабга қараб ҳам ўзгариб туради.

Ер рентаси – бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилган қўшимча маҳсулотнинг ер эгалари томонидан ўзлаштириладиган қисми. Ер рентаси ерга бўлган мулкчилик муносабатларининг пайдо бўлиши билан келиб чиқади. Унинг асосан, икки тури мавжуд: абсолют рента ва дифференциал рента. Абсолют рента бевосита ерга бўлган хусусий мулкчиликдан келиб чиқади. Ер участкаларининг яхши-ёмонлигидан қатъ-ий назар, бу участкалардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун ижаравчининг ер эгасига тўлайдиган ҳаки абсолют рента ҳисобланади. Дифференциал рента ернинг хўжалик юритиш обьекти бўлишидан келиб чиқади. У ернинг хусусий мулк бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар мавжуд бўлади. Дифференциал рента яхши ва ўртacha унумдор ерлардан олинган қўшимча маҳсулотнинг ўртacha фойдадан ортиқ қисмидир.

Дифференциал рента икки тур (I, II) га бўлинади: дифференциал рента I тупроқ унумдорлигининг табиий равишда турлича бўлиши ва ер участкаларининг бозор, йўл, транспорт ва бошқаларга яқин ёки узоқ жойлашганлигига боғлиқ ҳолда олинадиган қўшимча даромад. Дифференциал рента II ерга қўшимча маблағ сарфлаб, ернинг унумдорлигини ошириш, яъни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, химия-лаштириш, суғориш тизимини жорий қилиш ва бошқалар эвазига олинади. Дифференциал рента II ер эгаси ва ижаравчи томонидан ўзлаштирилади.

Абсолют ва дифференциал ренталар билан бир қаторда монопол рента-ундирувчи саноат корхоналаридан, қурилиш участкаларидан олинадиган ренталар ҳам мавжуддир.

Ернинг баҳоси – ер эгаси ердан оладиган даромадини бошқа йўл билан топиши учун зарур бўлган пул миқдори. Ернинг қиймати бўлмаса ҳам ернинг баҳоси бор ва бу баҳонинг ташкил топиши ўз хусусиятига эга. Ҳар бир ер участкасининг баҳоси, асосан, шу ер келтирадиган рента суммасига ва ерга сарфланган пул учун бериладиган банк фоизи даражасига қараб белгиланади. Ернинг баҳоси рентанинг миқдорига тўғри пропорционал, ссуда фоизи даражасига тескари пропорционалдир. Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида ўртacha ҳар бир гектар ердан олинган ялпи маҳсулот, пировард маҳсулот ва соф даромад ёки фойда миқдоридан фойдаланилади. Энг кўп ҳосил ва соф даромад ёки фойда берган ер картаси 100 балл билан баҳоланади. Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ер участкаларини ижарага беришда, қурилиш ташкилотларига ажратиб беришда, қолаверса хўжаликларнинг ердан оладиган фойдасини ва давлатга тўланадиган солиқ миқдорини олдиндан аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Ёғлар – сабзавот ва меваларда учраб, асосан мум билан бирга бўлади. Ёғлар кўп миқдорда уруғларда учрайди. Данакли меваларнинг мағзида, полиз уруғларида ўртacha 20-60 фоизни ташкил этади.

Ж

Жамоа мулки – айрим оилаларга ёки ишловчи, хизматчилар жамоасига тегишли мол-мулк; муайян мақсад йўлида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирилишини билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал пули тўплаб корхона қуриш, акция чиқариб уни сотиш орқали пайдо бўлади. Мамлакатимизда ижара корхоналари, жамоа корхоналари, кооперативлар, жумладан, акционер жамиятлар, ассоциация (уюшма)лар, ижтимоий ташкилотлар мол-мулки жамоа мулкига киради.

Жарима – шартнома бўйича мажбуриятларни бузганлик учун тўланадиган тўлов.

Жадаллаштирилган амортизация – камаяётган баланс усулида хисобланадиган амортизация. Бунда фойдаланишнинг биринчи йилида ажратиладиган маблағлар меъёри икки бараварга оширилади, иккинчи йилда эса қолдиқ қийматдан 20 фоиз ажратилади ва ҳ.к.

3

Зоология – ҳайвонларни ўрганадиган фан. Зоология сўзи zoo-ҳайвон ва logos-таълимот ёки фан маъносини англатувчи грекча сўзлардан келиб чиқкан. Бу фан ҳайвон организми тузилиши, ҳайвонларнинг кўпайиши ва ривожланиши ҳамда хилма-хиллигини ўрганади. Ҳайвонларнинг ер юзида тарқалиши, табиатда ва инсон фаолиятидаги аҳамиятини ўрганиш ва уларнинг келиб чиқишини кўрсатиб бериш ҳам зоология фани вазифасига киради.

Зооветеринария хизмати – чорва молларини даволаш ва касаллигини олдини олишга қаратилган, чорва молларини сұйний қочириш, зотдор моллар билан таъминлаш хизматидир.

И

Иқтисодий самара – иқтисодий фаолият натижалари ва ушбу натижаларни олиш ҳамда улардан фойдаланиш учун хисоблаб чиқилган сарф-харажатлар ўртасидаги хилма-хиллик.

Иқтисодий самарадорлик – тизимнинг фаолият юритишига кетадиган сарф-харажатлар ва унинг натижалари нисбати.

Иқтисодий таҳлил – иқтисодий фаолият ҳақидаги маълумотни шакллантириш ва қайта ишлаш услуги йиғиндиси бўлиб, у холис баҳолаш, ривожлантириш йўналиши, мавжуд вазифалар, самарадорликни ошириш захираларини ва улардан фойдаланиш йўлларини аниқлашни таъминлайди.

Иқтисодий ҳафғизлик-бу: иқтисодиёт, аҳолининг нормал ҳаёти ва фаолиятини, жумладан иш билан бандлиги, иқтисодий жиҳатдан ўсиш имкониятини таъминловчи ривожланиш даражасида сақлашни билдиради, миллий иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондириш ва нормал иқтисодий ривожланишни таъминлаш қобилияти, ташқи ва ички иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, табиий ва техноген бекарорлаштирувчи таъсирлар чоғида юксак даражадаги барқарорликни сақлаш қобилияти, миллий иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондириш ва нормал иқтисодий ривожланишни таъминлаш қобилияти, ташқи ва ички иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, табиий ва техноген__ бекарорлаштирувчи таъсирлар чоғида юксак даражадаги барқарорликни сақлаш қобилиятидир.

Ижара – мол-мулкни ёллаш бўйича шартнома. Унга қўра бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарачи) маълум тўлов эвазига мол-мулкини вақтинча фойдаланиш учун беради. Ижара ҳақи мулк эгаси мол-мулкининг қийматига ва келтирадиган даромадга боғлиқ бўлиб, ўзаро келишув билан белгиланади. Мамлакатларда ер, уй-жой, савдо-саноат биноларий, саноат ва савдо корхоналарини ижарага бериш ва олиш кенг тарқалган. Ижара ҳақи дастлабки йилларда ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан тўланар эди. Ижара ҳақи корхона жамоаси

даромадининг бир қисми бўлиб, ижарачи ва ижарага берувчи ўртасида шартнома йўли билан корхонанинг рентабеллиги ва ривожланиш истиқболини ҳисобга олиб ўрнатилади.

Ижтимоий институт – ижтимоий тизимни ташкил этадиган, инсон фаолиятида унинг мавқеи ва аҳамиятини белгилаб берадиган формал ва ноформал қоида, тамойил, меъёрларнинг қатъий мажмуудир.

Илдизмевали сабзавотлар – илдизида фойдали моддалар бўлган экинлар: сабзи, қанд лавлаги, турп ва редиска, петрушка, пастернак, селедерей, брюква, цикорий, скроцинерлардан иборат.

Имидж – фирма ёки шахснинг обрўси, нуфузи. Товар сифати, олинган мажбуриятлар бажарилишининг аниқлиги, мижозлар билан муомала қилиш шакли.

Имтиёз баҳоси – маҳсулотнинг айрим турларини истеъмол қилишни рағбатлантириш мақсадида ва истеъмолчиларнинг айрим гурухлари учун белгиланадиган энг паст даражадан ҳам кам нарх.

Имтиёзли тариф – маҳсулот ва хизматларнинг айрим турларини истеъмол қилишни рағбатлантириш мақсадида ёки истеъмолчиларнинг айрим гурухлари учун белгиланадиган энг паст даражадан ҳам кам тариф.

Инвестиция (сармоя) – хусусий ёки давлат капиталини, мулк ёхуд ақлий бойликни миллий (ички инвестициялар) ёки хорижий (ташқи инвестиациялар) иқтисодиётга фойда олиш мақсадида узоқ муддатга сарфлаш.

Индексация – мажбуриятлар бўйича тўловларнинг нарх-наво кўрсаткичи билан ўзаро нисбатини белгилаш. Пул талабномалари ва турли даромадларнинг ҳақиқий микдорини инфляция шароитида сақлаб қолиш усули.

Инжениринг – тижорат қоидаларига асосланган муҳандислик-маслаҳат хизматлари: ишлаб чиқаришни таъминлаш, маҳсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш обьектларини куриб ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш, бизнес режалар ишлаб чиқиш, лойиҳалар тузиш ва бошқалар.

Инновация – янгиликни жорий этиш, 1) техника ва технология авлодларини алмаштириши таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар;

2) илмий-техника тараққиёти ютуқлари натижалари бўлган янги техника, технология. Ихтиориликнинг ривожланиши, бирор йўналишдаги йирик ихтиро ва кашфиётларнинг майдонга келиши инновациянинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Институционализм – иқтисодий қарорлар қабул қилиш ва уларни йўналтириш соҳасида биринчи даражали аҳамиятга молик муассасалар ҳақидаги иқтисодий таълимот.

Интервенция – марказий банк ва давлат хазинасининг кредитга, қимматли қоғозларга, миллий ҳамда хорижий валюталарга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш йўли билан молия-кредит ҳамда валюта соҳасига аралашуви.

Инфляция – 1) мамлакатда муомалада юрган қоғоз пул микдорининг хўжалик муомаласи эҳтиёжларидан ҳаддан зиёд ошиб кетиши. Нарх-наво умумий даражаси-сининг кўтарилиши.

Инфляция куйидаги турларга бўлинади:

- а) бирор омил туфайли келиб чиқсан инфляция;
- б) кредит инфляцияси – кредит ажратишнинг ҳаддан зиёд кенгайиши туфайли келиб чиқади;
- в) судралувчан инфляция – секинлик билан ривожланиб боради;
- г) сакровчан инфляция – тез суръатда ривожланиб боради;
- д) маъмурий инфляция – нарх-навони маъмурий тарзда бошқариш оқибатида юзага келади;
- е) ижтимоий инфляция – маҳсулот сифатига, атроф муҳит муҳофазасига бўлган янги ижтимоий талабларнинг пайдо бўлиши оқибатидаги чиқимларнинг ўсиши таъсирида нарх-навонинг ўсишини юзага келтиради;

2) пулнинг қадрсизланиши. Муомалада хўжалик обороти эҳтиёжларидан ортиқ даражада қоғоз пуллар миқдорининг кўпайиб кетиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Ортиқча миқдорда пул бирликларини муомалага чиқариш, товар ишлаб чиқаришнинг тўла қобилиятига эга талаб ўсишидан орқада қолиши, бозорда талабга жавоб бермайдиган товарларнинг кўпайиб кетиши ва бошқа омиллар инфляцияни юзага келтиради. Бундан ташқари нарх белгилашнинг монополлашуви кредитнинг, ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши, давлатнинг улкан ноишлаб чиқариш харажатлари, давлат бюджети тақчиллиги инфляциянинг асосий сабаблари ҳисобланади.

Инфратузилма – иктиносидиётда ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат қиладиган соҳалар. У транспорт, алоқа, савдо, моддий техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси (бевосита моддий ишлаб чиқаришга хизмат қиласи) ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжуд. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳаларида ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад яратилади; ижтимоий инфратузилма соҳалари (маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) ижтимоий-иктиносий тараққиётни жадаллаштиришга, инсон омилини фаоллаштиришга хизмат қиласи.

Иссикҳона – бутун йил давомида ишлатиладиган, устки ва ён тўсиқлари ёруғлик ўтказадиган қопламалари бўлган йирик ҳажмли ўсимлик ўстириш жойларидир.

Истеъмол қиймати – бу тушунча инсоннинг озиқланиши учун маҳсулотларнинг нечоғлик яроқлилиги, мослигини белгилайдиган қиймат.

Итузумдош сабзавотлар – помидор, бақлажон ва қалампир. Уларнинг меваси янги узилган ҳолида аччиқ, чучук кўринишида, тузланган, маринатланган турли қўшимча ҳолида истеъмол қилинади.

Иш вақти – ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт.

Иш ҳақи – меҳнат бирлигининг бозор баҳоси бўлиб у шартномада белгилаб қўйилади ва муайян вақт бирлиги ичida бажариладиган ва муайян касб - малака хусусиятларига эга бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасини белгилаб беради. Иш ҳақи ставкаси ишчининг иш кучи қиймати билан белгиланади. Яъни ҳаётий воситалар ва истеъмол товарлари ва хизматлар йиғиндиси қиймати билан белгиланади бу нарсалар муайян сифатга эга бўлган иш кучини нормал ҳосил қилиш учун зарурдир. Бозор иктиносидиёти шароитида ривожланган мамлакатларда иш ҳақининг ставкаси такрор ишлаб чиқариш минимумидан ортиқ бўлиб, ижтимоий гуруҳнинг қарор топган истеъмол даражасига, тармоқда муайян сифатга эга бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақнинг эришилган даражасига боғлик равиша шаклланади.

Иш ҳажми – иш масштаби – иш ҳажми ва масалалар ва операцияларнинг турли туманлиги томонидан ишга бериладиган тавсиф.

Ишдан ташқари вақт – ишчи ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган вақт. Бу ишчининг ишга келиши, ўй ишлари билан банд бўлиши, томорқасида ишлаши, ўзининг физиологик талаблари (уйқу, овқат-ланиши, шахсий гигиена), бўш вақтлари (дам олиш, ўқиш, малака ошириш, маданий ва маърифий талаблар) билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигига меҳнат унумдорлиги ошиши, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш, меҳнат жараёнларини рационализациялаштириш иш вақтининг қисқаришига, қишлоқ ишчисининг бўш вақтини кўпайишига ва бўш вақт таркибининг (ижтимоий тадбирлар, хизмат кўрсатиш, шахсий томорқада ишлашнинг яхши шароитларини яратиш ва бошқалар) яхшиланишига сабаб бўлади.

Ишлаб чиқариш браки – бажарилган иш ёки олинган маҳсулотнинг ўз сифати бўйича белгиланган талабга тўғри келмаслиги. Тўлиқ ва қисман бракни фарқлаш керак. Биринчи ҳолатда ишлаб чиқариш талабдан тубдан фарқ қиласи. Қисман брак ҳолатида қўйилган талабдан бироз

четга чиқилған ҳолат күзатылади. Бу ҳолатда маҳсулотнинг бир қисми қабул қилинади, бир қисмини ўзгартыришга тұғри келади. Қишлоқ хұжалигыда брақдан күрилған заар шу билан чуқурлашады, уни тұлдырыш қийин ёки мумкин эмас. Агротехник тадбирларнинг нотұғри қўлланилиши натижасида күрилған заар етиширилған маҳсулотнинг брак бўлишига сабаб бўлади, бу маҳсулотнинг сифатсиз ёки истеъмолга яроқсиз бўлишига олиб келади.

Ишлаб чиқариши вақти – тайёр маҳсулот яратыладиган жараён. Ишлаб чиқариш вақти таркибиға: ишлаб чиқариш воситалари захира сифатида бўлған вақт, яъни иш жараёни, меҳнат (иш) давомида бўладиган узилишлар вақти, меҳнат предмети тайёр маҳсулотга айланғунча табиий ва сунъий жараёнлар таъсирида бўладиган вақт. Қишлоқ хұжалигыда иш жараёни ишлаб чиқариш вақтидан кичик. Масалан: қишки дон ишлаб чиқариш жараёни 8-10 ой, етишириш бўйича иш жараёни 30 – 40 кундан иборат. Чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз характерга эга, иш жараёни даврийлиги билан фарқ қиласи ва давомийлиги билан ишлаб чиқариш вақтидан 3 марта кам. Ишлаб чиқариш вақти билан иш жараёни ўртасидаги узилишга сабаб ўсимликлар билан ҳайвонот дунёсидаги биологик хусусиятлар мавжудлиги ва уларни амалий бартараф этиб бўлмаслигидир. Аммо бу узилишларни қисқартириш имкониятлари мавжуддир. Булар эртапишар ва кечпишар навларни чатишириш, ҳайвонларни интенсив усулда озиқлантириш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариши жараёни – маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қишлоқ хұжалик ишлари бажарилишининг кетма-кетлиги ва қонуниятини аниқлайди. Парвариш этиш, йигиш, ташиш, омборга қўйиш ва бирламчи қайта ишлаш ишлари шулар жумласидандир. Ишлаб чиқариш жараёни технологик карта кўринишида яхши намоён бўлади.

Ишлаб чиқариши захираси – бу ишлаб чиқариш жараёнидан вақтинча четлаштирилған ва қишлоқ хұжалиги ва агросаноат корхоналари омборхоналарида сақланаётган ишлаб чиқариш воситаларидир. Буларга саноат корхонасида қайта ишланадиган хом ашё, ургулар, озуқа, ЁММ, эҳтиёт қисмлар машина ва жиҳозлар учун, минерал үгитлар, ядохимикатлар ва бошқалар киради. Қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришининг мавсумий характерга эга эканлиги, улардан фойдаланиш жарёнида узилишларнинг бўлиши, экинларнинг табиий оғатлар натижасида вайрон бўлиш ҳолатларини назарда тутган ҳолда сұғурта захираларининг бўлиши талаб этилади. Ишлаб чиқариш захираларининг бўлиши барқарор ишлаб чиқаришнинг объектив шартидир.

Ишлаб чиқариши зоотехника ҳисоби – ҳайвонларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, тирик вазни, серпуштлилиги, маҳсулдорлиги, қочириш ва туғиши вақти, соғломлиги, ва бошқаларни ёзиб боришидир.

Ишлаб чиқариши маданияти – ишлаб чиқариш жараёнини ишлаб чиқариш шароитлари, иш ўринлари ва кийимлари, жойнинг қулайлиги нұқтаи-назаридан тавсифловчи омиллар. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш маданиятини яхшилашга қаратилған харажатлар корхонани ижтимоий ривожлантириш режаларида инобатга олинади. Янги корхоналарни қуришда, корхоналарни модернизация қилишда ишлаб чиқариш маданияти талабларига эътибор қаратилади. Бунинг асосида иш шароитларига, уларнинг жозибадорлигига эътибор берадиган шахсларни бириктириб, меҳнат унумдорлигини оширишга шарт-шароитлар яратилади.

Ишлаб чиқаришини бошқаришининг самарадорлиги – ишлаб чиқаришини бошқаришининг мақсадда эришиш учун мўлжалланган ресурслардан фойдаланиш даражаси билан ифодаланадиган самарадорлиги.

Ишлаб чиқарувчилар рақобати – маҳсулотни сотишни яхши имкониятлар билан таъминлаш ва имкон қадар фойда олиш мақсадига эга маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кураш.

Ишнинг мураккаблиги – меҳнатнинг сифати жиҳатидан тавсифлаш, ақлий ва жисмоний бирлик, ишчининг жавобгарлиги ва мустақиллиги.

Иқтисодий ислоҳотлар – иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий уклад – турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириши – бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидағи тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими.

Ислоҳотлар концепцияси – ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғояси.

Иқтисодиётни барқарорлаштириши – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиктисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шартшароитларни вужудга келтириш.

K

К авитаминоз касаллиги – бу касалликка дучор бўлган ҳайвонларда териси остида ва организм ичидаги қон қуйилиш ҳодисаси рўй беради. К авитаминоз касаллиги паррандаларда ва лаборатория ҳайвонларида рўй бериши мумкин.

Кавш қайтарадиган ҳайвонлар – қорамоллар, қўй, эчки ва туялар ошқозонида озиқ ҳазм бўлиш жараёни бошқа ҳайвонларнидан анчагина фарқ қиласди. Кавш қайтарадиган ҳайвонларнинг ошқозони тўрт камерадан - катта қорин, тўрқорин, қатқорин ва ширдондан иборат. Ана шу тўртта камерадан фақат ширдонда шира ишлаб чиқарадиган безлар бор. Кавш қайтарадиган ҳайвонлар ошқозонининг шу бўлмаси бошқа ҳайвонлар ошқозонига мос келади. Дастлабки учта камерада безлар бўлмайди, улар ошқозон олди деб айтилади.

Кадастр – 1) обьектларнинг баҳоси ва ўртача даромаддорлиги тўғрисидаги маъ-лумотларни ўз ичига олувчи рўйхат;

2) жон бошига олинадиган солиққа тортиладиган кишилар рўйхати.

Калькуляцияламоқ – маҳсулот бирлиги, ишлар ёки хизматларни моддалар бўйича қийматини хисоблаш.

Капитал сарфлар – давлат бюджети сарфининг қисми бўлиб инновация ва инвестиция фаолиятини таъминлашга қаратилган сарфлар. Бу сарфлар асосий капитал, захиралар, ер, номоддий активлар, қимматбаҳо буюмлар сотиб олишга қаратилган сарфларни ҳамда бошқа капитал сарфларни ўз ичига олади.

Картель – ишлаб чиқарувчилар ёки истеъмолчилар бирлашмаси шакли. Бунда ихтисосига кўра яқин корхоналар, фирмалар, компаниялар ишлаб чиқариш ва сотиш, нарх-наво ва мол ўтказиш бозорлари хақида битим тузадилар. Картелнинг мақсади бирлашма ичидаги рақобатни бартараф этиш, чеклаш ва тартибга солиш ҳамда мазкур битимда иштирок этмаётган фирмалар рақобатига тазийк ўтказиш йўли билан фойдани оширишдан иборатdir.

Касб – ишчининг мажбуриятларини белгилаб берадиган қатъий ва тан олинган умумий ва маҳсус билимлар йиғиндиси, уқув ва малака.

Касбнома – касбларни ҳар томонлама тасвирилаш орқали ишчи, мутахассис топширикни қандай ва қайси меҳнат қуроллари ёрдамида, ишлаб чиқаришнинг қандай шартнамаларда бажаралиши лозимлиги хақида тасаввур беради. Унга ижрочи жавоб бериши лозим бўлган талаблар ҳам киради. Касбнома ишлаб чиқариш – техникавий, иқтисодий, гигиеник, тиббий, ижтимоий, педагогик ва психофизиологик тавсифларни ўз ичига олади.

Кафолат муддати – вақтнинг кафолатли мажбуриятлар амал қилинадиган оралиғи.

Кафолатли мажбурият – етказиб берилган товар белгиланган шартнома шартларига мос келишини тасдиқловчи хужжат.

Квалиметрия – маҳсулот сифатини миқдорий баҳолаш усуслари ҳақидаги фан.

Квота – умумий ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт, импорт ва бошқа иқтисодий фаолият соҳаларида келишув асосида ҳар бир иштирокчи учун жорий қилинадиган ҳисса. Битимларга биноан амалга оширилади. Давлатларо шартномаларга кўра, айрим ёки бир гурӯх товарлар юзасидан квота ўрнатилади, унга мувофиқ мамлакатлар ёки мамлакатлар гурӯхи фақат белгиланган миқдордаги товарларни ишлаб чиқариш ва четга сотиши мумкин. Квота ўрнатиш шартини бузган мамлакат ёки корхона иқтисодий жиҳатдан жазоланади. Квота ўрнатишдан мақсад бозордаги нархни маълум мақсад йўлида ўзгартириб туриш. Чунки квота товар таклифини чегаралайди, бу билан нархга бинобарин, фойда кўришга таъсир этади.

Кейнслик – бутун дунёга машҳур иқтисодчи олим Д.М.Кейнснинг макроиктисодий назарияси. Кейнслик таълимоти қатор иқтисодий механизmlарни куйидаги қоидалар асосида талқин этади:

- 1) иш билан таъминланганлик даражасини ишлаб чиқариш ҳажми белгилайди;
- 2) умумий талаб ҳар доим ҳам тўлов маблағлари ҳажмига мувофиқ даражада белгиланмайди, чунки бу маблағларнинг бир қисми жамғармаларга айлантирилади;
- 3) ишлаб чиқариш ҳажми сармояни инвестиция қилишга кўмаклашадиган келгусидаги самарали талаб даражасини кутиш билан белгиланади;
- 4) банк фоиз ставкаси ва сармоя сарфи ўртасида тенглик юзага келганида инвестиция қилиш ва жамғариш бир-бирига боғлиқ бўлмай қолади.

Келишилган нархлар – ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан истеъмолчи (харидор) ўртасида ҳар икки томоннинг розилиги билан келишиб белгиланган нархлар. Келишилган муддат давомида амал қилади, ҳар иккала томоннинг иқтисодий манфаатига мос тушгандা, яъни яхши фойда кўриладиган фаолиятни таъминлагандагина ўрнатилади. Монополия ва товар тақчиллиги шароитларида келишилган нархлар (улар одатдаги нархдан юқори бўлади) нархни сунъий ошириб, халқ ҳисобидан фойда кўриш воситасига ёки корхоналар ва ташкилотларнинг чайқовчилик воситасига айланади.

Кондиция – организмнинг физиологик ҳолати бўлиб, бундай ҳолатда ҳайвон ўзининг хўжалиқдаги вазифасига тўла жавоб беради. Семизлик, мускулларнинг, жун қопламининг ҳолати ва ҳайвоннинг умумий ҳолати кондициянинг ташки белгилариdir. Кондиция ҳайвонларни боқиш ва парвариш қилишга боғлиқ. Кондиция қўйидаги турларга: завод типдаги, яъни наслдор, бўрдоки, ишчи, ўргатиладиган ва кўргазмага кўйиладиган ва овчилик кондицияларига бўлинади.

Контракт – мамлакатлар, фирма, корхона ва бошқалар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатиш, ўзгариши ёки тўхтатиш тўғрисидаги икки томонлама ёзма келишув шартнома. Ташки савдода контракт бир томон (сотувчи)нинг иккинчи томон (сотиб оловучи)ни шартномада кўрсатилган товар билан таъминлаш мажбурияти ҳақида шаҳодат бурувчи ҳужжат. Унга мувофиқ товар сотиб оловучи томон ўз навбатида бу мол-мулкни қабул қилиб олиш ва унга кўйилган нархни контрактда белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

Концепция – тушунчалар ва улар ўртасидаги бирон-бир воқеликни ривожлантириш ва хусусиятларининг асосий йўналишларини белгиловчи алоқалар мажмуи.

Консорциум – 1) муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун шартнома асосида фирмаларнинг муваққат бирлаштирилиши;

2) фирмалар ёки фирмалар билан ҳукумат ўртасида муайян амалий, жуда кенг қўламдаги иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида шартнома асосида тузилган вақтинчалик бирлашма; бир неча банклар ёки йирик саноат корхоналарининг муайян ишларни ҳамкорликда амалга ошириш учун тузган келишуви. Консорциум аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари консорциум тўғрисидаги битимда белгилаб кўйилади. Кўйилган вазифани бажариш учун консорциум иштирокчилар бадаллари ҳисобидан ягона молия ва моддий фонdlар барпо этади,

бюджет маблағлари ва давлат банкидан кредитлар олади. Вазифа бажарилгач, консорциум тарқайды. Дастрраб консорциум банк соҳасида майдонга келган. Бозор иқтисодиёти шароитларида мамлакатда чет эл фирмалари ва банклари билан ҳамкорликда консорциумлар вужудга келади.

Конъюнктура – иқтисодиётнинг умумий ҳолати; уни фан техника тараққиёти, иқтисодий ўсиш, структура силжишлари, экспорт имкониятлари кабилар характерлаб беради. Иқтисодий конъюнктура ўзгарувчан, салбий ва ижобий бўлади. Ижобий иқтисодий конъюнктура барпо этишнинг йўлларидан бири – бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади.

Координация – ички ва ташқи тизим элементлари ҳаракатларини умумий мақсадларга эришиш учун кўриб чиқилаётган тизимга нисбатан мослаштириш, ўзаро келиштириш, мувофиқлаштириш.

Корхона – мустақил хўжалик юритувчи субъект, маҳсулот ишлаб чиқариш, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва фойда олиш мақсадида юмушлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилади. Хусусий давлат, акционер мулк, жамоат ташкилотлари мулки, шунингдек аралаш мулк корхоналари мавжуд.

Корхонанинг ички маданияти – бу корхона ишчилари томонидан тан олинган ва кўлланиладиган қадриятлар тизими ва корхона ишчиларининг ички ва ташки мухитдаги интизоми меъёрларининг йиғиндинсизидир.

Корхонанинг ички меҳнат бозори – йирик фирма ишчиларининг касбий кўтарилиш шароити бўлиб, бу ишчилар ўртасида корхона манфаати учун ўзларининг қобилиятларини айирбошлиш ва рақобат мухитини шакллантириш имкониятини яратади.

Корхонанинг ички тадбиркорлиги – корхона бошқаруви томонидан ва бошқа инновация гояларини яратувчи турли бўлим хизматчиларини инновацион масалаларни ечиш мақсадида вақтингчалик гурухларда меҳнатни ташкил этиш усули.

Кредит – пул воситаларини, товар ва хизматларни маълум устама тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор, яъни кредит берувчи, кредит олевчи томон эса қарздор, яъни кредит олевчи дейилади. Ҳозирги вақтда кредит асосан пул шаклида тўғридан-тўғри банк орқали берилади. Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма фондларини шакллантиришга хизмат қиласи. Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади. Бозор муносабатига ўтиш билан бирга кредит муносабатлари ҳам қайта қурилмоқда.

Кризис – иқтисодий танглиқ, таназзул. Кризис иқтисодиётда ҳаддан ошиқ кўп ишлаб чиқариш ёки керагидан кам ишлаб чиқариш натижасида юз беради. Бозор иқтисодиётига биринчи турдаги кризис хос. Ортиқча ишлаб чиқариш кризислари даврий бўлади, вақти-вақти билан тақрорланиб туради.

Ксерофитлар – қурғоқчилик шароитларида яшашга мослашган ўсимликлар.

Кўп укладли иқтисодиёт – турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турларининг яхлитлигидан ташкил топган иқтисодиёт. Бозор иқтисодиёти хилма-хил, бир-бири билан эркин рақобатлашадиган хўжалик укладларини тақозо этади, ўз табиатига эга бўлган ишлаб чиқаришдан иборат бўлади. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида майда товар, жамоа, хусусий, монополашмаган капиталистик, монополистик, давлат монополистик, транснационал укладлар мавжуд. Шунингдек, аралаш ва ўткинчи укладлар ҳам бор. Укладлар бир-бирига товарлар, ахборот, таж-риба, иш кучи етказиб беради. Улар ўзаро иқтисодий алоқасиз ривожланмайди, айни вақтда улар рақобатда бўлади.

Кўчмас мулкни сотиши шартномаси – кўчмас мулкни сотиши шартномасига кўра, сотувчи харидорга эгалик қилиш учун ер участкаси, бино, иншоот, уй ёки бошқа кўчмас мулкни бериш мажбуриятини олади.

L

Лизинг – машина, асбоб-ускуна, тракторлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини узок муддатли ижарага олиш; узок муддат фойдаланиладиган товарлар экспортини кредитлашнинг шаклларидан бири; лизингнинг асосан молиявий ва оддий тури бор.

Молиявий **лизинг** – муайян муддатда ижарага берувчининг капитал харажатларини тўлиқ қоплашга етарли тўловлардан иборат бўлиб, мулк эгасига бир миқдор фойда ҳам беради.

Оддий **лизинг** – ижара даврида ижарага олинган мулк қисман амортизацияланади. Лизинг компанияси асбоб-ускуналар сотиб олиб, уларни ижарачи фирмага одатда бир йилдан 10-15 йилгача ижарага беради. Лизингда ижарачининг шартнома муддати тугагандан сўнг асбоб-ускуналарни қиймат бўйича сотиб олиш (бу ҳолда эгалик хукуки янги соҳибга ўтади); янги келишув асосида шартнома муддатини чўзиш; моддий бойликларни лизинг компанияларига қайтариш ва бошқалар кўзда тутилиши мумкин. Томонлар лизинг шартномасида кўрсатилган давр мобайнида уни бузишга ҳақи йўқ. Лизинг компаниялари машина ва ускуналар сотиб олиш учун шахсий ва қарзга олинган маблағлардан фойдаланадилар. Давлат, одатда, уларга банкдан қарз олишлари учун имтиёзли шароитлар яратиб беради.

Лизинг компанияси – асосий воситалар, техника воситалари, бино ва иншоотларни ўрга хамда узок муддатга ижарага бериш компанияси.

M

Мажбурият – расмий ҳужжатлаштирилган ёки фуқаролик қонунчилигидан келиб чиқадиган битта жисмоний ёхуд юридик шахснинг бирининг фойдасига маълум ҳаракатларни бажаришни талаб этувчи муносабат.

Макроиктисодиёт – (юонча “макро” – кенг) сўзидан олинган бўлиб, мамлакат иқтисодиётини, ёки унинг юрик тармоқларини ялпи ишлаб чиқаришининг ўсиши, пасайиши ёки турғунлик даврларини иқтисодий таҳлил қиласи ва тартибга солади, шунингдек халқаро иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини ўрганиб, нима, қандай, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш кераклигини мамлакат миқёсида ҳал қиласи.

Маркетинг – 1) корхонанинг бозорни ўрганиш, маҳсулотни бозор талаби ҳамда товарларни истеъмолчига йўналтириш ҳисобга олинган ишлаб чиқариш бўйича ташкилий-техник ва тижорат вазифалари мажмуи; 2) бозор ва унинг аҳволини, айнан мавжуд талаб ва эҳтимолли эҳтиёжларни, таклифларнинг борлигини ўрганиш, рақобат хусусияти ҳамда даражаси билан шуғулланади. Маркетинг гояни режалаштириш ва тадбиқ этиш, айрим шахс ҳамда ташкилотлар мақсадларини қондирувчи айирбошлиш орқали ғоя, товарлар ва хизматларнинг ҳаракати ва уларни амалга ошириш жараёнини ифода этади. Шундай қилиб, маркетинг бир марталик тадбир билан чекланиб қолмасдан кенг кўламли фаолиятни ифода этади. Маркетинг реклама ва товар омборларидағи маҳсулотни сотишни тезлаштириш бўйича анъанавий тадбирларни истисно қилмайди. Маркетинг истеъмолчиларнинг мавжуд талабларига ва унинг бозор аҳволининг ўзгаришига мослаштиришга мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Маслаҳат берувчи фирма – асосий вазифаси юридик ёки жисмоний шахслар буюртмаси бўйича таҳлил ўтказиши, илмий-техник ва ташкилий-иктисодий янгиликларни ривожлантириш ҳамда фойдаланиш истиқболларини асослашга доир ишларни бажариш билан шуғулланадиган ташкилот.

Маслаҳат хизматини қўрсатиши – ахборот-маслаҳат хизмати мижозларига самарали ва рационал қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишда, ишбилармонлик фаолиятини бошқаришни ташкил этишини такомиллаштиришда, хўжалик амалиётида замонавий юқори самарали технологиялар, ресурслар ва илгор тажрибалардан фойдаланишда, мувоффақиятли маркетинг фаолиятини шакллантириш ва олиб боришда, озиқ-овқат ва иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашда, ҳамда агросаноат мажмуасидаги бошқа хизматларни қўрсатишда ёрдам беришdir.

Маслаҳат хизматлари – ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, молия, маркетинг, нарх сиёсатини ўтказиш, ресурс ва энергияни сақлаш технологияларини қўллаш, техник таъминот, аграр ҳуқуқ ва юриспруденция, ҳамда АСМ ривожланишининг бошқа устувор йўналишлари соҳасида хўжалик раҳбарларига ва аграр ишлаб чиқариш ишловчиларига, қишлоқ аҳолисига, ҳамда маслаҳат марказларининг бошқа мижозларига профессионал тайёргарлик кўрган мутахасисслар (маслаҳатчи ёки маслаҳатчилар гуруҳи) томонидан кўрсатиладиган хизматлардир.

Маҳсулот ассортименти – буюмлар ва маҳсулотларнинг айрим турларининг таркиби ва нисбати.

Маҳсулот сифати – маҳсулотнинг яроқлилиги маълум талабларни унинг тайинланган мақсадига мувофиқ қондиришини таъминлайдиган хусусиятлар мажмуи.

Маҳсулотларнинг озиқ-овқатлик қиймати – маҳсулотларнинг кимёвий таркибидаги озуқа моддалари миқдорини белгилайдиган қиймат.

Маҳсулотнинг биологик қиймати – унинг таркибидаги оқсил ва аминокислот-ларнинг миқдори билан белгиланади.

Маълумотлар банки – умумий қўлланиш учун бирлаштирилган маълумотларнинг, шунингдек, тизимда маълумотларни тўплаш, янгилаш, тузатиш ва фойдаланишини таъминлайдиган дастурий ва техник воситалар базаси мажмуи.

Мезофитлар – ўртача нам шароитида яшашга мослашган ўсимликлар.

Мелиорация – лотинча суз бўлиб «яхшилаш» маъносини англатади. Мелиорациянинг асосий мақсади – тупроқларнинг ноқулай шароитларини (сув, ҳаво, озуқа, иссиқлик) тубдан яхшилаш унинг унумдорлигини доимо ошириб қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор, мўл, сифатли ва арzon маҳсулот етиштиришdir.

Менежмент – бошқариш, мудирлик, замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш (режалаш, тартибга солиш, назорат қилиш), шунингдек ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш. Мўлжалланган мақсадларга (ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойдани ошириш) эришиш учун ишлаб чиқаришни бошқариш усувлари, шакллари, воситалари мажмуи. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадларида бошқариш шакллари, структураси, усувларини жорий этиш асосида уюштириш ва бошқаришни яхшилаш билан боғлиқ.

Мета – фойда ва зарарни битим иштирокчилари teng бўлиб олишини кўзда тутувчи битим шарти.

Меҳнат – 1) инсонга хос бўлган туғма хусусият бўлиб, меҳнат предметлари ва бирликни мақсадли органик бирикишини тавсифлайди; 2) иқтисодий ресурс бўлиб, иқтисодий қийматга ва маблағ топиш қобилиятига эга; 3) бошқарув объекти бўлиб, бир вақтда мақсадли мотивга эга бўлган иқтисодий ресурс ва ўз навбатида тақсимлаш, йўлланмани кутади.

Меҳнат бозори – иш кучини олди-сотди қилиш муносабати; ишсиз ва банд бўлмаганларни ишга жойлаш, ишсизларга ёрдам пули ва бошқа нафақалар бериш, янги ишловчи касбларига тайёрлаш ва қайта тайёрлашга хизмат кўрсатадиган муассасалар орқали амалга оширилади. Меҳнат биржаси, касбга тайёрлаш марказлари, иш билан бандлик фонди, бизнес-тижорат марказлари, ишбилармонликка ҳамкорлик давлат фонди, пенсия фонди, хайрия фонди ва бошқалардан иборат.

Меҳнат буюмлари – табиат буюмлари ёки аввалги меҳнат маҳсали бўлиб, хом ашё, уруғлик, ем хашак, ёнилғи-мойлаш материаллари, химиявий воситалар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқалардан иборатdir.

Меҳнат воситалари – меҳнат қурол-лари, ер, бинолар, каналлар, машина-тракторлар ва бошқалардан иборат бўлиб, инсонлар улар ёрдамида зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш мақсадида меҳнат буюмларига таъсир қиласидилар.

Мехнат мотивацияси – реал меҳнат хулқ атворини тушунтириш, асослаш учун сабаблар (мулоҳазалар танлашга қаратилган ҳатти-ҳаракат); шахс, ижтимоий гурух ва муайян эҳтиёжларни кондириш истагида бирлашган кишилар уюшмасини фаолликка ва меҳнат қилишга ундашдир.

Мехнат муомаласи – бу ишлаб чиқариш ташкилотидаги инсон омилиниңг рўёбга чиқиш йўналиши ва жадаллигини кўрсатувчи якка тартибдаги ва гурухий ҳатти-ҳаракатлардир. Бу касбий имкониятлари ва манфаатлари ишлаб чиқариш ташкилоти, иш жараёнига мос келиб қолиши билан унга боғлик бўлган ходимнинг онгли равища тартибга солинадиган ҳатти-ҳаракатлари мажмуудир.

Мехнат унумдорлиги – ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат миқдорини меҳнат харажатларига нисбати, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот.

Мехнат фаолияти – бу вакт ва маконда қатъий қайд этилган ишлаб чиқариш ташкилотига бирлашган одамлар томонидан амалга ошириладиган операциялар ва функцияларнинг мақсадга мувофиқ қаторидир. Меҳнат фаолиятига қўйиладиган мақсадлари: моддий неъматлар ва ҳаётни таъминлаш воситаларини яратиш, турли мақсадли аҳамиятга эга бўлган хизматлар кўрсатиш, илмий фоялар, қадриятлар ва уларнинг амалий андозаларни ишлаб чиқиши, ахборот ва унинг манбаларини тўплаш ва бошқалардир.

Мехнат ҳукуқи – ҳукуқнинг тармоғи бўлиб, ишга қабул қилиш жараёнида меҳнат билан боғлик бўлган меҳнат муносабатларини бошқаради.

Мехнат шартномаси – иш берувчи ва ишчи ўртасидаги икки томонлама битим. Меҳнат шартномаси ёзма ҳолатда тузилиб, бу шартномага асосан ишчи иш берувчи томонидан белгиланган ички тартибига бўйсимиши шарт.

Мехнатга мослашии – бу шахснинг янги меҳнат вазиятини ўзлаштиришининг ижтимоий жараёни бўлиб, унда шахс ва меҳнат муҳити бир-бирига фаол таъсир кўрсатади ва мослашувчи-мослаштирувчи тизимлар ҳисобланади.

Мехнатга муносабат – бу инсоннинг ўз жисмоний ва маънавий кучларини энг қўп даражада намоён қилишга, ўз билим ва тажрибаси қобилияtlаридан муайян миқдорий ва сифат натижаларига эришиш учун фойдаланишга интилиши (ёки унинг йўқлиги)ни ифодалайди. У жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб уч элемент бирлиги: меҳнат муомаласи сабаблари ва йуналиши, реал ёки меҳнат муомаласи, ходимларнинг меҳнат вазиятига оғзаки баҳо беришдан иборатдир.

Мехнатдан қониқии ҳосил қилиши – бу ходимнинг меҳнат мазмунига, характеристи ва шарт-шароитларига қўйиладиган талабларининг мувозанатли ҳолати, бу талабларни амалга ошириш имкониятларига субъектив баҳо беришдир.

Мехнатни меъёрлаш – бу ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги иқтисодий фаолиятнинг муҳим тури бўлиб, унинг ёрдамида меҳнат харажатлари белгиланади, унинг натижалари аниқланади, турли тоифадаги ходимлар меҳнатининг кооперацияси амалга оширилади, улар иш ўринларига қўйилади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб меҳнат нормалари турли қўринишларда намоён бўлади. Булар вакт меъёри, маҳсулот ишлаб чиқариш меъёри, хизмат кўрсатиш меъёри, бошқарувчанлик меъёри ва бошқалардир.

Меъёр – аниқ мақсад учун фойдаланиладиган бирон-бир нарсанинг энг қўп ёки чекланган миқдори.

Микроиқтисодиёт – (юонча “микро” – кичик) сўзидан олинган бўлиб, иқтисо-диётнинг дастлабки ҳал қилувчи бўғини бўлган фирма, корхона, микрофирмалар ва ташкилотларда бозор қонунлари таъсирида содир бўладиган иқтисодий жараёнлар, ходисаларни, иқтисодий қонунлар ҳаракатини, уларни намоён бўлиш шарт-шароитларини ўрганиб, таҳлил қилиб, хуносалар беради.

Микрологистика тизими – бу битта корхона ёки фирма ичида, шунингдек, мустақил ишлаб чиқариш ёхуд ҳудудий савдо ҳамда ишлаб чиқариш мажмуалари доирасида уларнинг ташқарисига

чиқмассдан, иқтисодий фаолиятни оптималлаш-тириш мақсадида моддий оқимларни бошқариш тизими.

Минерал моддалар – тирик организмлар учун зарур бўлган моддалардир. Калций, фосфор билан бирга суяк тўқималари учун ўта зарур, у калий ва натрий билан ўзаро қоннинг буферлигини таъминлайди. Фосфор – организмда нуклеин кислота-ларининг моддалар алмашинуви учун зарур элемент бўлиб, сифатли маҳсулот етиширишда фаол иштирок этади.

Минорат – мол-мулкни оиладаги энг кичик фарзандга мерос қолдириш тизими. У асосан ўрта асрларда деҳқон оилаларида қўлланилган

Минтақа – мамлакатнинг бошқалардан кўпинча аҳоли миллий таркибининг ўзига хос жиҳатлари билан қўшиладиган табиий ёки тарихий юзага келган иқтисодий-географик ва бошқа хусусиятлари мажмуи билан ажralиб турадиган вилояти, тумани, бир қисми.

Минтақавий ахборот-маслаҳат хизмати - минтақа агросаноат мажмуаси субъектларига ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилишини таъминловчи, функционал белги бўйича бирлаштирилган ахборот-маслаҳат марказлари (вилоят, туман ва туманлараро миқёсдаги).

Моддий оқим – вақт оралиги давомида пайдо бўладиган ва ривожланадиган ҳамда унга киритилган товар моддий бойликларнинг бирон-бир юқ бирлиги миқдори.

Моддий рагбатлантириши – ходим меҳ-натда сезиларли ютуқларни қўлга киритишида қўлланиладиган чора-тадбир-лар: ходимнинг малака разрядини ва тегишли равишда таъриф ставкасини (маошини) ошириш; унга касб маҳорати учун қўшимча ҳақ тўлашни белгилаш; бир марталик мукофат бериш; кўрсатиб ўтилган бу рағбатлантириш турларини бирон бир тарзда бирга кўшиб фойдаланиш.

Моддий-техника базаси – моддий бойлик ишлаб чиқариш шаритида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндинисидир.

Модел – тадқиқот нуқтаи назаридан моделлаштирилаётган объектнинг жиддий хусусиятларини акс эттирувчи ўрганилаётган жараён, восита ёки воқеликнинг нусхаси ёхуд шунга ўхшаш нарса.

Модернизациялаш – жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон ўйналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи

Мол аккредитиви – ҳақ тўланадиган молнинг тақсимот хужжатлари кўрса-тилган пайтда банк ҳақ тўлайдиган аккредитив.

Мол ёки хизматлар маркетинги – ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш борасида муайян истеъмолчилар талабларини имкон қадар тўлароқ қонди-ришни ҳамда шу асосда юқори фойда олишни ташкил этиш.

Мол фьючерси – муайян молларни олдиндан келишиб олинган нархда келгусида сотиш ва харид қилишни кўзда тутувчи битим тури.

Молиявий активлар – пул маблағлари, ссудалар, қимматли қофозлар ва валюта бойликларига сарфланган банк ёки корхона маблағлари.

Молиялаш – бирон-бир тадбир, фаолият учун пул маблағларини тақдим этиш.

Монетаризация – захираларни пулга айлантириш.

Монетаризм – давлатнинг иқтисодий бошқарувига доир назария. Унга кўра иқтисодий жараёнларда ва хўжалик юри-тишда муомаладаги пул миқдори ҳамда пул ва мол кўлами ўртасидаги алоқа муҳим аҳамият касб этади.

Мониторинг – иқтисодий объектларни узлуксиз кузатиб бориш, уларнинг фаолиятини бошқарувнинг таркибий қисми сифатида таҳлил қилиш.

Мослаштириши – фаолиятнинг турли жиҳатарига таалукли параметрлар ёки фикрларни мувофиқлаштириш.

Мослашувчан тизимлар – ўз-ўзидан созланадиган ва ўз-ўзидан ташкил этиладиган тизимлар. Биринчи ҳолатда ташқи мұхит ўзгаришларига мувоғиқ тизимнинг ишлаш услуби ҳам ўзгаради, иккінчи ҳолатда эса корхона, фирманинг тузилмаси ўзгаради.

Мослашувчанлик – тизимни аниқ шароитларга мослаштириш.

Мум – химоя вазифасини бажаради. Жумладан, ўсимлик органларида намлиқ-нинг буғланиши ва патоген микроорганиздардан сақлаб, сув билан ювилишидан, паренхим, түқималарни механик шикастланишидан ҳимоя қиласы. Аммо күпгина сабзавот меваларнинг эпидермис қатламидағы мум ҳимоя туисиги бўш ривожланган ва ҳимоя вазифасини самарали бажара олмайди.

Мутаносиблик – барча ресурслар талаблари ва таклифлари тенглиги билан ифодаланадиган иқтисодий тизимнинг ҳолати.

Мутахассис – ишлаб чиқаришнинг бирон-бир соҳаси, фан, техника, маданият ва бошқа соҳасида меҳнат қиласыдан махсус билимлар ва кўникмаларга эга киши.

Мутация – ирсий белгиларни ўқтин-ўқтин бирданига ўзгариб қолиши бўлиб, ўсимликлар ва ҳайвонлар эволюцияси ва селекциясида ирсий узгарувчанликнинг мұхим манбаларидан биридир. Мутацияни келтириб чиқарадиган нурланишлар иккига бўлинади: ионизацияловчи ва ионизацияламайдиган нурлар.

H

«Ноу-хау» – у ёки бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган, лекин патентланмаган техникавий, технологик, тижорат ва бошқа билимларнинг техникавий хужжат сифатида расмийлаштирилган жамламаси. Илмий-техникавий, бошқарув, тижорат ва молиявий «ноу-хау»лар мавжуд.

Нав тозалиги – асосий нав поялари умумий миқдорининг мазкур экиннинг яхши ривожланган поялари умумий миқдо-рига фоиз ҳисобидаги нисбатига айтилади.

Нарх – баҳо, товар қийматининг пул шакли; бозор иқтисоди мавжуд жамият хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий дастак. Биринчи мазмунда нарх товар ёхуд хизматда гавдаланган ижтимоий меҳнатни - қийматни пул шаклида ифода этиш, пулда ўлчаш. Нархни қиймат белгилайди, аммо у аниқ бир қийматдан юқори ёки паст бўлиши мумкин, бу эса бозордаги муайян товарга бўлган талаб ва унинг таклифига боғлиқ бўлади. Нарх фақат қийматни эмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва бошқа товарлар ўрнини боса билиши, муомаладаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ. Шу сабабдан қийматдан миқдоран фарқланади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан нарх турлари кўпаяди. Улгуржи, чакана, ички, халқаро нархлар шаклланади. Иккинчи мазмунда нарх шундай иқтисодий воситаки, унинг таъсирида иқтисодиёт рафбатлантирилади, чунки нарх ошиб кетиши ёки пасайиши товар ишлаб чиқарувчилар олган фойда миқдорини ўзгартиради, фойданинг қилинган сарф-харажатларга нисбатан юқори ёки паст бўлишини таъминлайди; нарх орқали қўшимча маҳсулот пул шаклига кириб, фойдага айланади. Фойдага интилиш эса ишлаб чиқариш сарфларини камайтиришга, товарни кўплаб яратишга ундейди. Нархнинг тебраниши туфайли бир ерда яратилган қўшимча маҳсулот бошқа ерда фойдага айланади, фойданинг нарх воситасида тақсимланиши, унга интилиш туфайли ишлаб чиқариш ресурсларини бир тармоқдан бошқасига, бир корхонадан иккинчисига кўчиб ўтиши содир бўлади, натижада ишлаб чиқариш структураси ўзгаради. Бозор иқтисодиётида икки хил нарх амал қиласы: эркин бозор нархлари, давлат бошқариб турдиган нархлар. Аммо биринчи турдаги нархлар асосий бўлади. Иккинчи турдаги нархлар иккига бўлинади: бири – давлат белгилаган қатъий нархлар, иккинчиси давлат юқори чегарасини белгилаган ва ундан ошиб кетмайдиган нархлар.

Нархни ўзгартирмай рақобатлашув – бозордаги рақобат усули; ўз товарларини сотиш шарт-шароитини харидор учун қулайлыштириб, рақибни бозордан сурини чиқариш. Бунда товар нархи

пасайтирилмайди, балки харидорга муайян ёки имтиёзли хизматлар кўрсатилади. Товарни элтиб бериш, уни харидор дидига мослаб бериш, товарни ишлатиш юзасидан бепул маслаҳат бериш, харидорга эътибор бериб, унга зарур қўшимча хизматлар кўрсатилишига кўмаклашиш амалга оширилади. Одатда буни ғарбда харидор пули учун кураш деб аталади.

Низом капитали – корхонани барпо этиш тўғрисидаги шартнома ёки низомда белгиланган маблағлар (капитал) миқдори. Чиқарилган акцияларнинг номинал қиймати, давлат қўйган маблағлар, хусусий улуш (пай) бадаллари миқдоридан ташкил топади.

Новация – янгилик, томонларнинг илгари тузилган шартномани бошқаси билан, яъни янги мажбуриятлар билан алмаштириш тўғрисида келишуви (илгари берилган мажбуриятни вексель билан алмаштириш.

Ноишлаб чиқариши соҳалар – миллий иқтисодиётнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи ва моддий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондирувчи тармоқлар йиғиндинсири. Ноишлаб чиқариш соҳаларига аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар (таълим, соғликни сақлаш, физкультура ва спорт, туарар жой коммунал хўжалиги, транспорт, алоқа) илмий ташкилотлар, бошқарув такилотлари ва мудофаа киради. Бугунги бозор иқтисо-диёти шароитида қишлоқда ижтимоий – миший турмуш шароитини яхшилаш, аграр ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Давлат томонидан ноишлаб чиқариш соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётганлар ҳар томонлама кўллаб-куватланмоқда. Булар қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзида ўз аксини кўрсатмоқда.

Норма – миқдор, меъёр, маром, қоида.

Ноу-хау – ишлаб чиқариши сири – илмий-техникавий, тижорат, ташкилотчиликка оид билимлар, тажрибалар ва уларга танҳо эга бўлиш. У корхона учун ҳам, шахс учун ҳам муайян устунликни таъминлайди. Ноу-хау патентланмайди, шунинг учун ҳам ноу-хау бўйича шартномада берилаётган маълумотлар сир сақланиши ва бу шарт бузилган тақдирда кўриладиган зарарни коплаш ҳақида алоҳида банд бўлади. Муайян ишлаб чиқариш жараёнидаги ноу-хау у ёки бу фирманинг мулки ҳисобланади ва шу сабабли олди-сотди қилинади. Одатда, ноу-хау товар сифатида патентлар ва лицензиялар билан биргаликда сотилади, лекин ноу-хау мустақил сотилиши ҳам мумкин. Ноу-хауни лицензия билан бирга сотиб олиш (нархи арzon бўлади) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш сирларини тўлароқ кўлга киритиш, ишлаб чиқаришни ишга туширишда сотувчи фирма мутахассислари иштирокини осонлаштиради.

O

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва оптимал экспорт учун етарли озиқ-овқат ресурслари баланси - уларнинг шаклланиши ва харажати йўналиши бўйича меъёрлари-озиқ-овқат мақсадларида ички ишлаб чиқаришнинг – 80-85%, импортнинг – 15-20%, экспортнинг – 15-20% бўлишидир.

Озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси етарли - агар захирада йиллик дон истеъмолининг 17% дан кам бўлмаган миқдори бўлса.

Озиқ-овқат хавфсизлиги -жаҳон бозорлари конъюнктурасидан қатъий назар аҳолини илмий асосланган параметрлар (таклиф)да озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш кафолатланган ва тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни сақлаб туриш учун шароитлар яратилган иқтисодиётнинг ҳолати.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосига тамоийлли муносабатига кўра жаҳон мамлакатлари турлари - импортга йўналтирилган, маҳсулот экспорт қилувчи, ўзининг ишлаб чиқариши билан ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид - бу озиқ-овқат бозорида истеъмолчилар учун ноқулай вазият ўзгаришларига олиб келадиган шарт-шароит ва омиллар мажмуи.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишининг асосий мақсади - ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини- озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишининг муҳим шартлари - ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши, барча аҳоли тоифалари, томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти, меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.

Озиқ-овқатнинг ижтимоий имконияти - маданият ёки динидан қатъий назар, бутун аҳоли адолатли равишда озиқ-овқат билан таъминланиши.

Озиқ-овқатнинг иқтисодий имконияти – бу барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга қурби етиши.

Озиқ-овқатнинг моддий таъминоти – бу озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва танловда бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлиши.

Озуқа бирлиги – турли озуқаларнинг ўлчов бирлиги ва озуқалик қийматини баҳолаш. Турли давлатларда турли озуқа эквиваленти қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон, Швеция, Норвегия, Дания, Исландия ва Финландияда Скандинавия озуқа бирлиги 1 кг ўртacha қуруқ сулига тенг. Германия, Англия ва бошқа давлатларда крахмал эквиваленти, бунда бир бирлик озуқа 1 кг крахмалга тенг.

Оқсиллар алмашинуви – оқсил ҳайвонлар учун зарур энг муҳим органик модда ҳисобланади. Организмда содир бўладиган барча ҳаётий жараёнлар оқсилга боғлиқ. Оқсил актив хужайраларнинг асосий компоненти ҳисобланади. Тирик организмнинг биологик актив моддалари бўлган ферментлар, гормонлар ҳам оқсиллардан ташкил топган.

Олди-сотди шартномаси – олди-сотди шартномасига кўра, бир тараф (сотувчи) иккинчи тарафга (харидор) эгалик қилиш учун маҳсулот беради, харидор, эса бу товарни қабул қилиб, унинг учун белгиланган суммани тўлаш мажбуриятини олади.

Омборнинг устами нархи – товар нархига маҳсулотни омборга жойлаштириш ва сақлаш шартларини таъминлашга кетган ҳаражатларни қоплаш мақсадида битимларни тузища воситачилик учун қўшимча.

Опцион – 1) шартнома тузатган томонларнинг бири иккинчисига таклиф этаётган битим шартларини эркин танлашга имкон берувчи ҳуқук; 2) фуқаролик ҳуқуқида муқобил мажбуриятни бажариш, шунингдек, келгусида шартнома тузиш ҳақида олдиндан келишиб олиш усулини танлаш имкониятини билдиради; 3) ҳалқаро ҳуқуқда, ҳалқаро шартно-маларда кўзда тутилган ҳудудий ўзгариш юз берганида ёки янги давлатлар ташкил топганида шахснинг фуқароликни танлаш имкониятини англатади, шунингдек, қўш фуқароликка барҳам бериш пайтида шахснинг фуқароликни танлаш имкониятини ҳам билдиради; 4) биржа операцияларининг фьючерс битимларига нисбатан таваккалчилиги чегараланган устама ҳақни тури; муайян бойликлар ёки молиявий ҳуқуқларни битим тузиш пайтида белгиланган нархда келишилган давр мобайнида харид қилиш ёки сотиш бўйича шартнома мажбурияти.

Организмдаги ижобий баланс - организмга ем-хашак таркибида кирадиган, оқсил унинг емирилиши натижасида организмдан чиқариладиган азотли маҳсулотларнинг ортиб кетиши, яъни ижобий баланс ўсаётган ёш ҳайвонларда, бўғоз сигирларда содир бўлади. Бундай баланс касаллик туфайли озиб кетган ҳайвонларда ёки оч қолиши туфайли озиб кетган ҳайвонлар нормал боқила бошлаганда ҳам содир бўлиши мумкин.

Организмдаги салбий баланс – салбий оқсил ёки азот баланси эса ҳайвон оқсил минимумига бўлган эҳтиёжидан кам оқсилли озиқ билан нотўғри бокилиши натижасида содир бўлади. Бундай

баланс касал, иштаҳаси йўқолиб, жуда озиб кетган ҳайвонлар учун хосдир. Хўжалиқда салбий баланс ҳолати пайдо бўлишига асло йўл қўймаслик керак.

Органогенез ёки морфогенез – ўсимлик тупининг ривожланиб бориши, яъни индивидуал тараққиёти - онтогенез давомида органлари ҳамда қисмларининг шаклланиб бориш жараёнлари.

Оукен қонуни – ҳақиқий ялпи миллий маҳсулотнинг йиллик озгина ўсишида ишсизлик даражаси деярли ўзгармаслигини, ялпи миллий маҳсулотнинг катта ўзгаришида ишсизликнинг тескари ўсиши юзага келишини кўзда тутувчи қонун.

Очиқ бозор – товарларнинг бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган ҳолда олди-сотди қилиниши. Халқаро бозор ўз табиати билан очиқ бозор, унда ҳамма мамлакатлар қатнаша олади. Очиқ бозор айрим товарларга нисбатан ҳам қўлланади. Миллий бозор бир товар учун очиқ бўлса, бошқаси учун ёпиқ бўлиши мумкин. Умуман олганда бозор иқтисодиётига эркин ва очиқ бозор хосдир.

П

Пай – ҳисса иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан ширкат ишига тўланадиган бадал суммаси, ҳисса, қисм. Аъзолик ва бошқаришда иштирок этиш (масалан, кооператив пай, акционер пай) гувоҳномаси ҳисобланади.

Паритет – бирор иқтисодий (сиёсий) ҳаракатда тенг ҳуқукли асосда иштирок этиш.

Парник – статционар (бир жойда доимий турадиган) ёки олиб қўйиладиган ёруғлик ўтказадиган кичик ён тўсиқлари ва нур ўтказадиган тиник қопламага эга бўлган сабзавот этиштиришга, кўчат этиштиришга мўлжалланган кичик ҳажмли иншоот.

Пассив – корхонанинг жами қарз ва мажбуриятлари.

Плантация - йирик дехқончилик хўжалиги; қишлоқ хўжалиги экинлари экилган катта ер майдони.

Подат структураси – ҳар хил жинс ёки ёш гурухлардаги молларнинг бирор муддатдаги нисбати тушунилади. Бу структура бракка чиқарилган урғочи молларни мунтазам алмаштиришни, маҳсулот миқдорини кўпайтириш учун подани кенгайтирган тарзда тўлдиришнинг режалаштирилган суръатлари билан мувофиқ равишда моллар сонининг ўсишини таъминлаши лозим.

Подат маркиби – хўжалиқдаги моллар жинс ва ёш гурухларининг ўзаро фоиз нисбати. Улар кўйидаги гурухларга бўлинади: наслдор буқалар, сигирлар, ғунажинлар, бир ёшдан ошган ва бир ёшгача бўлган танаачалар, бир ёшдан ошган ва бир ёшгача бўлган буқачаларга ажратилади.

Полизчилик – ўсимликшуносликнинг полиз экинлари маҳсулотини этиштириш билан шуғулланадиган соҳасидир. Полиз экинлари сабзавот экинларидан фарқ қилиб, алмашлаб экишда иштирок этадиган алоҳида далалар ва ихтисослаштирилган полизларга экиласди. Бу экинлар экологик омиллардан иссиқлик, ёруғлик, тупроқ юмшоқлигига кўпроқ талабчан бўлиши билан ажралиб туради, озиқланиш майдонларининг каттароқ бўлишини талаб қиласди, шунга кўра уларни этиштириш технологияси сабзавот экинларини этиштириш технологиясидан анча фарқ қиласди.

Полис – суғурта идорасининг суғурта ҳақидаги битимни тасдиқловчи ҳужжати.

Популяция – бир-бири билан ўзаро эркин чатиша оладиган, бир хил яшаш шароитига мослашган, келиб чиқиши бир хил бўлган ўсимликлар йигиндиси.

Протеинлар – ем ҳашакда азотли бирикмалар, яъни протеинлар ҳақиқий оқсиллар ва амидлар, яъни оқсил синтези ёки парчаланишининг оралиқ маҳсулоти бўлган оддий бирикмалар шаклида бўлиши мумкин. Амидлар шаклидаги протеин кўк ўтда, силосда, илдизмеваларда жуда кўп бўлади.

Протекционализм – давлатнинг ўз мамлакатининг ички бозорини хорижий моллар кириб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати.

Профицит – бюджетнинг ижобий қолдиги.

Пул – ҳамма товарлар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент бўлмиш маҳсус товар, бозор иқтисодиё-тининг энг асосий воситаси. Пул ўз табиатига кўра уч хил хусусиятга эга: ҳамма нарсага айирбошланадиган муҳим харид воситаси; бойлик тимсоли; меҳнатни қиймат шаклида ўлчаб берадиган восита. Пул ўз хизмати мазмуни ва миқёсига қараб турли тоифали бўлади: а) банк билетлари – бу пул оддий муомалада ишлатилади; б) банкнот – кредит пуллари бундай пул қарз олиш ва бериш жараёнларида қўлланади.

Пул қадри – пулнинг товар ва хизматларни харид этиш, чет эл валюталарига алмаша олиш қобилияти. Пул қадри мамлакат ичида ва чет элда шу мамлакатнинг товарлари ва хизматлари билан таъминланади. У мамлакатнинг ўз қарзини тўлашга қодирлиги, олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмлари ғамламасига боғлик. Олтин ва қимматбаҳо буюмлар пул қадрини бевосита эмас, балки билвосита таъминлайди, яъни уларни четга сотиш ва шу асосда четдан товарлар келтириш билан мамлакат ичида пул қадри мустаҳкамланади. Пул қадри мамлакат иқтисодий аҳволининг умумлашган кўрсаткичидир.

Пул тушуми – дехқончилик ёки чорвачилик тармоқлари маҳсулотларини ҳар хил каналлар орқали реализация қилиш натижасида корхонага келиб тушадиган пул воситаларининг йигиндисидир. Хўжаликнинг молиявий аҳволи пул тушуми ҳажмига кўп томонлама боғлик. У кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни шакллантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини ошириш, маънавий-маърифий шароитларни яхшилаш имкониятини яратади. Пул тушуми ҳажми сотилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига ва сотилиш муддатига боғлик.

P

Рақобатбардошлик – товар ва хизматларнинг бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш товарлари ҳамда хизматлари билан қиёслашда чидамлилик қобилияти.

Раритет – ноёб (камёб) буюм, анқонинг уруғи

Режса – умумий мақсадда бирлаштирилган ва аниқ изчилликда ҳамда белгиланган муддатда бажариши зарур бўлган вазифалар мажмуаси.

Режсалаштириши – фаолият кўрсаткичларини ресурслар ва вақт бўйича чекланган шароитда аниқлашни ўз ичига олувчи бошқарув вазифаси, режалар ишлаб чиқиш жараёни.

Режали қўрсаткичлар – ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнининг режа даври ичида ресурс таъминоти параметрларини белгиловчи режа топшириқларини ифодалайдиган сон ва сифат хусусиятлари.

Реклама – товарлар ёки хизматларни ўз мамлакати ичидаги ва чет эл фирмалари билан савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида оммалаштиришнинг ҳар қандай ҳақ тўланадиган шакли.

Рента – мулк эгаларининг ер ёки мол-мулқдан оладиган даромади. Ўзлари соҳибкорлик фаолияти билан шуғуланмасдан рента кўринишда даромад оладилар. Тор маънода рента – қатъий даромадли пул капитали ва қимматбаҳо қоғозлар эгалари фоиз шаклида оладиган даромад. Аксарият ҳолларда рента тушунчаси ерни фойдаланишга бериш натижасида олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

Рентабеллик – тармоқ ёки корхоналарнинг фойда олиб ишлаши; фойда олиш даражасини кўрсатади, фоиз ҳисобида ҳисобланади. Рентабеллик маълум бир давр-да қўлга киритилган фойда миқдорининг шу вақтда фойдаланилган йиллик асосий ишлаб чиқариш фонdlари ва оборот воситалари қиймат йигиндисига ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари - таннархга нисбати сифатида ҳисобланади. Рентабеллик амалда фойдалиликни билдириб, корхона ва тармоқлар фаолиятининг асосий мезонларидан биридир. Бозор механизми норентабел корхоналарнинг ёпилишига ёки ижара хўжаликларга айланишига олиб келади.

Репродукция – элита уруғини ҳар йили навбатдаги күпайтирилишидан олинадиган уруғлар.

Ресурсларнинг тақчиллиги – бозорда ресурсларнинг объектив шароитлар туфайли юзага келган етишмаслиги.

Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсат шартлари - аграр иқтисодиётда ривожланган АСМ тизимининг мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг фермерлик тизимида ташкил қилинганилиги, давлат томонидан тартибга солиш тизими ишлаб чиқилганилиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илмий-техника ютуқларини тижорат асосида жорий қилиш ва илмий ишларни мукаммал ташкил қилишнинг юқори натижавийлиги.

Ривожланган мамлакатлар аграр сиёсатининг асосий ўналишилари – бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари даромадларини кафолатланган баҳолар, фермерларга кредит хизматини кўрсатиш орқали қўллаб-кувватлаб туриш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфраструктурасини қуриш ва ривожлантириб бориш, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импортини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги ўқиши, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ қилишни ташкил қилиш ва молиялаштириш, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, озиқ-овқатлар сифати ва атроф-муҳитнинг ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш.

Ротация – ҳар бир далада кетма-кет ўтувчи экинларнинг даври белгиланган алмашлаб экиш схемаси.

C

Суда маржаси – кредит ажратишдан олинган даромад ва маблағ жалб этиш қиймати ўртасидаги фарқ.

Сavitaminoz касаллиги (цинга) – чорва молларида камдан-кам ҳолда, яъни С ҳамда А витаминалар бир вақтда етишмаслиги натижасида келиб чиқади.

Сабзавотлар – бу серсув, этли ва мазали (мевалари, илдизмевалари, карамбоши, пиёзбоши, туганаклари, поялари, барглари, илдизлари) инсон истеъмол қиласидиган ўсимликлардир. Дунё бўйича 78 та ботаник оиласа тегишли 1200 дан ортиқ турдаги ўсимликлардан сабзавот сифатида фойдаланиш мумкин. Бизнинг мамлакати-мизда эса 70 дан ортиқ сабзавот ўсимликлари етиштирилади.

Сақлаши сарф-харажатлари – моддий-товар бойликларни базалар, омборларда сақлаш ва керакли пайтда уларнинг миқдорини истеъмолчи томонидан қўйиладиган даражагача етказиш билан боғлиқ муомала харажатларининг бир қисми.

Сарфланган маблагларни қоплаши муддати – бу ишлаб чиқариш сарф-харажатлари олинган самаралар эвазига ўзини қоплайдиган вақт даврини ифода этади.

Сарф-харажатлар – маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун керакли ресурслар (моддий, меҳнат, молиявий).

Сел – тоғ, тоғ олди ва адир минтақаларида кучли жала қувиши ёки қорларнинг жадал эриши натижасида қисқа муддатда катта тезлик билан лой, кум, шағал, тош аралаш ҳолда вужудга келган сув оқими.

Селекция – 1) инсон томонидан бошқариладиган эволюция бўлиб ирсиятни ишлаб чиқаришнинг айниқса парвариш қилиш технологиясининг, ўзгаришидир; 2) маҳсулот сифатини яхшилашга, касаллик ва зараркунандаларга, ҳамда ташки нокулай шароитга чидамли навларни яратиш вазифалари мажмуудир; 3) ўсимликларнинг янги нав ва дурагайларини яратиш билан шуғуланадиган фан. Селекция лотинча сўз булиб танлаш маъносини билдиради. Селекциянинг асосий вазифаси муайян тупроқ - иқлим шароитида мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган нав яратишдан иборатdir.

Селекция усуллари – ўсимликнинг янги навларини яратишда қўлланиладиган тадбирий чоралар йифиндисидир. Аналитик ва синтетик селекция усуллари мавжуд.

Сенаж – хашак билан силос ўртасидаги озиқ. Биологик қиммати жиҳатидан сенаж қўй ўтларга яқинлашади, аммо тўйимлигиги қўй ўтларнига қараганда бирмунча юқори (0,3 – 0,35) озиқ бирлигига teng бўлади.

Сервитут – 1) эга ҳисобланмаган шахсларнинг табиий вазиятлар тақозо этганда қонун билан белгиланган ёки шартномада кўзда тутилган ер майдонлари ва иморатлардан қисман фойдаланиш ҳуқуқи; 2) ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи. Сервитут қуидаги мақсадларда мумкин: ўзганинг ер участкасидан, пиёда ёки транспортда ўтиш, дренаж ишлари ўтказиш, электр узатиш, алоқа линиялари, трубопроводлар ўтказиш, экинзор ва молларни сугориш учун сув олиш, молларни ҳайдаб ўтиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллукли ишлар қилиш мумкин.

Сертификация – 1) сифат тавсифлари сифат мезонлари талаб қиладиган даражага мос келишини тасдиқлаш; 2) гувохнома бериш тартиби.

Силос – консерваланган қўкатли озиқадир. Силос тайёрлаш жараёнининг моҳияти шундан иборатки, ўсимликлар таркибидаги шакар, сут кислота бактериялари таъсирида сут кислотага айланади. Сут кислотаси маълум концентрацияда тўпланиб, озиқнинг бузилишига сабаб бўладиган чиритувчи ва бошқа бактерия-ларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Шу билан бир вақтда сирка кислота ҳам ҳосил бўлади. Масса яхши силосланиши учун унинг таркибида 70 фоиз га яқин сув ва осон эрийдиган углеводлар етарли даражада бўлиши керак. Силослаш учун таркибида шакар минимумини таъминлаш, яъни силосланаётган массада сут кислотаси ҳосил қилиш ва pH 4,2 дан ошмаслиги учун керакли миқдорда шакар бўлган ўсимликлар ярайди. Шакар минимумининг миқдори ўсимликда сут кислотасини нейтралайдиган буфер моддалар бўлиш - бўлмаслигига боғлик.

Синдикат – 1) бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўз маҳсулотларини ягона савдо тармоғи орқали сотишни ташкил этиш мақсадида тузган бирлашмаси; 2) инвестицияий банкирларнинг янги чиқарилган қимматли қоғозларни ҳамда сотилмаган қимматли қоғозларнинг катта туркумини харид қилиш ва жойлаш-тиришни кафолатловчи гурухи.

Синтетик усул – турли йўллар билан аввал ўсимликлар ирсиятини ўзгартириш ва ўзгарган ўсимликлар ичida танлаш йўли билан нав яратиш.

Систематика – органик оламни туркумлаштириш тартибини ишлаб чиқадиган фан. Бу ўсимлик ва ҳайвонлар дунёсини билиш асосидир.

Солиқ декларацияси – солиқ тўловчининг ўтган давр мобайнида олган даромадлари ҳамда бу даромадларга берилган солиқ чегирмалари ва имтиёzlари ҳақидаги расмий баёноти.

Солиқлар – давлатнинг мавжудлиги гарови. Улар иқтисодий агентлардан мажбурий, қопланмайдиган ва қайтарилмайдиган ҳолда, тўлаш миқдори ва муддати қонунда олдиндан белгиланган тушумлардир. Давлат бюджетининг барча буғинлари даромад қисмини вужудга келтиришда қўлланиладиган комплекс тадбирлар давлатнинг солиқ сиёсати дейилади. Солиқ сиёсатини ўтказиш воситалари мажмуига солиқ тизими дейилади. Бу воситалар 4 гурухга ажратилади, солиқ ставкалари, солиқ имтиёzlари, соликларни ундириш ва бюджетлараро тақсимлаш усуллари. Солиқлар фискал вазифани бажариши билан тартиблаштириш вазифасини ҳам бажаради.

Соф даромад – 1) корхонада яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми, пул шаклига эга; 2) корхона ялпи даромадида иш ҳақи фонди чегириб ташлангандан сўнг қолган қисми; 3) миллий даромаднинг бир қисми; унда моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчилар яратган қўшимча маҳсулот гавдаланади. У давлат корхоналарида, кооперативлар, дехқон хўжаликлари ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятида яратилади. Давлат корхоналарида яратилган соф даромаднинг бир қисми фойда, оборот солиғи, ижтимоий сугурта ажратмалари шаклини олади. Соф даромаднинг бир

қисми давлатнинг марказлашган соф даромадини ташкил қиласди. У оборот солиғи, фондлар, меҳнат ва табиий ресурслар учун тўловлар ва бошқа турдаги тўловлар шаклида қарор топади.

Суда – одатда банк томонидан моддий бойликларни гаровга қўйиб, маълум муддатга ва фоизини тўлаш шарти билан бериладиган кредит шакли.

Стагнация – иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда ёки савдода таназзулликни юзага келтирувчи турғунлик.

Стагфляция – инфляциянинг иқтисодий инқироз билан бир вақтда содир бўлиши; ишлаб чиқариш таназзуллиги, нарх-наво ва ишсизликнинг ўсиши бир вақтда содир бўладиган иқтисодиёт ҳолати.

Сув мониторинги – сув мониторинги, шу жумладан ер ости сувлари мониторинги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун сувларнинг ҳолати устидан олиб бориладиган кузатув тизимидан иборатдир.

Суғурта – молиявий фаолиятнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади корхоналар, ташкилотлар ва хусусий шахсларга суғурта хатари бўлган тақдирда зарар ўрнини улар томонидан тўланган пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган суғурта жамғармасидан қоплаш ҳисобланади.

Суғурта хатари – кишиларнинг онгли фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда (ҳалокат, йўл фожиаси, авария, сув тошқини, ер қимирлаши, қурғоқчилик, ўлим, кризис ҳамда бошқа табиий ва ижтимоий фалокатлар) рўй бериши эҳтимолига ва тасодифига эга бўлган воқеалардир.

Суперэлита – лотинча сўз бўлиб элитадан олдинги деган маънони билдиради. Суперэлита уруғи энг юқори маҳсулдорлик, навдорлик ва экиш сифатларига эга бўлиши керак. Суперэлита уруғлари элита уруғи етиштириш жараёнида ташкил этиладиган кўпайтириш қўчатзорларининг ҳосилидир.

T

Таваккалчилик жамғармаси – фирманинг барқарор молиявий аҳволини ва унинг фавқулотда ҳолатларда тўлов лаёқатини таъминлаш учун мўлжалланган соф даромаднинг бир қисми.

Таклиф – ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга тайёрлаган (чиқарган), муайян нархларга эга товарлар ва хизматлар миқдори.

Талаоб – харид қобилияти ёки истеъмол қилиш ҳуқуқини исботловчи бирон-бир бошқа шаклда кувватланган эҳтиёж.

Талабнома – буюртмачининг товар етказиб бериш, ишлар ва хизматларни бажариш тўғрисидаги талабларни ўз ичига олувчи хужжат.

Танлаш – бирон-бир нарсани бошқасидан афзал кўриш асосидаги аниқ ҳаракат.

Таннарх калькуляцияси – маҳсулот, ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар харажатларининг пулдаги ифодаси.

Тариф – корхоналар, ташкилотлар, аҳолига кўрсатиладиган турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ўйналишидаги хизматлар учун тўланадиган ҳақ. Тариф нархнинг кўринишларидан бири.

Тариф тизими – турли норматив материаллар мажмуидан иборат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимларнинг иш ҳақи даражаси уларнинг малакасига, меҳнат шароитларига, корхоналар ўрнашган жуғрофий жойи ва бошқа тармоқ хусусиятларига қараб белгиланади Тариф тизимининг асосий элементларига тариф сеткалари, тариф ставкалари, таъриф малака маълумотлари, лавозим маошлари, хизматчилар лавозимларининг таъриф маълумотлари, тариф ставкаларига устама ва қўшимча ҳақлар, иш ҳақига доир минтақавий малака коэффициентлари киради.

Тасниф – айрим тўпламлар элементларини бирон бир жиддий белгилар бўйича тартибли тақсимлаш ва уларни у ёки бу синфга, кичик синфга, гурухга киритиш.

Таҳдиод - бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларини олишидаги тегишли таҳликаларга сабаб бўлувчи таъсири.

Таъминотчи – бирон-бир товарлар, буюмлар, материаллар етказиб берувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Тендер – савдо-сотикини уюштирувчилар томонидан бўлғуси савдо иштирокчиларига тарқатиладиган ва муайян товарларни келтириш ёки муайян хизматларни бажа-риш таклифи ёзилган иш қофози.

Терма дала – бир неча экин етиштириш учун бўлинган алмашлаб экиш даласи.

Технологик операция – қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш (ишлаб чиқариш) технологияси таркибиغا киравчи муайян жараён. Технологик жараён-материалнинг хусусиятлари ёки ҳолатини мақбул йўналишда ўзгариши мақсадида муайян машинанинг ишчи органлари ёрдамида унга ишлов бериш ёки уни қайта ишлашга қаратилган ташки таъсиrlар мажмуи. Ҳар кандай технологик жараён ўзининг сифат, энергетик ва иқтисодий кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Технология – иш ва иш жараёнларини бажариш қонуниятидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш ва йиғиш (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш) технологияси ва қишлоқ хўжалик ишларини бажариш технологияларини фарқлайдилар.

Технология сотиб олиш – чет мамлакатлар илғор технологиясини ўзлаштириш. Бу соҳада айниқса, Япония намуна бўлади: у лицензиялар сотиб олишга кўпгина маблағ сарфлadi ва шу йўл билан тезда иқтисодий юксалишга эришди. Ривожланаётган мамлакатлар учун технология сотиб олиш илғор технологияни эгаллаб, ўз саноат ишлаб чиқаришини яратиш вазифасини ҳал этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Технология - юончча *techno* (маҳорат. санъат) ва *logos* (таълимот) сўзларидан келиб чиққан бўлиб, умумий ҳолда маҳсулотнинг белгилаб қўйилган сифат кўрсаткичларини таъминлашда қўлланиладиган биологик, кимёвий, физик ва агрозоотехник жараёнлар ва қоидалар мажмуидан иборат.

Тизим – бир-бiri билан муносабатда ва алоқада бўлган ҳамда яхлитликни ташкил этувчи кўплаб ўзаро ҳаракат қиладиган элементлар.

Товар – бозорда олди-сотди орқали айирбошланадиган меҳнат маҳсули. Товар шундай маҳсулотки, у ўзини ишлаб чиқарувчиларнинг эмас, балки бошқаларнинг талаб эҳтиёжини кондириш учун яратилади. Шу сабабли у айирбошланади. Товар моддий шаклдаги маҳсулот бўлиши шарт эмас, хизматлар ҳам товар шаклига киради. Турли моддий шаклдаги ақлий меҳнат маҳсули, илмий-техникавий ғоялар ва ишланмалар, номоддий шаклдаги хизматлар (даволаш, ўқитиши ва бошқалар), ҳар хил қимматли қоғозлар ҳам товар бўлади. Товар бозорда пул воситасида айирбошланади, яъни олди-сотди қилинади.

Томчилатиб сугории – экинларга сув беришнинг энг илғор усулларидан бири бўлиб, бунда сув ўсимликларга тўғридан тўғри маҳсус жиҳозлар ва қурилмалар ёрдамида томчи тарзида етказилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариши – ишлаб чиқариш жарёнлари ва харажатлари бўлиб, булар эвазига календар йил охирида пировард маҳсулот олинмаган ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига тугалланмаган ишлаб чиқариш кейинги йил ҳосили ва чорва маҳсулотлари учун яъни қишки ва баҳорги экинлар, кўп йиллик ўтлар ва бошқа йил бошигача шу йилда олинадиган маҳсулотлар учун қилинадиган харажатлар киради. Чорвачиликда тугал-ланмаган ишлаб чиқаришга йил охирида мавжуд бўлган ва кейинги йилда бокувга ва сотишга мўлжалланган барча ёш моллар киради.

Тупроқ эрозияси – сув ёки шамол ҳаракати таъсирида тупроқ қатламининг емирилиши. Эрозия З турга бўлинади: сув, шамол ва ирригация эрозияси.

У

Унификация – бирхиллаштириш, бир хил шаклга келтириш

Унувчанлик – уругларни экиннинг талабига мос келадиган қулай шароитда белгиланган муддат ичида униб чиқиш қобилиятидир. Унувчанлик соғлом униб чиқкан уруглар миқдорини кўкартириш учун олинган ҳамма уруғларнинг миқдорига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

Унумдорлик – маълум бир вақт мобайнида (соат, чорак, йил, мавсум) бажарилган иш ҳажми. Бир ишчининг иш унумдорлиги – йил, ой, ишлаган киши-соат ҳисобида ўлчанади. Натурал ва киймат кўринишларда ифодаланади. Унумдорлик кўрсаткичи техника воситаларидан фойдаланиш даражасини тавсифлашда ҳам фойдаланилади.

Устав – иш тартиби, унинг бажарилиши, тадбиқ қилиниши ва ташкил этилишини белгиловчи қонун-қоидалар мажмуи.

Учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун жавобгарлик – умумий фуқаролик ҳуқуқи жавобгарлиги асосларига мувофиқ вужудга келади, қарздор ўзини жавобгарликдан озод қилиши учун ўзининг ҳам, шунингдек учинчи шахснинг ҳам айби йўқлигини исботлаши керак.

Ф

Фабрикат – ишлов бериш саноатининг тугалланган маҳсулоти, тайёр маҳсулот.

Фалсификация - 1) моллар ва маҳсулотларни қалбакилаштириш; 2) далиллар ва воқеаларни бузуб кўрсатиш; 3) меъёрий пул бирлиги таркибидаги асл металл миқдорини камайтириш.

ФАО -қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш, техник қўмак ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатиш, жаҳон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари бўйича статистик маълумот ва башоратлар тайёрлаш мақсади бўлган БМТнинг маҳсус муассасаси, халқаро ташкилот.

Фармойши – раҳбар ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, функционал ва линия хизматлари раҳбарлари томонидан уларга тегишли тузилмавий бўлинмалар ҳақидаги низом томонидан тақдим этиладиган ҳуқуқлар доирасида чиқариладиган бошқарув хужжати.

Фенологик фазалар – ўсиш ва ривожланиш натижасида ўсимликлар ташки кўринишидаги ўзгаришлар.

Фермер хўжалиги – ўзига танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Фермернинг бизнес режаси – бу корхо-нанинг ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар, корхонанинг мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, корхонанинг юқори даражада фойда олишини таъминлаш борасидаги ёзма дастуридир. Бизнес режа тузиш ва уни амалга оширишнинг муҳимлиги – у ишлаб чиқарувчининг ўз имкониятларига ҳар томонлама баҳо бериши қўйилган мақсадга эришиш кафолатини аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўз олдига келтириши, айнан олдиндан тузилган бизнес режалар орқали юзага келиб, режанинг муваффақиятли амалга оширилиши корхонанинг ривожланиши ёки инқирозга юз тутишини белгилаб беради.

Фидуциар – мол-мулкни бошқа шахс манфаатлари йўлида бошқарувчи ҳуқуқий ёки жисмоний шахс.

Фидуция – ишонч асосидаги битим ёки шартнома.

Филогенез – ер юзида турли кўринишдаги ўсимликларнинг узоқ тарихий ривожланиш даври.

Фирма ликвидилиги – фирманинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида қоплаш қобилияти.

Фойда – сотилган маҳсулотнинг қиймати билан таннархи айрмаси; қўшимча маҳсулотнинг пул шакли. Фойда даромаднинг бир қисми, фойданинг мувозанат, ҳисоб-китоб ва қолдиқ шакллари

мавжуд. Махсулот таннархини пасайтириш, жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш фойда ўсишининг асосий омиллари ҳисобланади.

Форс-мажор – ўзаро шартнома тузган томонларга боғлиқ бўлмаган, фавқулотда ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатлар.

Форфейтинг – моллар сотувида четдан мол келтирувчиларга кредит ажратиш шакли. Бу кўпинча ташки савдо операцияларида қўлланилади.

Франко – савдо шартномаларида қўлланиладиган истилоҳ. У одатда бирор жой номига қўшиб ишлатилади. Бунда сотувчи сотилган молларни ўз ҳисобидан ўша жойга етказиб бериш мажбуриятини олади.

Франчайзер – шартнома шартлари асосида ва маълум вақтга бошқа бир шахсга саноат ёки тижорат фаолиятининг маълум бир турини жорий қилиш ҳуқуқини берувчи шахс.

Фьючерс – 1) битим тузилганидан сўнг муайян вақт ўтгач, мол ёки акция учун шартномада белгланган нархда пул тўлашни қўзда тутувчи муддатли битим тури; 2) шартномаси хомашё моллари, олтин, валюта, молия ва кредит воситаларини битим тузилган пайтда белгilanган нархда харид қилиш ва сотищдан иборат муайян вақтдан (2-3 йилга қадар) кейин ижро этиладиган муддатли битим шартномаси.

Фьючерс битимлари – биржалардаги хом ашё ва бошқа товарларни, валюта, қимматли қофозларни битим тузилган пайтида қайд этилган нархлар бўйича олди-сотдисига доир тезкор операциялар. Бунда битимнинг ижроси келаси давр ичida (2-3 йилгача) амалга оширилиши мумкин.

X

Хазина мажбуриятлари – қарз фақатгина фуқаролар, корхоналар, компания ва фирмалар, давлат ўртасида бўлмасдан, балки аҳолини ва давлат ўртасида ҳам бўлади. Айрим пайтларда давлат бюджетининг касса режалари бажарилишини таъминлаш, бюджет дефицитини камайтириш ва мамлакатда молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ўз аҳолисидан қарз олади ва қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжат беради. Бу ҳужжат хазина мажбурияти деб аталади. Хазина мажбуриятлари мизожларнинг давлат бюджетига ўз пул маблағларини берганликларини тасдиқловчи, мазкур қимматли қофозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида белгilanган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи расмий ҳужжатdir. Хазина мажбуриятларининг қисқа, ўрта ва узоқ, муддатли хазина векселлари, облигация-лари, молиявий мажбуриятлари ва бошқа турлари мавжуд.

Хайринг – транспорт воситалари, йўл-қурилиш машиналари, монтаж ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналарини ўртача муддатларга ижарага олиш.

Хайтэк-компания – юқори технологиявий асбоб-ускуналарни ва ишланмаларни жорий этаётган ҳамда қўллаётган компания.

Харидор нархи – бозорда товарга харидор таклиф этган нарх, бозорда сотилган товар кийматининг амалдаги пул ифодаси. У одатда сотувчи нархидан паст белгilanади. Бозорда таклифга нисбатан талаб кам бўлганда харидор нархи кучга киради. Савдолашув орқали товарлар сотувчи нархи харидор нархининг оралиғидаги нарх билан сотилади.

Хемокультура – сабзвотларни ўстириш усули бўлиб, келиб чиқиши органик бўлган субстратларни қўллаб, сабзвотларни озиқ эритмаларида ўстириш.

Хизмат қўрсатилиш даражаси – хизматларнинг имкон қадар мумкин бўлган ҳажмига қараганда ҳақиқатдан қўрсатиладиган ҳажмининг нисбатини аниқловчи қўрсаткич.

Хизматлар – юридик ёки жисмоний шахсларнинг маълум эҳтиёжларини қаноатлантиришга йўналтирилган ва бунинг натижаси маҳсулот ҳисобланган фаолияти.

Холдинг компания – акциялар назорат түпламига эгалик қилиш йўли билан битта ёки бир нечта хукуқий жиҳатдан мустақил компанияларни назорат қилувчи корпорация ёки акциядорлик компанияси.

Хонаки ҳайвонлар – одам муттасил равишида қўлда урчитадиган ва ҳар хил мақсадларда фойдаланиладиган ҳайвонлардир. Хонаки ҳайвонлар одам томонидан кўп асрлар давомида маълум мақсадни кўзлаб амалга оширилган сунъий танлаш натижасида келиб чиқсан.

Хронометраж – ишчининг меҳнат операцияларига кетган иш вақти сарфини мазкур операцияларнинг меҳнат талаб-лигини аниқлаш мақсадида ўлчаш.

Хэлси тизими – ғарбда корхона ишчи-лари меҳнатига ишбай асосда ҳақ тўлаш тизими. Мазкур истилоҳ американлик мұхандис Ф.Хэлси номидан келиб чиқсан. Мазкур тизим баҳолар асосидаги кафолатланган иш ҳақи ҳамда меъёрдан ортиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот учун кўшимча ҳақ тўлашни назарда тутади.

Ч

Чартер – 1) муайян муддатга транспорт воситасини бутунлай ёки қисман ижарага олиш ҳақида транспорт воситаси эгаси ва ижарачи ўртасида тузилган шартнома; 2) банк операцияларини амалга ошириш хукуқини берувчи хужжат.

Чартинг – бозорни таҳлил қилиш, унинг аҳволини аниқлаш ҳамда нарх-навони олдиндан айтиб беришга мўлжалланган чизмаларни тузиш.

Чартлар – бозордаги нарх-навони ҳисобга олиш ва олдиндан айтиб беришда қўлланиладиган чизмалар ва диаграммалар.

Чет эл инвестициялари – иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларига чет эл мулкдорлари капиталининг узоқ муддатга қўйилиши.

Чорва молларини меъёр билан боқиши – чорва моллари тўғри боқилгандা уларнинг ҳаёт фаолиятини сақлаб туриш ва маҳсулот ҳосил қилиш учун озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи тўла кондирилган бўлади. Ҳайвонларнинг озиқ моддаларига бўлган суткалик эҳтиёжи боқиши нормасида акс этади. Норма эса ҳайвонлар вазнига боғлиқ. Нормани белгиловчи иккинчи омил ҳайвонларнинг ёши ҳисобланади, чунки ёш организмнинг ўсиши учун ҳам озиқ моддалар керак. Норма, шунингдек, ҳайвонларнинг физиологик ҳолатига, ем-хашак турига ва улардан фойдаланиш усулига ҳам боғлиқ. Меъёрда ҳайвонларнинг озиқ моддаларга бўлган умумий эҳтиёжи акс эттирилади, бу эса озиқ бирлигига, алмаштириб бўлмайдиган озиқ моддалар – ҳазм бўладиган протеин, минерал моддалар ва витаминларга бўлган эҳтиёжида ифодаланади.

Чорва молларининг маҳсулдорлиги –моллардан олинган маҳсулот бўлиб, уларнинг маҳсулдорлиги сут маҳсулдорлиги, гўшт маҳсулдорлиги, жун маҳсулдорлиги, иш маҳсулдорлиги, коракўл қўйларининг тери маҳсулдорлиги, тухум маҳсулдорлигига бўлинади. Маҳсулдорлик икки жиҳатдан – яъни микдори ва сифати жиҳатдан баҳоланади.

Ш

Шартли этalon гектар – трактор агрегатларининг умумий ишлаб чиқариш меъёрини ўлчаш бирлиги сифатида шартли этalon гектар (шартли натурал бирлик) қабул қилинади. У қўйидаги шартлар бўлганда 1га ер ҳайдашга мувофиқ келадиган ва этalon сифатида қабул қилинадиган ишлар ҳажмидан иборат. Агрегат ҳаракат тезлиги 5 км/соат бўлганда солиширма қаршилик $0,50 \text{ кг/см}^2$ бўлади, тупроқка ишлов бериш чуқурлиги-20-22 см, дон ҳосили йиғиб олинган ўртacha қаттиқликдаги тупроқнинг намлиги 20-22 фоизгача, рельефи текис (оғиш бурчаги 1° гача), конфигурация (тўғри бурчакли), ҳайдаш узунлиги-800 м, денгиз юзасидан баландлиги 200 м.гача, тош ва тўсиқлар йўқ. Мазкур марказдаги тракторнинг этalon шартлардаги ва техник меъёrlаштириш услуби бўйича аниқланадиган ишлаб чиқариш меъёри этalon ишлаб чиқариш

меъёри дейилади. Тракторларнинг бажарган ишларини шартли эталон гектарга айлантиришда коэффициентлар қўлланилади. Ҳар бир трактор маркаси учун алоҳида коэффициент белгиланади. Шартли эталон гектар коэффициенти ҳар бир иш тури бўйича техник меъёрлаш асосида белгиланган иш меъёrlарига тақсимлаш йўли билан топилади.

Шартли эталон трактор – тракторларни шартли 15 от қучига айлантириб ҳисоблаш тартиби бекор қилингандан кейин эталон ҳисобида шартли тракторларга айлантириш тартиби белгиланди. Т-74, Т-75-1 эталонга тенг. Трактор паркларининг иш якунларини тўғри аниқлаш мақсадида тортиш кучи ўрнига тракторларнинг сменада ишлаган бир соатлик иш унуми асосида килиб олинади.

Шартнома – 1) корхоналар, ташкилотлар ва хусусий шахслар ўзаро мажбуриятлар, масъулиятлар ва хукуқларни ўрнатиш тўғрисида битимларни расмийлаштирадиган хужжат; 2) бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида фермерлар, уларга хизмат кўрсатувчилар, таъминотчилаr, маҳсулот сотиб олувчилар ва бошқа корхоналар ўзаро мажбуриятларни тартибга соладиган хукуқий хужжатдир. Шартноманинг мукаммал адолатли ҳар томон учун ўзаро фойда асосида тузилиши ва шу билан биргалиқда томонлар ўз хукуқлари доирасида талаб қила олишлари ҳамда ўз мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари муҳим аҳамиятга эга.

Шартномавий жавобгарлик – шартномага асосланган мажбурият бузилганлигида қўлланиладиган хукуқий чора.

Шарҳлаш – фикрнинг маъносини унинг моҳиятини ўзгартмасдан бошқа шаклда баён этиш.

Шахсий мулк – фуқароларнинг шахсий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи мулк. Шахсий мулк субъекти айрим фуқаролар, унинг обьекти эса истеъмол буюмлари, турар жой ва бошқалар, умуман, шахсий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган воситалардир. Шахсий мулк ишлаб топилган даромад, меросга олинган ёки инъом сифатида олинган мол-мулк ҳисобидан, иш ҳақи, нафақа, стипендия, томорқа хўжалигидан тушган даромад, акциядан келган дивиденд, лоторея ва заём ютуқлари эвазига кўпайиб боради. Шахсий мулк обьектлари эҳтиёжни қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилса, хусусий мулкка айланиб кетиши мумкин.

Ширкат хўжалиги – товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган юридик шахс хукуқларга эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Шоп-тур – кенг истеъмол молларини харид қилиш мақсадида олдиндан белгиланган йўналиш бўйича уюштирилган хорижий саёҳат.

Штафэя – дебет ва кредит томонлари битта умумий устунда акс эттирилган бухгалтерлик ҳисоб рақами.

Э

Эвикция – сотувчи мол-мулк ёки мол эгаси бўлмаганлиги, яъни сотув ғайриқонуний амалга оширилганлиги туфайли харидордан у харид қилган мол-мулкни ёки молни суд орқали тортиб олиш. Бундай вазиятда мол-мулк унинг ҳақиқий эгасига қайтариб берилади, мол-мулкни ғайриқонуний тарзда сотган шахс эса харидор кўрган зарарни қоплаш мажбуриятини зиммасига олади.

Эвристик услублар – вазифаларни ҳал этишнинг тажриба ва ички сезигига асосланган услублари.

Эвристика – ички сезги, топқирлик, тажриба, ихтирочилик ҳамда инсон миясининг ўзига хос хусусиятлари асосида иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилиш усули.

Эгалитаризм – иқтисодиёт ҳамда жамиятдаги қарама-қаршиликларга барҳам беришнинг асосий усули сифатида бойликлар ва неъматларни тенглик асосида тақсимлашга интилиш.

Эдифакт – бошқарувда, савдода ва транспортда электрон техникадан фойдаланган ҳолда ахборот алмашишнинг кўп мақсадли қоидаси.

Экология – ўсимликлар ва ташқи муҳитнинг ўзаро муносабатини ўрганадиган фан.

Экономикс – иқтисодий жараёнларнинг назарий асосларини ўрганувчи иқтисодий назария.

Экотип – грекча «яшаш жойи» деган маънони билдиради. Мазкур турнинг муайян тупроқ иқлим шароитига хос бўлган ва танлаш йўли билан шу шароитда яшашга мослашиб қолган нисбий барқарор ирсиятга эга бўлган шаклдир.

Эксклюзив дилер – ишлаб чиқарувчининг маҳсулотини сотиш бўйича ўзига хос ҳуқуқа эга ва ушбу ишлаб чиқарувчининг эълон қилинган ҳудудда ягона вакили ҳисобланади.

Эксперт – керакли касбий маълумот, тажриба ва профессионал ички сезигига эга, қарор қабул қилиш учун жалб қилинадиган ёки қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахсларнинг маслаҳатчиси ролини бажарадиган юқори малакали мутахассис.

Эксперт баҳоси – жараёнлар ва воқеиликларни бевосита ўрганилмайдиган ва мутахассислар мулоҳазаларига асосланадиган сон ва сифат баҳолари.

Экспертиза – асосли хулоса бериш учун маҳсус билимларни талаб этадиган бирон-бир масала, жараён ёки воқеиликларни кўриб чиқиши ва тадқиқ этиши.

Экспорт – товарлар, хизматлар ва капитални ташқи бозорга чиқариш. Моддий неъматларни четга чиқариш – товар экспорти, хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ёки истеъмолга оид тўловли хизмат кўрсатиш – хизмат кўрсатиш экспорти, мамлакат ташқарисида капитал қўйиш (корхона ва объектлар қуриш ва ишга тушириш) – капитал экспорти ва бошқа турлари бор.

Экспроприация – давлатнинг қайтариб бермаслик ёки қайтариб бериш шарти билан мол-мулкни мажбуран мусодара қилиши.

Экстраполяция – иқтисодий микдорлар ва кўрсаткичларнинг келгусида кутилаётган қийматларини уларнинг ўтган даврлардаги ўзгаришлари ҳақидаги маълумотлар асосида аниқлаш.

Эксцедент – суғурта ташкилотининг суғуртага қабул қилинган таваккалчиликларнинг бир қисмини қайта суғурталашга ўтказишини кўзда тутувчи қайта суғурталаш тизими.

Электрон маълумотлар базаси – компютер хотирасида сақланаётган фаoliyатнинг маълум обьекти ёки турига тааллуқли, маҳсус ташкил этилган, янгиланадиган ва логистик жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ маълумотлар мажмуи.

Элементлар мажмунинг уюшқоқлиги – бу тизим элементларининг ўзаро боғлиқ-ликни шакллантириши ва агарда ушбу элементларга маълум ташкил этувчи таъсиrlар қўлланилганда бирлашишининг потенциал имкониятлари.

Элементларнинг ўзаро боғлиқлиги – тизим элементлари ўртасида ташкилий, технологик ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга аниқ алоқаларни мавжудлиги.

Элита – жамиятнинг энг нуфузли вакиллари.

Элита уруғ – мазкур навнинг селекция уруғчиликнинг бирор маҳсус усулини қўллаб етиштирилган навдорлиги ва экиш сифатлари бўйича талабларга тўлиқ жавоб берадиган бошланғич уруғига айтилади.

Эмбрионал фаза – ўсимликнинг ўсиш, етилиш жараёнларининг жадаллаши, урчиш ва уруғлашдан бошланиб унинг тўла етилиши билан тугалланади.

Эмиссия – 1) ҳар қандай турдаги пул белгиларини муомалага чиқариш; 2) компания қимматли қоғозларининг ҳар қандай тури ёки бундай қоғозларни тақсимлаш жараёни.

Эмиссия – банк ва хазина билетларини, қоғоз пулларни ва қимматли қоғозларни тайёрлаш ҳамда муомалага чиқариш.

Эмитент – пул белгилари, қимматли қоғозлар ва тўлов ҳисоб-китоб хужжатларини муомалага чиқарувчи шахс.

Энзоотик атаксия – нерв системасининг заарланиши туфайли гандираклаб юриш, фалаж бўлиш касаллиги. Тупроқда сульфат тузлар кўп бўлган адирли яйловларда боқиладиган чорва моллари танасида мис етишмаслигидан, уларнинг тирик вазни ва қўйларнинг жун маҳсулдорлиги камайиб кетади, жуни рангизланади, қўзиларнинг бир қисми энзоотик атаксияга дучор бўлади.

Энтомофилл ўсимликлар – уларнинг чанглари оғир бўлиб, шамол билан тарқалмайди, шунинг учун чангланиш ҳашоратлар ёрдамида амалга ошади. Чанг доналарининг йирик, ғадир будир ва ширали ёки мойли бўлиши ҳашоратларнинг танасига ёпишиб қолишига ёрдам беради. Чангчи гулларда ҳашоратларни жалб қиласидиган нарса, яъни бирламчи атTRACTANT гул чанги бўлса, ҳақиқий уруғчи гуллар билан функционал уруғчи гуллар ҳамда икки жинсли гулларда гул шираси, яъни нектар ҳашоратларни жалб қилиши, иккиламчи атTRACTANT барча полиз ўсимликларида хилмахил доғлари, чизиқлари ва кўзга яхши ташланувчи бошқа белгилари бўладиган йирик-йирик ва очсариқ рангли гуллардир.

Этатизм – давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиши.

Эфир мойлари – ёғга аралашадиган учувчан моддалар ҳисобланиб, сабзавот ва меваларга хушбўйлик бахш этади. Эфир мойларининг физиологик вазифаси ҳозирча аниқланмаган, аммо унинг микдори ортиши ўсимликларнинг ўсиши ва органлари етилиши билан боғлиқ. Баъзилари микроорганизмлар кўпайишининг олдини оладиган антибиотик хусусиятига эга. Эфир мойлари парфюмерия, озиқ-овқат, қандолат, спиртли ичимликлар саноатида қўшимча модда сифатида ишлатилади.

Эҳтиёж – бу шахснинг яшаси ва ўзини ўзи сақлаш учун зарур бўладиган восита ва шартшароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, яшаш муҳити (ҳаёт ва ижтимоий муҳит) билан барқарор мувозанатни сақлашга интилиш.

Ю

Юридик масъулият – тайёрловчи ёки ижрочига жароҳат етказилиши, мулкнинг бузилиши, буюмлар ёхуд хизматларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш сабабли юзага келган бошқа зарарларни қоплаш бўйича юклатиладиган мажбуриятлар.

Юрисдикция – 1) давлат идорасининг қонунан белгиланган ваколатлар доираси; 2) ҳукукий даҳлдорлик, юриспруденция ҳукуқшунослиқ.

Юстиция – 1) суд муассасалари ва идоралари тизими; 2) адлия, адолат.

Я

Ялпи даромад – 1) маҳсулотининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатлардан ортган қисми бўлиб, жонли меҳнат натижасида яратилган қийматдир. Ялпи даромад корхона иқтисо-дининг ўсишига таъсир этувчи кўрсатгич бўлиб, иш ҳақи, ижтимоий истеъмол, жамғарма фондининг шаклланишига асос бўлади. Ялпи даромад кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва корхона ишчиларининг талабини қондириш манбаи ҳисобланади; 2) фирмага товарни сотишдан тушган пул. Корхонанинг маълум вақт давомида товар ва хизматларини сотишдан қўлга киритилган жами пул тушуми ялпи даромад деб юритилади.

Ў

Ўзбекистонда агарар ислоҳотларнинг асосий мақсади – бу аҳолига керакли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноати учун хом ашё етказиб беришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш шароитларини таъминлаш, истеъмол бозорларини барқарорлаштириш, агарар тармоқ самарадорлигини таъминлаш ва унинг аста-секинлик билан мамлакат иқтисодиётининг барқарор

бўлишидаги ҳиссасини оширишга эришиш, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш имкониятларини шакллантириш.

Ўрни қопланган позиция – муайян қимматли қофозларни харид қилиш ҳукукини бу ҳукукларни сотувчи шахс тасарруфидаги бошқа қимматли қофозлар эвазига сотиш.

Ўрнини қопловчи аккредитив – аккредитив очган банк уни очиш пайтида аккредитив бўйича тўловнинг таъминоти ва манбаи ҳисобланган валюта маблағларини бир вақтнинг ўзида ўтказадиган аккредитив.

Ўсимлик озиқлар – ўсимликларнинг пояси, барги, дони, уруғи, ва уларни қайта ишлашдан чиқадиган чиқиндилар киради. Ўсимлик озиқлар таркибидаги цељлюзоза миқдорига ва тўйимлигига қараб, дағал озиқлар, кўкат озиқлар, ширали озиқлар ва кучли озиқларга бўлинади.

Ўсимликларга термик ишлов берииш – қуруқ уруғларни ўсимликлар учун жуда юқори ҳароратгача қиздириш ва чиник-тириш, бўртган ёки ўса бошлаган уруғларни 0 градусга яқинлаштириб совутиш.

Ўхшатиб ишланган (имитация) модел – тизимнинг вақтда тизим элементлари ўртасидаги алоқани сақладиган ва тизим чиқишлиарининг киришиларга боғлиқликлигини акс эттирувчи мумомаласини тақрорловчи модел, хусусий ёки давлат капиталини, мулк ёхуд ақлий бойликни миллий (ички инвестициялар) ёки хорижий иқтисодиётга (ташқи инвестициялар) фойда олиш мақсадида узоқ муддатга сарфлаш.

K

Қарз свопи – 2 йилдан 10 йилгacha бўлган вақт мобайнида кетма-кет амалга ошириладиган муддатли битимлар тўплами ҳисобланган муддатли операция

Қарзни тўлай олишилик – кредитни олиш имкониятларининг моддий ва молиявий мажмуи ҳамда унинг қарз олувчининг кредитни муддатида ва тўлиқ миқдорда қайтариш қобилияти томонидан аниқланадиган энг кам қиймати.

Қисман ишлаб чиқариш жараёнлари – ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий унсурлари бўлиб, муайян календар давр ичida бажариладиган ва ўзаро келишилган бир қатор қишлоқ ҳўжалик ишларини қамраб оладилар. Масалан: органик ўғитларни сепиш ва устидан ҳайдаш, уруғлик тайёрлаш ва картошка экиш, силос экинларини йигиб олиш ва (чуқурга) солиш ва бошқалар.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг кооперацияси – қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг бирлашиб усули бўлиб, бундан мақсад фан техника тараққиёти (ИТТ) эришган ютуқлардан ва иирик ихтисослашган ишлаб чиқариш имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш. Кооперациянинг асосий хусусияти шундаки корхоналар, ҳўжаликлар ва бўлимлар ўртасида қатъий ишлаб чиқариш ва иқтисодий боғланишларнинг бўлиши ёки қишлоқ ҳўжалигининг якуний маҳсулотини ишлаб чиқаришда техник-технологик шароитларнинг мавжуд бўлишидир.

Қишлоқ ҳўжалигидаги илмий техника тараққиёти (ИТТ) – қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришни илмий техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда узлуксиз такомиллаштириш. ИТТ кириб келиши, ишчиларнинг малакавий даражаларининг ўсиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига шароит яратади. Қишлоқ ҳўжалигига ИТТ нинг бугунги босқичи бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади. Айрим иқтисодий худудларнинг тупроқ, иқлим шароитларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳўжалик юритиш усулларини асослаб берадиган илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ортмоқда. Биологик жараёнларни тартиблаш усуллари ишлаб чиқилмоқда, янги ўсимлик навлари ва чорванинг янги насллари шаклланмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида қишлоқ ҳўжалиги экинларининг янги юқори ҳосилли навлари наслдор чорва моллар ва паррандалар етиштирилмоқда. Бугунги шароитда дехқончилик ва чорвачилик тармоғининг техника базасини мустаҳкамлаш

мақсадида янги замонавий техникалар жалб қилинмоқда, қайта ишлаш саноати замонавий технологик тизимлар билан таъминланмоқда.

Қовға – дарё, күл ва ботқоқларнинг бўйларида ўсадиган қамиш. Уни ўриб олиб, сўлитиб қўйилади. Ишлатиш олдидан қайноқ сув билан парт қилиниб, ажратилади. Қовун саклаш учун ишлатилади. Ҳар бир дона қовунни узунасига ва кўндалангига қараб боғлаб чиқилади, қовғанинг эркин учлари арқонча қилиб ўриб қўйилади.

Қоидалар – бажарилиши маълум шароитларни яратишни кафолатлайдиган мажбуриятлар ва талаблар мажмуюи.

Қорамолларга тамга босини – қорамолларни аниқ индивидуал ҳисобга олиб бориш, бунда қорамол маълум рақам билан белгиланади ва наслчилик китобига ёзилади. Тамға босишининг татуировкалаш, қулоғига металл халқа тақиши, шохларига ва сағрисининг устига куйдириб тартиб рақами босиш усуллари қўлланилади.

Қорамолларни бонитировка қилиши – ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятларини индивидуал ва комплекс баҳолаш.

Қўлга ўргатиладиган ҳайвонлар – одам, қўлга ўргатиб турли мақсадларда фойдаланиладиган ҳайвонлардир. Қўлга ўргатилган ҳайвонларнинг фақат бир авлодидан фойдаланилади, чунки улар қўлда жуда камдан кам ҳолда учрайди.

X

Ҳадя қилиши шартномаси – ҳадя қилиш шартномасига кўра, бир тараф (ҳадя қилувчи) иккинчи тарафга (ҳадя олувчи) бирор буюмга эгалик қилиш шарти билан текинга беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Ҳайвонлар Конституцияси – Конституция сўзи лотинча сўз бўлиб, тузилиш деган маънони англатади. Конституция тўғрисидаги таълимот эрамиздан олдинги замон медицинасида баъзи касалликлар ҳар хил одамга турлича таъсир этишини кўпдан-кўп фактлар асосида кузатиш натижасида вужудга келган. Биология фанларида конституция термини бутун бир организмнинг ташқи шароитга нисбатан бўлган реакция меъёрини ифодалайдиган барча хусусиятлари йиғиндисини билдиради. Шунингдек, ҳайвонларнинг касалликларга ва ноқулай шароитга чидамлилиги ва барқарорлиги, иқлимлаштиришга, тез етилишга, мақсадга мувофиқ маҳсулот беришга мойиллиги каби хусусиятлари ҳам уларнинг конституциясига боғлиқ. Ҳар қайси ҳайвон конституциясининг ўзига хослиги ташқи қиёфасида, гавдасининг тузилишида ва физиологик жараёнларнинг маълум йўналишда боришида, моддалар алмашиниши характеристида ифодаланади.

Ҳайвонлар экстеръери – экстеръер ҳайвоннинг ташқи тузилиши характеристидир. Ҳайвонга баҳо беришда унинг экстеръери катта аҳамиятга эга. Ҳайвон танасининг шакли организмнинг ўзига хос хусусиятларини маълум даражада акс эттиради. Ҳайвонларнинг экстеръерига қараб уларнинг конституция типи, кандай маҳсулот олиниши ва қайси йўналишда боқилиши аниқланади. Ҳайвоннинг экстеръери камчиликларсиз, шунингдек, нуқсонли бўлиши мумкинки, булар насл бериш ёки маҳсулдорлик қимматини пасайтириб юборади. Шунинг учун ҳайвонга баҳо беришда экстеръери муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеж – муайян мол бозор нархларининг келгусидаги ўзгаришларидан харидор ва сотувчини суғурталаш мақсадида тузиладиган муддатли битим.

Ҳежсер – нарх-навонинг ноқулай ўзгаришларидан суғурталанишга имкон берувчи биржা операцияларини амалга оширувчи шахс.

Химоя қилинган жой – ер майдони жиҳозланиб, сунъий ёки табиий иқлим шароити ҳосил қилиниб, барча мавсумларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган жой.

Химоянинг номинал коэффициенти – бу ички нархларнинг жаҳон нархларига нисбати.

Ҳисобга олиши – аниқ ишлаб чиқариш-сотиш жараёнлари, уларнинг натижалари, фойдаланилган ресурслар ва ҳоказолар тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш, уни рўйхатга олиш, тўплаш, қайта ишлашдан иборат бўлган бошқарув вазифаси.

Хужжат – қайд этилган ахборотни ўз ичига оладиган ва маълум ҳуқуқий аҳамиятга эга моддий тарқатувчи.

Хужжатлаштирилган аккредитив – ҳақ тўланадиган молнинг тақсимот ҳужжат-лари кўрсатилган пайтда банк ҳақ тўлайдиган аккредитив.

Хужжатлаштириши – белгилangan шакллар бўйича керакли ахборотни ёзишни ифода этадиган бошқарув жараёнини амалга оширишнинг мажбурий шарти.

Хужжатли акцепт кредити – четдан мол келтирувчилар ва четга мол чиқарувчилар мазкур банка тўловга тақдим этилган ўз векселларини банкка ўтказиш йўли билан оладиган банк кредити.

Хужжатни рўйхатга олиши – ҳужжатга индекс бериш ва у ҳақида тегишли маълу-мотларни қайд этиш йўли билан уни яратиш ёки олишни қайд этиш.

Хужжатнинг ахборот сигими – ҳужжатга киритилган ва маълум маънога эга дискрептор сўзлар ҳамда сўз бирикмалари сони билан аниқланадиган ахборотнинг аниқ сони.

Хужжатнинг ахборот ҳажми – ҳужжат ичидаги ҳисобга олиш-чоп этиш ва рақлари, сатрлар ва белгилар сони.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун). - Т.: Ўзбекистон, 2002
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ташқи иқтисодий фаолият түғрисида. 1991 йил 14 июнь. Т.: Адолат, 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш түғрисида. 1991 йил 19 ноябрь. Т.: Адолат, 2003.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси./ Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. Т.: «Шарқ», 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Дехқон хўжалиги түғрисида./ Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. Т.: «Шарқ», 1998.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) түғрисида. / Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. Т.: «Шарқ», 1998.
7. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари түғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 14 апрель 1999 йил. – Т.: 1999.
8. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хўжалиги түғрисида. (Янги таҳрири). 26.08.2004 йил. Т.:Адолат,2004.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари түғрисида»ги Фармони. 2003 йил 24 март. 3226-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси түғрисида»ги Фармони. 2003 йил 27 октябр.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни қўпайтириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-4041 Фармони. 2008 йил 20 октябр
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжаликлиари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида маҳсус комиссияни ташкил қилиш түғрисида”ги ПФ-3077 фармойиши. 2008 йил 6 октябр
13. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 феврал Қарори. “Халқ сўзи “ -Т.:1994 йил 25 феврал.
14. 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари түғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. 30.10.2003 й. №476.
15. 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида.Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 24.12.2004 й. № 607.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб – қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури түғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси, 2008 йил 2 декабр.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида»ги Фармони./Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 493-модда.

18. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.- Халқ сўзи газетаси, 2015 йил 17 январь.
19. Каримов И.А. Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 8 июнь.
20. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.- Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 18 январь.
21. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъяят билан давом эттириш». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи газетаси, 2013 йил 19 январь.
22. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 22 январь.
23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисидаги маърузаси.- Т.:Ўзбекистон, 2010.
24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
25. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «O’zbekiston ovozi» gazetasi . 2009-yil 14 fevral.
26. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
27. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир.-Т.17.–Т.:”Ўзбекистон”, 2008.- 462- б.

28. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Каримов И. А. Мамлакатни модернизация килиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йулида. -Т.16. – Т.: "Ўзбекистон", 2008.- 190-238 б.
29. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлиланган қўшма мажлисидаги маърузаси. // Каримов И. Мамлакатни модернизация килиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йулида. -Т.16. – Т.: "Ўзбекистон", 2008 -368 б.
30. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
31. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.
32. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи.-Т.: Ўзбекистон, 1999
33. Каримов И. А. Буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
34. Каримов И. А. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т. : Ўзбекистон, 1997.
35. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.:Ўзбекистон, 1995.
36. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.:Ўзбекистон, 1993. // Каримов И.А. Том 1. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.:Ўзбекистон, 1993.
37. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.:Ўзбекистон, 1992.// Каримов И.А. Том 1. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.:Ўзбекистон, 1993.
38. Abdug'anievA., Abdug'aniev A.. Qishloq xojaligi iqdisoloyoti. Darslik.-T.:O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006. – 288 b.
39. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
40. Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA ,USDA, 2000.
41. Hakimov R. Agrosanoat majmuasi iqtisodiyoti –Т.:MCHJ “RAM-S”.- 2007. 367 b.
42. Shodmonov Sh. Sh., G'afurov U. V. “Iqtisodiyot nazariyasi”(darslik). -Т.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2005. -784 b.
43. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.
44. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.Дарслик. Т. 2009.
45. Бусел И.П. Агробизнес: Учебное пособие- Минск, 2009.
46. Вахабов А. В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши.-Т.: «Молия», 2002.-289 б.
47. Жўраев Ф. – Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Дарслик. – Т.: Истиқлол, 2004. – 343 б.

48. Кандиус В.А.. Экономика агропромышленного комплекса: учебное пособие // М.: Кнорус, 2010. – 544 с.
49. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик / А. Ўлмасов, А.В.Ваҳобов. - Т.: “Шарқ” нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2006. — 480 б.
50. Иқтисодиётнинг аграр сектори. Т.Жўраев, Ш.Аллаяров, Х.Асатуллаев, Т.Умаров.Т Маъruzalар матни.-Т.:ТМИ, 2012.
51. Назаренко В.И. Продовольственная безопасность: (в мире и в России) /Рос. акад. наук, Ин-т Европы. –М.: Памятники исторической мысли, 2011.284 с
[URL: http://z3950.ksu.ru/bcover/0000690287_con.pdf](http://z3950.ksu.ru/bcover/0000690287_con.pdf)
52. Попов Н. А. Экономика сельского хозяйства: Учебник. – М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2000.- 367 с.
53. Сайдова Д.Н. Фермер хўжаликларида даромадларнинг шаклланиши ва тақсимланиши. Монография. Т.:Фан ва технология, 2014. -157 б.
54. Салимов Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И., Арипов И.М. Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
55. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-куватлаш. Монография: ТДИУ, 2011.
56. Саматов Г.А, Рустамова И.Б, Шерипбаева У.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. Дарслик.-Т: Чолпон нашриети. 2012 й. 320 б
57. Серова Е. В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 1999. –480 с.
58. Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация: Учебное пособие. - 3-е изд., испр. И доп. - М.: Издадельско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2005. – 364 с. 2-экз.
59. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма./Акад. М.Шарифхўжаевнинг илмий таҳрири остида.-Т.:«Ўқитувчи», 2002.-288 б.
60. Устойчивое развитие сельского хозяйства и сельских территорий: Зарубежный опыт и проблемы России. – М.: Т-во научных изданий КМК. 2005 – 615 с.
61. Фармонов Т. Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004 — 144 б.
62. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. / Ў.П.Умурзоков, А.Ж.Тошбоев, А.А.Тошбоев.-Т.: «Иқтисод-Молия», 2007.
63. Ҳакимов Р., Отакулов М., Юсупов Э., Юсупов М. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. – 160 б.
64. Экономика отраслей АПК/ И.А. Минаков, Н. И. Куликов, О. В. Соколов и др. ; Под ред. И. А Минакова. – М.: Колос С, 2004. -464 с.
65. Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида): Иқт.фан. докт ... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ., 2001.-40-б.
66. Акромов Б. Фермер хўжаликлири фаолиятида қайта ишлашни ривожлантириш // Bozor, Pul va kredit. – Тошкент, 2009. -№12 (151).- Б. 21-24.
67. Ваҳобов А. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни // Бозор, пул ва кредит - Тошкент, 2009. №10 (149). - Б. 18-21.
68. Намозов А.. Аграр соҳада инвестициялардан унумли фойдаланиш-давр талаби //O’zbekiston qishloq xo’jaligi Тошкент, 2009.- №6.-. Б. 29.
69. Qushimov B., Ganiev I., Rustamova I., Xaitov B. Islam K.R. Land degradation by agricultural activities in Central Asia. Jurnal. Climate Change and Terrestrial Carbon Sequestration in Central Asia. USA. 2007. 137-146 p

70. Қахаров А., Хушвақтов А., Шаптаков Э., Сатторов Ф.Р. Турли зот ва зотдорликдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини иқтисодий кўрсаткичлари ва инновацион фаолият.// Қишлоқ хўжалигидаги худудий инновацион тизимлар. Халқаро конференция материаллари тўплами. - Самарқанд. 2015. -199-201 б.
71. Жуманиёзова Ю, Иброҳимов Н, Ж.Рўзимов, Ж.Хайитбоев, И.Курязов. Азотли ўғитларнинг самарадорлигини ошириш ҳар бир фермер учун: диагностиканинг одий ва сердаромад усулидир. Журнал. Ер, энергия, биохилмажиллик.№5. 2014. 7-10 б.
72. Нурбеков А. Қай тариқа чиқимларни камайтириб, ҳосилдорликни ошириш мумкин? Журнал. Ер, энергия, биохилмажиллик.№5. 2014. 3-6 б.
73. Rustamova I.B. Prioritized Model of Organization Informational –Consultative Center in the Agrarian Sector. Сборник международной конференции. Таврийского Государственного агротехнологического университета. (Экономические науки). №4. Мелитополь. 2009 г. 153-162 стр.
74. Рустамова И.Б. Эффективность использования системы информационно-консультационной службы. Журнал. «Экономический вестник Узбекистана» №5, 2013 г. 79-82 стр.
75. Rustamova I.B. Experience of information and consultation service (extension) in Uzbekistan. Workshop on Developing knowledge-sharing partner-ships in Europe and Central Asia. FAO-REU Szent Istvan University. 4-6 December, 2013 Budapest, Hungary. www.agrowebcee.net/hu
76. Рустамова И.Б. Қишлоқ хўжалигидаги инновациялар трансфертинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Журнал. Иқтисодиёт ва таълим. №4. 2014. 42-46 б.
77. Rustamova I.B. Information and consultation services in agriculture as a mechanism for the transfer of innovation. International conference "Regional Economic Cooperation in Central Asia: Agricultural Production and Trade (ReCCA)" in Halle (Germany). 2014. www.iamo.de
78. Рустамова И.Б. Экономическая оценка ресурсосберегающих технологий на богарных землях. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашда илгор агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш: муаммо ва ечимлар. Илмий амалий анжумани мақолалари тўплами. ТошДАУ. 2015. 173-175 б.
79. Рустамова И.Б. Суғориладиган ерларда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Журнал. Ўзбекистон аграр фани ҳабарномаси. –Т.; ТошДАУ. 2015 й. 39-43 б.
80. Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А., Деконова Н.С., Ахмедова В. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиети. Ўқув кўлланма. - Т.: ТошДАУ, 2015. – 174 б.
81. Рустамова И.Б., Симонян Л.Г. Экономика сельского хозяйства. Учебное пособие.- Т.; ТашГАУ. 2015. 156 с.
82. Сайдова Д.Н., Ботиров Ж.А. Ислоҳотларнинг муҳим бўғини. Журнал. Ўзбекистон аграр фани ҳабарномаси. –Т.: ТошДАУ. 2015. № 1.-107-113 б.
83. Сайдова Д.Н., Расурова Д.Г.. Проблемы обеспечения продовольственной безопасности в Республике Узбекистан. Журнал. Ўзбекистон аграр фани ҳабарномаси. –Т.: ТошДАУ.- 2015. № 2.- 91-94 б.
84. Саламов И.С., Назарова М.Ш., Хожиев Ё.П. Сабзавот-полизчиликда инновацион технологияларни жорий этиш имкониятлари.// Қишлоқ хўжалигидаги худудий инновацион тизимлар. Халқаро конференция материаллари тўплами. - Самарқанд. 2015. -297-300 б.
85. Санаев С.Т. Картошка навларини ўстиришда тежамкор технологиялар.// Қишлоқ хўжалигидаги худудий инновацион тизимлар. Халқаро конференция материаллари тўплами. - Самарқанд. 2015. -293-294 б.

86. Технологии и подходы по устойчивому управлению земельными ресурсами. Сборник Международного центра по сельскохозяйственным исследованиям в засушливых зонах (ИКАРДА), Проекта «Управление знаниями» в рамках II-й фазы Инициативы стран Центральной Азии по Управлению земельными ресурсами (ИСЦАУЗР). 2014. 201 с.
87. Ташкузиев М.М. Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институти. VI-Инновацион ғоялар, технологииялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси Каталоги.
88. Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё давлатлари ташаббуси II босқичи доирасида “Билимларни бошқариш” лойиҳаси. // Ерларни унумдорлигини ошириш агротехнологиялар бўйича Ташкузиев М.М, Очилов С.К., Бердиев Т.Т., Шербеков А.Аларнинг тадқиқот натижалари. Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институти. 2015 й.
89. Хакбердиев О.Э. Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институти. III-Инновацион ғоялар, технологииялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси Каталоги.
90. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари
91. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари
92. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳуқумат портали
93. www.agro.uz - Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти
94. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мутьёрий ҳужжатлари сайти
95. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти
96. www.ceer.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодиёт маркази расмий сайти
97. www.agriculture.uz – Ўзбекистон агроаҳборот тизими портали.
98. www.agrowebcee.net/awuz - Ўзбекистон агроаҳборот тизими сайт навигатори.
99. www.fao.org - Озиқ-овкат ва қишлоқ хўжалиги халқаро ташкилотининг (FAO) расмий сайти
100. www.icarda.org - Қурғокчилик худудларда қишлоқ хўжалиги тадқиотлари бўйтчп халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти
101. www.cacilm.org -
102. www.cacaari.org – Марказий Осие ва Кавказ қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқотлари институтлари уюшмаси (CACAAARI)
103. www.sgp.uz – Глобал экологик жамғарма кичик грантлар Дастури сайти
104. <http://www.agro-sistema.ru> -
105. <http://no-till.ru> – Нулевая технология
106. <http://www.zerno-ua.com> - Беспаҳотная обработка почвы в Австралии: причины популярности.
107. www.undp.uz